

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**“ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”**

Республика илмий-амалий конференция тўплами

ТОШКЕНТ – 2022

Масъул муҳаррир
техника фанлари номзоди, доцент О.Т.Ахмедов

Х-98 **Ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг долзарб масалалари:** Республика илмий-амалий конференция тўплами / Масъул муҳаррир техника фанлари номзоди, доцент О.Т.Ахмедов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2022. – **225 б.**

Ушбу тўпланда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институтида «**Ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг долзарб масалалари**» мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий конференциясининг материаллари жамланган. Хусусан, тўпланда ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари ҳамда бугунги кунда мавжуд бўлган долзарб муаммолар, уларнинг ечими борасида илмий жамоатчилик ва соҳа мутахассисларининг фикр, мулоҳазалари баён этилган.

Тўпланим профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, тадқиқотчилар, амалиёт ходимлари, тингловчилар ва барча қизиқувчиларга мўлжалланган.

УДК 343.9(571.1)(063)

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Демократик йўлдан дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг энг улғ мақсади аввало, халқимизнинг манфаатларини кўзлаган ислохотларни амалга оширишга қаратилгани билан эътиборлидир. Бу жиҳатлар Конституциямизда ҳам мустаҳкамлаб кўйилган. Жумладан, Конституциямизнинг II-боб 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади” дейилган.

Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигининг тан олинганлигини айниқса, инсон ҳуқуқларини олий қадрият сифатида эътироф этган БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини, Иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактни, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактни, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча биринчи Факультатив протоколни, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча иккинчи Факультатив протоколни ратификация қилинганлигини ва ушбу халқаро ҳуқуқ нормалари асосида миллий қонунчилик ҳужжатларимиз яратилаётганлигини амалий исбот сифатида кўришимиз мумкин.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда¹.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг ва Бола ҳуқуқлари бўйича Омбудсманнинг ташкил этилиши ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни нечоғлик даражада аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида юртимизда болаларни мажбурий меҳнатга жалб этилиши, аёлларнинг гендер тенглигини бузилиши, мажбурий меҳнат ҳолатларига йўл кўйилганлиги, маҳкумларнинг ҳуқуқларини бузилганлиги, фуқароликка эга бўлиш ва бошқа шу сингари халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш бўйича юзага келган айрим салбий ҳолатлар халқаро ҳамжамият томонидан танқидга учраб турар эди.

Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган демократик ислохотлар шунингдек, очиқ, изчил ва прагматик ташқи сиёсат мамлакатимизнинг халқаро

* Малака ошириш институти бошлиғи полковник, техника фанлари номзоди, доцент

¹ <https://lex.uz/docs/4872355>

нуфузи жадал ўсишига хизмат қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон бугунги кунда БМТ Тараққиёт дастурининг “Инсон камолоти” индексида 106-ўринни, Жаҳон банкининг бошқарув сифати индикаторларининг сиёсий барқарорлик ва зўравонлик йўқлиги субиндикатори бўйича 136-ўринни, “Жаҳон одил судлов лойиҳаси” халқаро ноҳукумат ташкилотининг ҳуқуқ устуворлиги индексининг асосий ҳуқуқларини таъминлаганлиги индикатори бўйича эса 110-ўринни эгаллаб турганлигида кўришимиз мумкин.

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида барча мақсад ва вазифалар инсон ҳуқуқлари билан ҳамоҳанг равишда амалга оширилиши асосий устувор ғоя сифатида белгиланганлиги бежиз эмас.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб бориш мақсадида 2020 йил 22 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармони қабул қилинди ва ушбу фармон асосида “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси”, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси», “БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари хабарномалари ва қарорларини кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги Низом”и тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасида “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция, “Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисида”ги Конвенция қоидалари, “Мажбурий меҳнатни барча турларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенциялардаги қоидаларга ва бошқа инсон ҳуқуқларига оид халқаро нормаларга риоя қилинишини таъминланиши муносабати билан ҳамда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминланиш даражасининг ижобий томонга ўзгарганлиги муносабати билан 2020 йилда тарихда биринчи мартаба БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг кузатув кенгашига аъзолигига 3 йил муддатга, яъни 2020-2022 йилларга сайланди.

Дарҳақиқат, инсоннинг фуқаролик, шахсий, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг халқаро ҳамжамият томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилаётганлиги олиб борилаётган очиқ ва прагматик ташқи ва ички сиёсатнинг нақадар тўғри эканлигининг исботидир.

Яқинда АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги “махсус кузатувдаги давлатлар” рўйхатидан чиқарилгани ҳам кенг қўламли демократик ислохотларнинг амалий натижасидир.

Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг олий минбаридан илгари сурган устувор мақсади - инсон ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришга бўлган

глобал ва минтақавий ташаббусларнинг дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланаётгани ва ҳаётга жорий этилаётгани барчамизга чексиз фахр ва ифтихор бахш этади, албатта.

Инсонни шахси ва шаънини паймол қилиш, ор-номуси ва кадр-қимматини топташ ҳамда хўрлаш бевосита қийноққа солиш орқали амалга оширилади.

Халқаро ҳуқуққа кўра қийноқлар инсониятга қарши жиноятдир. Бу борада қабул қилинган барча ҳужжатларда қийноқлар қатъиян тақиқланади ҳамда қийноққа солиш ҳолатини оқлашга ҳеч қачон, ҳар қандай усулда ҳам йўл қўйилмайди.

Ҳар қандай жамиятда хўрланган, камситилган ёки кимдир томонидан қийноққа солинган одамларни учратиш мумкин. Умуминсоний қадриятлар бундай ҳолларни кескин қоралайди, албатта. Нафақат фуқароларнинг, балки дунё аҳлининг ҳурматига лойиқ бўлишни истаган давлат эса инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш тизимини яратади.

Қийноққа қарши кураш борасидаги ҳуқуқий тақиқнинг дастлабки тамал тоши Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида қўйилган бўлиб, декларациянинг 5-моддасида ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги кераклиги қайд этиб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас” деб белгилаб қўйилган.

БМТ ва унинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августда Қийноққа қарши конвенцияни ратификация қилган ва шу сабабли қийноқларни муайян одамлар томонидан бошқаларга нисбатан қўлланадиган энг ғайриинсоний қилмиш сифатида мамлакатимиз томонидан ҳар доим қоралаб келинади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини олий қадрият сифатида эътироф этган ҳолда уни мустаҳкамлашга ва қийноқни барча шаклларида барҳам беришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилишига қарамасдан, суриштирув, терговга қадар текширув ва дастлабки тергов жараёнида учраб тураётган қийноқ ҳолатлари, жумладан, Андижон шаҳар ички ишлар бўлими, Чирокчи тумани ички ишлар бўлимида содир бўлган қийноқ ҳолатлари бўйича суд томонидан чиқарилган ҳукмлар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида берилган маълумотлар ҳеч кимга сир эмас.

Янги Ўзбекистонни халқаро майдондаги имиджини юқори поғоналарга кўтариш учун барча давлат органлари қаторида ички ишлар органларига ҳам катта масъулият ва жавобгарлик юклатилмоқда. Ҳеч бўлмаса, мамлакатимизни халқаро ҳамжамият олдидаги нуфузини кўтаришга қудратимиз етмаса ҳам, уни обрўсини туширишга қаратилган ҳаракатлардан тийилиш ҳар бир ички ишлар органлари ходимларининг ҳозирги кундаги масъулиятли вазифаси бўлиши лозим, десак муболаға бўлмайди.

Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августда “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция”ни ратификация қилган ва

Жиноят кодексининг 235-моддасига “Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш” жиноят тури сифатида киритилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йил 22 февралда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида «...биз одамнинг кадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўймаймиз. Бундай жиноятлар қачон содир этилганидан қатъий назар, улар учун жазо муқаррардир...» деб алоҳида таъкидлади¹.

Президентимиз халқаро ҳамжамиятга мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан инсон ҳуқуқларининг таъминланиши, айбни исботлаш жараёнида қийноқ ҳолати умуман қўлланмаслиги ҳақида таъкидлаб ўтди. Бунинг амалий исботи сифатида, 2021 йил 26 июнь кунги “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5163-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда қийноққа солишнинг барвақт олдини олиш, у билан боғлиқ муурожаатларни тезкор равишда холисона кўриб чиқиш, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга мониторинг ташрифларини мунтазам амалга ошириш бўйича самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш ишларини давом эттириш лозимлиги таъкидланиб, тизим самарадорлигини ошириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳузуридаги эксперт гуруҳи негизида Омбудсман ҳузуридаги қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари ташкил этилди.

Шунга кўра, Омбудсман томонидан қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳи билан биргаликда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга “мониторинг ташрифлари”ни амалга ошириш тизимли йўлга қўйилиб, 2021 йилнинг **11 ойи** давомида **125 маротаба** мониторинг ташрифлари амалга оширилди. Ушбу ташрифларнинг **57 таси** жазони ижро этиш муассасаларида, **21 таси** тергов ҳибсхоналарида, **11 таси** вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида, **5 таси** маъмурий қамоққа олинганларни сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарда, **5 таси** муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация этиш марказларида ва **1 таси** вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида ўтказилган.

Мониторинг ташрифлари давомида ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда ушлаб турилган **3,5 минг нафарга яқин** шахс билан жамоавий учрашувлар ва **738 нафар** шахс билан яқка тартибда суҳбатлар ўтказилган.

Ташрифларда ёпиқ муассасаларнинг шахсларни сақлаш шароитлари, хусусан яшаш ва овқатланиш, меҳнат қилиш, тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолати ва сифати, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар учун олиб борилаётган

¹ <https://www.gazeta.uz/uz/2021/02/22/un-human-rights/>

маънавий-маърифий ишлар, коронавирус пандемияси даврида санитария-гигиена талабларига риоя этилаётганлиги ҳамда таълим-тарбия бериш ва бошқа шу каби ҳолатлар ўрганилган.

Шу билан бир қаторда, мониторинг ташрифларини амалга ошириш давомида бир қатор камчиликлар аниқланди.

Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура томонидан тақдим этилган маълумотномаларга кўра, мониторинг ташрифлари давомида аниқланган камчиликларга йўл қўйган 3 нафар ходимга нисбатан интизомий жазо қўлланилган, 3 нафар ходим интизомий кенгашларда муҳокама қилинган ва 1 нафар ходим огоҳлантирилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан камчиликларга йўл қўйилгани учун 4 нафар ходимга интизомий жазо берилган ҳамда ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўрилган.

Шунингдек, маҳкумлар томонидан оиласига кўмак кўрсатиш масаласида келиб тушган мурожаатлар юзасидан тегишли ҳокимликлар томонидан Омбудсманнинг хатига асосан, 11 нафар маҳкумнинг оила аъзоларига ижтимоий-моддий кўмак кўрсатилган ҳамда 13 нафар маҳкум истисно тариқасида яшаш жойига яқин бўлган ҳудуддаги жазони ижро этиш колониясига кўчирилган. Омбудсман номига ёпиқ муассасаларда сақланаётган шахслар, уларнинг яқин қариндошлари ҳамда адвокатлари томонидан 6 104 та мурожаат келиб тушган, уларнинг 2 119 таси бевосита ёпиқ муассасаларда сақланаётган шахсларнинг мурожаатларидир. Шикоятлар юзасидан ўтказилган хизмат текшируви якунларига кўра, 4 та ҳолатда суриштирув ва тергов ҳаракатларида интизомни бузгани учун ички ишлар органларининг 7 нафар ходимига чора кўрилган¹.

Мамлакатимизда қийноқ ҳолатларини олдини олиш мақсадида қийноққа солиш жинояти бўйича ЖКнинг 235-моддасида жавобгарлик ҳам кучайтирилди, жумладан, ЖКнинг 235-моддаси биринчи қисми бўйича 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазо белгиланди. Илгари максимал жазо 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш бўлган. ЖКнинг 235-моддаси иккинчи қисмида эндиликда 5 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилади. Агар ушбу ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, 7 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Муқаддам энг максимал жазо саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланар эди².

Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, айниқса ички ишлар органлари ходимларнинг хизмат фаолиятида қийноқни ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш ва қийноқни олдини олиш бўйича долзарб вазифалар юклатилди, шунингдек масъулияти ва жавобгарлиги оширилди.

Эндиликда, ходимлар нафақат қийноқни бевосита содир этиши, ҳаттоки қийноқ ҳолатини гувоҳи бўла туриб, уни олдини олмаса ёки содир бўлган қийноқ ҳолати ҳақида тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар

¹ [https://daryo.uz/k/2022/04/21/Ўзбекистонда маҳбусларни қийноққа солган 7 нафар ИИО ходими жазоланди/](https://daryo.uz/k/2022/04/21/Ўзбекистонда%20маҳбусларни%20қийноққа%20солган%207%20нафар%20ИИО%20ходими%20жазоланди/)

² <https://www.gazeta.uz/uz/2018/04/09/қийноқ/>

бермаса ҳам жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлиши жиноий қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ИИВ Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари зиммасига Институтга таҳсил олиш учун келаётган ҳар бир тингловчига инсон ҳуқуқлари бўйича батафсил билим бериш, айниқса қийноқ ҳолатларига оид жавобгарлик бўйича жиноят қонунчилигига ва бошқа соҳавий қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар хусусида батафсил маълумот бериш лозим, негаки амалиётдаги ходимлар томонидан қонунчиликларга киритилган ўзгартишларни билмаслик оқибатида ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда жавобгар бўлиб қолиши мумкин.

Юриспруденциядаги “қонунни билмаслик жавобгарликдан озод этмайди” принципига кўра, жавобгар бўлиб қолишни олдини олиш ҳамда ходимларни етарли даражада ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий саводхонликка эга бўлишларига эришиш мақсадида Институтнинг барча профессор-ўқитувчилари уларга қонунчиликдаги охирги ўзгартишлар, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий қонунчилик ҳужжатлари бўйича тўлақонли билим бериши лозимдир.

Мақоламиздаги хулосамиз шуки, Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида изчил олиб борилаётган давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш ва унга амал қилиш ҳар бир ички ишлар органлари ходимининг асосий вазифаси ва бурчи ҳисобланади.

*И.Т. Тультеев**

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА ОРГАНАМИ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ В УСЛОВИЯХ ЧРЕЗВЫЧАЙНОГО ПОЛОЖЕНИЯ

Обеспечение прав и свобод человека является основной обязанностью органов внутренних дел (далее – ОВД), в том числе в условиях чрезвычайного положения. Наличие полномочий властного принуждения не только влечет осуществление ими многообразной деятельности по защите прав и свобод человека, но также потенциально порождает угрозу их систематического нарушения. Как показывает зарубежная практика (Казахстан и др.), неудовлетворительный уровень обеспечения прав человека правоохранительными органами, непрофессиональные действия их сотрудников могут стать одним из катализаторов недовольства и протестных настроений населения. Следовательно, указанные вопросы должны внимательно отслеживаться и изучаться.

Обязанность обеспечения ОВД прав человека проистекает из норм Конституции Республики Узбекистан и законов страны. Так, статья 43 Конституции и ст. 4 Закона «Об органах внутренних дел» закрепляют в качестве прямой обязанности ОВД обеспечение прав и свобод человека. ОВД

* д.ю.н., профессор

составляют целостную систему государственных учреждений, выполняющих правоохранительную функцию на постоянной основе, включая режим чрезвычайного положения.

Ст. 93 Конституции прямо относит к компетенции главы государства введение в исключительных случаях (реальная внешняя угроза, массовые беспорядки, крупные катастрофы, стихийные бедствия, эпидемии) чрезвычайного положения в интересах обеспечения безопасности граждан. Оно может вводиться как на всей территории или в отдельных местностях страны. Президент страны должен в течение трех суток внести принятое решение на утверждение палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан. А согласно ст. 78 Конституции страны, к совместному ведению обеих палат Олий Мажлиса отнесено утверждение указов Президента об объявлении общей или частичной мобилизации, о введении, продлении и прекращении действия чрезвычайного положения.

Условия чрезвычайного положения регулируются Конституционным Законом Республики Узбекистан «О чрезвычайном положении». В ст.3 закона дано понятие чрезвычайного положения: «временно вводимый в соответствии с Конституцией Республики Узбекистан на всей территории или в отдельных местностях Республики Узбекистан особый правовой режим деятельности органов государственного управления, органов государственной власти на местах, органов самоуправления граждан, негосударственных некоммерческих организаций и иных организаций независимо от организационно-правовой формы и формы собственности, их должностных лиц, допускающий установление предусмотренных настоящим Конституционным Законом отдельных ограничений прав и свобод граждан Республики Узбекистан, иностранных граждан и лиц без гражданства, а также прав юридических лиц и возлагающий на них дополнительные обязанности»¹.

Как видим, чрезвычайное положение характеризуется особым правовым режимом деятельности органов государства, в том числе в сфере обеспечения прав человека. Введение чрезвычайного положения может сопровождаться применением временных ограничений некоторых прав и свобод человека. Вместе с тем, введение таких ограничений не должно наносить ущерба общему состоянию прав личности. Это означает, что такое ограничение имеет установленные законом границы, соблюдение которых является важным требованием данного правового режима. Необходимо указать, что режим чрезвычайного положения в нашей стране никогда не вводился, поэтому отсутствует правоприменительная практика деятельности в этом правовом режиме.

Важность рассматриваемого вопроса подтверждается положением закона о том, что Республика Узбекистан в трехдневный срок уведомляет Генерального секретаря ООН об объеме временных ограничений гражданских и политических прав человека и условиях введения чрезвычайного положения.

¹ См.: Конституционный закон Республики Узбекистан от 15.12.2021 года № ЗРУ-737 «О чрезвычайном положении» / Национальная база данных законодательства, 16.12.2021 г., № 03/21/737/1163.

Закон закрепил следующие ограничения прав в условиях ЧП: ограничения на свободу передвижения; ограничения на осуществление отдельных видов деятельности, включая реализацию товаров, выполнение работ и оказание услуг; запрещение или ограничение проведения собраний, митингов, уличных шествий или демонстраций, а также иных массовых мероприятий; ограничение движения транспортных средств; проведение личного досмотра человека, досмотр вещей, жилища и транспортных средств; временное изъятие у граждан оружия и боевых припасов; выдворение лиц, нарушающих режим ЧП и не проживающих на территории, где оно введено, за ее пределы. ОВД вправе лиц, нарушивших правила комендантского часа, задерживать до окончания комендантского часа, а лиц без документов - на срок не более двадцати четырех часов.

Кроме того, запрещено проведение выборов и референдумов до окончания режима ЧП. Установление ограничений прав и свобод человека и дополнительных обязанностей должны осуществляться в соответствии с законом. Они не должны противоречить международным договорам страны в области прав человека. В любом случае режим чрезвычайного положения не может быть основанием для ограничения прав и свобод, закрепленных статьями 24, 25, 26, 30, 31, 44 и ч. 1 ст. 27 Конституции.

Вышеуказанные ограничения являются исчерпывающими, расширительному толкованию не подлежат, а установление других ограничений не допускается. При этом прекращение действия чрезвычайного положения влечет за собой прекращение административного производства по делам о нарушении режима ЧП и немедленное освобождение лиц, подвергнутых административному задержанию или аресту. Правосудие осуществляется только судом, создание чрезвычайных судов, применение чрезвычайного судопроизводства не допускаются.

Всеобщая декларация прав человека (п. 2 ст. 29) гласит: «при осуществлении своих прав и свобод каждый человек должен подвергаться только таким ограничениям, которые установлены законом исключительно с целью обеспечения должного признания и уважения прав других и удовлетворения справедливых требований морали, общественного порядка и общего благосостояния в демократическом обществе»¹. Под правовыми ограничениями понимаются установленные в праве границы, в пределах которых субъекты права должны действовать, это есть сдерживание их правомерного поведения определенными рамками². Эти границы должны определяться, исходя из соотношения ограничения и охраняемого законом права или свободы. Например, границы ограничения свободы передвижения (ст. 12 закона) определяются пределами крайней необходимости.

¹ Всеобщая декларация прав человека. Принята резолюцией 217 А (III) Генеральной Ассамблеи ООН от 10 декабря 1948 года / https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml, режим доступа свободный, дата обращения 17 марта 2022 г.

² См.: Лебедев В.А. Конституционные основы ограничений прав и свобод человека и гражданина // LEX RUSSICA. № 1 (122), январь 2017. – С. 131 – 132.

Так, в условиях чрезвычайного положения в определенной местности, может возникнуть ситуация, требующая выезда из данной местности для немедленного доставления тяжело больного человека в лечебное учреждение. В такой ситуации сотрудник органов внутренних дел, признавая наличие вышеуказанного ограничения, может с учетом степени реальной опасности охраняемого Конституцией блага (жизнь человека), признать нарушение ограничения свободы передвижения не соразмерным имеющейся угрозе жизни человека.

Деятельность ОВД, ограничивающая права, свободы и законные интересы граждан, немедленно прекращается, если достигнута законная цель или выяснилось, что эта цель не может или не должна достигаться путем ограничения прав, свобод и законных интересов граждан. Сотруднику ОВД запрещается прибегать к пыткам, насилию, другому жестокому или унижающему человеческое достоинство обращению. Он обязан пресекать действия, которыми гражданину умышленно причиняются боль, физическое или нравственное страдание¹.

Закон «Об органах внутренних дел» лишь в общих чертах регламентирует их деятельность в условиях чрезвычайного положения. Так, ОВД обязаны: принимать при авариях, катастрофах, пожарах, стихийных бедствиях и других чрезвычайных ситуациях неотложные меры по оповещению населения, спасению людей, оказанию им первой медицинской помощи, производству оцепления (блокирования) необходимых участков местности, а также выполнять задачи по охране имущества, оставшегося без присмотра; участвовать в обеспечении правового режима чрезвычайного положения в случаях введения его на территории Республики Узбекистан или в отдельных ее местностях². Однако порядок и формы такого участия, тем более - в контексте защиты и ограничения прав и свобод человека, не нашли отражения в законе. Среди прав ОВД, перечисленных в ст. 17 закона, не указаны правомочия в условиях ЧП, тогда как, например, детализированы права ОВД в условиях проведения антитеррористической операции.

К сожалению, ни в законе «Об органах внутренних дел», ни в Конституционном законе «О чрезвычайном положении» практически не регламентирован порядок деятельности ОВД, в т.ч. относительно особенностей обеспечения и защиты прав человека, в условиях чрезвычайного положения. В законе «О чрезвычайном положении» отсутствуют конкретные положения касательно деятельности ОВД, лишь ст. 21 указывает, что для обеспечения режима чрезвычайного положения используются силы и средства Министерства внутренних дел. Считаю целесообразным привести исчерпывающий порядок деятельности ОВД в условиях данного особого правового режима в законе «Об органах внутренних дел».

¹ См.: Закон Республики Узбекистан от 16.09.2016 года № ЗРУ-407 «Об органах внутренних дел» / Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2016 г., № 38, ст. 438; 2017 г., № 24, ст. 487, № 37, ст. 978, Национальная база данных законодательства, 24.05.2019 г., № 03/19/542/317, 2019 г., № 2, ст. 47, 05.09.2019 г., № 03/19/563/3685, 11.09.2019 г., № 03/19/566/3734; 30.10.2019 г., № 03/19/575/3972; 25.12.2019 г., № 03/19/597/4193.

² См.: Закон Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел».

Ещё одним важным моментом в деятельности ОВД по обеспечению прав человека условиях чрезвычайного положения является обеспечение оперативности реагирования на нарушения. Так, в случаях краж из магазинов неотложные меры должны быть направлены на поиск и задержание мародеров. Деятельность ОВД в таких особых условиях должна предотвратить панику, своевременно защитить, восстановить и гарантировать защиту прав и свобод человека.

Следует четко закрепить абсолютные права, которые ни в коем случае нельзя ограничивать даже в условиях ЧП: право на жизнь, запрет пыток и унижающего достоинство человека обращения и наказания, запрет рабства и содержания в подневольном состоянии, наказание человека строго на основании закона, habeas corpus, ампаро (право на защиту), доступ к врачу.

Итак, можно сделать вывод, что на деятельность ОВД в условиях чрезвычайного положения оказывают влияние не только некоторые ограничения прав и свобод человека, но и усиленные требования законодательства по их обеспечению и защите. Также резко возрастает вопрос соблюдения прав и свобод граждан самими сотрудниками ОВД. Хотя ограничения прав человека в таких условиях являются одним из средств восстановления правопорядка, значение задачи по обеспечению прав человека в части, в которой они не ограничены, являются весьма актуальными.

*Н.П. Азизов.**

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА “ҲАБЕАС КОРПУС АКТ” ИНСТИТУТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.

Маълумки, инсон эркинлиги шахс фаолиятининг давлат аралашиши мумкин бўлмаган маълум доираси, соҳаси ёки маконидир. Давлат инсон фақат ўз ихтиёри билан ҳаракат қиладиган ҳудудни, маконни, доирани ҳуқуқий нормалар ёрдамида белгилайди ва тартибга солади. Ушбу ҳудуднинг дахлсизлигини бузмаслик билан бирга, давлат уни бошқа шахслар тажовузидан ҳам ҳимоя қилади.

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи – ҳар бир инсон туғилиши билан қўлга киритадиган, ҳар ким эркин, ўз ихтиёри бўйича ҳаракат қилиши, ўзганинг шахсий эркинлиги ва дахлсизлигига зиён етмайдиган тарзда юриш-туришни танлаш имконини берувчи ҳуқуқдир.

Шахсининг эркинлиги жамиятдаги ахлоқ меъёрлари доирасидан чиқмаслиги ҳамда қонун асосида бўлиши керак, яъни шахс ҳар қандай ҳаракатни қонун ва қонуности ҳужжатларида ман этилмаган ва ҳуқуқий кўрсатмаларга зид келмаган тақдирда амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Конституциясида инсоннинг эркинлиги ва дахлсизлигини мустақамловчи қоидалар ўзининг ифодасини топган. Унга кўра, ҳар ким

* ю.ф.д., профессор

эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас (25-модда).

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи қонун билан кафолатланади ва фақатгина қонунда белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан чекланиши мумкин. Бундай органлар қонунга асосан шахсни ҳибсга олиши, қамоқда ушлаб туриши ва озодликдан маҳрум этиши мумкин. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактнинг 9-моддасида ушбу ҳуқуқ кафолати белгилаб берилган, яъни «жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддатда иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиш ҳуқуқига эга»¹.

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал ва жазони ижро этиш кодексларида ҳамда бир қатор бевосита ҳаракат қилувчи қонунларда мустақамлаб қўйилган. Масалан, ушбу ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг 18-моддаси 2 ва 3-қисмларида белгиланган. Унга кўра, “ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас”; “суд ва прокурор қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум этилган ёки қонун ёхуд суд ҳукмида назарда тутилганидан ортиқ муддат ҳибсда ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган ёхуд уй қамоғида бўлган ҳар қандай шахсни дарҳол озод қилиши шарт”.

Олиб борилаётган кенг кўламли ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислоҳотларга қарамай мамлакатимизда инсон эркинлиги ва шахсий дахлсизлигига тажовуз қилиш ҳолатлари учраб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганлигининг 29 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали мажлисда таъкидлаганидек, “бу йил 4 мингдан ортиқ шахс суд залидан озод қилиниб, 8 мингга яқин фуқарога нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилгани, 859 нафар шахс оқлангани суд-тергов соҳасидаги ислоҳотларимизнинг энг муҳим натижасидир”.

Бу эса инсон эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги борасида амалга оширилиши зарур бўлган ислоҳотлар кўламини белгилаб беради. “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” қабул қилинганлиги ва изчиллик билан амалга оширилганлиги бу соҳада маълум бир ижобий ўзгаришларга туртки бўлди. Умуман олганда, «Ҳаракатлар стратегияси» Ўзбекистон учун сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг энг муҳим беш устувор йўналишини амалга оширишнинг яқин истиқболга мўлжалланган муҳим миллий стратегик ҳужжат бўлиб хизмат қилди.

Инсон эркинлиги ва шахсий дахлсизлигини кафолатли ҳимояланишида Ҳаракатлар стратегиясида мужассамланган **“қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор**

¹ <https://lex.uz/docs/2640479>

йўналишлари”да ифодаланган вазифаларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади. Унда «Ҳабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш” **вазифаси** белгиланган.

Шахс эркинлигини, унинг дахлсизлигини, табиий ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлигини таъминлаш муаммоси бошқа давлатлар қатори янги даврда Англия жамиятининг муаммоларидан бири бўлган. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида Англия парламенти 1679 йилда Ҳабеас корпус акт қонунини қабул қилган. Мазкур қонун фуқаронинг эркинлигини яхшироқ таъминлаш ва қамокқа олишни олдини олиш учун демократик адолатнинг бир қатор тамойилларини ўз ичига олган, яъни ҳибсга олишда қонунга риоя этиш, айбсизлик презумпцияси, суднинг тезкорлик билан ўтказилиши қонуний амалга оширилган. Шу орқали Англия қонунчилигида фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатлар, яъни айнан полиция ва судлар фаолияти ҳуқуқий тартибга солинган.

Ҳабеас корпус (лот. ҳабеас корпус, сўзма-сўз – “танани судга келтириш”, маъносида – “ушланган шахсни судда шахсан келтиринг”) адвокатлар томонидан шахс эркинлиги ва дахлсизлигини ҳимоя қилишнинг энг муҳим воситаси сифатида қаралади. Ушбу акт номи судья қарори матнида ифодаланган латинча иборадан олинган бўлиб, "Habeas corpus ad subjiciendum", яъни "сиз (судга) маҳкумнинг шахсини (корпусини) келтиришингиз керак" деган маънони билдиради.

Ҳибсга олишга суд томонидан рухсат бериш амалиётининг жорий этилиши 1679 йил 26 майда суд томонидан ҳибсга олишнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш тартиби тўғрисидаги қонун (Ҳабеас корпус акт) чиқарилиши билан мустаҳкамланди. Ушбу Қонунда белгиланган тартибга кўра, суд (ёки фақат судья) қамокхона раҳбариятига ҳибсга олинган шахсни ҳибсга олиш сабабларини тушунтирган ҳолда олиб келиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Қамокхона маъмурияти ҳибсга олинган шахсга қамокқа олиш тўғрисидаги қарорнинг нусхасини 3-20 кун ичида (қамокда сақланаётган жойдан суд жойлашган жойгача бўлган масофага қараб) топширишлари шарт. Суд маҳкумни топширгандан сўнг, дарҳол унинг ҳибсга олиниши сабабларининг қонунийлигини текширади, гувоҳларни сўроқ қилади, тегишли ҳужжатларни текширади ва қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

биринчиси, ҳибсга олинган шахсни қамокхонага қайтариш тўғрисида;

иккинчиси, уни гаров ёки кафиллик эвазига озод қилиш тўғрисида;

учинчиси, унинг тўлиқ озод этилиши тўғрисидаги ҳужжат.

Агар суд ҳибсга олишнинг ноқонуний деб топса, ҳибсга олинган шахс ноқонуний равишда озодликдан маҳрум қилган шахс устидан судга даъво қилиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, Ҳабеас корпус акт мукамал ҳаракат механизмига эга. Ушбу қонун талаблари бузилган тақдирда, яъни “агар бирон-бир мансабдор шахс юқоридаги буйруқ (ушланганни судья ҳузурига олиб келиш ёки қамокқа олинганни озод қилиш тўғрисида буйруқ)ни эътиборсиз қолдирса, уни бажаришдан бош тортса ёки маҳкумнинг шахсини маълум қилишдан бош

тортса ёки сўров юборилгандан кейин 6 соат ичида ҳибсга олиш тўғрисидаги буйруқнинг нусхасини ушлаб турилган шахсга бермаса, шахсни қамокда тутиб турган шахс биринчи ҳуқуқбузарлик содир этганидан кейин маҳкум ёки жабрланган шахс фойдасига 100 фунт стерлинг миқдорида жаримага тортилган. Айнан шу шахсга иккинчи ҳуқуқбузарлик учун 200 фунт стерлинг миқдорида жарима солинган ва лавозимидан озод қилинган”.

Шу боис “Ҳабеас корпус акт” қонуни талабларини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида шахсни ноқонуний ушлаб турганларга нисбатан “Ҳабеас корпус акт” тўғрисидаги қонун талаблари биринчи марта бузилган тақдирда, муайян миқдордаги жарима белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Худди шунингдек, “Ҳабеас корпус акт” тўғрисидаги қонун талаблари такроран бузилган тақдирда, айбдорга нисбатан олдингига нисбатан икки баравар миқдорида жарима белгиланиши ва эгаллаб турган лавозимидан озод этилиши кўзда тутилиши лозим.

Умуман олганда, Ҳабеас корпус акт қонуни бир неча асрдан буён амал қилиб, бир томондан инсон эркинлиги ва шахс дахлсизлигини самарали қўриқлаш воситаси, иккинчи томондан мансабдор шахслар фаолиятини чекловчи муҳим механизм бўлиб хизмат қилмоқда. Шу сабабли, унинг амалга ошириш механизмини тўлиқ жорий этилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлайди.

*А.А. Матчанов.**

КАМСИТМАСЛИК, АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ, ҚАМОҚҚА ОЛИШ, ХАБАР БЕРИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЙИ-ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИДА МАЗКУР СТАНДАРТЛАРНИНГ ҚўЛЛАНИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сонли Фармони, “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июндаги ПҚ-5163-сон қарори, шунингдек, БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталари тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмларни такомиллаштириш соҳасида тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов фаолиятини амалга оширувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ходимларининг қийноққа солишга

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ташкилий-штаб фаолияти кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор, полковник E-mail: alimjan.matchanov@gmail.com

қарши курашиш, халқаро амалиёт ва миллий тажриба асосида қўллашга оид амалий кўникмаларини янада ошириш долзарб муаммо сифатида тан олиниши мумкин.

Миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштириш бўйича амалий чоратadbирлар қабул қилинди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланиши, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсини янада ошириш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинглар ва индекслардаги мавқеини яхшилашга тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1992 йилнинг март ойида БМТга аъзо бўлди, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида жаҳон ҳамжамиятига кириб борар экан, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларини устувор деб билди ва мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ қонун ижодкорлигида, айниқса инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни тўла қўллай бошлади.

Қатор халқаро ҳуқуқий нормалар, шу жумладан 1984 йилнинг 10 декабрь куни БМТ Бош ассамблеясининг 39/46 резолюцияси билан қабул қилинган “Қийноққа солиш ва бошқа шавқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши” Конвенцияси Ўзбекистон томонидан уларнинг талабларини бажаришга дастлабки йилларданок киришилган.

1995 йилнинг 31 август куни Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Қийноққа қарши Конвенциясини имзолагандан сўнг, ушбу конвенция талабларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш жараёни жадаллашган. Ундан кейинги ўзгаришлар Жиноят кодексига қийноқларни қўллаганлиги учун жиноий жавобгарликни кўзда тутувчи янги модданинг киритилиши, камоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши, ўлим жазоасининг бекор қилиниши, адвокатлар ваколатларининг кенгайтирилиши, далиллар мақбуллигига оид талабларнинг кучайтирилиши ва бошқа қатор қонунлардаги кўшимча ва ўзгартиришлар бевосита қонунларимизни халқаро стандартларга мос келишини таъминлади.

Ўзбекистоннинг таклифига биноан, БМТнинг Қийноқларга қарши кўмитасининг махсус маърузачиси ташриф буюриб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида Конвенция талабларининг бажарилишини ўрганиб кетган ва ўзининг тавсияларини берган эди. Бу масалалар йиллар давомида, ҳозирга қадар, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашида, Қийноқларга қарши кўмитасида ҳамда бошқа конвенцион органларида муҳокама қилиниб, ҳар сафар бу органлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар юзасидан ўзларининг эътироз ва тавсияларини тақдим қилишади. Ушбу тавсияларни бажариш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузурида инсон ҳуқуқлари бўйича идоралараро комиссияси БМТнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш, шу жумладан, қийноқларни олдини олишга оид тавсияларини бажаришга

қаратилган миллий режа ишлаб чиқиб, унинг бажарилишини назоратини амалга оширади. Қонунчилигимиздаги инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва қийноқларни олдини олишга оид қатор қўшимча ва ўзгартиришлар айнан ушбу тавсияларни бажариш билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №5068-сонли Фармонида бошқа масалалар қаторида далиллар мақбулликига, бошқа объектив далиллар билан тасдиқланмаган кўрсатувлар, шу жумладан гумон қилинувчи ва айбланувчининг иқрорий кўрсатувларини номақбул деб топилишига ва бошқа масалаларга эътибор қаратилган.

Камситмаслик, айбсизлик презумпцияси, қамоққа олиш, хабар беришга оид халқаро стандартлар ва Ўзбекистон Республикаси жиноий-ҳуқуқий тизимида уларнинг қўлланилиши, қийноқларни олдини олиш чоралари бўйича қуйидаги йўналишларга эътибор қаратиш лозим. Айбсизлик презумпцияси – айбдорнинг жинояти қонуний тартибда исбот қилинмагунча, уни айбсиз деб фараз қилиш. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас ёки ўзини айбдор деб кўрсатиш ҳам қонунда белгиланган тартибда айби исботланмагунча, уни айбдор деб бўлмайди. ЎЗР ЖПКнинг 23-моддасида кўрсатилишича, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак¹.

Қийноқлар ва шафқатсиз муомалалардан ҳимоя қилиш юзасидан халқаро стандартлар қуйидагилардан иборат:

1. Озодлик ҳуқуқи ва ўзбошимчалик билан қўлга олишнинг тақиқланиши. Ҳар ким шахсий озодлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум қилиниши мумкин эмас (шу жумладан, ҳибсга олиш, судгача ушлаб туриш ва қамоқда сақлаш). Ушлаб туришга ва судгача қамоқда сақлашга фақат қонун асосида йўл қўйилади. Давлатлар ўзларининг ҳудудларида ҳозир бўлган, уларнинг юрисдикцияси ва «амалий назорати» остидаги ҳар бир шахснинг озодликка бўлган ҳуқуқини ва шахсий дахлсизлигини таъминлаши керак².

2. Ушлаб туриш сабаблари ва ҳар қандай айбловлардан хабардор бўлиш ҳуқуқи. Ҳар бир ушлаб турилган шахсга қўлга олиш пайтида ушлаб туриш сабаблари, шунингдек унга қарши мавжуд бўлган ҳар қандай шубҳалар ёки

¹Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2020. – 197 б.

² Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси, 3 ва 9-моддалар. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга оид халқаро пакт, 9-модда. Барча шахсларнинг зўравонлик билан ғойиб бўлишдан ҳимоялаш бўйича халқаро конвенция, 17-модда.

айбловлар ҳақида хабар қилинади. Ҳар бир ушлаб турилган шахсга қўлга олиш пайтида ушлаб туриш сабаблари хабар қилинади.

3. *Ўз ҳуқуқларидан хабардор бўлиш ҳуқуқи.* Ҳар қандай ҳибсга олинган ёки ушлаб турилган шахс ўзига тушунарли бўлган тилда ўз ҳуқуқларидан, яъни: юридик ёрдам олиш, шифокор кўриги ва ёрдами, қариндоши ёки дўстини ҳибсга олингани ёки ушлаб турилгани ҳақида хабардор қилиш, консуллик ёки халқаро ташкилотлар билан боғланиш ёки уларни ўзининг ушлаб турилганидан хабардор қилиш, шунингдек ушбу ҳуқуқлардан қандай фойдаланиш бўйича маълумот олиш ҳуқуқидан хабардор бўлиш ҳуқуқига эга.

4. *Юридик ёрдам олиш ҳуқуқи.* Ҳар бир ушланган ёки қамоққа олинган шахс ушлаб туриш, сўроқ қилиш ёки дастлабки тергов пайтида дарҳол адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳар ким адвокатни ўз ихтиёрига кўра танлаши мумкин. Агарда ушлаб турилган шахс адвокат хизмати ҳақини тўлай олмаса, давлат бу хизматни бепул тақдим этиши керак. Ҳар бир ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс дарҳол адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига у билан суҳбат бошқалар томонидан эшитилмайдиган тарзда ёки цензурасиз, тўлиқ махфийликка риоя қилинган ҳолда мулоқот қилиш ва маслаҳатлашиш киради.

5. *Ҳимояни тайёрлаш учун етарли вақт ва имконият берилиши ҳуқуқи.* Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган ҳар қандай шахс адвокат, врач, оиласи ва дўстлари билан, агарда бу шахс чет эллик бўлса – мамлакат элчихонаси ёки консуллиги билан мулоқот учун тегишли шарт-шароитлар яратилиши ҳуқуқига эга. Бунда одил судлов манфаатлари ёки ўзи сақланаётган муассасанинг хавфсизлиги нуқтаи назаридан зарур бўлган даражадаги чекловларга ва назоратга йўл қўйилади. Жиноят содир қилишда гумон қилинаётган ва судни кутаётган ҳар бир ушлаб турилган шахсга ўз ҳимоясини тайёрлаши учун етарли вақт берилиши ва шароит яратилиши керак. Ҳимояга бўлган ҳуқуқ жиноят ишни кўриб чиқишнинг барча босқичларида, шу жумладан, тергов ҳаракатларини олиб бориш ва ишни судда муҳокама этиш босқичларида ҳам қафолатланган.

6. *Инкоммуникадо (ташқи олам билан мулоқотсиз) сақланмаслик ҳуқуқи.* Жиноят содир қилишда айбланаётган ҳар бир шахс ўз ҳимоясини тайёрлаш учун етарли вақт ва имкониятларга, шу жумладан, ўзи танлаган ҳимоячи билан учрашиш имкониятига эга бўлиши лозим. Халқаро ҳуқуқ нормалари билан яширин равишда озодликдан маҳрум қилиш, яширин ушлаб туриш, узоқ вақт давомида инкоммуникадо сақлаш, узоқ вақт камерада ёлғиз ушлаб туриш қатъиян тақиқланади. Яккалик камерада узоқ вақт сақлаш ёки инкоммуникадо сақлаш қийноқ ёки шафқатсиз муносабатда бўлиш деб ҳисобланиши мумкин.

7. *Суд ваколатларини амалга оширувчи шахс ҳузурига дарҳол етказилиш ҳуқуқи.* Ҳар бир қамоққа олинган ёки ушлаб турилган шахс ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун дарҳол қонунга кўра унга суд ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқи тегишли бўлган судья ёки бошқа мансабдор шахснинг ҳузурига етказилади. Жиноий айбловга кўра ушлаб турилган ҳар қандай шахс тезкор тартибда қонунга кўра, унга суд ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқи тегишли бўлган судьянинг ёки бошқа шахснинг ҳузурига етказилиши керак. Ҳар қандай

ушлаб туриш ёки қамоққа олиш қонунга кўра судьянинг ёки унга суд ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқи тегишли бўлган бошқа шахс томонидан кўриб чиқилиши учун унга ҳавола қилиниши керак ёки уларнинг назорати остида бўлиши зарур.

8. *Кўлга олишнинг қонунийлиги юзасидан тортишиши.* Ҳибсга олиш ёки қамоқда сақлаш натижасида озодликдан маҳрум этилган ҳар қандай шахс, жиноят ишини кўриб чиқишнинг исталган босқичида, суриштирув олиб бориш ва ишни судда эшитишни ҳисобга олган ҳолда, судга унинг ушлаб турилишининг қонунийлигини кўриб чиқишни ва ушлаб туриш ноқонуний деб топилган ҳолда, уни озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилишни сўрашга ҳақли.

9. *Оқилона муддатда суд ишини кўриб чиқиш ҳуқуқи.* Жиноий айблов бўйича ҳар бир ушланган ва қамоққа олинган шахс оқилона муддатда ишининг судда кўриб чиқилишига ёки озод қилинишга ҳақли. Жиноий айблов бўйича ҳар бир ушланган ва қамоққа олинган шахс асоссиз ҳолда тўхтатиб турилмасдан, оқилона муддатда ишининг судда кўриб чиқилишига ёки судгача озод қилинишга ҳақли.

10. *Кўрсатма бериш ва айбланувчи сифатида жалб қилишдаги ҳуқуқлар.* Суриштирув ва тергов олиб борилиши жараёнида ҳам қамоқда сақланаётган шахслар, ўзларининг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланишда давом этади, бунда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган айрим чекловлар мавжуд. Адвокат билан учрашишдан ташқари, қамоқда сақланаётган шахсларга бериладиган кафолатларга шахсларни кўрсатмаларини бериш ва ўзига қарши гувоҳлик беришга мажбурлашни тақиқлаш, қийноқлар ва шафқатсиз муомалада бўлиш йўли билан олинган кўрсатмаларни далиллар қаторидан чиқариш, таржимонни таклиф этиш ҳуқуқи ва сўроқ баённомалари билан танишиш ҳуқуқи киради.

11. *Қонун томонидан тан олинган жойда ҳибсда сақланиш ҳуқуқи.* Барча ушланган шахслар расман қамоқда сақлаш жойи деб тан олинган жойларда сақланиш ҳуқуқига эга. Ҳар қандай озодликдан маҳрум қилинган одам расман қамоқда сақлаш жойи деб тан олинган жойларда сақланиши шарт. Барча қамоқда сақлаш жойларида қамоқда сақланаётган барча шахсларнинг ҳисоби юритиладиган мунтазам янгиланиб турадиган журнали амалда бўлиши керак.

12. *Ҳибсга олиниш пайтида инсоний муносабатда бўлиниши ва қийноқлардан озод бўлиш ҳуқуқи.* Озодликдан маҳрум қилинган барча шахслар инсоний муносабатда бўлинишга ҳамда қийноқлар ва шафқатсиз, ғайриинсоний ёки одам шаънини камситувчи муомалага дуч келмасликка ҳақли. Давлат озодликдан маҳрум қилинган барча шахслар инсоний муносабатда бўлиниши, шунингдек уларнинг қийноқлар ва шафқатсиз, ғайриинсоний ёки одам шаънини ерга урувчи муомалага дуч келмаслик ҳуқуқини кафолатлаши керак.

Россия Федерацияси, Белорусия, Қозоғистон, Озарбайжон ва бошқа давлатларда юқорида таҳлил қилинган халқаро стандартларни қўллаш жараёнини тартибга солиш имкониятлари мавжудлигини кўрамиз. Бу давлатларда шахс гумон қилиниб, органга келтирилгандан сўнг, 3 соат ичида уни процессуал тартибда ушлаш масаласи ҳал қилиниши, 10-12 соат ичида

жиноят иши қўзғатилиши кўзда тутилган. Бу муддатлар бузилган тақдирда шахс қўйиб юборилиши талаб этилади. Гумон қилинувчи деб нафақат тегишли қарор қабул қилинганда, балки ушлаб, тегишли органга келтирилган ҳар қандай шахс ҳам гумон қилинувчи мавқеига эгаллиги кўрсатиб ўтилган. Жиноят устида қўлга олинган шахслардан ташқари бошқа ҳолатларда шахсни ушлаш учун жиноят иши қўзғатилган, ҳар ҳолда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган бўлиши лозимлиги назарда тутилган. Бизнинг фикримизча, бу тажрибадан биз унумли фойдаланишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)га ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ушлаб келтирилган ҳар қандай шахсни халқаро стандартларга риоя қилган ҳолда айнан уни ушлаб, келтирган ходим томонидан процессуал процедураларни ўтказишни кўзда тутувчи нормаларни киритилиши мақсадга мувофиқдир. Процессуал процедуралар деганда гумон қилинувчининг ҳуқуқларини тушунтириш, ҳимоячини таклиф этиш, телефон қилиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни таъминлаш каби масалалар, яъни Миранда қоидаларини қўллаш назарда тутилмоқда. Бу ишлар терговчилар томонидан бажарилмоқда, лекин терговга қадар текширув ўтказувчи мансабдор шахслар бу талабларни сўзсиз бажараётганларига шубҳалар бор. ЖПКга бу қоида киритилиши лозим ва биз шахсни ушлаб, тегишли органга келтириш ҳуқуқига эга бўлган ҳар қандай ваколатли шахсдан бу қоидани бажарилишини талаб қилишимиз шарт.

Шу ўринда, ЖПКга ушланган ёки қамоққа олинган шахсларнинг ишлари бўйича ҳимоячи иштирокининг шартлиги тўғрисида қўшимча киритилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, адвокат қатнашаётган ишлар бўйича қийноқларнинг қўлланилиши кўринишидаги қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилмаслиги барчага аён. Қолаверса, 48 соатдан сўнг судда бу шахсни қамоққа олиш масаласи кўрилар экан, судда тараф сифатида прокурор қатнашса, ҳимоячининг ҳам иштироки мантиқан тўғри бўлади. Шулардан келиб чиқиб, ЖПК судга қадар иш юритишга масъул шахсларнинг процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан мажбуриятлари ва уни бажармаслик оқибатлари акс эттирилган алоҳида боб киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Судга қадар иш юритиш устидан ҳақиқий суд назоратини ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу назоратнинг айрим кўринишлари, масалан қамоққа олишга ҳамда айрим тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат бериш, қамоқда сақлаб туриш муддатларини узайтириш масалалари судлар томонидан кўриб чиқишлари процессуал қонунчилигимизда кўзда тутилган. Лекин, бу чоралар етарли эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Масалан, қамоққа олиш эҳтиёт чорасини судлар томонидан кўриб чиқиладиганлигини олайлик. Судга бор-йўғи 5-6 та ҳужжатнинг нусхаси тақдим қилинади. Шу ҳужжатларга қараб, суд инсон тақдирини хал қилармиш. Албатта, бундай ҳолатда суд масъулиятни зиммасига олиши анча мушкул. Шунинг учун ҳам судлар қамоққа олиш тўғрисидаги тергов органининг илтимосномасига тегишли муносабат билдира олишмаяпти ва терговчининг фикрига қўшилишдан ўзга чораларни топа олмаяпти.

Ундан ташқари, терговга қадар текширув олиб борувчи шахс, суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг хатти-ҳаракатлари ва қабул қилган

қарорлари устидан процесс иштирокчиларининг судга шикоят қилиши ҳамда у ёки бу тергов ҳаракатларини ўтказиш, шу жумладан қийноқлар қўлланганлигини тасдиқлаш учун суд-тиббий экспертизалар ўтказилиши юзасидан, агар тергов органи рад этган бўлса, судга илтимосномалар киритиш институтини шакллантиришимиз лозим. Бундай институт МДХ давлатларининг деярли барчасида қўлланилмоқда.

Ҳабеас корпус институтини тўлиқ жорий этилиши вақти етиб келган. Прокурорнинг санкцияси талаб этиладиган процессуал ҳаракатлар, шу жумладан айрим тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга суднинг рухсатини олиш даври етиб келди ва бундай ўзгаришлар янги ЖПКда ўз аксини топиши керак. Прокурор жиноят процессида айблов тарафи экан, бир тарафга муҳим қарорларни қабул қилиш ваколатини бериб, иккинчи тарафни ваколатсиз қолдириш тортишувлик принципига зид.

Суд назоратини тўлақонли ишлаб кетиши учун жиноят процессида тергов судьяси каби янги иштирокчини жорий этиш мақсадга мувофиқ¹.

Қонунда вақтинча ушлаб туриш ва тергов ҳибсхоналари маъмуриятларининг процессуал мажбуриятлари аниқ кўрсатилиши, уларнинг гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан масъулиятини ошириш каби нормалар киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, изоляторга келтирилган шахснинг танасида жароҳатлар бор-йўқлигини аниқлаш учун гувоҳлантириш ўтказиши, жароҳатлар мавжуд бўлганида тегишли экспертизалар тайинлаши мажбурлиги ва мажбуриятлар бажарилмаганда жавобгарлик масаласи кўзда тутилиши лозим.

Қийноқлар тўғрисидаги мурожаатларни текшириш ва шу тоифадаги ишларни тергов қилишнинг алоҳида тоифадаги ишлар туркумига киритиш лозим. Ҳар бир текширув ёки тергов натижалари устидан жамоат назоратини ўрнатиш, жамоатчилик вакилларининг текшириш ва тергов қилиш жараёнида иштирокини кўзда тутувчи нормаларни ишлаб чиқиш лозим. Бундай ёндашув қийноқлар тўғрисидаги мурожаатлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг ишончлилигини таъминлайди. Пировард натижада, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қийноқларнинг қай даражада қўлланилаётганлиги ҳақида батафсил маълумотга эга бўлинади. Қолаверса, ҳар қайси ҳолатга объектив баҳо бериш тизими қийноқларни олдини олишга имкон яратади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, судга қадар иш юритишда қийноқларга йўл қўймаслик учун ЖПКда «тийиб туриш ва манфаатлар тўқнашуви тизими» яратилиши лозим. Юқоридаги таклифларни ишлаб чиқишда айнан шу тизим нуқтаи назардан ёндашилган. Бундай тизимнинг яратилиши аввал далилларни тўплаб, ундан кейин процессуал мажбурлов чораларини қўллаш заруратини туғдиради, жиноятларни очишнинг янги усул ва услубларини ишлаб чиқишга сабабчи бўлади пировард натижада жиноятларни очиш ва тергов қилишда қийноқларнинг қўлланилишига зарурат ва эҳтиёж қолдирмайди.

¹Криволапов П. С. Новые тенденции международного сотрудничества в области прав человека: Автореф. дис. канд. юрид. наук. – М., 2006. -34 с.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ЯНГИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУНИ БЎЙИЧА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИING ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Виждон эркинлиги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда эътироф этилган ва мутлақ кўпчилик давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган инсоннинг табиий шахсий ҳуқуқларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришиши натижасида виждон эркинлигининг Совет Иттифоқида бўлганидек қоғозда эмас, амалда ижросини кафолатли таъминлаш учун зарур бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ташкилий, маданий-маърифий ва мафкуравий шарт-шароит яратилди. Бу ўз навбатида, виждон эркинлиги билан боғлиқ муносабатларни қатъий ва аниқ белгиланган ҳуқуқий нормалар мажмуи бўлган ҳуқуқий базани яратишни ҳам тақазо этди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси 80 дан ортиқ инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатга, шу жумладан, 10 дан ортиқ виждон эркинлигига у ёки бу даражада алоқадор бўлган ҳужжатга қўшилди. Республика Конституциясининг 31-моддасида: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”¹, деган нормалар мустаҳкамлаб қўйилди. Конституциянинг 61-моддасида давлат билан диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини, диний ташкилотларни қонун олдида тенглигини белгиловчи нормалар ўз аксини топди: “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”², деб алоҳида таъкидланди.

Юқорида қайд этилган конституциявий нормалар Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунларида янада аниқлаштирилди, мазмунан бойитилди ва ривожлантирилди.

Ўзбекистонда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун илк бор 1991 йилнинг 14 июнида қабул қилинган эди. Ушбу қонунга Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилиниши, унинг Конституцияси ва қонунлари қабул қилиниши муносабати билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, 1993 йилнинг 3 сентябрида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири эълон қилинди³.

* Ўзбекистон Республикаси ФА Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи, ю.ф.д., профессор

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Адолат”, 2021. – Б. 10.

² Ўша манба: Б. 15.

³ Бу қонунлар ҳақида батафсил қаранг: Тошқулов Ж. Ўзбекистон Республикаси виждон эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлари. Монография. –Тошкент, 2020. –Б.79-89.

Мустақиллик йилларида республикамизнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маданий ҳаётида юз берган ўзгаришлар Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ва мос ўринни эгаллаганлиги, хорижий давлатлар билан дипломатик, иқтисодий, маданий алоқаларнинг ўрнатилиши, икки томонлама давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро шартномаларнинг ўрнатилиши, халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши кабилар бошқа қонунлар билан бир қаторда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунга ҳам қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақазо этди. Шу муносабат билан ушбу қонун 1998 йил 1 майда янги таҳрирда, 2021 йилнинг 5 июль кунда жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар билан қабул қилинди¹.

2021 йилнинг 5 июль кунда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун ўзининг қатор янгиликлари билан аввалгиларидан фарқ қилади:

Биринчидан, ушбу қонунда илк бор виждон эркинлиги ва диний ташкилотларга оид асосий тушунчалар – диний таълим муассасаси, диний ташкилот, диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи, маҳаллий диний ташкилот, миссионерлик, қонунга хилоф диний фаолият, диний профессионал таълим, прозелитизмга изоҳ берилиб, уларнинг мазмуни тушунтирилган;

Иккинчидан, қонунда виждон эркинлигини таъминлашнинг асосий устувор томонлари этиб, қуйидагилар белгилаб берилди:

– фуқароларнинг динга мансублигидан қатъий назар, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаган ҳолда, уларнинг виждон эркинлигига бўлган ўз ҳуқуқларини амалга ошириш учун тенг шарт-шароитлар яратиш;

– конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятда диний бағрикенгликни таъминлаш, виждон эркинлигини таъминлашда дунёвий давлат қурилишини сақлаб қолиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликка фуқаролар ҳамда диний ташкилотлар томонидан риоя этилишини таъминлаш;

– жамоат тартибига, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлиғи ва ахлоқига, ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи диний ғоялар ҳамда қарашларнинг сингдирилиши ва тарқатилишига қарши курашиш.

Учинчидан, қонуннинг сўнгги таҳририда унинг мақсади аввалгиларга нисбатан қисқа ва лўнда баён этилди: “Ушбу қонуннинг мақсади виждон эркинлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни, шунингдек диний ташкилотлар фаолиятини тартибга солишдан иборат”.

Тўртинчидан, қонунда қандай ҳолларда диний эътиқод ёки ишониш эркинлиги чекланиши мумкинлиги ва диндан қандай мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги нормалар ҳам ўз аксини топди. Қонун бўйича: “Ўз динига эътиқод қилиш ёки ишониш эркинлигига нисбатан фақат қонунда назарда тутилган чекловлар тадбиқ этилади”;

¹ Янги қабул қилинган Қонуннинг қуйида келтирилган нормалари олинди: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”// Lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

“Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига путур етказиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш, урушни, миллий ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилиш, фуқароларнинг соғлиги ва ахлоқига тажовуз қилиш, фуқаролар тотувлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштирувчи тухматдан иборат уйдирмаларни тарқатиш, аҳоли ўртасида саросима уйғотиш ҳамда шахс, жамият ва давлатга қарши қаратилган бошқа ҳаракатлар содир этиш мақсадида диндан фойдаланишга йўл қўйилмайди”.

Бешинчидан, қонуннинг айрим моддаларига янги қоидалар киритилди, бошқалари янги таҳрирда баён қилинди. Хусусан, диннинг давлатдан ажратилганлиги ҳақидаги нормалар давлат “динга эътиқод қилувчиларнинг дин билан боғлиқ туйғуларини ҳақоратлайдиган фаолиятига йўл қўймайди”, Ўзбекистон Республикасида “сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмалари фаолиятида диний ташкилотларнинг иштирок этишига, шунингдек уларга молиявий ёки бошқа ёрдам кўрсатишига йўл қўйилмайди”, таълим тизими ва динга бағишланган нормалари қисман янги таҳрирда баён қилинади, “Диний таълим муассасаларида ўқишга фуқаролар қонунчиликка мувофиқ, умумий ўрта, ўрта махсус таълим ёки профессионал таълим олган шахслар диний таълим муассасаларида диний фанларни ўқитиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир”.

Олтинчидан, Қонунда диний мазмундаги материаллар, уларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи нормалар аввалги қонунлардан фарқли ўлароқ ҳолда аниқлаштирилди ва мазмунан бойитилди. Унда диний мазмундаги материаллар қаторига қандай материаллар кириши аниқ белгилаб қўйилди: “Диний мазмундаги материаллар диний таълимотнинг ақидавий асосларини, тарихини, диний таълимот мафқурасини ва шарҳларини, турли диний таълимотларнинг маросимлар ўтказиш амалиётини, шунингдек алоҳида шахсларнинг, тарихий фактлар ва ҳодисаларнинг диний нуқтаи назардан баҳосини акс эттирувчи китоблар, рисоалар, журналлар, газеталар, варақалар, бошқа босма нашрлар, белгилар, предметлар, рамзлар, аудиовизуал асарлар (теле-кино ва видеофильмлар, клиплар, концерт дастурларининг ёзувлари, мультфильмлар ва бошқалар), электрон ахборот ташувчилар (дискетлар, СД, ДВД дисклари, ўрнатилган ва ечиб олинган хотира карталари, интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган материаллар ва бошқалар)дан иборатдир”. Шунингдек, диний мазмундаги материалларни Ўзбекистон ҳудудида тайёрлаш, хорижда тайёрланган материалларни Республика ҳудудига олиб кириш ва тарқатиш билан боғлиқ норма янги таҳрирда баён этилди: “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш ва тарқатиш жамиятда конфессиялараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик бузилишига олиб келадиган, диний зўравонлик ва бошбошдоқликка чорлайдиган ғоялар ҳамда қарашлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида диншунослик экспертизасининг ижобий хулосаси олингандан кейин амалга оширилади”. Бундан ташқари, қонунда “диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади”, деб таъкидланди.

Аввалги қонунлардан фарқли ҳолда янги қонунда диний ташкилотларни ташкил қилиш, рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, бунинг учун талаб қилинадиган ҳужжатлар ва уларни кўриб чиқиш муддатлари ҳамда тартиби, диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш асослари кабилар аниқлаштирилди ва соддалаштирилди. Хусусан, диний ташкилотни кимлар ташкил этиши мумкинлиги қисқа ва лўнда қилиб белгиланди: “Диний ташкилот қонунчиликка мувофиқ, унинг ташаббускорлари (таъсисчилари) қарорига кўра ташкил этилади. Диний ташкилотнинг ташаббускорлари (таъсисчилари) таъсис йиғилишини (конференциясини) ўтказиб, унда устав қабул қилинади ва раҳбар органлар тузилади. Диний ташкилот рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан ташкил этилган, деб ҳисобланади”. Қонунда диний ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми, марказий бошқарув органи, шакллари, ташкил этиладиган манзили, раҳбарияти, уларни қайта ташкил этиш асослари ва шакллари қуйидагича баён этилди: “Диний ташкилот юридик шахсдир. Диний ташкилот диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи диний таълим муассасаси ёки маҳаллий диний ташкилот шаклида ташкил этилиши мумкин. Диний таълим муассасаси рўйхатдан ўтказилганидан ва ваколатли органнинг тегишли лицензиясини олгандан кейин ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олади. Диний ташкилот белгиланган тартибда тақдим этиладиган ер участкаларида, ваколатли орган билан келишувга кўра ташкил этилади. Тегишли диний профессионал таълимга эга бўлган шахс диний ташкилотнинг раҳбари бўлиши мумкин, бундан диний таълимда диний профессионал таълим тизими назарда тутилмаган конфессиялар бундан мустасно. Диний ташкилотни кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Диний ташкилотни қайта ташкил этиш қонунчиликда назарда тутилган тартибда амалга оширилади”.

Янги қонундаги муҳим аҳамиятга эга бўлган янгиликлардан бири диний ташкилотларни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, уларнинг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда диний ташкилотларни қайта рўйхатдан ўтказиш, диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш яқунларига оид ҳужжатларни, умуман диний ташкилотлар билан уларни рўйхатдан ва қайта рўйхатдан ўтказувчи органлар ўртасидаги ҳужжатлар алмашинувини электрон тизим орқали амалга ошириш тартибининг жорий этилганлигидир. Бу диний ташкилотларни рўйхатдан ва қайта рўйхатдан ўтказишга кетадиган вақтни қисқартириш, масалани ҳал қилишга субъектив ёндашишнинг, ортиқча тўрачилик ва сансоларчилик ҳамда қоғозбозлик каби иллатларнинг олдини олиш имконини беради.

Қонундаги бошқа бир муҳим аҳамиятга эга янгилик – бу диний ташкилот ҳуқуқ ва мажбуриятларининг аниқ белгилаб қўйилганлигидир. Қонунга биноан диний ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- шартнома асосида бериладиган бинолардан ва мол-мулкдан, шунингдек моддий-маданий мерос объектларидан қонунчиликда белгиланган тартибда ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;
- хайрия фаолиятини амалга ошириш;

- диний ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ тадбирлар ўтказиш;
- уставда кўрсатилган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;
- диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, Республика ҳудудига олиб кириш ва ундан олиб чиқиш;
- зиёратларни ташкил этиш ёки бошқа диний тадбирларда иштирок этиш мақсадида халқаро алоқалар ўрнатиш;
- янги дафн этиш жойларини ташкил этиш ва мавжуд дафн этиш жойларини таъмирлаш тўғрисида таклифлар киритиш.

Қонун бўйича диний ташкилот зиммасига юклатилган мажбуриятлар:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун (“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун), бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига ва ўз устави қоидаларига риоя этиш;
 - ибодат қилиш, диний расм-русумлар ёки маросимлар учун мўлжалланган жойларда қулай шарт-шароитлар яратиш;
 - диний ташкилот эгаллигида (фойдаланишида) бўлган моддий-маданий мерос объектларининг бут сақланишини таъминлаш, бунда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган талабларни мажбурий тартибда бажариш, архитектура ёдгорликларини қайта таъмирлаш бўйича лойиҳа ҳужжатлари асосида қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;
 - адлия органларини тадбирлар (конференциялар, семинарлар ва бошқалар, бундан диний расм-русумлар ва маросимлар мустасно) эркин ўтказилишида кўмаклашиш учун уларнинг ўтказилиши тўғрисида хабардор этиш;
 - адлия органларини диний ташкилот раҳбар органи таркибининг ўзгарганлиги тўғрисида ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида хабардор қилиш
 - адлия органларига диний ташкилот ўзининг ўтган йилги фаолияти тўғрисида белгиланган шаклда ҳар йили ахборот тақдим этиши лозим.
- Қонунда алоҳида қайд этилишича: “диний ташкилот қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.”
- Қонунга киритилган яна бир янгилик – бу диний ташкилотлар фаолиятининг қўшимча кафолатларига оид нормалардир. Қонунда диний ташкилотлар фаолиятининг қуйидаги кафолатлари қайд этилган:
- диний ташкилотлар ўз фаолиятини қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда амалга оширади;
 - диний ташкилотлар ўз мулкида биноларга, иншоотларга, ибодат предметларига, ижтимоий объектларга, ишлаб чиқариш объектларига ва хайрия учун мўлжалланган объектларга, ўз фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағларига ва бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин;
 - диний ташкилотларнинг мулки қонун билан қўриқланади;

- диний ташкилотлар давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга;

- диний ташкилотлар давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг диний ташкилотлар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда давлат божи тўлашдан озод этилади.

Қонундаги бошқа бир янгилик – бу унга диний ташкилотлар реестри ҳақидаги модданинг киритилганлигидир. Қонун бўйича рўйхатдан ўтказилган диний ташкилот адлия органлари томонидан электрон тизимда юритиладиган ва ҳамма танишиб чиқиши учун очик бўлган диний ташкилотлар реестрига киритилади. Унда қуйидагилар ўз аксини топган бўлиши керак:

- диний ташкилотнинг номи ва унинг қайси конфессияга мансублиги;
- диний ташкилотнинг жойлашган ери (почта манзили);
- диний ташкилот фаолият кўрсатадиган ҳудуд;
- ташаббускорлар (таъсисчилар) иштирокчилар тўғрисидаги ахборот (фамилияси, исми, отасининг исми), алоқа боғлаш учун маълумотлар;
- раҳбар органининг почта манзили, алоқа боғлаш учун маълумотлар;
- диний ташкилот рўйхатдан ўтказилган сана ва бошқа ахборотлар.

Аввалги қонунлардан фарқли ҳолда янги қонунда диний ташкилотларни ташкил этиш ташаббускорлари сони икки баробар – 100 нафардан 50 нафарга қисқартирилди, диний ташкилотнинг марказий бошқарув органи ва диний таълим муассасаларини тузиш учун 100 нафар ташаббускор бўлиши бекор қилинди, диний ташкилотларни адлия органлари рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар сони кескин қисқарди, уларни кўриб чиқишнинг энг кўп муддати 3 ойдан 1 ойга туширилди, диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари қонунда аниқ белгилаб қўйилди, диний ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ва тугатиш суд томонидангина амалга оширилиши қайд этилди. Шунингдек, аввалги қонунлардаги айрим тақик ва тартиблар бекор қилинди. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги қоида, диний ташкилотни тузиш учун маҳалла фуқаролар йиғинлари розилигини олиш тартиби шулар жумласидандир.

Хуллас, “виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги қабул қилинган қонун ўзининг қатор янги ва ижобий хусусиятлари билан аввалгиларидан жиддий фарқ қилади. Унинг қабул қилиниши виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятини баъзи тўсиқларсиз амалга оширишни кафолатли таъминлашда олдинга ташланган дадил қадам бўлди.

Навбатдаги вазифа қонун нормаларининг мазмун-моҳияти, мақсади, аҳамиятини фуқароларимизга тўғри тушунтириш, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, мансабдор шахслар, диний ташкилотлар ва диндорларнинг ушбу нормаларига оғишмай амал қилишини таъминлашдир.

Бунинг учун:

биринчидан, оммавий ахборот воситалари орқали “виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги қонун қабул қилинишининг сабаблари, унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, вазифалари, аввалги қонунлардан афзалликлари ва бошқалар ҳақида аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш;

иккинчидан, маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасаларда маърузалар ўқиш, давра суҳбатлари ва баҳс-мунозаралар ўтказиш;

учинчидан, таълим муассасаларининг ўқув режаларига “Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари” ўқув курсини киритиш, ушбу курс бўйича ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлаб чоп этиш;

тўртинчидан, қонунга шарҳлар ёзиш ва уни кўп ададда нашр этиш;

бешинчидан, дин ва диний ташкилотларга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилиниши, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий кафолатлари бўйича Ўзбекистон ва хорижий давлатлар тажрибасини қиёсий ўрганишга бағишланган илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

олтинчидан, Ўзбекистон ҳудудида виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий кафолатлари генезиси ва эволюцияси мавзусида алоҳида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва тадқиқот натижалари асосида халқаро анжуман ўтказиш;

еттинчидан, миллий ва халқаро тажрибани ҳисобга олиб, амалдаги қонунни давр ва халқаро ташкилотлар талаблари асосида такомиллаштиришга бағишланган амалий илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, уларнинг натижаларига таяниб таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш лозим.

*М.И. Суванкулов.**

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ –ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотлар, қабул қилинаётган қарорлар, олдимизда турган сиёсий тадбирлар, мамлакатимиз, халқимиз ва миллатимизнинг келгусида асрлар давомида ривожланишига мустаҳкам асос бўлиши, шубҳасиз. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Бугунги мураккаб шароитда юртимизда бошланган кенг қамровли ислоҳотлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташлаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш - энг асосий вазифамиз бўлиши шарт”¹.

* ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси бошлиғи, ю.ф.н., доцент

¹ М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов. Янги Ўзбекистон Учинчи Ренессанс остонасида. –Т:“Zamin nashr”,2021, 36-б.

Мустақил тараққиёт йўлимизни таҳлил қилар эканмиз, кейинги беш йил ичида мамлакатимиз ҳаётининг ҳамма жабҳаларида – сиёсатда, иқтисодиётда, ижтимоий ва бошқа соҳаларда жуда катта, айтиш жоизки, инқилобий ўзгаришлар амалга оширилди.

Хусусан, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш демократик ислоҳотларнинг бош мезонига ва давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланаётганлиги ҳеч кимга сир эмас..

Зеро, юртбошимиз таъбири билан айтганда, “инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислоҳотларда энг муҳим ўринда туради”. Шу маънода, БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили асосида амалга оширилмоқда¹.

Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олганлиги ва демократик тамойилларга, айниқса инсон ҳуқуқларини олий кадрият сифатида эътироф этилганлигини БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактни, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактни, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча биринчи Факультатив протоколни ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча иккинчи Факультатив протоколни ратификация қилинганлиги ва ушбу халқаро ҳуқуқ нормалари асосида миллий қонунчилик ҳужжатларимиз яратилаётганлигини амалий исбот сифатида кўришимиз мумкин.

Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармони 2020 йил 22 июнь куни қабул қилинди. ПФ-6012-сон Фармон билан “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси”, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси», “БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталар хабарномалари ва қарорларини кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги Низом” тасдиқланди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, шу жумладан

¹ Гулом Мирзо. Учинчи Ренессанс ва инсон ҳуқуқлари. –Т: “Niso Poligraf”, 2021, 16-б.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда¹.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида Конституцияда кафолатланган фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган 300 дан ортиқ (шундан 80 таси мутлақо янги), Президентимизнинг 2000 га яқин фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 3000 дан ортиқ қарори қабул қилинди.

Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган демократик ислохотлар, шунингдек, очиқ, изчил ва прагматик ташқи сиёсати мамлакатимизнинг халқаро имиджини жадал ўсишига хизмат қилмоқда.

Халқаро имидж – Ўзбекистоннинг халқаро доирадаги кўрсаткичлари мажмуасидан иборатдир. Бош қомусимизнинг 17-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир.

Халқаро бизнес ва инвесторлар олдида мамлакатнинг жозибадорлигини оширишда унинг халқаро доирадаги обрў-эътиборини яхшилаш ўтган йилларга нисбатан шаклланган салбий фикрлардан халос бўлиш муҳим омил ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодий соҳада эркинликни таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги моддий ва процессуал меъёрларни такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги ўрни ва мавқеи юксалишига олиб келмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижаси ўлароқ, Ўзбекистон “Иқтисодий эркинлик индекси”да 44-ўринга, “Логистика самарадорлиги индекси”да 19-ўринга кўтарилди.

Янги тахрирдаги «Ташқи сиёсий фаолият концепцияси»нинг асосий мақсад ва вазифаларининг негизида Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг ишончли ва масъулиятли шерик сифатидаги ижобий имиджини шакллантириш ва сақлаш, Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, чет эл инвестициялари ва илғор технологияларни жалб қилиш, миллий товарлар ва хизматларни жаҳон бозорларида тарғиб этиш ҳамда мамлакатга сайёҳлар оқимининг кўпайиши

¹ <https://lex.uz/docs/4872355>

учун қулай ташқи сиёсий шароитлар яратиш каби долзарб вазифалар туриши бежиз эмас, албатта.

Мазкур янги ташқи сиёсат концепциясида белгиланган вазифаларни бажариш учун давлатимиз томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар, айнан инсон ҳуқуқларига оид нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилинганлиги ва улардаги талабларга риоя қилинаётганлиги халқаро ҳамжамият томонидан ижобий баҳоланиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборига салмоқли таъсир кўрсатди.

Жумладан, 2020 йил 13 октябрда Ўзбекистон тарихда биринчи марта уч йиллик муддатга, яъни 2021-2023 йилларга БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши аъзоси этиб сайланди. Бу сайловларда Ўзбекистон энг кўп овоз олди, яъни БМТга аъзо 193 давлатдан 169 таси мамлакатимизни ёқлаб овоз берди.

Президентимиз 2021 йил 22 февраль куни БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясининг юқори даражадаги сегменти ишида кенгаш аъзоси сифатида биринчи мартаба иштирок этди ва сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида гапириб ўтди.

Ҳақиқатдан ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг мазмунини ташкил этади:

Биринчидан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларда инсон ҳуқуқларининг алоҳида ўринга эгаллиги, хусусан, мамлакатимизда муҳим сиёсий қарорлар фуқароларнинг мурожаат ва фикрларини ўрганган ҳолда таҳлил қилинган қабул қилина бошланди. “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” тамойили асосида ҳокимиятнинг барча бўғинлари ислоҳ қилинди.

Иккинчидан, мамлакатимизда гендер сиёсати масалалари борасида ижтимоий-сиёсий ҳаётда ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттириш йўлга қўйилди.

Охирги йилларда мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш масаласига катта эътибор қаратила бошланди. Ҳақиқатдан ҳам, Олий Мажлисга бўлиб ўтган охирги сайловлар натижасида биринчи мартаба Ўзбекистон парламентида аёллар сони бўйича БМТ тавсиялари (камда 30 фоиз) тўлиқ бажарилди. Қонунчилик палатасига 32 фоиз, яъни 48 нафар аёл депутатлар сайлангани, сенат аъзоларининг қарийб 25 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши натижасида, дунёдаги 190 парламента ичида Ўзбекистон парламентида 37-ўринга кўтарилишини таъминлади.

2019 йил сентябрь ойида 2 та муҳим қонун – “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. 2020 йилда 950 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар ўқишга қабул қилинди, 2021 йил май ойида бўлиб ўтган Сенатнинг XV ялпи йиғилишида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди.

Маҳалла вазирлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси билан ҳамкорликда хотин-қизларни муаммоларини тизимли равишда ўрганиш жараёнида 433 мингга яқин хотин-қизлар “Аёллар дафтари”га киритилди ва бугунги кунда улардан 80 минг 175 нафарини муаммолари ўрнатилган тартибда ҳал этилди. 30 ёшдан юқори бўлган 11 минг нафар хотин-қизга тижорат банклари томонидан 1 трлн. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилишида кўмаклашилди. 1 минг 246 нафар хотин-қизларга уй-жой сотиб олиш учун 21 млрд 746 млн. сўм миқдориди бошланғич бадаллар тўлаб берилди.

Жиноят содир этган ва ҳуқуқбузарликка қўл урган 42 нафар хотин-қиз кафилликка олинди ва муддатидан олдин жазодан озод этилди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь кунидаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида **хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида алоҳида банд (69-мақсад) ажратилганлигини ўзиёқ мамлакатимизда хотин-қизларимизга нечоғлик даражада эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.**

2022 йил 1 март куни **Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар юзасидан видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқида 2021 йилда аёллар тадбиркорлиги дастурлари доирасида 200 мингдан зиёд лойиҳаларга 2 триллион сўм кредит ва субсидиялар ажратилиб, 320 минг хотин-қизлар доимий иш ўринларига эга бўлганлиги, 190 минг нафар аёллар касб-хунарга ўқитилганлиги, “Аёллар дафтари” тизими доирасида 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак берилганлиги, 4 мингдан зиёд хотин-қизларга уй-жой тўловининг бошланғич бадалига маблағ ажратилганлиги, 2 минг нафар қиз алоҳида грант асосида олийгоҳларга қабул қилинганлиги, яна 1 минг 800 нафарига контрактлари тўлаб берилганлиги, натижада 2021 йилда олийгоҳларга кирган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этганлиги (2016 йилда бу кўрсаткич 38 фоиз бўлган), 1 минг 153 нафар аёлга юқори технологик тиббий операциялар бепул ўтказилганлигини қайд этиб ўтган.**

Шунингдек, Президентимиз 2022 йилда хотин-қизларга жуда катта имтиёзлар берилганлиги, жумладан, 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб, магистратурада ўқиётган 23 минг нафар қизларнинг контракт пули тўлиқ бюджетдан қоплаб бериши, бунинг учун бюджетдан 200 млрд. сўм ажратилиши, **2022 йил 1 сентябрдан хусусий секторда расмий ишлаётган**

¹ Г.Маъруфова. Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – ислохотларнинг бош мезони. //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари журнали, 2-сон. –Т., 2021 й., 18-19 б.

аёлларга хомиладорлик нафақасини давлат томонидан кафолатли тўлаб берилиши, эҳтиёжманд ёлғиз аёллар фарзандлари учун давлат боғчалари тўловлари бюджетдан қоплаб берилиши, шунингдек, айти пайтда аёлларимиз улуши паст бўлган аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишидаги ОТМларда хотин-қиз талабалар улуши ҳозирги 24 фоиздан 40 фоизгача етказилиши, бунинг учун ҳар йили хотин-қизларнинг талаба бўлишига квотанинг камида 50 фоизи аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишлари учун мақсадли ажратилиши ва бошқа имтиёзлар таъкидлаб ўтилди¹.

Учинчидан, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган ва имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилди.

Жаҳон банкининг янги ҳисоботида Ўзбекистондаги ногиронлиги бўлган шахслар дуч келаётган кўплаб муаммолар ноқулай инфратузилма ва саволларни туғдирадиган статистика тизими ҳақида сўз юритилади.

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг расман эълон қилинган сони аҳолининг 2,1 фоизини ташкил қилади, 2019 йилнинг охиридаги ҳолат бўйича Ўзбекистонда 693,9 минг нафар ногиронлиги бўлган шахс пенсия ва ижтимоий нафақа олган, аммо халқаро экспертларнинг тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, мамлакат аҳолисининг 3 ва ундан катта ёшдаги қарийб 13,5 фоизи ногиронликнинг қайсидир шаклига, 3,5 фоизи эса оғир ногиронликка эга бўлиши мумкин, ногирон болалар ва катталарнинг 25 фоизи зарур тиббий хизматларни олмайдилар, ногиронлик аравачасига муҳтож бўлган шахсларнинг атиги 26,9 фоизи улардан фойдаланган, респондентларнинг 21,5 фоизи бу воситалардан фойдаланишга имкони бўлгани ҳолда, уларнинг атиги 2,8 фоизи тегишли давлат муассасаларидан ушбу воситаларни олганлар.

Тошкент шаҳридаги бинолар ва ижтимоий инфратузилмаларнинг 85 фоизи ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун мослаштирилмаган, гарчи бу ерда қарийб 70 мингта ушбу тоифадаги фуқаролар истиқомат қилади, пойтахтдаги жамоат транспорти ҳам ногиронлиги бўлган шахслар учун қулайлик мезонларига жавоб бермайди, бу эса ногиронлиги бўлган шахсларнинг фаровонлиги учун жиддий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга эга, Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларда имконияти чекланган болаларга қулай инфратузилмалар ва ҳожатхоналар, ўқув жараёни учун зарур бўлган мосламалар, малакали кадрлар мавжуд эмас. Мисол учун сурдо-таржимонлар, кўзи ожизлар учун Брайл алифбосидаги дарсликлар, таълим олиш имконияти чекланган ва эшитиш қобилияти паст болалар учун ўқитувчилар ва репетиторларга эҳтиёж мавжуд. Ногиронлиги бўлган одамларнинг иш топиш имконияти ногиронлиги бўлмаганларга қараганда тахминан тўрт баравар кам. 2019 йилда 16–59 ёшдаги ногиронлиги бўлган эркакларнинг атиги 8,9 фоизи ва 16–54 ёшдаги ногиронлиги бўлган аёлларнинг атиги 4,4 фоизи расман иш

¹ <https://review.uz/oz/post/> Шавкат Мирзиёев раислигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга бағишланган йиғилишда аёллар учун қандай янгиликлар киритилди

билан таъминланган, бу эса ногиронлиги бўлганларнинг атиги 7,1 фоизидир. Қишлоқ жойларда бу кўрсаткич ундан ҳам паст, яъни 5,8 фоиз бўлган¹.

Юқорида қайд этилган салбий ҳолатларни бартараф этиш ва мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, имконияти чекланган шахсларни ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш бўйича кенг кўламли иқтисодий, ижтимоий, маданий ва ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватловчи миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинди.

Президентимизнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги сўзининг амалий исботи сифатида 2021 йил 18 май куни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида қонун қабул қилинганлиги алоҳида аҳамият касб этади, негаки ушбу қонун орқали Ўзбекистон Республикаси ногиронлиги бўлган шахслар ўз ҳаётининг барча соҳаларида бошқалар билан тенг равишда ҳуқуқ лаёқатига эга эканлигини тан олди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Парламентининг 2020 йил 15 октябрь кунидаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 февралдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўшимча қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-74-сон Фармони, 2021 йил 9 августдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5217-сон ва 2021 йил 21 декабрь кунидаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-57-сон қарорлари шулар жумласидандир.

Ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган шахсларга яратилган шароитларда етарли даражада бўлмаса-да, аммо улар ўзларининг матонатлари билан мамлакатимиз обрўсини дунё ареналарида юқорига кўтармоқда.

Жумладан, 2021 йилги параолимпия мусобақаси 24 августдан 5 сентябргача Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик параолимпиячилар юксак матонат ва маҳорат кўрсатиб, 8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза медалига сазовор бўлишди. Яна бир эътиборли томони, шу 19 та медалнинг 11 тасини спортчи қизларимиз қўлга киритди. Умумий ҳисобда мамлакатимиз терма жамоаси 160 дан зиёд давлатлар ўртасида ўн олтинчи, Осиё китъаси ҳамда М.Д.Ҳда тўртинчи, Марказий Осиёда эса биринчи ўринни эгаллади².

Тўртинчидан, Ўзбекистонда охириги йилларда диний эркинликни таъминлаш борасида амалга оширилган ижобий ўзгаришлар алоҳида эътиборга

¹ [хтtps://review.uz/oz/post/vseмирный-банк-проанализировал-проблем-с-которыми-сталкиваются-люди-с-инвалидностью-в-Узбекистане](https://review.uz/oz/post/vseмирный-банк-проанализировал-проблем-с-которыми-сталкиваются-люди-с-инвалидностью-в-Узбекистане)

² [хтtps://юз.уз/news/параолимпиячилар-галабаси--катта-жасорат-ва-қахрамонлик-намунаси](https://юз.уз/news/параолимпиячилар-галабаси--катта-жасорат-ва-қахрамонлик-намунаси)

лойикдир. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан у ёки бу даражада экстремистик гуруҳларга алоқадор деб ҳисобланган 20 мингдан зиёд фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг “махсус рўйхати”дан чиқарилди, бундай “рўйхатлар”ни юритиш амалиёти тугатилди. Бундан ташқари, сўнгги 5 йилда Ўзбекистонда 16 марта авф эълон қилиниб, 4965 нафар шахс кечирилган¹.

Ўзбекистон ўз фуқароларини 2019 йилда биринчи марта яқин шарқдаги можароли ҳудудлардан қайтарди. Хусусан, “Меҳр – 1,2,3, ва 4” операциялари давомида Сурия, Ироқ ва Афғонистонда оғир аҳволда қолган 438 нафар хотин-қизлар ва болалар Ўзбекистонга қайтарилди. 2021 йил апрель ойида “Меҳр – 5” операцияси доирасида Суриядаги қочқинлар лагерларидан 93 киши, жумладан 24 нафар аёл, 69 нафар бола ва 7 нафар етим бола олиб келинди. Бу ишлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик асосида амалга оширилган. Бундан ташқари, “Жаслык” колониясининг ёпилиши Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларига содиқ эканлигини исботловчи энг муҳим қадамларидан биридир.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикасида жами **2276 та** диний ташкилот ва **16 та** диний конфессия фаолият юритиб келмоқда. Шулардан, **2093** таси мусулмон ташкилоти, **166 та** христиан ташкилоти, **8 та** яҳудий жамоаси, **6 та** баҳойлик жамияти, **1 та** кришначилар жамияти ва **1 та** будда ибодатхонаси, шунингдек, Ўзбекистон конфессиялараро библия жамияти ҳам фаолият кўрсатмоқда.

2019 йилда Ўзбекистонда **10 та** янги жоме масжид очилди, натижада масжидларнинг умумий сони **2066** тага етди. Бундан ташқари, мамлакат миқёсида **46 та** жоме масжид биноси бутунлай қайтадан бунёд этилиб, **225 та** масжид капитал таъмирдан чиқарилди. **2018 йилда** эса республикада **13 та** жоме масжиди қайта очилди, **39** таси янги қурилди ва қарийб **100** таси қайта таъмирланди.

Ўзбекистонда Тошкент Ислон университети, «Мир Араб» олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби, 9 та мадраса, жумладан, 2 та ихтисослаштирилган хотин-қизлар ўқув юрти, Тошкент проваслав семинарияси, Тошкент христиан семинарияси каби диний таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. 2020–2021 ўқув йилидан бошлаб, Термиз шаҳрида янги мадраса очилди.

Мустақиллик йилларида **308 минг** нафар мусулмон Саудия Арабистонига зиёрат учун борган бўлса, шулардан 130 минг киши «Ҳаж», 178 минг киши эса «Умра» амалини бажаришга муваффақ бўлган. 2,5 минг христиан ва яҳудийлар Исроил, Россия, Туркия, Италия, Грузия ва Юнонистон каби давлатларнинг муқаддас диний қадамжоларига ташриф буюрганлар.

2019 йилдан эътиборан, Ўзбекистон фуқаролари учун «Умра» зиёратлари квотаси бекор қилинди. 2018 йилдан бошлаб, «Умра» сафари квотаси 6 000 дан 10 000 га оширилди. Бугунги кунга келиб, «Умра» қилувчи фуқаролар сони 30 000 га етди, «Ҳаж» эса 5000 дан 7200 нафарга кўпайди.

¹ [хтгпс://www.gazeta.uz/uz/2021/08/28/afv/](http://www.gazeta.uz/uz/2021/08/28/afv/)

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда экстремизмга қарши курашиш чоратadbирларини амалга оширишдаги ёндашувлар концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқилди. Бунда асосий эътибор аҳоли ўртасида профилактика ва тушунтириш ишларига қаратилди. Ушбу соҳада амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар «жаҳолатга қарши маърифат» деган эзгу ғояга асосланган.

2018 йилнинг сентябрь ойида террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳларга адашиб аъзо бўлиб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиби тасдиқланди.

Илгари тўғри йўлдан адашган ва ўз хатти-ҳаракатларига чин дилдан пушаймон бўлган фуқароларга маънавий-ахлоқий бурчларини адо этиш учун жамият ва ўз оилаларига қайтиш имконияти берилади. Диний экстремистик оқимларга алоқадор шахсларни реабилитация қилишнинг муҳим қадамларидан бири уларга нисбатан авф этиш актларини қўллаш бўлди¹.

Мазкур ислохотлар натижасида, 2005 йилдан бери биринчи марта АҚШ диний эркинликлар бўйича комиссияси (USCIRF) Ўзбекистон фуқароларини диний эркинликлари бузилган давлатлар рўйхатидан олиб ташлади.

Ўзбекистон Республикасида “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги конвенция талабларини бажариш бўйича “Cotton Campaign” – инсон ва меҳнат ҳуқуқлари, масъул инвесторлар ва бизнес ташкилотларининг глобал коалицияси ва унинг етакчи ҳамкори бўлган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбек форуми” томонидан 2021 йилда пахта теримида ўтказилган мустақил мониторинг натижаларига кўра, Ўзбекистонда пахта ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида болаларнинг, умуман олганда Ҳукумат томонидан ташкил қилинадиган шахсларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланиш ҳолатлари қайд этилмаганлиги боис, 2022 йилда Ўзбекистон пахтасига эълон қилинган бойкот бекор қилинди. Бу тарихий ютуқ Ўзбекистонлик фуқаролик жамияти фаоллари, халқаро ҳуқуқ ҳимоячилари ва халқаро брендларнинг биргаликдаги кўп йиллик фаолияти ҳамда Ўзбекистон Ҳукуматининг мажбурий меҳнатга барҳам беришга қаратилган қатъияти натижасида эришилди. Жумладан, 2021 йил 14 октябрь куни Жаҳон одил судлов лойиҳаси (World Justice Project) ташкилоти томонидан эълон қилинган Ҳуқуқ устуворлиги индексининг 2021 йилги нашрида Ўзбекистон 14 поғона юқорилади, яъни 139 та давлатлар ичида 85-ўринни эгаллади². Бунинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон бугунги кунда БМТ Тараққиёт дастурининг “Инсон камолоти” индексида 106-ўринни, Жаҳон банкининг бошқарув сифати индикаторларининг сиёсий барқарорлик ва зўравонлик йўқлиги субиндикатори бўйича 136-ўринни, “Жаҳон одил судлов лойиҳаси” халқаро ноҳукумат ташкилотининг ҳуқуқ устуворлиги индексининг асосий ҳуқуқларини таъминлаганлиги индикатори бўйича эса 110-ўринни эгаллаб турганлигида кўришимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳақиқатдан ҳам ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан олиб борилаётган

¹ [хтпс://стратегй.уз/индех.пхп?news=1014](https://strategiy.uz/index.php?news=1014)

² [хтпс://xs.uz/uzkr/post/Ўзбекистоннинг_халқаро-рейтинг-ва-индекслардаги_ўрни-парламент-қандай-йўл_тутади](https://xs.uz/uzkr/post/Ўзбекистоннинг_халқаро-рейтинг-ва-индекслардаги_ўрни-парламент-қандай-йўл_тутади)

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Лойиҳаларни бошқариш, инновация ва маркетинг бўлими бош мутахассиси Е-маил: ибрагимованаргиза92@gmail.com.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси <http://www.lex.uz/act/20596> (кўрилган сана: 16.03.2022)

² Кримнология / Под ред. А.И. Долговой. – М., Издательство НОРМА Москва, 2005 УДК 343.9(075.8) ББК 67.51я73 К82. Под общей редакцией доктора юридических наук, профессора, заслуженного юриста РФСР, Президента Российской кримнологической ассоциации А. И. Долговой

ПҚ-2896-сон “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, шунингдек, 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорларида мустаҳкамланиб қўйилган.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар фақат назарий кўникмалар билан чекланиб қолмасдан, улар амалиётда юз бераётган ҳодисаларга мос равишда янгилиниб борилиши мақсадга мувофиқ.

Аёллар табиатининг мойиллиги уларнинг жамиятдаги ижтимоий ролини белгилайди, бу эса ўз навбатида, аёллар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик даражасига таъсир қилади. Шунинг учун жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга сабаб бўладиган ҳолатларни ўрганишда ва аниқлашда аёлларнинг жамиятдаги фаолиятининг хусусиятини, яъни аёлларнинг оилада, маҳаллада, таълим олиш даргоҳларида ҳамда меҳнат қилиш билан боғлиқ юзага келадиган барча ҳолатларини ҳисобга олиш зарур.

Агар ушбу принципларга амал қилинган ҳолда иш олиб борилса, албатта жамиятимизда аёлларга нисбатан умуминсоний қадриятларнинг ўзлаштирилганлигига баҳо бериш мумкин.

Аmmo, охириги ўн йил ичида аёллар ўртасидаги жиноят нафақат Ўзбекистонда балки бутун дунёда 2,5 бараварга ошди. Рус тадқиқодчиси А.И. Долговойнинг фикрича, аёллар орасидаги ҳуқуқбузарлик сабабларини тушуниш учун қуйидаги саволларга жавоб топиш зарур:

- нима сабабдан ҳуқуқбузарлик содир этилишига қулай вазиятлар юзага келади?

- нима сабабдан аёллар орасидаги жиноятлар статистик жиҳатдан тез-тез содир бўлади?

- жиноятчи аёллар тоифаси қандай шаклланади ?¹.

Дарҳақиқат, жиноятчи аёл ёки ҳуқуқбузарлик содир этган аёлнинг бундай даражага етишига, яъни шу ҳолга тушишига сабаб бўлган омилларни ва шунга имконият яратадиган вазиятларни аниқлаш зарур.

XIX асрнинг рус адабиётшунос олимлари (А.Радищев, А.Герцен, Н.Чернышевский, Ф.Достоевский)нинг фикрига кўра, аёллар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш мақсадида жиноятга қарши курашишда асосий нарса жазо эмас, балки унинг олдини олишда социологик ва ахлоқий асосларга эга бўлган, жамиятдаги прогрессив ўзгаришларга мослашган асарларни яратишдир².

¹ Шу ерда.

² Колесникова Ю.С. Детерминация женской преступности и методы борьбы с нею Белгородский государственный национальный исследовательский университет, г.Белгород [хттпс://сайт.реленинка.ру/артисле/н/детерминатсия-женской-преступности-и-методй-борбй-с-нею](http://сайт.реленинка.ру/артисле/н/детерминатсия-женской-преступности-и-методй-борбй-с-нею) (кўрилган сана: 16.03.2022)

Демак, ушбу адабиётшунос олимларнинг фикрига қўшиладиган бўлсак, ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда таълим ва тарбиянинг аҳамияти беқиёс эканлигини таъкидлашимиз мумкин.

Бугунги кунга келиб, аёллар ҳуқуқбузарлигининг асосий сабабларини ўрганишда А.И. Алексеева, Ю.М. Антоняна, Ю.А. Ветрова, И.И. Карпеца, В.Н. Кудрявцева, Г.М. Миньковского, В.В. Панкратова, А.М. Яковлевалар фикрига тўхталадиган бўлсак, жиноятнинг сабаблари ва унга ёрдам берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ва зарарсизлантириш, жиноятнинг айрим шакллари ва турларининг содир этилиши, ўсиши ва тарқалишига сабаб бўладиган ҳодиса ва жараёнларни, айрим тоифадаги кишиларда ғайриижтимоий хусусиятларнинг шаклланишига таъсир этувчи омилларни, уларнинг турмуш шароити ва тарбиясига таъсирини аниқлаш ҳамда уларга қарши курашиш шакллари ва усулларини белгилаш муҳим ҳисобланади¹.

Ушбу муаммонинг долзарблиги шундаки, аёллар жамиятдаги функционал муносабатлар тизимида алоҳида мавқеи билан ажралиб туради, чунки уларнинг хулқ-атворидаги ўзгаришлар уларнинг шахсияти, оиласи, хаттоки тарбия қилаётган болалари (ёш авлод)нинг жисмоний ва ахлоқий ривожланиши билан боғлиқ оқибатларда ўз аксини кўрсатади. Бу эса хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик жамиятга нафақат моддий, балки маънавий зарарни ҳам етказмоқда.

Жиноятнинг мустақил таркибий элементи сифатида аёллар ҳуқуқбузарлигини ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган ва бу борада Ламбера Адольф Жак Кетле (1796-1874 Брюссель) ва Чезаре Ломброзо (1836-1909 Италия)лар илмий изланиш олиб боришган.

Ушбу олимларнинг фикрича, аёл киши ҳаётида жар ёқасига келиб қолган оиласини сақлаб қолиш, фарзандларининг келажаги учун қўрқув, ҳаддан ташқари жисмоний ва руҳий оғирлик, моддий муаммолар аёлдаги нотўғри адаптация ҳамда атрофдаги дунёга душманлик ҳиссини уйғотади. Бундай ҳолатга тушиб қолган аёлларнинг ҳуқуқбузарлик содир этиши эҳтимоли кўпроқ кузатилади².

Албатта бу олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда айтиш керакки, аёлнинг жамиятда тутган ўрнини, ҳолатини ва моддий аҳволини, керак бўлса шахсий ҳаётини ўрганган ҳолда юз бериши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ёки унинг келиб чиқишига имкон яратадиган вазиятларни бартараф этиш мумкин.

Мамлакатимизда ҳам аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи ҳолатларни ўрганиш ва бартараф этиш бўйича қатор профилактика чоралари кўрилмоқда. Албатта, бу масалада Ўзбекистон ривожланган давлатлар даражасида бўлмаса ҳам, хотин-қизлар орасидаги жамиятимизга салбий таъсир кўрсатаётган хатти-ҳаракатларга кўз юмиб бўлмайди. Шу ўринда, мамлакатимизда аёллар

¹ Особенности профилактики гендерной преступности [хтпс://онлайн.закон.кз/Документ/?дос_ид=37199021](https://онлайн.закон.кз/Документ/?дос_ид=37199021) (кўрилган сана: 16.03.2022)

² [тпс://сенат.уз/уз/листс/виев/2505](https://сенат.уз/уз/листс/виев/2505) Ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахбороти муҳокамаси (кўрилган сана: 16.03.2022)

ўртасидаги ҳуқуқбузарлик бўйича статистик маълумотлар билан мисол келтиришимиз мумкин.

Олий Мажлис Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг П.Р.Бобожанов 2020 йил якунлари бўйича мамалакатимиздаги криминоген вазият ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида ҳисобот берди. Ўтган йилнинг ўзида 62 минг 81 жиноят қайд этилган бўлиб, уларнинг 5 минг 520 таси оғир турмуш шароитидаги ҳолатлар, 14 минг 378 таси ёшлар, жумладан, 4 минг 52 таси ишсизлар томонидан содир этилган. Йил давомида қарийб, 15 минг нафар аёл ҳимоя ордери олган, бироқ атиги 317 та ҳолатда безорилик айбдорлари жавобгарликка тортилган.

Шунингдек, ўтган йили Ўзбекистонда 62081 жиноят қайд қилиниб, ҳар 100 минг аҳолига ўртача 182,4 жиноят тўғри келади. Ички ишлар вазирининг сўзларига кўра, оғир турмуш шароити туфайли ёки бошқа муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги туфайли 2020 йилда 5774 нафар аёл 5520 та жиноят содир этган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар қандай жамиятда хотин-қизлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олишда фаолияти қонун билан белгилаб қўйилган давлат органлари, маҳалла, таълим муассасалари, шунингдек оиланинг ўрни беқиёсдир.

Чунончи, аёллар орасидаги ҳуқуқбузарликлар бир қатор белгилар билан тавсифланади. Жумладан, аёлларда эркаклардан фарқли ўлароқ, уларнинг физиологик хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ўзига хос психологик хусусиятлар кузатилади. Улар баъзи ташқи шароитларга тез муносабатда бўлишади ва жисмоний ожизлиги туфайли кўрқув, ўзини ҳимоя қилиш учун ташқи муҳитга нисбатан тажовузкор бўлишади ва буларнинг барчаси аёлнинг ҳаракатларига, характериға, яшаш шароитига ҳамда дунёқарашиға сезиларли даражада таъсир қилиш оқибатида аёлларда рухий-травматик, юқори импульсивлик ҳолатлари тез-тез учраб туради.

Шунингдек, жамиятдаги бундай ҳодисаларнинг келиб чиқишиға, аёлларға нисбатан оиладаги зўравонлик ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Мадомики, аёл кишининг уй ишларини бажариши, фарзандлар дунёға келтириши ва тарбиялаши, ота-онаға ғамхўрлик қилиши асосий вазифаси ҳисобланади. Аммо, кўп ҳолларда фақатгина хизматкорлик вазифасидан бошқа нарсани билмасдан, тушунмасдан, ўзига нисбатан зўравонлик ёки камситиш ҳолатларида, ўзини ҳимоя қилишда ҳуқуқларини қўллай олмасдан яшаб келаётган аёллар йўқ эмас.

Шундай экан, жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида фаолият юритаётган ёки таълим олаётган аёллар ҳамда вақтинча ишсиз уй бекалари орасида ҳуқуқбузарлик содир этган ёки содир этишға қодир аёллар билан профилактика ишининг умумий фундаментал тамойилини ишлаб чиқиш керак.

Ушбу тамойил асосан, аёлларға нисбатан инсонпарварлик ва раҳм-шафқат, уларни жинсий ёки ахлоқсиз ҳаракатларға даъват этган, сабабчи бўлган ҳолатларни ўрганиш, уларни тушуниш ҳамда оғир психологик доирадан чиқишиға, ўз ҳаётини йўлга қўйишиға ёрдам беришдан иборат.

Жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этган ва содир этиши мумкин бўлган хотин-қизларға нисбатан инсонийлик, меҳр-оқибат фақатгина муайян мансабдор шахслар ёки жамоатчилик вакилларининг ҳатти-ҳаракатида намоён

бўлиб қолмасдан, бу борадаги саъй-ҳаракатлар қонуний мустаҳкамланган, асосланган бўлиши шарт. Жумладан, жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топиши керак.

Миллий қонунчилигимизда хотин-қизларга нисбатан кўплаб имтиёзлар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган нормалар белгилаб қўйилган бўлсада, юқоридаги олимларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда шуни айтиб ўтиш жоизки, жиноятчини тарбия қилишда жазо қўллаш эмас, балки ушбу жиноятнинг олдини олиш, яъни қачон ҳуқуқбузарлик содир бўлишини кутиб ўтирмасдан, жиноятгача бўлган (бўладиган) жараёни ўрганиб, бартараф этадиган механизм ишлаб чиқиш зарур.

Шунингдек, ушбу механизмнинг тўлиқ ишга тушишида фақат ички ишлар органлари эмас, улар билан биргаликда бевосита маҳалла, таълим муассасалари, оила ва аёлнинг иш жойи ҳам ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқ.

*Я. М. Қвйтков**

ОСОБЕННОСТИ ЗАЩИТЫ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В АДМИНИСТРАТИВНО-ГОСУДАРСТВЕННОЙ СЛУЖБЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев неоднократно указывал, что права человека представляют собой особенную по своей значимости область права, поскольку в них концентрируются главные ценности человеческого общежития, такие, как жизнь, свобода, достоинство, личная автономия. Эти ценности получают в правах человека свое нормативное закрепление и гарантии осуществления при помощи правовых средств и институтов. Но внутреннее содержание и цели концепции прав человека не исчерпываются рамками одного лишь правового регулирования. Правовые способы их обеспечения являются важной частью общей проблемы стандартов и норм жизни в цивилизованном обществе.

Одним из основных гарантов обеспечения и защиты прав человека является государство. Непосредственными исполнителем воли государства реально воплощающие в жизнь права человека являются государственные служащие. Иными словами административно-государственная служба как публично-правовой институт представляет собой нормативно установленный механизм профессионального обеспечения реализации властных полномочий по исполнению законодательства в интересах граждан, защиты их прав и свобод.

Правовое начало административно-государственной службы составляют юридические нормы, принципы, установления, регламентирующие порядок формирования и практики ее осуществления. В юридическом смысле

* Старший научный сотрудник Института государства и права Академии наук Республики Узбекистан, магистр права, юрист 3-класса

административно-государственная служба принадлежит к публично-правовой сфере, регулирующей общественную, государственную жизнь человека.

Административно-государственная служба всегда связана с властью, что определяет специфику ее правового опосредствования и организации. В ней много императивного, должного, того, что необходимо осуществлять независимо от воли лица, находящегося на административно-государственной службе, это отличает данную службу от труда, где частноправовые отношения регулируются Гражданским кодексом Республики Узбекистан

Главная цель административно-государственной службы как публично-правового института – создание правовых норм, регулирующих отношения, складывающиеся в процессе:

1) формирования административно-государственной службы. (Данные правовые нормы регулируют государственные должности и их виды);

2) создания статуса государственного служащего. Этот блок норм регулирует выполнение государственным служащим своих должностных обязанностей;

3) прохождения государственной службы. Здесь регулируются такие процессы как, аттестация, продвижение по службе, отстранение от должности.

По своей сути административно-государственная служба представляет собой комплексный правовой институт, он включает в себя нормы различных отраслей права (конституционного, административного, трудового и пр.).

Так, в преамбуле Конституции Республики Узбекистан провозглашено: «Народ Узбекистана, торжественно провозглашая свою приверженность правам человека», в ст. 13 устанавливается, что «Демократия в Республике Узбекистан базируется на общечеловеческих принципах, согласно которым высшей ценностью является человек, его жизнь, свобода, честь, достоинство и другие неотъемлемые права». А, в ст. 14 указано, что «Государство строит свою деятельность на принципах социальной справедливости и законности в интересах благосостояния человека и общества».

Также в Конституции страны устанавливаются гарантии прав и свобод человека. В частности в ст. 43 указано, что «Государство обеспечивает права и свободы граждан, закрепленные Конституцией и законами».

Таким образом, административно-государственная служба – это деятельность по выполнению в пределах полномочий прерогатив государственной власти и управления; совокупность правовых, социальных и организационных норм, правил, стандартов, традиций по реализации конституции и законов государства, его политических, экономических и социальных задач; публично-правовое отношение между государством и государственным служащим по поводу условий, методов и результатов служения государству и обществу.

Из вышесказанного можно сделать вывод, что административно-государственная служба направлена, прежде всего на обеспечение и защиту прав и свобод человека. Общеизвестный факт, что права человека занимают ведущее место в современном мире. Нельзя переоценить их роль в строительстве любого цивилизованного справедливого гражданского общества.

Главным условием строительства демократического правового государства является поощрение и защита основных прав и свобод, и, что не менее важно, создание реальной системы гарантий прав каждого человека в обществе.

Права человека определяют полноценность жизни на планете и служат неотъемлемой частью культуры наций, высшим проявлением нравственно-правовых идеалов человечества. Поэтому среди духовных ценностей современного мира общепризнанные права человека занимают одно из наиболее важных мест. Закрепленные в Уставе Организации Объединенных Наций, международных конвенциях и конституциях многих стран мира, они все больше осознаются как фундаментальные и неотъемлемые.

В этой связи Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев указывает на приоритетные направления в области обеспечения прав человека в нашей стране предусматривающей меры по осуществлению общественного мониторинга за соблюдением законов, прежде всего правоохранительными и контролирующими органами, в сфере обеспечения защиты прав и свобод человека, формирования культуры прав человека в обществе и др.»

Необходимо выделить ряд особенностей важных для понимания прав человека: права человека – это совокупность норм и принципов, устанавливающих ответственность за нарушение прав; права человека – это взаимоотношения между государством и человеком, в которых государство берёт на себя определённые обязанности; права человека соблюдаются, обеспечиваются и поощряются государственными органами; права человека предполагают равенство и отсутствие дискриминации, т.е. различие по признаку пола, расы, вероисповедания; права человека предполагают их обеспечение и соблюдение как в мирное время так и в период вооруженных конфликтов.

Гарантированность государственной защиты непосредственно связано с обязанностью государства признавать, соблюдать и охранять права человека. Поэтому соответствие правам человека непременное условие законодательной деятельности, важнейшее требование, адресованное Конституцией органам законодательной и исполнительной власти.

Права человека, представляющие универсальную ценность, составляют концептуальную основу деятельности Республики Узбекистан во всех сферах социально-политической, экономической и духовной жизни общества. В качестве полноправного члена мирового сообщества Узбекистан исходит из признания бесспорной приоритетности прав человека, рассматривая поощрение и защиту прав человека в качестве своей стратегически важной задачи.

Одно из самых распространённых определений гласит, что права человека – это социальные и юридические возможности, предоставленные человеку для реализации своего человеческого предназначения, для пользования материальными, социальными и иными благами. Эти социальные и юридические возможности всегда обусловлены социально-экономическими и культурными условиями жизни общества и государства и конкретно историческими особенностями эпохи. Именно поэтому можно говорить о развитии прав человека в различные исторические эпохи и разнообразие форм

реализации прав человека в различных цивилизациях и странах, наряду с существованием международных стандартов прав человека.

Характеризуя это определение необходимо отметить ряд его достоинств:

Во-первых, понятие «прав человека» раскрывается через социальные и юридические возможности человека. В данном определении права человека – это категория, которая отражает степень реальной свободы человека в обществе, т.е. что он реально может реализовать в обществе;

Во-вторых, эти возможности предоставляются человеку для реализации своего предназначения в этом мире. Без них он не может быть человеком и не может, развиваться как личность в многообразии своих связей в обществе. Вот почему свобода, честь, достоинство, равенство являются самыми необходимыми ценностями и в качестве определяющих, защищены законом;

В-третьих, права человека всегда конкретны и имеют особенности своей реализации в каждой стране, связаны и зависят от уровня социально-экономического и культурного развития каждой страны.

Данное определение прав человека связывает его с законом, то есть права человека представляют собой определённую меру (масштаб) свободы, права человека понимаются, как определённое поведение и права человека связаны с законом и определяются государством.

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев касаясь профессиональной деятельности органов внутренних дел (ОВД) указал, что «сегодня главная наша задача всех нас обеспечение того, чтобы народ был доволен своей жизнью и государством»¹.

Профессиональная деятельность ОВД основывается на строгом соблюдении закона означающая, что все подразделения ОВД формируются и функционируют на основе и в рамках Конституции Республики Узбекистан, законов и иных нормативно-правовых актов. Строгое, неуклонное соблюдение правовых требований и предписаний законов – необходимое условие успешного функционирования деятельности ОВД, выполнения стоящих перед ними задач в охране общественного порядка, борьбы с преступностью, профилактикой административных правонарушений и др.

К их деятельности относятся функции, среди которых основной является охрана законности и правопорядка, защита прав и свобод человека в различных сферах деятельности ОВД связанные с обеспечением законности и служебной дисциплины.

Исследования теоретических и практических проблем обеспечения и защиты прав человека в деятельности ОВД провел А.Х. Саттаров², который научно обосновал необходимые рекомендации по совершенствованию механизма соблюдения законности в правоприменительной деятельности ОВД.

¹Мирзиёев Ш. М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинмоғи зарур//Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент, 2017. – Б.313.

²См.: Саттаров А. Х. Теоретические и практические проблемы обеспечения и защиты прав человека в деятельности органов внутренних дел: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Т., 2002. – 42 с.

Строгое соблюдение содержащихся в Конституции, законах и подзаконных актах требований по защите прав человека в правоохранительной деятельности является необходимым условием и успешного внутреннего управления, эффективной организаторской деятельности, направленной на решение стоящих перед ОВД задач в обеспечении законности. С учетом этого обеспечение законности и служебной дисциплины в административно-государственной службе становится одной из основных целей внутренней управленческой деятельности, задачей каждого руководителя, а равно каждого сотрудника ОВД.

*Ш. У Салиева.**

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ЗАЩИТЫ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЦИФРОВЫХ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

Сегодня во всем мире идет стремительный процесс цифровизации, безусловно цифровые технологии делают жизни людей намного проще, ярче и комфортней, однако есть и обратная сторона перечисленных выше удобств, а именно есть риски и угрозы, которые могут нанести ущерб всему человечеству неправомерное применение этих технологий.

Пандемия коронавирусной инфекции COVID-19 способствовала резкому скачку роста повсеместного использования цифровых технологий, которая в свою очередь выдвинула на повестку дня вопросы по обеспечению и защите персональных данных и информационной безопасности человека в сети Интернет.

Согласно ст.28 Закона Республики Узбекистан «О защите персональных данных» от 02.07.2019 г. за № ЗРУ-547 под *конфиденциальности персональных данных* следует понимать «обязательное для соблюдения собственником и (или) оператором или иным получившим доступ к персональным данным лицом требование о недопустимости их раскрытия и распространения без согласия субъекта или наличия иного законного основания.

Собственник и (или) оператор и иные лица, получившие доступ к персональным данным, обязаны не раскрывать и не распространять персональные данные без согласия субъекта», в то же время ст.4 под *персональными данными* следует понимать «зафиксированную на электронном, бумажном и (или) ином материальном носителе информацию, относящуюся к определенному физическому лицу или дающую возможность его идентификации»¹.

Стоит отметить, что зачастую конфиденциальные сведения могут стать известной третьим лицам по вине самого собственника либо без его ведома,

* Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказнинг таянч докторанти Е-маил: sxahsitna@gmail.com

¹ См.: Закон Республики Узбекистан «О персональных данных» <https://lex.uz/doss/4396428> (дата обращения: 18.03.2022)

когда человек пользуется интернетом посредством Wi-fi в общественных местах, тем самым оставляя после себя свои цифровые следы и цифровые тени в сети Интернет. По мнению авторов М.Е.Вайндорф-Сысоевой и В.В.Пчеляковой под цифровым следом следует понимать «огромный и неструктурированный массив данных, который мы оставляем в глобальной информационной сети от любого нашего действия и который может нести чрезвычайно полезную информацию»¹. С.Р.Низаева под цифровым следом предлагает понимать «уникальный набор действий, производимый в информационно-телекоммуникационной среде, а также информацию, оставленную в результате просмотра веб-страниц». Далее автор подразделяет данные следы на активные и пассивные виды, *пассивные* следы – информация собранная о пользователе без его ведома; в ряде случаев эти данные оставляет непреднамеренно оставляет сам пользователь. (Например, таргетированная реклама), а *активные* – характеризуются действиями самого пользователя (регистрация на различных коммуникационных платформах, обмен сообщениями в форумах и чатах)².

Ни в науке ни в правоприменительной практике нет единого подхода в определении цифровых прав человека. Так, согласно Русско-узбекскому толковому словарю терминов по цифровой экономике цифровые права человека – расширение и применение универсальных прав человека к потребностям общества, основанного на информации. В своем примечании авторы словаря излагают, что в настоящее время эти технологии получили развитие в качестве технологий «несмертельного оружия» и, оказавшись в руках правительств или корпораций, они легко могут быть использованы против интересов широкой публики чрезвычайно опасным образом³.

Таким образом, именно эти права порождают такие феномены как цифровые следы и необходимость строгой цифровой гигиены. В силу того, что Интернет является базовым средством коммуникации современного человека и носит глобальный характер, вся информация, которая попадает в Интернет никогда не исчезает, а остается в его просторах. По нашему мнению, представляется невозможным будучи активными в сети не оставлять своих цифровых следов, при этом следует помнить об обеспечении собственной безопасности и свести потенциальные и скрытые угрозы к минимуму.

У цифровой гигиены нет конкретного определения, однако именно она способствует обеспечению защиты и безопасности в цифровом пространстве для каждого пользователя.

¹ Вайндорф-Сысоева М.Е., Пчелякова В. В. Перспективы использования цифрового следа в образовательном и научном процессах // Вестник Мининского университета. 2021. Т. 9, №3. С.2

² См.: Низаева С.Р. Цифровые следы. Виды, перспективы использования в целях раскрытия и расследования преступлений. // <https://сйберленинка.ру/артислe/н/тсифровe-слeдeй-видeй-перспeктивeй-исползования-в-тeслeяx-раскрeйтия-и-расслeдования-преступлений/виeуeр>

³ Русско-узбекский толковый словарь терминов по цифровой экономике. Под общей редакцией кандидата технических наук Махмудова М.М., словарь подготовлен в 2020 году Ахмедовой Ё.Н., переведен и отредактирован Комиловой М.Б., Гаиповой Г.Я, Ахмедовой Ё.Н. Т. 2021. // <https://стт2.унисон.уз/#/пост/2346> (дата обращения: 24.03.2022)

Так по мнению экспертов Лаборатории Касперского были приведены рекомендации по защите личных данных и управлению репутацией в сети, которые заключаются в:

а) использовать поисковые системы для проверки своего цифрового следа (настроить оповещения Google как одного из способов отслеживания информации по своему имени);

б) уменьшить количество источников информации, в которых упоминается собственное имя (сайты могут содержать личную информацию о человеке номер телефона, адрес и возраст);

с) ограничить объем предоставляемых данных (в частности, личных данных, которые впоследствии могут быть использованы злоумышленниками);

д) проверять параметры конфиденциальности (например, Facebook позволяет ограничивать видимость публикаций для друзей и создавать специальные списки тех, кто может видеть определенные публикации. Однако не стоит забывать, что параметры конфиденциальности защищают пользователя только в конкретной социальной сети);

е) не раскрывать излишнюю информацию в социальных сетях (не указывать номер телефона и адрес электронной почты в разделе «Информация» в социальных сетях и ставить лайки обслуживающему банку и прочим организациям, поскольку это может указать киберпреступникам на важные учетные записи о личности);

ф) избегать незащищенных веб-сайтов (веб-адрес должен начинаться с <https://>, а не с <http://>; буква s означает «безопасный» и указывает на наличие у сайта сертификата безопасности);

г) не указывать личные данные при использовании публичных сетей Wi-Fi;

h) удалять старые учетные записи (удаление неиспользуемых учетных записей снижает вероятность утечки данных);

и) создавать надежные пароли и использовать менеджер паролей (пароли необходимо хранить в секрете, никому не сообщать и нигде не записывать и не использовать один пароль для всех учетных записей, а также регулярно менять пароли);

j) не выполнять авторизацию через Facebook (поскольку при каждом входе на сторонний веб-сайт с использованием учетных данных Facebook, пользователь разрешает компании-владельцу сайта получать собственные данные Facebook, что подвергает личную информацию пользователя потенциальному риску);

к) поддерживать актуальность программного обеспечения (регулярное обновление программного обеспечения позволяет предотвратить это, поскольку устаревшее программное обеспечение является более уязвимым для атак злоумышленников);

l) настроить использование мобильного устройства (установление пароля для мобильного устройства, чтобы в случае утери никто, кроме владельца, не мог получить к нему доступ);

m) оценивать материалы перед публикацией (следует создавать положительный цифровой след, публикуя только то, что создает вам желаемый образ);

n) в случае взлома принять немедленные меры (если речь идет о финансовых потерях, сообщить о нарушении в банк или компанию, выпустившую кредитную карту, сменить все пароли, которые могли быть раскрыты, если скомпрометированный пароль использовался для других учетных записей, изменить его везде);

o) использовать виртуальную частную сети VPN (использование (VPN) помогает защитить цифровой след, т.к. она маскирует IP-адрес, что практически не позволяет отследить действия пользователя в сети. Это повышает конфиденциальность при работе в интернете и не позволяет веб-сайтам устанавливать файлы cookie, отслеживающие историю просмотров)¹.

Стоит отметить, что в Узбекистане уделяется особое внимание защите сохранности персональных данных. Так, Законом Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан» от 14 января 2021 года за №ЗРУ-666 были внесены изменения в Закон Республики Узбекистан «О персональных данных», а именно была введена статья 27¹ Особые условия обработки персональных данных граждан Республики Узбекистан.

Полагаем настоящие изменения были внесены для того, чтобы за совершение правонарушений (преступлений) касательно обработки персональных данных, поскольку Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан» от 29 октября 2021 г. за № ЗРУ-726 были внесены соответствующие изменения и дополнения в ст.141² Уголовного кодекса и ст.46² Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности, которые в целом ужесточили ответственность за нарушение законодательства об условиях обработки персональных данных.

При этом стоит отметить, что еще в июле 2021 года Государственной инспекцией по контролю в сфере информатизации и телекоммуникации Республики Узбекистан (Узкомназорат) в связи с нарушением требований статьи 27¹ Закона Республики Узбекистан «О персональных данных» при обработке персональных данных граждан Республики Узбекистан соответствующие социальные сетям со 2 июля 2021 года внесены в «Реестр нарушителей прав субъектов персональных данных» и было ограничено их использование в установленном порядке до устранения выявленных недостатков².

На основании изложенного можно сделать выводы, что обеспечение цифровых прав человека, в частности персональных данных полностью

¹ См.: Что такое цифровой след? <https://www.касперский.ру/ресурсе-центр/дефиниционс/whат-ис-а-дигитал-фотопринт> (дата обращения:24.03.2022)

² Ограничено использование ряда социальных сетей в связи с нарушением требований законодательства при обработке персональных данных граждан Республики Узбекистан. // <https://гис.уз/ру/newс/997> (дата обращения:24.03.2022)

гарантировано государством. Однако во время посещения веб-сайтов пользователям следует позаботиться о собственной безопасности в сети, недопуская оставления компрометирующих цифровых следов, путем повышения цифровой грамотности и цифровой гигиены, в частности это касается детей и молодежи.

Полагаем, необходимо усилить родительский контроль за контентом, который просматривается несовершеннолетними в сети, чтобы защитить их от информации, которая может нанести вред как неокрепшей детской психике, так и всему обществу в целом.

*Б.Т.Кадирова.**

ҚИЙНОҚҚА ҚАРШИ ҚУРАШИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ВАЗИФАЛАРИ- НИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Қийноққа қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг вазифалари илмий-назарий таҳлил қилиб ўрганиш айна шу соҳадаги прокурор назорати самарадорлигини ошириш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекланишини олдини олишга, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга имконият беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5019-сонли¹ “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”²ги фармони асосида прокуратура органларига янги вазифалар белгилаб берилди. Унга кўра, жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан самарали назоратни амалга ошириш орқали халқ манфаатларига хизмат қилиш прокуратура органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида **асосий вазифалар** қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборатлиги келтириб ўтилган.

* Бош прокуратура Академияси таянч докторанти

¹ 18.04.2017 й. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-5019-сон Фармони

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.09.2019 й., 06/19/5837/3812-сон.

Жумладан, муайян жиноятга қарши курашда жавобгарлик муқаррарлиги муҳим аҳамият касб этади. Қийноққа солиш жинояти учун жавобгарлик масаласи халқаро ва миллий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддаси¹ қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш деб номланиб, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни маъмурий қамоққа олинган шахсга, шунингдек гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга, гувоҳга, жабрланувчига, жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига улардан ёки бошқа учинчи шахсдан бирор-бир ахборот олиш, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш мақсадида уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида **ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги** билан бошқа шахслар томонидан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш йўли билан ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган руҳий, психологик, жисмоний босим ўтказиш ёки бошқача тарзда босим ўтказиш келтирилган.

Ушбу жиноят субъектлари сифатида **ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги** билан бошқа шахслар томонидан содир этилиши мумкин. Аммо, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш жиноятидан ҳар қандай жабрланувчи бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш ва қийноққа қарши курашишни тартибга солувчи нормаларнинг амалиётда қўлланилиши ва ижросининг назорати муҳим ҳисобланади.

Қийноқ билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда прокурор назорати вазифалар таҳлилига қарайдиган бўлсак, прокурор назорати вазифалари борасида кўплаб ҳуқуқшунос олимларнинг қарашлари турли хилдир.

Мисол учун оладиган бўлсак, ҳуқуқшунос Б.Х.Пўлатов “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари прокурорлик назоратининг ҳар бир соҳаси доирасида аниқ вазифалар орқали амалга оширилади. Назорат соҳасининг асосий вазифалари давлатнинг олий ҳокимият ва бошқарув органлари қарорларидан келиб чиқади, улар эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари, фармойишлари, кўрсатмалари ва йўриқномаларида ўз аксини топади.”² деб таъкидлаган бўлса, ҳуқуқшунос О.М.Мадалиевнинг фикрича “Прокуратура органларининг вазифалари қонуннинг ягоналигини таъминлаш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш

¹ 22.09.1994. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (лех.уз)

² Прокурор назорати: дарслик / Б.Х.Пўлатов; масъул муҳаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқалар - Т.: “Ўзбекистон”2009. -Б. 54.

ва қонун бузилишини бартараф этиш чораларини кўришлиги ва қонунда ўз аксини топган ушбу вазифалар прокуратура органларининг назорат соҳалари ва асосий йўналишларидаги фаолиятини тўлиқ қамраб олиши” ва “Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситишига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва назорат органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориш зарур. Бу - прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир” каби фикрлар келтириб ўтилган.

Аммо, прокурор назорати вазифаларини ҳуқуқшунос Ф.Рахимов ўз қарашларида қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш нуқтаи назардан прокурор назоратини амалга оширишдаги вазифалар шубҳасиз, прокурор назорати мақсадидан келиб чиқишини таъкидлаб, уларни умумий, махсус ва хусусий вазифаларга ажратади.

Ушбу қарашларни хорижий ҳуқуқшунослардан Ю.Е.Винокуровнинг¹ “Прокурор назоратининг вазифалари мақсадларга нисбатан аниқроқ ва аниқ чекланган тоифалиги, улар бир-биридан тубдан фарқ қилиши ва прокурор назоратининг вазифалари шартли уч турга, яъни **умумий, махсус ва хусусий** қисмларга бўлиш мумкин”лигини таъкидлаган:

Умумий вазифалар - Конституция, Прокуратура тўғрисидаги қонун, шунингдек, бир қатор бошқа норматив ҳужжатлар, Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик кодекси, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишдан иборат.

Махсус вазифалар - умумий вазифаларнинг моҳиятидан келиб чиқади. Қонунларнинг аниқ бажарилишини таъминлаш, маҳаллий бошқарув органлари, ҳарбий бошқарув органлари, назорат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари федерал ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

Хусусий вазифалар – аниқ вазифалардан келиб чиқиб, муайян қонунлар бузилишини текшириш, ҳуқуқбузарлик ва уни бартараф этиш чораларини кўришдан иборат бўлади.

Бундай фикрни О.П.Копылова вазифа ва мақсад ўзига хос табиати билан бир-биридан ажралиб туради, деб айтиб ўтган ва бу қўйилган вазифаларни бажариш, мақсадга эришишга ёрдам беради². Ҳусусан, прокурор назорати вазифаларини умумий, махсус ва хусусий вазифаларга ажратилганлигини С.Л.Алексеев Н.Р.Вотчелларнинг қарашларида ҳам кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, айти шу масалада А.Б.Комилов³ прокурор назорати вазифаларини умумий, махсус ва аниқ вазифаларга ажратган, яъни, умумий вазифалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни ва бошқа соҳага оид қонун ҳужжатларда қайд этилиб, бу ҳолат қуйи бўғиндан то, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасигача

¹ Ю.Е.Винокуров и д.р Прокурорский надзор / Учебник МОСКВА ВЫСШЕЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2005. -Б.17-18. [прокурорский-надзор.пдф \(ига.ру\)](#)

² Копылова О.П. Прокурорский надзор: учебное пособие [Текст] / Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2007. – С. 9.

³ Комилов А.Б. “Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таъкомиллаштириш” Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражани олиш учун ёзил. дисс...-Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси. 2020 й.-Б. 42-43.

бўлган барча прокуратура органлари учун бирдек муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Умумий вазифалар назорат фаолиятида хусусийлашиб, янада аниқлашиб боради. Махсус вазифалар прокуратура органларининг ихтисослашуви, амалга оширадиган фаолият йўналиши ва прокуратура органлари тизимида эгаллаган ўрни билан белгиланади.

Юқоридаги ҳуқуқшунос олимлар томонидан илгари сурилган фикрлар қийноққа солиш, шафқатсиз ғайриинсоний ёки кадр-қимматини камситувчи ҳисобланган муомала ҳамда жазо турларини қўллаш жиноятига қарши курашишда **терговга қадар текширув, дастлабки тергов ва тергов ҳибсхоналари, жазони ижро этиш муассасаларидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда** прокурор назорати вазифаларини янада мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев¹ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий мажлисидаги маърузасида халқ вакиллари ҳисобланган депутатлар олдида турган долзарб вазифаларга тўхталиб ўтиб, ўз нутқида “Биз қанча мукамал қонун, фармон ва қарорлар қабул қилмайлик, агар улар жойларда етарлича амалга оширилмаса, шунча меҳнат ва саъй-ҳаракатимиз натижаси сезилмай қолаверади. Агар қабул қилинаётган ҳар бир қонуннинг ҳудудларда ижроси таъминланса, энг асосийси, халқимиз қабул қилса, ҳар бир ташкилотнинг йўлини кўрсатиб, уни назорат қиладиган қонун бўлса, жамият ўзгаради, муносабат ўзгаради, вазият ўзгаради, натижа бўлади”, дея таъкидлаган эди, яъни терговга қадар текширув, дастлабки тергов ва тергов ҳибсхоналари, жазони ижро этиш муассасаларидаги шахсларга нисбатан прокурор назоратини кенгроқ олиб бориш қийноққа солиш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда асосий вазифалардан бири деб тушуниш лозим. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳам қонунлар ижросини назорат қилишга қаратилган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш, тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, шу ўринда ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш²ни амалга оширади.

Терговга қадар текширувни олиб боришда прокурор назорати вазифалари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг “Ички ишлар органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги соҳавий буйруғи асосида амалга оширилади. Ушбу буйруқда жиноятга оид аризалар ва хабарларнинг ўз вақтида рўйхатга олинishi ва ҳал этилиши, тезкор-қидирув тадбирлари, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов

¹ [хтп://www.adolat.uz/nuqtai-nazar/qonunlar-ijrosi-bilan-kuchli](http://www.adolat.uz/nuqtai-nazar/qonunlar-ijrosi-bilan-kuchli)

² Прокуратура тўғрисидаги қонун 4-моддаси

Ўтказилишида қонунчилик талабларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади. Лекин тергов, терговга қадар текширувни амалга оширишда шундай ҳолатлар амалиётда, яъни фуқароларнинг ҳуқуқлари ноқонуний чекланиши ва жиноятга алоқаси бўлмаган шахсларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатларини чеклаб, тергов ҳибсхоналарини ушлаб туриш ва жиноятга оид аризалар ва хабарларнинг ўз вақтида рўйхатга олинмаслик ҳолатларини кўришимиз мумкин.

Дастлабки тергов - қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг вазифаси жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, тергов ва суриштирув ҳамда тезкор-қидирув фаолияти устидан назоратни амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш қолаверса, амалиётда қонунлар ижроси устидан назоратини Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари асосида амалга оширилишини кўришимиз мумкин.

Тергов ҳибсхоналари, жазони ижро этиш муассасаларидаги шахсларга нисбатан прокурор назоратининг асосий вазифалари фуқароларни махсус қабулхоналарда, аниқ яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларида ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланишининг қонунийлигини ҳамда улардаги шарт-шароитларни ўрганишни ташкиллаштириш ҳам асосий ролни ўйнайди, яъни, қачонки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекланишининг амалга оширилиши жиноят содир этишда гумонланиб, тергов ҳибсхоналарида сақланишидан бошланишини кўришимиз мумкин. Бу тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларнинг қийноқ билан боғлиқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар қўлланилмаслиги назоратини олиб бориш вазифаларидан бири ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирининг “ИИВ тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 175-сонли буйруғи орқали тергов ҳибсхоналаридаги шахсларнинг сақлаш тартиби келтирилган. Қийноққа қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг яна бир ўзига хос вазифаси шундаки, унга кўра, қийноққа қарши курашишга оид қонунчилик талабларини бузган шахсларни фақат жазолаш эмас, балки қийноқ билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишига имкон яратмаслик ва қийноқ билан боғлиқ бошқа жиноятларнинг содир этилиши олдини олиш юзасидан терговга қадар текширув, дастлабки тергов ва суддан кейинги босқич, яъни жазони ижро этиш муассасасида сақланаётган фуқароларга ҳуқуқлари юзасидан тарғиботлар олиб бориш ва мунтазам назоратни кучайтириш билан юқори натижаларга эришади.

Бундан ташқари, прокурорлар ушланганларни вақтинча сақлаш, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида ҳамда тергов ҳибсхоналарида, тарбия колонияларида, махсус мактаб ва бошқа болалар таълим муассасаларида вояга етмаганларни сақлаш ва тарбиялаш шароитларининг қонунийлигини назорат қилиш асосий вазифалари ҳисобланади. Уларнинг шаъни, кадр-қиммати, соғлигига путур етказадиган

тазйиқ ўтказиш, азоб ва қийноққа солиш, шунингдек ғайриқонуний равишда ушлаш, ҳибсга олиш, жиноий жавобгарликка тортиш, судланиш ҳолларига йўл қўймаслик чораларини кўрадилар.¹

Жумладан, қийноққа қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати вазифаларининг янада муҳим жиҳатларига эътибор қаратадиган бўлсак, маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ва таъминлаш Ўзбекистон Республикаси **“Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”**²ги 2016 йил 13 декабрь кунидаги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирининг **“Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб-қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”**³ги 2018 йил 14 август кунидаги буйруғида тартибга солинган. **Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида**ги қонунда маъмурий қамоқ муддатини ўташ тартиби билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш белгиланган бўлса, қонуннинг **8-боби “Жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш”** деб номланиб, жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш маъмурий қамоққа олинган шахсларга азоб-уқубат етказилишига олиб бормаслиги, шунингдек шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи тазйиқлар билан амалга оширилмаслиги лозимлиги акс эттирилган.

Хусусан, махсус қабулхона маъмурияти ва ходимлари маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан дарҳол чоралар кўриши шартлиги белгиланган. Қолаверса, маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларига, шунингдек ўзига-ўзи зарар етказишига барҳам бериш мақсадида махсус воситалар қўлланилиши мумкин. Махсус воситаларга тинчлантириш куйлақлари, резина таёқлар, қўл кишанлари ёки бошқа боғлаш воситалари, кўздан ёш оқизувчи моддалар, чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламалари, хоналарни очиш мосламалари ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа воситалар кириши кўрсатилган.

Шунингдек, маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг жиноятлари ва бошқа ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш мақсадида улар махсус қабулхона ходимларининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатишини бартараф этиш учун агар қонуний талабларнинг улар томонидан бажарилишини жисмоний куч ишлатмай, бошқа усуллар билан таъминлашнинг иложи бўлмаса, уларга нисбатан жисмоний куч ишлатилиши мумкинлиги келтирилган. Ушбу ҳолатлар махсус қабулхона ходимларининг маъмурий қамоқ муддатини ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари янада таъминланмаслиги ва уларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ва жисмоний куч

¹ Б.Х.Пулатов “Прокурор назорати” -Б.240.

² ЎРҚ-420-сон 09.01.2017. Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида (lex.uz)

³ 3073-сон 29.09.2018. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида (lex.uz)

ишлатишига қолаверса, қонунга хилоф руҳий, психологик таъсир ўтказишга имконият келтириб чиқариши мумкин. Прокуратура органларини назорат функциясини бажаришда маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳамда бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлигига жисмоний куч ишлатиш ёки махсус воситаларни қўллаш натижасида зарар етказилган бўлса, ушбу зарар етказилган ҳар бир ҳолат тўғрисида дарҳол прокурорга хабар қилиниши келтирилган. Прокурорга берилган хабар маъмурий қамоққа олинган шахсларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш ёки махсус воситаларни қўллаганига кўра ҳуқуқий баҳо берилади.

Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида прокуратура органларига мазкур етказилган зарар ҳар бир ҳолат тўғрисида дарҳол келиб тушган хабар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли соҳавий буйруғи асосида кўриб чиқилади. Хусусан, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқилишида тергов ҳибсхоналари ва озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этиш жойларида содир бўлган оммавий тартибсизлик, мазкур муассасалар фаолиятини издан чиқаришга қаратилган ёки оғир оқибатларга олиб келган ҳаракатлар ва жисмоний куч ишлатиш ёки махсус воситаларни қўллаш асослари қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратини кучайтиришга ва ҳуқуқий баҳо беришга қаратилади.

Қайд этиш керакки, прокурор назоратининг асосий вазифалари ушбу жабҳага бўлган ҳуқуқий таъсири фақатгина қонунбузарликларни аниқлаб, чора кўришдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки маҳкумларнинг ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда имкони борича уларни тегишли тартибда ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш мақсадида соҳани ривожлантириш йўналишидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этилишида ҳам ўз аксини топиши керак. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги Ички Ишлар Вазирлигининг буйруғида эса маъмурий қамоққа олинган шахс томонидан махсус қабулхона ходимларига фаол қаршилик кўрсатилган ҳолларда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида ички ишлар органи ходими махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилишига руҳсат этилган ҳолларда ҳам, агар куч ишлатилмайдиган усуллар ички ишлар органи ходимининг зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаса, яъни фуқарога ёки ички ишлар органи ходимига қилинган ҳужумни қайтаришда, жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда, жиноятни содир этиш чоғида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда, ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида, зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда, қуролли қаршилик кўрсатаётган шахсни, шунингдек ёнидаги қуролни, ўқ-дориларни, портловчи

моддаларни, портлатиш қурилмаларини, заҳарли ёки радиоактив моддаларни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлаш ва бошқа ҳолларда шахсан ўзи ёки бўлинма (гуруҳ) таркибида жисмоний куч ишлатиш, шу жумладан курашнинг жанг усулларини қўллаш ҳуқуқига эгаллиги акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунининг 8-моддасига кўра, **қийноқларга солиш, зўравонлик қилиш, бошқа шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситадиган тарзда муомалада бўлиш ички ишлар органи ходимига тақиқланади.** Ички ишлар органининг ходими фуқарога қасддан оғрик, жисмоний ёки маънавий азоб етказиладиган хатти-ҳаракатларга чек қўйиши шартлиги келтирилган. Бундан ташқари, ушбу қонунда ҳам маъмурий қамоқ жазосини ўтаётган шахсларни қамоқда сақлаш, ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ва маҳкумларни қамоқда сақлаш жойларида сақлаши ҳамда қўриқлаши, маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига тақсимлаш, жазони ижро этиш муассасаларида ҳамда қамоқда сақлаш жойларида маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларнинг сақланиш шароитларини ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлаши келтирилган.

Асосий жиҳатларидан яна бири гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назорати вазифалари асосий роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”¹ги қарорида ҳам далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш қатъиян ман этилган.

Ушбу Пленум қарорида қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ҳамда инсонга нисбатан бошқача шафқатсиз ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек қонунга хилоф бошқа чоралар қўллаш, шу жумладан, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини бузиш натижасида олинган далиллар айблов асосига қўйилиши мумкин эмаслиги, суриштирувчи, терговчи, суд (судья) қамоқ жойларидан келтирилган шахсдан ҳар доим суриштирув, тергов ҳаракатлари ўтказилган пайтда унга нисбатан қандай муносабатда бўлишганлиги ҳамда сақлаш шароити тўғрисида сўраши шартлиги, суриштирувнинг ёки терговнинг қийноққа солиш ёхуд қонунга хилоф бошқа усуллари қўлланилганлиги тўғрисидаги ҳар бир мурожаат факти бўйича арз қилинган вазиятни синчиклаб текшириш, шу жумладан, тиббий гувоҳлантириш ўтказиш орқали синчиклаб текширишлари ва натижасига қараб, тегишли мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатишга қадар процессуал ёки бошқа ҳуқуқий чоралар қўришлари келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим

¹ 17-сон 19.12.2003. Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида (лех.уз)

масалалари тўғрисида”¹ги 2018 йил 24 август кунидаги қарорида эса агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали² ёки жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш йўли билан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас, деб топилади.

Ушбу Пленум қарорида ЖКнинг 235-моддаси ва 1984 йил 10 декабрдаги «Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш, жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенция»нинг 1-моддасига кўра, қийноқлар ҳамда бошқа шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо деганда, мансабдор шахс ёки бошқа расмий шахс томонидан ёхуд расмий ёки бошқа шахс далолатчилиги ёки хабардорлиги ёхуд индамасдан берган розилиги билан бошқа шахс томонидан содир этилган ҳаракат тушунилиб, унинг натижасида қасдан шахсга турли мақсадларда кучли оғриқ, жисмоний, руҳий ёки психологик азоб етказилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорда ҳам келтирган.

Жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши юзасидан прокурор назорати вазифаларни бажаришда Б.М.Тнинг “Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши” Конвенцияси ва бу борадаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларининг бажарилишига қатъий амал қилиниши муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041 сонли 2020 йил 10 август кунидаги фармонида шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш, жиноят ишларини тергов қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини, жиноятчиликнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш, бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоатгўйлик руҳини шакллантириш механизмини жорий қилиш масалалари келтирилган.

Шу билан бирга, қонунлар ижросига бевосита масъул идоралар томонидан зиммаларига юклатилган вазифаларнинг тўлақонли бажарилмаслиги жойларда

¹ 24-сон 24.08.2018. Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида (лех.уз)

² 22.09.1994. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (лех.уз) 95¹-модда

қўплаб муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлганлиги аниқланган.¹ Бу қийноққа солишнинг барвақт олдини олиш, фуқароларнинг ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ сақланадиган жойларда қийноқ билан боғлиқ жиноятларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ушбу салбий ҳолатларга тўлиқ барҳам бериш ва келгусида келиб чиқишини олдини олиш мақсадида прокуратура органларининг қийноққа қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат вазифасини янада такомиллаштириш лозим. Қийноққа қарши курашиш ва уни олдини олишга оид механизмларни такомиллаштиришда прокурор назорати вазифалари муҳим ҳисобланади. Жумладан, шахс дахлсизлигининг ҳуқуқий кафолатлари халқаро ва миллий ҳуқуқда кафолатланган бўлиб, қийноққа қарши курашишни тартибга солувчи нормаларни янада такомиллаштириш мазкур тоифа жиноятларни олдини олиш ва унга қарши курашда аҳамияти каттадир. Шахснинг шахсий дахлсизлиги чекланиши билан унинг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида прокурор назоратини доимий терговга қадар текширув, дастлабки тергов, суд ҳамда тергов, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари, жазони ижро этиш муассасаларида назоратни кучайтириш қийноққа солишнинг олдини олади ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш янада мустаҳкамланади.

Бу эса ўз навбатида, прокуратура органлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига ва жиноят процессуал қонунчилиги талабларига риоя қилиниши устидан назоратни янада мустаҳкамлайди ҳамда қийноққа қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг вазифаларини кучайтиради.

*Ш.А. Таджиметов**

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҲИМОЯСИДА

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – Конституциянинг асосий принципи, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ва пировард мақсади ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида нутқ сўзлаб, унда «2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили асосида амалга оширилади. Бу ўринда сўз инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси

¹ [хтп://сенат.уз/уз/листс/виенв/1411](http://senat.uz/uz/listcs/view/1411) (Бош прокурор ҳисоботида оид пресс-релиз. 11.05.2020 йил ҳолатига)

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Жанговар тайёргарлик цикли бошлиғи, доцент.

экспертларининг фаол иштирокида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга ошириш тўғрисида бормоқда¹», — деб таъкидлаган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим халқаро ҳуқуқий қоидалар мустаҳкамланган:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш – давлатнинг мажбурияти;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устунлиги;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб таалуқли эканлиги, яъни табиий ҳуқуқ ғояси ва назариясининг эътироф этилиши;

тўртинчидан, ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тенг ва баробар таалуқлилиги;

бешинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши;

олтинчидан, фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши;

еттинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилмаслиги зарурлигидан иборат.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мувофиқ, "...Ҳар бир инсон ирқи, ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқоди, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулки, туғилиши ёки бошқа мавқеидан қатъий назар, фарқ қилмасдан, ушбу декларацияда кўрсатилган барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга" - деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий ғояси «фуқаро-жамият-давлат» ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни белгилашдан иборат.

Маълумки, ҳуқуқ ва эркинликлар, бурч ва мажбуриятлар ҳам инсоннинг хулқ-атворини акс эттиради. Бироқ, ҳуқуқ инсоннинг ҳаракат қилиш имкониятини билдирса, бурч заруриятини билдиради.

Давлатнинг халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва умуман тарихан шаклланган турли қарашларига кўра, уни қандай тушуниш кераклиги тўғрисидаги тушунчаларни турли қонунларда белгилаб берган, яъни, аввал давлат шаклланиши, ундан сўнг инсонга тегишли ҳуқуқ ва эркинликлар амалда бўлиши демакдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий моҳияти инсонни улуғлашга қаратилганлиги билан кўзга ташланади. Конституциянинг 2-моддасидаёқ «давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» деб белгиланганлигининг ўзи, Конституция кимга хизмат қилишини белгилайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2021 йил 22 февралдаги БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи.

Маълумки, ҳар бир жамиятнинг етакчи кучи – бу инсон. Инсон жамиятнинг ривожланишида, унинг таркиб топишида энг асосий ўринни эгаллайди. Инсон дунёга келишидан то умрининг охиригача меҳнат қилади. Яшаш учун интилади. Жамиятга ўзининг борлигини доим сездириб туради. Жамиятнинг ривожланиши кўпинча инсоннинг онги билан боғлиқ ҳолда рўй беради.

Инсон ҳуқуқлари давлат томонидан рухсат этилган, ман этилган ёки унинг ўз хоҳиши билан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳуқуқларга бўлинади. Масалан, инсон туғилиши билан унга исм қўйиш, ота-онасини аниқлаш, фамилиясини кўрсатиш, фуқаролигини белгилаш ҳуқуқи давлат томонидан назорат қилинса, унга исм танлаш эса ота-онасининг шахсий ҳуқуқи ҳисобланади.

Демак, инсон туғилишидан бошлаб, ўзи сезар-сезмас ҳолатда ҳуқуқ, эркинликларга эга бўла бошлайди, маълум ёшдан бошлаб, ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис эта бошлайди. Бу эса давлатимиз Конституцияси ва қонунларида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нафақат юридик норма, яъни, мажбурий характерга эга бўлган қоида ва принциплар, балки ахлоқий жиҳатлари билан ҳам ажралиб туради. Масалан:

-хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги (46-модда);

-вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги (45-модда);

-оила жамият ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва ҳимоя қилиниши (63-модда);

-давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши, ўқитишни таъминлаши, болаларга мўлжалланган ҳайрия фаолиятни рағбатлантириши (64-модда);

-оналик ва болаликнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши (65-модда);

-вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурликлари (66-модда) Конституциянинг чуқур ахлоқий аҳамиятга эга эканлигини белгилайди. Шарқ халқларига мансуб бўлган кўпгина ахлоқий қарашлар қоида сифатида, норма сифатида Конституцияда белгиланганлигини, унинг миллий характерини кўрсатади. Шу жиҳатлари билан асосий қомусимиз бошқа давлатларнинг Конституцияларидан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқро аҳамиятга эга, десак хато булмайд. Чунки, давлатимиз томонидан олиб бораётган ташқи сиёсат ва халқро ҳамкорлик айна Конституциямизга асосланади. Конституцияда белгиланган қатор нормалар давлатимизни халқро ҳамжамиятда ўз ўрнини топишида бир йўлланма ҳисобланади.

Конституциямизда инсон ҳуқуқларига оид бир қатор халқро ҳужжатлар – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт, Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт, Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Аёллар тенг ҳуқуқлилиги тўғрисида халқро ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларда белгиланган асосий принцип ва

қоидалар Конституциямизда ўз аксини топган. Шунинг билан ҳам Конституциямизни халқаро аҳамиятга эга эканлигини кўриш мумкин.

Давлатимизнинг ҳар бир фуқароси хорижда бўлиб турган вақтида Конституция ва қонунларимиз ҳимоясида бўлади. Конституциямизда халқаро ҳуқуқнинг деярли барча қоидалари имплементация (қўлланган) қилинган, десак бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсон, унинг олий, конституциявий даражадаги ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш давлатнинг бурчи сифатида белгиланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш демократик фуқаролик жамияти қуришнинг пойдевори ҳисобланади.

Ф.Р.Гафуров *

ВАЛЮТА ҚИММАТЛИКЛАРИНИ БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ ОРҚАЛИ НОҚОНУНИЙ РАВИШДА ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга қаратилган ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Хусусан, 2020 йил 10 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармони қабул қилинди. Мазкур фармон билан суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга қаратилган самарали чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан 2022—2026 йилларга мўлжалланган 100 та стратегик мақсадларни қамраб олган **Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси** қабул қилинди. Мазкур тараққиёт стратегиясида **14-мақсад этиб, “жамиятда қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда ушбу жараённинг бош мезони сифатида инсон қадрини белгилаш”** кўрсатиб ўтилди. Ушбу мақсад доирасида суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича қуйидаги бир қатор вазифалар белгилаб олинди:

- қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив механизмларни такомиллаштириш;

- қийноқларнинг олдини олиш бўйича тегишли халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиш;

*Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона институти ўқитувчиси
Е-маил: федея90.иванов@маил.ру

- қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив миллий механизмнинг қонуний асосларини ривожлантириш;
- озодликдан маҳрум этилган шахсларга жазони ўташ шароитларини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш;
- фуқароларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш, шу жумладан ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ чораларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш.

Аммо, амалга оширилаётган ислоҳотларга қарамай, бугунги кунда божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига, шу жумладан валюта қимматликларини божхона чегараси орқали ноқонуний равишда Ўзбекистон Республикасидан хорижий давлатларга олиб чиқиб кетилишига қарши кураш фаолияти таҳлили Ўзбекистон божхона органларининг таркибий тузилмаларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилинишини таъминловчи халқаро стандарт талабларга жавоб берадиган вақтинча сақлаш ҳибсхоналарини ташкил этиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, ҳудудий божхона бошқармаларининг контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлимлари ҳамда чегара божхона постлари ходимларининг фикрига кўра, ҳозирги кунда божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни содир этишда гумон қилиниб ушланган шахслар, ҳудудий божхона бошқармалари ва чегара божхона постларининг хизмат хоналарида, шу жумладан, чегара божхона постлари яқинидаги меҳмонхоналарда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари олиб қўйилган ҳолда сақланаётганлиги маълум бўлди. Бунга ҳудудий божхона бошқармаларида ва чегара божхона постларида жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган шахсларни ушлаб туриш учун вақтинча сақлаш ҳибсхоналари мавжуд эмаслиги сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, гумон қилиниб ушланган шахсларни хизмат хоналарида ва меҳмонхоналарда сақлаш терговга қадар текширув жараёнида қуйидаги хавфларни вужудга келтирмоқда:

- йирик миқдордаги валюта қимматликлари, гиёҳвандлик воситалари, қурол-яроқлар ҳамда диний экстремизм ва терроризмни тарғиб қилувчи материалларни божхона чегараси орқали ноқонуний равишда олиб ўтишда гумон қилиниб ушланган шахсларни хизмат хоналарида ушлаб туриш божхона ходимларининг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш эҳтимоли мавжудлиги;

- меҳмонхоналарда сақланаётган гумон қилиниб ушланган шахсларни терговга қадар текширувдан қочиш кетиш ҳамда яшаш хонадонларида ва бошқа жойларда сақланаётган далилларни йўқ қилиб юбориш имконияти ва эҳтимоли мавжудлиги;

- гумон қилиниб ушланган шахсларни хизмат хоналарида ушлаб туриш вақтида 1 нафар ходим уларни кўриқлаш учун 48 соат банд бўлиб, ушлаб турилганлар билан бир хонада тунги кўриқлаш учун ухлаб қолаётганлиги;

- гумон қилиниб ушланган шахслар хизмат хоналарида сақланмасдан, Ички ишлар органлари ихтиёридаги вақтинча сақлаш ҳибсхоналарига ушлаб туриш учун топширилганда, тезкор-қидирув ва терговга қадар текширув

зарурати туфайли гумон қилинувчилар билан учрашувга борилганда, вақтинча сақлаш ҳибсхонасига киришга рухсат олиш, гумон қилинувчи билан эркин суҳбатлашиш учун бюрократик ва ташкилий жиҳатдан тўсқинликлар вужудга келаётганлиги натижасида бундай ҳолатлар терговга қадар текширув ҳаракатларини ўз вақтида ва тўлақонли бажарилишига зарар етказмоқда ва салбий таъсир қилмоқда.

Шу билан бирга, божхона ходимларининг билдирган фикрларига асосан, амалдаги Ўзбекистон қонунчилигини ўрганиш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона органлари божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига қарши курашиш йўналишида жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаб туриш ваколати ва вақтинча сақлаш ҳибсхонасига эга бўлиш имконияти ҳуқуқий мустаҳкамланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг (ЖПК) 38-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари жиноят ишлари бўйича суриштирув олиб бориш ва ЖПКнинг 39¹-моддасига асосан, давлат божхона хизмати органлари — божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар бўйича терговга қадар текширув олиб бориш ваколатига эга.

Шунингдек, ЖПКнинг 222-моддасига асосан, терговга қадар текширувни ва суриштирувни амалга оширувчи орган ходими жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш ва яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келишга ҳақли эканлиги белгиланган. ЖПКнинг 226-моддасига асосан, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган шахсни ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан эътиборан, кўпи билан қирқ саккиз соат ушлаб туриш ҳуқуқи берилган. Шу жумладан, ЖПКнинг 228-моддасига асосан, ушланган шахс ички ишлар органи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг, у озодликдан маҳрум этиш жойи ҳисобланмаган хизмат биноларида сақланади ёки вақтинча сақлаш ҳибсхонаси камерасига жойлаштирилади, деб белгиланган.

Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона органларининг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар бўйича гумон қилиниб ушланганларни ушлаб туриш ва вақтинча сақлаш ҳибсхонасига эга бўлиш ваколати мавжуд.

Шунингдек, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига қарши кураш амалиётининг таҳлилига кўра, бугунги кунда божхона органи мансабдор шахси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 226-моддасига асосан, гумон қилиниб ушланган шахсни қирқ саккиз соат ушлаб туриш заруратини тақозо қилувчи жиноятларни, фуқаролар томонидан содир этиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Жумладан, 2020 йил давомида жами **9 586 та** (2019 йилда 16 433 та) божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатлари аниқланиб, **424,1 (194,6) млрд. сўмлик** товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида ушлаб қолинган. Шунингдек, божхона органлари томонидан 2020 йилда жами **1041 та** (2019 йилда 910 та) жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар кўриб

чиқилиб, мазкур аризалар бўйича **545 та** (514 та) ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилган. Шундан, **209 та** (137 та) божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилиши (ЖКнинг 182-моддаси), **87 та** (189 та) контрабанда (ЖКнинг 246-моддаси) билан боғлиқ жиноятлар фош этилган. Шунингдек, 2017 йилда 607 та ҳолатда 3 млрд. 308,7 млн. сўмлик, 2018 йилда эса 144 та ҳолатда 5 млрд. 513,5 млн. сўмлик, 2019 йилда эса 221 та ҳолатда 14,1 млрд. сўмлик нақд хорижий валюта пул маблағлари чегара божхона постлари орқали божхона назоратидан яшириб олиб чиқилаётганда ушлаб қолинган. Ушбу аниқланган жиноятлар бўйича божхона органи мансабдор шахслари гумон қилиниб ушланган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 226-моддасига асосан, қирқ саккиз соат ушлаб туриш зарурати мавжуд. Аммо ҳудудий божхона бошқармалари ва божхона постларида жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланганларни вақтинча сақлаш ҳибсхоналари мавжуд эмас.

Шу билан бир қаторда, хорижий давлатларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига қарши кураш амалиёти ўрганилганда, Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) ва Хитой Халқ Республикаси божхона хизматларида жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланганларни вақтинча сақлаш ҳибсхоналари мавжудлиги маълум бўлди.

Хусусан, “www.xrw.org” халқаро Интернет сайтнинг маълумотларига кўра, АҚШнинг Иммиграция ва божхона полицияси биносидаги вақтинча сақлаш ҳибсхонасида АҚШ давлатига кириш-чиқиш тартиблари ва божхона қоидаларини бузган фуқаролар вақтинча ушлаб турилганлиги қайд этилган.

“Риа.ру” халқаро Интернет сайти маълумотларига кўра, Шимолий-шарқий Хитой чегарасида Россиядан Хитой ҳудудига контрабанда ашёларини олиб ўтишда гумон қилиниб ушланган Россия фуқаролари Хитой Халқ Республикаси Божхона хизматининг Хейлунсзян провинцияси Мудансзян шаҳридаги вақтинча сақлаш ҳибсхонасида ушлаб турилганлиги қайд этилган. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, АҚШ ва Хитой Халқ Республикасининг божхона хизматларида вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ташкил этилган.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона органларида божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига қарши курашиш йўналишида вақтинча сақлаш ҳибсхоналарини ташкил этиш зарурати мавжуд.

Юқоридагиларга кўра, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига, шу жумладан, валюта қимматликларини ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилишига қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг чегара божхона постларида ва ҳудудий божхона бошқармаларида Навбатчилик қисми назоратида бўлувчи, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилинишини таъминловчи халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган ва видеокузатув мосламалари билан жиҳозланган бир хонали жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланганларни вақтинча сақлаш ҳибсхоналарини ташкил этиш лозим бўлади.

Ушбу таклиф асосида чегара божхона постлари ва худудий божхона бошқармаларида вақтинча сақлаш ҳибсхоналарини ташкил этилиши келгусида валюта қимматликларини ва контрабанда ашёларини божхона чегараси орқали ноқонуний равишда олиб ўтишда гумон қилиниб ушланган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниш кафолатлари кучайтирилади ва ушлаб турилган шахслар томонидан божхона ходимларининг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилишини олди олинади. Шунингдек, терговга қадар текширув ҳаракатларини ўз вақтида ва тўлақонли бўлиши таъминланади ҳамда гумон қилинувчиларнинг қочиб кетиш ва далилларни йўқ қилиб юбориш имконияти ва эҳтимолининг олди олинади. Шу жумладан, содир этилган жиноятларнинг манбаларига чиқиш, ашёвий далилларни ва гумон қилинувчининг бошқа жинойий шерикларини аниқлаш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, вақтинча сақлаш ҳибсхонаси имкониятларидан фойдаланиб, божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ тайёрланаётган ва режалаштирилаётган янги жиноятларни фош этишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларини самарали ўтказиш имконияти яратилади ҳамда божхона органларининг терговга қадар текширув ва суриштирув фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатлари янада мустаҳкамланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан қабул қилинган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси.

*А.Ш.Муродов**

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Барча давлатларнинг миллий қонунчилигида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хусусан шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қимматини турли жинойий тажовузлардан ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилади. Афсуски, сўнгги йилларда бутун дунёда оила-турмуш муносабатлари доирасида аёллар, болалар ва қарияларга нисбатан жабр-зулм ва зўравонлик қилиш кўп тарқалган ижтимоий ҳодисалардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу муаммо БМТнинг аёллар муаммоларига бағишланган тўртинчи анжумани дастурида «оиладаги зўравонлик» кўпгина давлатларда «эпидемия»

* ИИВ Академияси жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент.

деб тан олинган¹. Бугунги кунда зўравонлик муаммоси бутун дунёда долзарб муаммога эга бўла бошлади². Зўравонлик масаласи инсониятнинг, айниқса оила турмуш доирасидаги шахслараро ўзаро муносабатларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда³.

Бундай турдаги зўравонликларни барвақт аниқлаш, олдини олиш, зарарсизлантириш, оиладаги зўравонликлардан жабрланган шахслар билан ишлаш, айниқса оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахсларга нисбатан самарали профилактик чораларни ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсоннинг, барча оила аъзоларининг ажралмас ва бузилмас ҳуқуқларини эълон қилган асосий ҳужжат⁴ бўлиб, унда инсоннинг яшаш, билим олиш, меҳнат қилиш, ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиш каби қатор ҳуқуқлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади, уларнинг дахлсизлиги давлат томонидан таъминланади. Зеро, давлатнинг бош вазифаларидан бири инсон ҳақида ғамхўрлик қилишдир.

Маълумки, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, унда аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги, аёлларга нисбатан содир этиладиган жабр-зулм ва камситилишларнинг олдини олишни таъминлаш масалалари мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида ҳам “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар” деб, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонуний кафолатга эга эканлиги кўрсатиб ўтилган.

1948 йилда қабул қилинган БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да эркаклар ва аёлларни барча соҳада, жумладан, никоҳ муносабатлари соҳасида ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишда тенгликни, 1952 йилдаги “Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция”да эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилигини, 1979 йилда қабул қилинган “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги конвенция”да хотин-қизларни камситишни йўқ қилишни асосий қоидалари белгиланган ҳамда ушбу халқаро ҳужжатларнинг барчасига Ўзбекистон ҳуқумати ҳам қўшилган.

Шу боисдан, барча ривожланган давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий устувор

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1995 йил сентябрда Пекинда бўлиб ўтган тўртинчи анжуманининг дастури.

² Шестаков Д.А. Криминология. Преступность как свойство общества. – СПб., 2001. – С. 90; Криминология / Под ред. Дж.Ф. Шелли. Пер. с англ. — СПб., 2003. – С. 348.

³ Ривман Д.В. Криминальная виктимология. — СПб, 2002. — С. 218.

⁴ Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси.

йўналишларидан бири эканлигини намоён қилди. Қонуннинг 3-моддасида **“тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш – хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан ҳоли бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими”**¹ – белгилаб қўйилди.

Ҳозирги кунда цивилизациянинг умумий ривожланиши жараёнида жамиятнинг оилада аёлларга нисбатан бундай муносабатга доир қоидаларнинг ўзгариши давр талабига айланмоқда. Оиладаги зўравонлик секин-аста алоҳида ижтимоий муҳим муаммо сифатида ажралиб чиқмоқда ва жамият томонидан очиқ-ойдин салбий ҳодиса сифатида баҳоланмоқда². Афсуски, оила-никоҳ муносабатларининг ҳозирги даврга келиб заифлашиб бораётганлиги дунёнинг деярли кўпчилик мамлакатларида, жумладан, Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция, Германия, Болтиқ бўйи давлатлари, Россия ва бошқа қатор давлатларда яққол намоён бўлмоқда³. Мутахассислар оила-турмуш муносабатлари жараёнидаги ажрашишларнинг асорати оилада хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик қилиш, уларни камситиш, жабр-зулм кўрсатишнинг оқибати сифатида баҳоламоқда.

Халқаро статистик маълумотларга кўра, йилига юз миллионга яқин болалар ва ўсмирлар ўз уйларида аёлларга нисбатан ишлатилган зўрликнинг гувоҳи бўладилар⁴. Маълумотларга кўра, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик билан боғлиқ маълумотлар таҳлил қилинганида қуйидагилар намоён бўлди: Боливияда йилига 17% аёллар жисмоний зўравонлик қурбони бўлади, Бангладешда қасддан одам ўлдириш жиноятларининг 50%и эри томонидан хотинига нисбатан содир этилади, Янги Зеландияда 20% аёллар эри ёки бирга яшовчи эркак томонидан жисмоний калтаклашнинг қурбони бўлган, Покистонда 42% аёллар оиладаги жисмоний зўравонликни ўзларининг тақдири деб ҳисоблайди, Испанияда ҳар беш кунда қасддан ўлдирилган шахсларнинг биттаси аёллар бўлиб, улар ўзининг турмуш ўртоғи томонидан ўлдирилган, Францияда йилига 25 минг аёл эри томонидан жинсий зўравонлик қурбонига айланмоқда, Австралияда аёлларнинг 18% оиладаги зўравонлик қурбонига айланади, Россияда йилига 36 минг аёллар оилада зўравонлик оқибатида баданга нисбатан содир этилган тан жароҳати қурбони бўлади, Канадада оиладаги зўравонлик содир этган шахслар томонидан йилига 1,6 млрд. АҚШ доллари миқдорида жарима тўланади⁵.

Барча давлатларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлашга, айниқса, жамиятда аёлларнинг ролини оширишга, аёлларнинг эркаклар билан

¹ Ўзбекистон Республиканинг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни.

² Воронин Ю.А. Предупреждение преступности в зарубежных странах (Научная статья) // Вестник Челябинского государственного университета. 2012. – №27 (281). – С. 86.

³ Файзиева М., Жабборов А. Оилавий муносабатлар психологияси. Т., 2007. Б-4

⁴ Авердиак М. Метходологисал чалленгес ин тхе Студй оф тхе аселлератед десигн оф тхе НСВС то ресонструст вистим сареерс? // Интернационал Ревиев оф Вистимологй. – 2014. – №20 (3). – П.265–288.

⁵ [хтп://www.rusmedserv.com/психсех/моногр](http://www.rusmedserv.com/психсех/моногр).

тенг меҳнат қилиши ва эркин касб танлаши қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда мустақамлаб қўйилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар”, 46-моддасида эса “Аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги”, шунингдек Оила кодексининг 3-моддасида “Оилавий муносабатларда эркек ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги” белгилаб қўйилганлиги жамиятда аёллар ҳуқуқларининг камситилишига йўл қўймасликни, уларга нисбатан ҳар қандай кўринишдаги зўравонликнинг олдини олишни таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Оилада содир этиладиган жиноятлар ўзига хос сабабларга эга эканлиги билан бошқа жиноятлардан ажралиб туради. Ҳар қандай жиноятнинг содир этилишида бевосита оиладаги муҳитнинг таъсири асосий роль ўйнайди. Зотан, оилада шахснинг маънавияти, дунёқараши, онги, тасавури, инсоний қадриятлари ва унинг ҳатти-ҳаракатларининг мотивацияси шаклланади.

Оилада носоғлом турмуш тарзи оқибатида, шахсда салбий хулқ-атвор шаклланади. Жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва унга олиб келган шарт-шароитлар ўрганиб чиқилганида, қонунга ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиладиган омилларни оилалардан излаш лозимлигини кўрсатмоқда¹. Бугунги кунда, шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг асосий қисми оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этилмоқда. Шахсга қарши қаратилган жиноятларнинг 60 фоизи оиладаги турмуш шароитларига тўғри келиб, ундан жабрланганларни асосан аёллар ташкил этмоқда².

Н.К.Котова аёлларга нисбатан зўрлик ишлатиб, содир этиладиган жиноятларда жиноятчи ва жабрланувчи шахсиятини қиёсий таҳлил қилиб, ахлоқий-руҳий кўрсаткичлар мажмуи жиноятчи ва жабрланувчининг шаклланишига замин яратиши мумкинлигини айтиб, бу ерда у ижтимоий маъқулланган хулқ-атвор ҳам жиноятнинг вужудга келишига сабаб бўлишини инкор этмайди³. Кўп ҳолларда, аёллар ўзларига нисбатан содир этилган жиноятлардан жабрланишига жисмоний ожизлиги сабаб бўлади.

Ташвишланарли томони шундаки:

биринчидан, қасддан одам ўлдириш жиноятларининг ҳар тўрттадан биттаси бевосита оилада содир этилмоқда;

иккинчидан, оила турмуш доирасида эри томонидан хотинига нисбатан қасддан одам ўлдиришнинг ҳар учтадан биттасида аёллар жабрланмоқда;

учинчидан, оила турмуш муносабатлари доирасида оилада маст ҳолатда қасддан баданга енгилроқ ёки оғир шикаст етказиш жиноятларининг 20 фоизи спиртли ичимлик таъсирида содир этилмоқда.

Жиноятчиликка оид статистик маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда хотин-қизларга нисбатан зўравонликдан

¹Хикматов Ш.М. Аёл, оила ва жамият. Илмий-амалий конференция материаллари. Т., 2007. 29-б.

²Криминология. З.С.Зарипов. Таҳрири остида дарслик. Т.,–2007; 396-б.

³Котова Н.К. Виктимологические проблемы криминальной агрессии. – Астана: 2001. –С. 31.

жабрланган шахсларни асосан унинг энг ҳимоясиз аъзолари бўлган болалар, аёллар, қариялар ва ногиронлар ташкил этмоқда. Таҳлилларга кўра, зўравонликдан 51,4 фоиз ҳолларда аёллар, 24,1 фоиз қариялар, 20,2 фоиз вояга етмаганлар, 4,2 фоиз ногиронлар жабр кўришмоқда.

Таъкидлаш жоизки, айрим ҳолларда, оилада аёлларга нисбатан кўрсатилган зулм ва зўравонлик билан боғлиқ муносабатлар оила турмуш доирасидаги одатий ҳолдек туюлади. Одатда, эри томонидан содир этиладиган зўравонлик жабрланувчисига айланган аёллар доимий кўрқув остида яшайди. Холбуки, оиладаги бундай хатти-ҳаракатлар уларнинг руҳий ва жисмоний ҳолатига салбий таъсир кўрсатади¹.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият оиладаги зўравонлик ҳолларида аёлга эри томонидан қанчалик зулм ўтказилган тақдирда ҳам фарзандини отасиз қолдирмаслик, эрининг юзини ерга қаратмаслик ва оиласининг обрўсини сақлаш мақсадида ички ишлар органларига хабар бермайди. Ушбу омиллар натижасида, айрим оилаларда аёлларга нисбатан кўрсатиладиган зўравонликлар латентлиги юқори даражада бўлишини тақазо этмоқда. Бу эса оилада аёлларга нисбатан содир этилган зўравонликнинг латентлиги юқори эканлигидан далолат беради.

Ушбу зўравонликлар эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг самимий эмаслиги, қайнона ва келин ўртасида вужудга келадиган келишмовчиликлар, эркакнинг мунтазам спиртли ичимликлар истеъмол қилиши, аёлнинг ўзини эркакдан устун қўйиб, оилани бошқаришга ҳаракат қилиши, рашк, оилада эркак ёки аёлнинг бир-бирига нисбатан хиёнаткорлиги натижасида вужудга келган низонинг оқибатидир.

Оилада аёлларга нисбатан содир этиладиган зўравонликнинг олдини олиш борасида қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, нотинч оилаларни ўз вақтида аниқлаш ва улар билан манзилли профилактика ишларини ташкил этиш;

иккинчидан, бевосита оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятларнинг олдини олиш субъектлари фаолиятини такомиллаштириш учун бу соҳада қилинган ишларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ҳамда эришилган ижобий тажрибаларни амалиётга жорий этиш;

учинчидан, маҳалладаги оилаларнинг ажралиш ҳолатлари, оилаларда низоли вазиятларнинг юзага келиш сабабларини чуқур таҳлил этиш, айниқса хотин-қизлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассисларга аниқ манзилли чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;

тўртинчидан, оила-турмуш доирасидаги жиноятлар, уларнинг салбий оқибатлари ва келиб чиқишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни ўрганиш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини мунтазам хабардор этиб бориш;

¹ Варчук Т.В., Вишневецкий К.В. Виктимология. –М., 2015. –С. 39.

бешинчидан, ҳар бир содир этилган оила турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни келгусида содир этилмаслигини олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

олтинчидан, оила турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, уларни барвақт олдини олишнинг таъсирчан тизимини яратиш, оиладаги зўравонликдан жабрланганларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш;

еттинчидан, оиладаги долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлаш мақсадида вақти-вақти билан жамоатчилик фикрини ўрганиш, улар асосида низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатиш ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни бартараф этишга доир дастурлар ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, маиший зўрлик ишлатиш ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда унинг латентлигини олдини олишга хизмат қилади.

*А.Ш.Муродов**
*И.Насиров**

ОИЛА-ТУРМУШ ДОИРАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ШАХС ВА ЖАМИЯТ УЧУН САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар шахснинг кундалик турмуш жараёнидаги ижтимоий муносабатларни (эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, қайнона-келин, қариндош-уруғ ва қўни-қўшнилар) ўз вақтида ҳал этилмаслиги натижасида вужудга келади. Афсуски, оила-турмуш доирасидаги муносабатлар баъзида низоли ҳолатларнинг келиб чиқиши билан якун топади¹.

Оиладаги муносабатларни яхшилаш, оилада соғлом муҳитни қарор топтириш ҳамда оилавий муносабатларнинг аҳамиятини ошириш–ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада М.П.Ефимова таъкидлаганидек, “оилани мустаҳкамлаш жиноятларни олдини олишнинг энг самарали йўли бўлиб, унинг сабаблари оиладаги низоли ҳолатлар оқибатида келиб чиқадиган, тўғри ва ўз вақтида ҳал этилмаган оилавий низоларнинг оқибатидир”.² Оиладаги низоларнинг келиб чиқишини мазмунига қараб, қуйидагича:

унча аҳамиятга эга бўлмаган;

ўз вақтида ҳал этилмаган;

* ИИВ Академияси жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (РхД), доцент.

* ИИВ Академияси жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси.

¹ Мясникова К.А. Преступное насилие в криминофамилистике // Общество и право. №2. 2012. – С.147.

² Ефимова М. П. Состояние насильственной преступности в сфере семейно-бытовых отношений (по материалам Республики Саха (Якутия) / М. П. Ефимова // Государство и право: теория и практика: материалы междунар. науч. конф. (г. Челябинск, апрель 2011 г.). – Челябинск, 2011. – С. 175.

жиддий сабабга эга бўлган;

узоқ давом этган муаммоларни низоли йўл билан ҳал этишга бўлиб ўрганиш мумкин. Мисол учун, жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар таҳлил қилинганида, 78,4% ҳолатда ўзаро келишмаганлиги оқибатида, 6,1% мол-мулк талашиш оқибатида, 4,8% рашк туфайли, 1,2% ўч олиш мақсадида, 12,8% бошқа сабаблар оқибатида содир этилганлиги маълум бўлди¹. Содир этилган жиноятларнинг аксариятида ҳуқуқбузар ва жабрланувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг самимий эмаслиги, қийнаш, жабр-зулм қилиш, калтаклаш, оилада носоғлом турмуш тарзининг мавжудлигини кузатиш мумкин. Сўнгги пайтларда оилавий-маиший соҳада содир этилган жиноятлар, айниқса қасддан одам ўлдиришнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва олдини олиш борасида самарали профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу пайтга қадар, оила-турмуш соҳасидаги жиноятлар алоҳида ўрганилмаган, балки умумий жиноятчилик тизими сифатида қаралган².

Оила-турмуш соҳасидаги муаммоларни ўрганиш:

биринчидан, оилавий муносабатлар орқали энг йирик криминологик муаммоларни аниқлаш ва уларни ўрганишни;

иккинчидан, оиланинг шахсда маънавий ва ахлоқий фазилатларни шаклланишига таъсирини;

учинчидан, оиланинг вояга етмаганлар тарбиясига ва уларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишига таъсирини;

тўртинчидан, оиланинг шахсда салбий ҳулқ-атворнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига таъсирини;

бешинчидан, оила муҳитининг жиноятчи шахснинг шаклланишига таъсирини;

олтинчидан, оила шахсни тарбияловчи институт эканлигини;

еттинчидан, оилага таъсир кўрсатиш орқали жиноятчиликнинг барвақт аниқлаш ва унинг олдини олиш имконини беради.

Мамлакатимизда оила турмуш доирасидаги жиноятлар 2017-2019 йиллар давомида камайишига эришилган бўлса, 2020 йилда ушбу турдаги жиноятларнинг ўсишига йўл қўйилган. Мазкур жиноятларнинг ўсиш тенденцияси таҳлил қилинганида, оиладаги муаммоларни ўз вақтида ҳал этилмаганлиги, ўз вақтида низоли оилаларни аниқлаш ва улар билан манзилли профилактика ишлари олиб борилмаганлигини кўрсатмоқда. Афсуски, "... оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир этувчи ҳолатларнинг олдини олиш тизими йўлга қўйилмаган. Оқибатда, айрим маҳаллаларда нотинч оилалар, ҳуқуқбузарликлар кўпайган. Шунингдек, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар орасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳоллари учраётгани ҳам жуда аянчли ҳолдир"³

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВ ХПББ маълумотномаси 2020 йил.

² *Воронцова Н.Ф.* Преступление и преступность. М., 2012. – С. 203.

³ Маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш масалалари: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигидаги видеоселектор мажлисидаги нутқи. 2020 йил 12 февраль.

Маиший жиноятларнинг асосий криминологик хусусиятлари доимо бир хил бўлади, яъни жиноятнинг жойи, мотиви, мақсади, асосан оилавий ички низога эгаллиги, жиноятни содир этувчи субъектнинг ва жабрланувчи шахснинг ҳаётда бир-бирига яқин инсон бўлиши ва ҳоказо.

Таъкидлаш керакки, бу соҳадаги жиноятчиликка ҳисса қўшадиган сабаблар ва унга имкон берувчи криминоген омиллар асосан, ичкиликбозлик билан боғлиқ бўлади. Чунки, спиртли ичимлик таъсирида кўплаб оғир турдаги жиноятларнинг содир этилиши кузатилиб, унинг таъсирида шахснинг ўзини-ўзи назорат қилишнинг йўқолиши, заифлашиш, шафқатсизлик, кўполлик, хулқ-атворда тажовузкорликнинг намоён бўлиши кузатилади. Шунинг учун алкоголизм, ичкиликбозлик ва улар оқибатида шахснинг руҳиятидаги ўзгаришлар кўп ҳолларда оила турмуш соҳасидаги жиноятларнинг содир этилишига бевосита таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади. Бундан ташқари, жиноятни келтириб чиқарувчи омилларга гиёҳвандлик, носоғлом турмуш тарзи, кечиринч, ишсизлик, салбий хулқ-атвор, уй-жой шароитининг йўқлиги, оилавий ажримлар, оиладаги низолар, жанжаллар, мол-мулк таллашиш, рашк, қўни-қўшнилар билан келишмовчилик ҳам сабаб бўлади.¹

Оила-турмушдаги жиноятларнинг ўзига хос йўналиши турлича бўлиши мумкин:

шахсга тазйиқ ўтказиш ёки зўравонлик қилиш;

зўравонлик қилмаслик;

оилада оила аъзоларининг бир-бирига нисбатан бефарқлик билан муносабатда бўлиши;

ҳурматсизлик билан қараш;

индивидуал ёки жамоат тартибига қарши қаратилган ҳатти-ҳаракатларни содир этиш ва ҳоказо.

Оилавий низолар кўриб чиқиладиган жиноятнинг асосий манбаи ҳисобланади. Кундалик ҳаётда, оилада оила аъзолари, қариндошлар ва қўшнилар ўртасида келиб чиқадиган мулоқот жараёнида оилада турли низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи кўплаб ҳолатлар мавжуд². Мисол учун, қисқа ва узоқ давом этган низоли ҳолатларнинг зиддият билан яқун топиши. Кўпинча бундай низоларнинг ташаббускори ҳуқуқбузар шахснинг ўзи ҳисобланади. Ўзаро келишмовчилик, жанжал йиллар давомида давом этиши ва охир-оқибат жиноятга олиб келиши мумкин.

Оилавий жиноятларда эр-хотин ўртасидаги низоли ҳолатлар кўпинча оғир аянчли ҳолатларни келтириб чиқаради. Масалан, оилавий ажримга қарор қилган ёки ажрашган эр-хотинлар ўртасида мол-мулк ёки фарзанд таллашиш билан бирга бундай ҳолатларнинг оқилона ҳал этилмаслиги жиноятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу борада, М.М.Инагамова таъкидлаганидек, оилавий ажримларнинг кўпайиши жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, суицид

¹ Современное состояние семейно-бытовой преступности в России. Автоматизированная Информационная Экспертная Система общественной экспертизы законопроектов и иных правовых актов. [Электронный ресурс]. УРЛ:// хттпс://аеис.опрф.ру/newс/law_newс/п/7495.

² Соловьева М.В. Криминология. Учебник. 2-е издание. Дораб. Казань. 2014. С. 81-82

ҳолатлари ҳамда болалар уйи тарбияланувчиларини сонининг ортиб кетишига олиб келмоқда¹.

Ота-оналар ва болалар ўртасидаги узок, кескин зиддиятларни унутмаслигимиз керак, чунки ана шундай омиллар мавжуд бўлган оилалардаги низоларни ўз вақтида аниқлаб уларнинг ечимини топиш лозим. Ана шу масалада “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган тадқиқот натижасида оиланинг барбод бўлишига ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги (34,5%), моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар (26,2%), эр-хотин қизиқиши ва дунёқарашининг бир-бирига тўғри келмаслиги (10,6%), уларнинг бир-бирига бефарқлиги (19,5%), ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик (3,3%) сабаб бўлиши аниқланган². Шунингдек, оилавий ажримларнинг асосий сабабларидан бири сифатида оиладаги моддий етишмовчилик (26%), эр-хотин характери ва қизиқишининг ўзаро мос келмаслиги (19,3%), ичкиликбозлик ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш (16%), хиёнат ва ота-оналар билан муносабатдаги низоли вазиятлар (10%) ташкил этиши аниқланган³.

Россиялик олим В.И.Шахов таъкидлаганидек, алкоголизмга ружу қўйиш оила-турмуш муносабатлари доирасидаги низоларни келтириб чиқарувчи асосий омил ҳисобланади⁴. Ушбу иллат таъсирида инсоннинг ҳаёти учун хавфли бўлган қилмишлар келиб чиқади. Оилавий низолар туфайли жиноятлар содир этилганидан сўнг жиноятчи шахс ўзининг маст ҳолда эканлиги сабабли содир этган қилмишидан пушаймон бўлади, лекин у ҳеч нарсани ўзгартира олмайди. Ахлоқсиз хатти-ҳаракатлар фақат спиртли ичимликларни ичиш эмас, балки шахсда намоён бўладиган салбий хулқ-атвор бўлиши ҳам мумкин.

Жабрланувчи ўзининг ғайриқонуний ҳаракати билан жиноятни қўзғатиши мумкин. Масалан, онани отадан ҳимоя қилган ўғил куч-қувватини ҳисобламай, отанинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказиши мумкин. Ёки хотинини қўшнининг ҳужумидан ҳимоя қилган эр ҳам унга зарар етказиши мумкин.

Оила-турмуш доирасида давом этаётган низоли вазиятлар натижасида содир этилган жиноятлар 50%, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш натижасида содир этилган жиноятлар 23%, оилада шахслар ўртасида кескин вазиятларнинг келиб чиқиши натижасида содир этилган жиноятлар 17%, салбий хулқ-атвор натижасида содир этилган жиноятлар 10% жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлади⁵. Давом этаётган зиддиятларнинг вақти-вақти

¹ Инагамова М.М. Ўзбекистонда оила, никоҳ муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Ахборотномаси. №3. 2020. –Б. 35.

² Ўзбекистонда замонавий намунали оила модели: Ўзбекистон вилоятларидаги 800та оилада ўтказилган социологик сўровлар натижалари ва таҳлилий маълумот (Жамоат фикри сўрови натижалари бўйича ахборот-таҳлилий маъруза) // Оила ва жамият: маънавий ва ахлоқий дунё. –Т., “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази, 2019.

³ Ўзбекистон Республикасида мустақкам оила ва репродуктив саломатликни шакллантириш омиллари: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институтининг ҳисоботи. –Т., 2019. –138 б.

⁴ В.И.Шахов. Насилие в семье: уголовно-правовое и криминологическое значение: Автореф. дис. кан. юрид. наук. – М., 2003. – С. 8.

⁵ Юдина В.Б. Современные проблемы при определении причин и условий совершения преступлений в сфере семейно-бытовых отношений. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М. 2014. – С. 5.

билан авж олиб туриши оилада оила аъзолари ўртасидаги шахслараро мулоқотнинг кескинлашувига сабаб бўлади.

Оила-турмуш доирасида жиноят содир этган шахснинг ҳаракатлари кўпинча ўз-ўзидан, ўйламай, тасодифий бўлади. Унинг хулқ-атвори тажовузкор ва узоқ вақт давомида пайдо бўлган адоватни ўзида ифода этиб, жабрланувчи билан ўзаро мурасага келишга уринмайди. Зўравоннинг ҳаракатлари шафқатсиз, тажовузкор хулқ-атворнинг оқибатидир. Бундай ҳолатларнинг юзага келишида оилада носоғлом муҳитнинг таъсири ва оила аъзолари ўртасида зиддиятли муносабатлар муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ахлоқ нормаларига ҳурматсизлик билан қарайди, жабрланувчига паст назар билан муносабатда бўлади¹. Айниқса, ушбу турдаги жиноятларни содир этилишида маиший ва уй-рўзғор буюмларидан (пичоқ, қайчи, болта ва ҳоказо) кўп фойдаланилади.

Оила-турмуш доирасидаги жиноятчиликни таърифлашда айнан жамиятга, унинг нормалари ва асосларига ҳурматсизлик каби жиҳатлар ажратиб ўрганилмайди, балки қон-қариндошлик алоқасига эга бўлган шахслар ўртасидаги ички муносабатлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ўрганиш талаб этилади. Ҳар қандай турдаги жиноятларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, биз тадқиқ этаётган муаммонинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда сабаб ва шароитлари мураккаб, серқирра жуда кенг қамровлидир.

Жиноят ишлари бўйича йиғма жилдларни ўрганиш жараёнида оила-турмуш соҳасида содир этилган жиноятларнинг 65%и кечки соат 18.00 дан 00.00 гача содир этилган, деган хулосага келиш мумкин. Кун давомида қолган 35% жиноятлар содир этилар экан. Ҳафта кунлари ҳақида гапирадиган бўлсак, иш кунлари етакчилик қилади. Барча жиноятларнинг 70%дан ортиғи душанбадан жумагача, қолган 30% дам олиш кунлари ва байрамларда содир этилади².

Тадқиқот натижаларига асосан айтиш лозимки, оила-турмушда қўлланиладиган ҳар қандай кўринишдаги низоларнинг асосий манбаи оилада шахслар ўртасида вужудга келадиган оилавий-маиший низолар ҳисобланади. Оила аъзолари ўртасидаги оилавий-маиший низолар турли хил сабаблар оқибатида вужудга келиши ва ҳар хил кўринишда намоён бўлиши билан бир вақтда:

биринчидан, кундалик турмушда оила аъзолари ўртасида вужудга келиши; иккинчидан, томонларнинг фикрлари бир-бирига зидлиги, келишмовчилик, уруш, жанжал оқибатида вужудга келиши;

учинчидан, бундай низолар кўп ҳолларда узоқ давом этиб келган адоватнинг низоли йўл билан ҳал этилиши каби умумий белгиларга эга. Мазкур белгиларга асосланган ҳолда оиладаги маиший низога қуйидагича таъриф бериш мумкин:

¹ Самсоненко А.Г. Психологические особенности личности, совершившей преступление. Пособие для практикующих психологов Уголовно-исполнительной системы. СПб. 2012. – С.128.

² Смирнов А.Ю. Семейные и бытовые конфликты как источник преступности. Автореф. дисс. На соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М. 2015. – С.13.

Маиший низо – кундалик турмушда оила аъзолари эр-хотин, қайнона-келин, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ ва қўни-қўшнилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жараёнидаги келишмовчилик ва уришиш оқибатида вужудга келадиган низоли вазиятдир.

Маиший жиноятлар деганда – оила ичида ва кундалик оила турмуш жараёнида оила аъзолари, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар оқибатида вужудга келган низоли ҳолатларни жиноий йўл билан ҳал этишга қаратилган ҳаракат тушунилади.

Маиший зўравонлик криминологик муаммо сифатида иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, мафкуравий, методологик, психологик, педагогик, тиббий ва бошқа характердаги зиддиятли вазиятларнинг чексиз хилма-хиллигини ўз ичига олади. Бу ҳолатлар оилада зўравонликни зарарсизлантириш ҳақидаги билимларни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ғоясини шакллантиради ва унинг яқуни сифатида ички зўравонликнинг криминологик назариясини ишлаб чиқади¹. Ҳозирги кунда маиший соҳадаги жиноятчиликни илмий жиҳатдан ўрганиш долзарб бўлиб, турли соҳа мутахассислари томонидан унга катта эътибор берилмоқда. Лекин айтиш керакки, оиладаги зўравонликнинг табиати ҳақидаги кўпчиликда етарли даражада билим мавжуд эмас. Шу боис, бугунги кунда ижтимоий-психологик, тиббий-психиатрия, криминологик йўналишларда кенг қамровли ва мураккаб чора-тадбирларни, илмий-тадқиқотларни амалга ошириш зарур. Тадқиқотлар нафақат амалий масалаларга, балки назарий масалаларга ҳам бағишланиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, оиладаги низоларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш натижасида:

биринчидан, маъмурий ҳудудларда оила-турмуш соҳасидаги жиноятларнинг содир этилган жойи, (уй, квартира, дача, кириш жойи, уй ҳудуди ва бошқ.) вақти, содир этиш усул ва шакллари таҳлил қилиш асосида самарали профилактика чораларини ишлаб чиқиш;

иккинчидан, жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ўрганиш орқали оиладаги низоли вазиятларни камайтириш;

учинчидан, оилада шахснинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиш оқибатида оғир турдаги жиноятларнинг келиб чиқаётганлигини ўрганиш;

тўртинчидан, оилавий-маиший низоларни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири шахснинг спиртли ичимликка ружу қуйишининг оқибати эканлигини кузатиш мумкин.

¹ Коцюба В.А. Криминологический анализ и предупреждение преступлений в сфере семейно-бытовых отношений (по материалам Дальневосточного региона). Автореф. дис. кан. юрид. наук.–Красноярск, 2004. –С.6.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ, МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ
ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ ВА ХОДИМЛАРИНИНГ ЖАМОАТ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАВОМИДА ФУҚАРОЛАР
БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШ МАДАНИЯТИ**

Мустақил демократик йўлдан дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг энг улуғ мақсади, аввало, халқимиз манфаатлари ҳимоя қилиш учун кўзланган ислохотларни амалга оширишга қаратилгани билан эътиборлидир. Бу жиҳатлар Конституциямизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Бош Қомусимизнинг II-боб 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади¹ деб белгилаб қўйилган.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади” дейилган.

Ўзбекистонда қисқа тарихий муддат ичида миллий давлатчиликни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакатимиз барча ривожланган ҳуқуқий давлатлардаги каби уч ҳокимиятга, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимланди. Халқ фаровонлиги йўлида кучли ҳуқуқий давлатдан фуқаролик жамияти сари илдам қадам қўйиш мақсадида эркин бозор муносабатларига асосланган кучли иқтисодиёт барпо этилди. Шу тариқа, юртимиз халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли субъектига айланди².

Инсонлар ўз фаолияти давомида, табиийки, бошқа одамлар билан мулоқотда бўладилар. Ушбу жараёнда ахборот алмашадилар, бир-бирларига таъсир кўрсатадилар, таълим берадилар, тажриба алмашадилар. Бу жараён шахслараро ўзаро муносабатларда мулоқот, муомала деб юритилади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади»³. Бунинг учун эса ўз навбатида, ИИВ ва Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва ходимларининг ўзи ҳам қонун билан қуролланган ҳуқуқий маданият соҳиби бўлиши объектив заруратдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини

* Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ихтисослаштирилган ўқув маркази Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқий тайёргарлик цикли катга ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент “Ўзбекистон”, 2019

² «Туркистон-пресс» – Т- 2014 й

³ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // УРЛ - <http://uza.uz/oz/politiss/qonun-ustuvorligi-va-inson-manfaatlarini-taminlash-yurt-taraqqiёti> 07-12-2016

шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузулмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди¹.

Миллий гвардия ҳарбий хизматчи ва ходимларининг фуқаролар, корхона, муассаса, жамоат ташкилотлари, ижтимоий жамоа бирлашмаларининг раҳбарлари ва бошлиқлари билан муомала қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий низоми, Ҳукумат, ИИВ ва Миллий гвардия қабул қилган тегишли қонун, фармон, низом ва буйруқларда белгилаб қўйилган бўлиб, уларни оғишмай бажариш хизмат бурчидир. Бу Миллий гвардия тўғрисидаги Қонуннинг 6-моддасида ҳам кўрсатиб ўтилган².

Ҳар бир ҳарбий хизматчи ва ходим фуқаролар билан самимий муносабатда бўлиши, уларнинг мурожаатини диққат билан эшитиши, ваколати доирасида кўриб чиқиши ва масаласини ҳал қилишга интилиши зарур. Фуқаролар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг қонунга зидлигини тушунтиради ҳамда қонунда белгиланган чорани қўллаш масаласини ҳал этади. Айтилиши вақтда ҳарбий хизматчи ва ходимлар фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала бўлишга, уларнинг иш билан боғлиқ чигал саволларига ва бошқа ҳолатлар бўйича мурожаатларига тўғри ва аниқ жавоб беришга, арз ва шикоятларини имкони борича қонуний ҳал қилишга интилиши лозим.

Хушмуомалалик ички маданиятнинг ташқи кўринишидир. Унинг асосини инсонийлик ташкил этади. Фуқаролар билан бўладиган *хушмуомалалик* қўйидаги хулқ-атвор қоидаларини қамраб олади:

- одамларга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш;
- инсонга хайрихоҳлик, эътиборлилик;
- мухтожларга ўз вақтида ёрдам бериш, уларнинг ҳожатини чиқариш;
- илтифот билан жой кўрсатиш, жой бериш, олдинга ўтказиб юбориш, ёрдамлашиш;

-одамларни ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ноқулай аҳволга солиб қўймаслик, агар шундай ҳолат юз берса, тезликда кечирим сўраш ва ўз хатти-ҳаракатини тузатиш;

-кексаларга, болаларга ва аёлларга алоҳида илтифот кўрсатиш.

Ходим ушбу талабларга ўзининг бутун фаолияти давомида, яъни фуқароларни қабул қилганда, кузатиб қўйганда, жамоат тартибини сақлаш учун хизматга чиққанда, жиноятчиларни ушлаганда, тинтув ўтказиш, сўроқ қилиш чоғида, хизматдан ташқари вақтларда, транспортда, театрда, кино залларида, уйда ва жамоат жойларида амал қилиши керак.

Зийраклик - деб фуқароларнинг орзу-умидларини, аниқ истак-хоҳишларини, дилидаги гапларини тезликда фаҳмлаб олиш ва шунга жавобан ахлоқ қоидалари талаби асосида хатти-ҳаракатлар қилишга айтилади. Зийракликнинг асосини сезгирлик ва ҳушёрлик ташкил этади. Зийраклик ахлоқ ва нафосатнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 27-сон “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2021 йил 29 ноябрь

² ЎРҚ-647-сон Қонун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида. 2020 йил 18 ноябрь

фуқаролар дилидагини илғаб олиш, уларнинг қалбидан жой олишга хизмат қиладиган сирли калитидир.

Фуқароларга зийраклик, яъни сезгирлик билан яхши муомала қилиш, уларнинг дардига қулоқ солиш, саволларига ширинсуханлик билан жавоб қайтариш, уларга ёрдам қўлини чўзиш, умуман, яхши муносабатда бўлиш охиrhoқибатда барча мушкул муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Бу эса ИИВ ва Миллий гвардия ҳарбий хизматчи ва ходимларининг аҳоли ўртасидаги обрўсини янада оширади, халқнинг уларга нисбатан ишончи кучаяди ва у ИИВ ҳамда Миллий гвардия ҳарбий хизматчи ва ходимларининг ишончли таянчига айланиб боради.

Хизмат вазифаларини бажариш вақтида фуқаролар билан муомала қилиш маданияти қоидалари қуйидагилардан иборат:

ИИВ ва Миллий гвардиянинг ҳар бир ҳарбий хизматчи ва ходими хизмат бурчини бажараётган вақтда, энг аввало ўзининг давлат ҳокимияти вакили эканлигини, одамлар унинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати, сўз оҳанги ва ташқи қиёфасига қараб бутун ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчиларга баҳо беришларини, унинг обрўси давлат обрўси эканлигини унутмаслиги керак.

Фуқаролар ИИВ ва Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчи ва ходимларига ёки, аксинча, ходим фуқароларга мурожаат қилганда ходим саломлашиш қоидаларига тўлиқ риоя қилиши, яъни ҳарбийчасига саломлашиб, ўзининг лавозими, унвони, исми-шарфини айтиши, сўнгра мурожаат қилиш сабабини ва мақсадини диққат ва сабр-тоқат билан эшитиши ҳамда баён қилиши керак.

Фуқароларнинг барча саволларига, мурожаатларига хушмуомалалик билан жавоб бериш, ётиғи билан тушунтириш, уларга иложи борича ёрдамлашиши, иложи бўлмаганда маслаҳатлар бериши зарур.

ИИВ ва Миллий гвардия ҳарбий хизматчи ва ходими фуқароларга мурожаат қилганда, уларнинг талабига биноан ўзининг исми-шарфини ва иш жойини айтиши ҳамда хизмат гувоҳномасини кўрсатиши шарт.

Ходимнинг фуқаролар билан муомала қилиш чоғида:

- димоғдорлик, қўполлик қилиши;
- кинояли, дағал тарзда танбеҳ бериши;
- гапирганда инсон кадр-қимматини таҳқирловчи пичинг ва қочирик сўзларни ишлатиши;
- фуқароларга асосланмаган айблар қўйиши;
- таҳдид солувчи ҳамда фуқароларнинг кадр-қиммати ва шахсини таҳқирловчи бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўйиши қатъиян тақиқланади.

Ҳар бир ҳарбий хизматчи ва ходим хизмат вазифасини бажариш вақтида у ёки бу фуқаронинг ҳужжатларини текшириб кўришга зарурат сезса, унинг олдига келиб, ҳарбийчасига саломлашиши, ўзининг кимлигини айтиши, вақтини олганлиги учун узр сўраб, мулоимлик билан ҳужжатларини кўрсатишини талаб қилиши керак. Ҳужжатлар тўғри бўлса, ходим ҳужжатни эгасига тезликда қайтариши, миннатдорчилик билдириб, хайрлашиши керак, агарда, ҳужжатларда бирон-бир камчилик бўлса ёки у шубҳа туғдирса, бу ҳақда фуқарога хушмуомалалик билан тушунтириши ва қатъий тарзда ундан ўзи билан биргаликда яқинроқдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари

бўлинмасига боришни талаб қилиши зарур. Бунда, албатта, хушёрликни унутмаслик керак.

Ходим фуқароларнинг шахсий мунозараларига ва баҳсларига аралашмаслиги керак. Фуқароларнинг ҳаётига хавф соладиган жамоат тартибининг бузилишига олиб келадиган, жиноятни келтириб чиқарадиган баҳс-мунозаралар бундан мустаснодир.

Байрам ва тантанали кунларда, айниқса, халқ сайллари вақтида фуқароларга кам аҳамиятли, тасодифий тартиббузарликлар учун имкони борича танбеҳ бермаслик, бўлар-бўлмасга бўлимларга олиб келмаслик керак.

Ҳар бир ходим ҳар қандай фуқаронинг ҳурмат-иззатини ўрнига қўйиб гаплашиши шарт. Бунда кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болаларга «сен», катталарга эса «сиз» деб мурожаат қилиши керак.

Ходим хизматдан ташқари ҳолларда мурожаат қилган фуқароларга нисбатан бефарқ бўлмаслиги керак. Уларга тўғри маслаҳатлар бериб, саволларига жавоб топиш учун имкони борича амалий ва маънавий ёрдам кўрсатиши зарур.

Қўшнилар билан яхши муносабатда бўлиш, уларнинг мурожаатларига кулоқ солиш, ёрдам бериш, оилаларида бўлаётган ҳар хил кўнгилсизликларнинг олдини олишга ёрдамлашиши зарур.

Таътил вақтида, хизматдан бўш вақтларида халқ байрамларида, миллий маросимлар, тўй-ҳашам, таъзия ва бошқаларда кўпчилик қатори қатнашиши керак.

Ҳарбий хизматчи ва ходим ушланган ва қамоққа олинганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини, шахсиятини поймол қилмайди. Ўз навбатида, уларга тиббий ва ҳуқуқий ёрдам беради, уларнинг ушланганликлари ҳақида яқин қариндошлари ёки иш жойига ўрнатилган тартибда хабар беради. Бундан ташқари, суҳбат давомида ходим тамаки маҳсулотларини чекиш, бирор нарсани истеъмол қилиш ёки уларга нисбатан ҳурматсизлик деб қабул қилиниши мумкин бўлган бошқа ножўя хатти-ҳаракатларни содир этмайди.

Ҳарбий хизматчи ва ходимлар гумон қилинувчи шахслар, айбланувчи ёки судланувчилар билан мулоқотга киришаётганда доимо хушёрликни йўқотмасдан, ўзини оғир, вазмин тутиб, ҳар қандай кутилмаган ҳаракатга қарши тайёр туриши лозим.

Ҳуқуқбузар такдим этган ҳужжатларни эҳтиёткорлик билан кўздан кечиради, уларга нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлмайди. Ҳужжатларни текшираётганда унинг ичида ишга тааллуқлиги бўлмаган буюмлар (пул, ёзувли қоғоз парчаси, ташриф қоғози ва ҳ.к.) бўлса, уларни эгасига қайтаради. Ҳуқуқбузарга нисбатан ножўя хатти-ҳаракатлар қилмайди.

Спиртли ичимлик ичган, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддалар истеъмол қилган шахслар билан мулоқотга киришганда, агарда улар ўзларини тўғри тутсалар ҳам шахсий хавфсизликни таъминлаган ҳолда эҳтиёткор бўлиши ҳамда тегишли қонуний чоралар кўрилишини таъминлаши зарур.

Ходим жамоат транспортида ва бошқа жамоат жойларида йўловчилар билан хушмуомалада бўлиб, кексаларга, аёлларга жой бериши, ёшларни ёши катталарга жой беришга ундаши, жамоат транспортида ёки бекатда

ҳуқуқбузарлик содир этилса, дарҳол уни бартараф этиш учун зарур чоралар кўриши, жабрланувчига ёрдам бериши ҳамда жамоат тартиби сақланишини таъминлашни хизмат ва фуқаролик бурчи деб ҳисоблаши шарт.

Ҳарбий хизматчилар (ходимлар) хизмат жараёнида ва хизматдан ташқари пайтда сўзлашиш одобига, муомала маданиятига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллаш, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиш инсоннинг мавқеини юксалтиради, унинг жамоадаги ва жамиятдаги ўрни ҳамда обрўсини белгилаб беради¹.

Ҳарбий хизматчи (ходим) фуқаролар билан самимий муносабатда бўлиши, уларнинг мурожаатини диққат билан эшитиши, ваколати доирасида кўриб чиқиши ва масаласини ҳал қилишга интилиши зарур. Шу билан бирга, фуқаролар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг қонунга зидлигини тушунтириши ҳамда зарур ҳолларда қонунда белгиланган чорани қўллаши лозим.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлинмалари ҳарбий хизматчилари (ходимлари) эл-юрт осойишталиги посбони сифатида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан мулоқотга киришишда қадди-қоматини тик тутган ҳолда, очиқ чеҳра билан уларнинг берган саволларига аниқ ва лўнда жавоб беришлари ва улар билан иложи борича таржимон орқали мулоқотга киришишлари керак.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларга содиқлигини намойиш қилиш, юртимизда кечаётган улкан ўзгаришлар ва янгиликлар даврида аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бирламчи вазифалардан саналади.

*И.Р.Юлдашев**

ФУҚАРОЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлатнинг барпо этилиши унинг халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ролини оширади. Бунинг натижасида, айниқса инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, сўз ва диний эътиқод эркинлиги бўйича эришаётган ютуқларимизни тегишли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда изчил мустаҳкамлаб борамиз².

¹ ЖХТ дарслик. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш асослари. Т-2021 й.

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқидан иқтибослар: публицистика. -Тошкент: Тасвир нашриёт уйи, 2021. -Б 27.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва унга риоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугун мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилишнинг ўзбек модели шаклланди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, шу жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган ва уларнинг бажарилиши юзасидан миллий маърузалар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ҳамда шартномавий қўмиталарига доимий равишда тақдим этиб борилмоқда¹.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида халқаро стандартларнинг шу жумладан, халқаро меҳнат стандартлари ўрни юқори даражани ташкил этади. Шу сабабли, мазкур мавзунинг тадқиқ этишда меҳнат шартномаси муносабатларига оид халқаро стандартларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган.

Меҳнат қонунчилигини ислоҳ қилишда халқаро стандартларни миллий қонунчиликда акс эттириш ёки уларнинг илғор нормаларидан фойдаланиш, барча давлатлар томонидан тан олинган ижобий тажрибаларни қабул қилишга муҳим эътибор қаратилган.

Меҳнат муносабатларини халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига таъсирини баҳолашда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 10-моддаси қоидалари муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур моддага асосан, “Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ёки Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясида ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга нисбатан имтиёзлироқ қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки конвенциянинг қоидалари қўлланилади”².

Меҳнат муносабатларига оид халқаро стандартлар ҳақида тўхталганда биринчи навбатда, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги универсал ҳужжатларни кўриб чиқиш талаб этилади. Хусусан, бу ерда албатта БМТнинг ҳужжатлари муҳим аҳамиятга эга. Буларга биринчи навбатда, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” (1948 й.), “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактлар (1966 й.) ва уларнинг протоколлари, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция (1989 й.) киради.

Хусусан, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт”нинг 7-моддасига мувофиқ:, ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг адолатли ва қулай шарт-шароитга эга бўлган меҳнат қилиш ҳуқуқини, жумладан қуйидагиларни тан олади:

- барча меҳнаткашларга камида қуйидагиларни таъминлайдиган ҳақ

¹ Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя қилинишининг ҳолати тўғрисида ахборот. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2020. –Б.2.

² [хтпс://lex.uz/doss/142859](https://lex.uz/doss/142859)

тенг қийматга эга меҳнат учун ҳеч бир тафовутсиз адолатли иш ҳақи ва тенг даромад, айти пайтда жумладан, аёлларга эркактарникидан кам бўлмаган меҳнат шароитига кафолат берилиши ҳамда тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўланиши ;

- мазкур Пактнинг қарорларига мувофиқ, улар ва уларнинг оилалари учун қониқарли бўлган турмуш тарзи;

- хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берувчи иш шароити;

- меҳнат стажи ва малака асосидагина ишда тегишли янада юқорирок мансабларга кўтарилиш учун бир хил имконият;

- дам олиш, бўш вақт имкониятининг бўлиши ва оқилона чекланган иш вақти ҳамда ҳақ тўланадиган таътил белгиланган.

БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенциянинг (1979 й.) 1-моддасига кўра, касб ёки иш турини эркин танлаш, лавозим бўйича кўтарилиш ва иш билан банд этиш кафолатига эга бўлиш, шунингдек, шогирдлик, юқори даражадаги касб бўйича тайёргарлик ва мунтазам суратда малака оширишни ўз ичига олган ҳолда меҳнат қилишнинг барча имтиёзлари ва шарт-шароитларидан тўлиқ фойдаланиш, касб бўйича тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқи, имтиёзлар олишни ҳам ҳисобга олган ҳолда тенг мукофотланиш, бир хил қимматга эга бўлган меҳнатга нисбатан тенг шароитларга, шунингдек, иш сифатини баҳолашга тенг ёндашиш ҳуқуқи учун барча чораларни кўради. Ушбу қоидага асосан, иш берувчи ходимларга тенг меҳнат шароитларини таъминлаш, меҳнат шартларини белгиланган тартибда амалга ошириш кафолатларини белгилаб беради.

Таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида ҳуқуқ ва имкониятлардаги тенглик ва камситишга йўл қўймасликка қаратилган бир қанча нормалар Халқаро меҳнат ташкилотининг (бундан кейин ХМТ) ҳужжатларида мустаҳкамланган. Мамлакатимиз БМТнинг ихтисослашган ташкилоти бўлган ХМТга 1992 йилдан бери аъзо ҳисобланиб, ўтган давр мобайнида ушбу ташкилот билан изчил, тизимли алоқалар олиб бормоқда.

Ўзбекистон ХМТга аъзо бўлган 187 та давлатнинг бири сифатида мазкур ташкилот билан мамлакатда ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда, хусусан мажбурий меҳнат ҳамда болалар меҳнатига барҳам бериш, гендер тенгликни таъминлаш, тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш соҳасида самарали ишлаб келмоқда.

Бугунги кунга келиб, ХМТ томонидан халқаро стандартларнинг салмоқли базаси ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг сони 402 тани ташкил қилади. Хусусан, уларнинг 190 таси конвенция, 6 таси техник характердаги протокол ҳамда 206 таси тавсиядир. ХМТнинг 190 та конвенциясидан 8 таси “Фундаментал”, 4 таси “Устувор”, 178 таси “Техник” конвенция ҳисобланади¹. Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаси халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган ва эътироф этилган юридик жиҳатдан мажбурий бўлган қоидалар сифатида тушунилиши керак.

¹ [хтпс://www.ило.орг/глобал/стандардс/ланг--ен/индекс.хтм](http://www.ило.орг/глобал/стандардс/ланг--ен/индекс.хтм)

Меҳнатни халқаро ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий манбаларидан бири ХМТ томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ҳисобланади.

ХМТ конвенциялар ва тавсияларни қабул қилади ва ушбу ҳужжатларни қабул қилиш тартиби бир хил бўлса-да, уларнинг қонуний кучи ва уларни қўллаш тартиби ҳар хил бўлади.

Ўзбекистон Республикаси 2021 йил 1 июнь ҳолатига ХМТнинг 19 та конвенциясини (29, 47, 52, 81, 87, 98, 100, 103, 105, 111, 122, 129, 135, 138, 144, 154, 182, 187, 167) ратификация қилган¹. Ушбу халқаро ҳужжатлар ХМТ таснифига кўра мақоми жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади². Таъкидлаш лозимки, ХМТнинг халқаро стандартларини миллий қонунчиликка сингдириш ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли мамлакатимизда ХМТнинг конвенцияларини ратификация қилиш ишлари давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 мартдаги ЎРҚ–525-сон Қонуни билан ХМТнинг Халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 144-сонли, 2019 йил 27 августдаги қонунлари (ЎРҚ–№555, ЎРҚ–556) билан ХМТнинг Қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 129-сонли ҳамда Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 81-сонли, 2021 йил 4 июндаги ЎРҚ–693-сон Қонуни билан “Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисида 187-сонли Конвенциясини (Женева, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонунлар қабул қилинди³. Шундай қилиб, 2022 йил биринчи чорак ҳолатига кўра, Ўзбекистон ХМТнинг жами 19 та конвенциясини ратификация қилди.

Юқорида баён этилган Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенцияларида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларининг кафолатлари, жумладан, ходим ва иш берувчи ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси шартларини таъминлашга қаратилган қоидалар ўз аксини топган.

ХМТнинг конвенцияларида меҳнат шартларини белгилаш ва меҳнат шартномасини ўзгартиришга оид муносабатлар айнан белгиланмаган. Лекин, 2011 йил қабул қилинган Денгиз меҳнати конвенциясининг А2.1 стандарти денгизчиларнинг меҳнат шартномаларидаги минимал қоидалар бўйича йўл-йўриқ беради ҳамда 2011 йилдаги “Уй ишчиларининг муносиб меҳнати тўғрисида”ги конвенцияси (№ 189)да меҳнат шартномаси шартлари қоидаларидан умумий қўлланма сифатида фойдалаш мумкинлиги белгилаб ўтилган.⁴

ХМТнинг 189-сонли “Уй ишчиларининг муносиб меҳнати тўғрисида”ги конвенциясининг 7-моддасига кўра, ҳар бир аъзо уй ишчилари ўзларининг меҳнат шартлари тўғрисида тегишли, текшириладиган ва осон тушунарли тарзда ва иложи бўлса, миллий қонунлар, қоидалар ёки жамоавий битимлар,

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.06.2021 й., 09/18/407/1295-сон.

² Махаматов М.М. Ўзбекистон Республикаси ва ХМТ ҳамкорлиги институционал механизмини такомиллаштиришнинг айрим масалалари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журналы, №6, 2018. 69-б. [хтпс://т.ме/хуқуқияхборот](https://t.me/huququyahxborot)

⁴ [хтпс://www.ило.орг/емпент/ареас/бусинесс-хелпдеск/факс/WCMC_476065/ланг--ен/индекс.хтм](https://www.ило.орг/емпент/ареас/бусинесс-хелпдеск/факс/WCMC_476065/ланг--ен/индекс.хтм)

хусусан, ёзма шартномалар орқали хабардор қилинишини таъминлаш қуйидаги чораларни кўради:

- иш берувчи ва ишчининг номи ҳамда манзили;
- одатий иш жойи ёки иш жойларининг манзили;
- бошланиш санаси ва агар шартнома маълум муддатга тузилган бўлса,

унинг муддати;

- бажариладиган иш тури;
- иш ҳақи, ҳисоблаш усули ва тўловларнинг даврийлиги;
- нормал иш вақти;
- йиллик тўланадиган таътил, кунлик ва ҳафталик дам олиш вақтлари;
- агар керак бўлса, озик-овқат ва турар жой билан таъминлаш;
- агар мавжуд бўлса, синов муддати;
- агар мавжуд бўлса, репатриация шартлари;
- ишни тугатиш билан боғлиқ шартлар, шу жумладан уй ишчиси ёки иш

берувчи томонидан ҳар қандай огоҳлантириш муддати.¹

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг умумий қисмида камситишга йўл қўймасликни таъминлайдиган норма мавжуд (6-модда). Ушбу норманинг мавжудлиги бежиз эмас. Қонунчилик камситишга йўл қўймаслик тўғрисидаги нормани меҳнат муносабатларининг барча жабҳаларида қўлланилишини таъминлайди. Хусусан, “Жамоа музокараларини олиб бориш тўғрисида”ги 154-Конвенцияси ва “Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-конвенцияларида² меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва меҳнат шартларини ўзгартириш, иш ҳақи, кафолатлар ва компенсациялар, меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги, меҳнат интизоми, меҳнатни муҳофазаси ва бошқалар назарда тутилган. Бу эса албатта, меҳнат шартларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга оид муносабатларни билвосита тартибга солишни назарда тутади.

Умумий хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, халқаро ташкилотларнинг меҳнат стандартларида ва хорижий мамлакатлар меҳнат қонунчилигида меҳнат шартларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга оид муносабатларда умумий, яқдил қоида мавжудлигини кўришимиз мумкин, яъни, меҳнат шартномасини ўзгартириш тарафларнинг ўзаро розилиги асосида ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида амалга оширилиши умумийлик касб этади.

¹ [хттпс://www.ило.орг/дйн/нормлех/ен/ф?п=НОРМЛЕХПУБ:12100:0::НО::П12100_ИНСТРУМЕНТ_ИД:2551460](http://www.ило.орг/дйн/нормлех/ен/ф?п=НОРМЛЕХПУБ:12100:0::НО::П12100_ИНСТРУМЕНТ_ИД:2551460)

² [хттпс://касаба.уз/расмий-хужжатлар/халқаро-меҳнат-стандартлари/](http://касаба.уз/расмий-хужжатлар/халқаро-меҳнат-стандартлари/)

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАНЛАРДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР

XX асрга келиб, жамият тизимидаги ўзгаришлар – эркин бозор иқтисодиёти, парламентар демократия ва ҳуқуқий давлат, ижтимоий ва сиёсий соҳалар ўртасидаги бўлиниш жараёнлари фуқаролик жамиятини тушунишда янги ёндашув ва концепцияларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Бу борада амалга оширилган тадқиқотлар “фуқаролик жамияти” категориясини функционал тавсифларини тушуниш мураккаблашди. Бунинг сабаби, фуқаролик жамияти тушунчасини тадқиқ этишда фуқароларнинг ижтимоий ҳаётида долзарб талабларини акс эттирувчи янги мезонларнинг киритилганлигида бўлди. Шу тариқа, фуқаролик жамияти ҳақидаги тасаввурлар ривожини тизимлаштириш қуйидаги шаклларда юз берди:

биринчидан, уларнинг ижтимоий-фалсафий асослари таснифлари билан;

иккинчидан, мафкуравий асосларнинг хусусиятларига кўра;

учинчидан, фуқаролик жамиятининг соф илмий концепцияларини аниқлаш билан белгиланди.

Бироқ, фуқаролик жамияти модели дастлабки таянч ижтимоий-фалсафий назариялар ва концепцияларини икки гуруҳга бўлиш русумга кирди:

- формацион ва цивилизацион ёндашувлар;

- модернизация ва постмодернизм концепцияси.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда фуқаролик жамиятининг қуйидаги гоявий-фалсафий доктриналари ишлаб чиқилди:

- “бюрократик давлат социализми доктринаси”;

- “авторитар давлат капитализми доктринаси”;

- “демократик социализм доктринаси”;

- либерал-демократик (“бозор демократияси”) доктринаси.

Бюрократик давлат социализми учун фуқаролик жамияти – бу буржуа, капиталистик жамият бўлиб, у хусусий мулкка ва ёлланма меҳнатга асосланади. Бюрократик давлат социализми тарафдорлари фуқаролик жамиятини ижтимоий нотенглик ва жамиятда кучайиб бораётган кескинлик сабаби, деб билади.

Авторитар давлат капитализми фуқаролик жамиятини хусусий бизнес, оилавий-қариндошлик ва бошқа нодавлат муносабатлар соҳаси бўлиб, у ўзида капиталистик давлатнинг ижтимоий-иқтисодий базасини мужассам қилади, деб ҳисоблайди.

Демократик социализм концепцияси тарафдорларига кўра, фуқаролик жамияти – бу ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва институтлар мажмуи бўлиб, у демократик давлат билан бирга ижтимоий (иқтисодий, сиёсий ва ҳоказо) демократия асосини ташкил қилади.

“Бозор демократияси” назариётчилари фуқаролик жамиятини бозор демократияси жамиятига ўхшаш инсоний бирлик деб билади. Улар фикрича,

* Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, илмий тадқиқотчи

фуқаролик жамияти иқтисодий жамият бўлиб, иқтисодий ҳаётни бошқариш имкониятларида чекланган ва улар ижтимоий бирлашмалар ва ҳаракатлар томонидан назорат қилинади.

Шундай қилиб, фуқаролик жамияти ғоясининг қайта жонланишида жамиятни давлатлаштиришга, жамият ҳаётида давлат роли ва таъсирининг фавкулотда ўсишига қарши қарашлар ҳам шаклланди. Ч.Тэйлор, Э.Арато, Р.Дворкин ва бошқа тадқиқотчилардан иборат бўлган ўзига хос норматив дискурс ҳам шаклланди¹. Шунингдек, жамиятнинг нодавлат соҳасининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг аҳамияти билан боғлиқ бўлган муҳим қуйидаги концепциялар ҳам шаклланди:

- либерал анъана концепцияси;
- америкача коммунитаризм концепцияси;
- европача неоконсерватизм концепцияси;
- пост-марксча концепция.

Фуқаролик жамиятининг либерал анъана ғояси умуман олганда янгилик эмас. Фуқаролик жамияти ҳақидаги дастлабки тасаввурлар мумтоз инглиз либерализми давридаёқ ишлаб чиқилган эди.

Фуқаролик жамияти концепциясининг америкача маданий ва тарихий ўзагида “республикачилик” ғояси ётади. У XX асрдаги ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи ижтимоий уюштиришга асосланган тенг ҳуқуқли фуқаролар томонидан ташкил этилган америка коммуналари, яъни локал бирлашмаларининг уйғун ва фаолликдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақидаги тасаввурларга асосланди.

Турли манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, мумтоз марксизм замонавий дискурснинг алоҳида концептуал йўналиши сифатида фуқаролик жамиятини келиб чиқишини жамиятнинг феодал-аристократик ва патерналистик тизими ўрнига коммерция капитализми давридаги иқтисодий партикуляризм билан боғлайди. Бироқ, Маркс унда индивидуал эркинлик ва автономияни эмас, синфий жамиятда объектив мавжуд бўлган нотенгликни, эркисизлик ва ижтимоий-иқтисодий бегоналашувни беркитиб турувчи ниқобни, яъни унинг ташқи шаклини кўрган, холос².

Кейинроқ пост-марксистик лойиҳа доирасидаги назариётчилар, фуқаролик жамияти ғоясини қайтадан кўриб чиқишга уринди. Шу тариха, пост-марксистик тушунишга биноан, у қуйидагича асосланади: фуқаролик жамияти “охирги вақтларда пайдо бўлаётган, жамиятнинг эркин ихтиёрий ассоциациялари, шунингдек, ҳуқуқий ва оммавий институтлари доирасида юзага келган жамоавийликнинг номумтоз шакллари, нафақат давлат тизими доирасидан, балки капиталистик бозор иқтисодиёти чегарасидан ҳам чиқиб кетаётган ижтимоий бирликлар”дир.³ Бу каби қараш марказида биринчидан, давлат-бюрократик машинасининг “умумий манфаатлар давлати” шароитида, таъсир доирасининг кенгайиб бориши, иккинчидан, трансмиллий корпорациялар ва

¹ Гончаров Д. Нормативная дискуссия о гражданском обществе: основные направления. Москва. 2010. -С. 86;

² Бакер Г. Сивил Сосиетей анд Демосратис Тхеорй: Алтернативе Воисес. 2002. -Р.91.

³ Арато А. Сивил Сосиетей Агаинст тхе Стате: Поланд, 1980-81.–Телос, 1981.-Р.47.;

глобаллашув даврининг марказлашган иқтисодийетини жамиятга хавф туғдириши ғояси туради.

Фуқаролик жамиятининг замонавий концепцияларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, уларда мазкур феноменнинг онтологик ва гносеологик жиҳатларига нисбатан ижтимоий қарашларнинг хилма-хиллигини кўрамиз. Шуни таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятининг замонавий концепциялари ижтимоий муаммолар таҳлилининг тизимли мезонларини ишлаб чиққанлиги ва илмий ҳамжамият олдига муҳим ва зарурий концептуал ва амалий ечимларни талаб қилаётган янги масалаларни кўндаланг қилиб қўйганлиги муҳим аҳамият касб этади. XX аср нафақат техник тараққиёт, балки тизимли фикрлашнинг шаклланиши ва ҳукмронлиги даври бўлганлигини ҳам назардан қочирмаслик лозим.

Айнан шу даврдан бошлаб, фуқаролик жамияти ижтимоий борлиқнинг тизимли таҳлили объекти сифатида ўрганила бошланади. Бу албатта, бугун олимлар ва файласуфларга замонавий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни нафақат моделлаштириш имкониятини беради, балки уларнинг истиқболи ҳақида аниқ тасаввурларни шакллантиради.

Ҳозирги даврга келиб ҳам фуқаролик жамиятини ўрганиш масалаларида қатор муаммолар ўз ечимини топгани йўқ, яъни фуқаролик жамиятининг давлат ва жамият дихотомияси ёки ўзаро шериклигининг чегараси, фуқаролик жамияти институтларининг индивид шахсий ҳаётига дахл қилиши чегараси қаерда фуқаролик жамиятини тушунишнинг таянч асослари, фуқаролик жамиятини тушунишнинг универсал ёндашувлари ҳали такомиллашмаганлиги кабиларни келтириш мумкин.

Фуқаролик жамиятини ўрганишда замонавий ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг муҳим ютуғи - бу соҳани ўрганишнинг янги илмий ёндашуви сифатида тизимли парадигманинг шаклланиши ҳисобланади. Ўз навбатида, бу ҳолат фуқаролик жамиятининг меъёрий жиҳатлардан идрок этишдан уни табора трансформациялашиб бораётган фуқаролик жамиятининг замонавий концептуал дискурсининг турли йўналишларини ўрганишда эмпирик таҳлил қилишга устуворлик бериш тамойилларини кучайтирди.

АҚШ олими **Иммануэл Морис Валлерстайн** фикрича, фуқаролик жамиятини шаклланиши учун кучли давлат бўлиши зарур, чунки бу каби давлатнинг қўллаб-қувватламаслик натижасида фуқаролик жамияти ривожлана олмайди. Маълумки, фуқаролик жамияти давлат билан билвосита сиёсий муносабатларга киришиш, давлат томонидан қонунийлашиш асосида фуқароларнинг жамиятдаги кенг иштироки асосида яшайди. Фуқаролик жамияти инсоний цивилизациянинг энг юқори чўққиси бўлгани ҳолда, у либерал давлатларни шаклланиши учун шарт-шароитлар яратиб берди. Шунингдек, фуқаролик жамияти давлат томонидан яширин ёки ошқора тус оладиган ҳалокатли зўравонликни тўхтатиб қолиш ёки пастдан бўладиган хавфли ва синфий ўзбошимчаликларни бостиришнинг омили сифатида ҳам намоён бўлди. Аммо, давлат таназзулга юз тутгани сари фуқаролик жамияти муқаррар равишда

тарқоқликка юз тутишга мойил бўлиб боради, деб хулоса чиқарган эди И.Валлерстайн¹.

Келиб чиқиши венгер бўлган иқтисодчи ва файласуф Сассекс университети профессори (Буюк Британия) **Иштван Мессарош** (1930 йилда туғилган) “Бегоналашишнинг маркисизм назарияси” номли китобида фуқаролик жамияти фақат христиан оламида ўзининг мукамал даражасига эришади, деб ёзади. Христианлик дини шароитида фуқаролик жамияти ўзини давлат ҳаётидан Мосуво тутади, бунда инсонни худбин сифатида намоён бўлишига шароит туғилади ва у ёлғизлик қарама-қарши кучлар дунёсида кўзга кўринмай кетади. Ж.Ж.Руссо ва А.Фергюсонни танқид қилган И.Мессарош учун фуқаролик жамияти – бу хусусий мулк таянчи, худбинлик зарурати ва пул устунлиги билан ифодаланадиган кулликнинг замонавий шаклидир.

АҚШ олими **Фрэнсис Фукуяма** фуқаролик жамияти тўғрисида фикр юритиб, қуйидаги фикрни билдиради: “демократик институтлар соғлом фуқаролик жамиятига суянгани каби, фуқаролик жамияти ҳам ўз навбатида, маданий даражада ўз ўтмишдошлари ва шарт-шароитларига эга бўлади”. Замонавий демократик давлатда фуқаролик жамиятининг анъанавий сиёсий ҳамда иқтисодий либерал доктринага хос бўлган тарқоқ шахсиятпараст шахсларни тенглаштириши ёки чеклашга қодирлиги унинг аҳамияти ва маданияти даражасини белгилаб беради. Олимнинг фикрича, ҳақиқий кураш айнан фуқаролик жамияти ва маданият даражаси ўртасида рўй беради.²

Умуман, ҳозирги замон илғор демократик мамлакатлар жамиятшунос олимларининг фуқаролик жамияти тўғрисидаги назарий қарашларини бир тизимга келтирилса, у ҳолда фуқаролик жамияти бу - жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуаси бўлиб, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазйиқлари, аралашилари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамиятидир, унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун барча имкониятларга эга бўладилар.

*З.М.Маматов**

СПЕЦИФИКА РАБОТЫ С ВОЛОНТЕРАМИ

С 1985 года во всём мире отмечается Всемирный День Молодёжного Служения. Отличительной чертой современного волонтерского движения является стремление к его формализации и созданию легальных, в том числе законодательных, механизмов регулирования. Добровольческая деятельность всё чаще осуществляется в виде социальных проектов и программ, имеющих формальную структуру, цели, задачи. В настоящее время добровольчество

¹ Валлерстайн И. Конец знакомого мира: Социология ХХИвека. М.: Логос, 2003. 368-с.;

² Фукуяма Ф. Конец истории и последний человек.-М.:Ермак,АСТ,2005.-С.46.

* Научный соискатель Узбекского государственного университета мировых языков

становится всё более популярным в молодёжной среде. В связи с этим необходимо освоение новых форм и подходов в работе с добровольцами.

К основным принципам волонтерской деятельности можно отнести:

Добровольность - никто не может быть принуждён действовать в качестве волонтера, добровольцы действуют только по доброй воле.

Безвозмездность - труд волонтеров не оплачивается, добровольцы оказывают безвозмездную помощь и осуществляют безвозмездную работу.

Ответственность - волонтеры, взявшие на себя ту или иную работу, принимают на себя личную ответственность за её качественное выполнение и доведение до конца.

Законность - деятельность волонтеров не может противоречить законодательству.

Уважение - волонтеры уважают достоинство, особенность и культуру молодёжи.

Солидарность - волонтеры проявляют солидарность с целями и принципами организации.

Равенство - волонтеры признают равные возможности участия каждого в коллективной деятельности.

Самосовершенствование - волонтеры признают, что добровольческая деятельность способствует их личному совершенствованию, приобретению новых знаний и навыков, проявлению способностей и возможностей, самореализаций.

Нравственность - следуя своей деятельности морально-этическим нормам, волонтеры личным примером содействуют формированию и распространению в обществе ценностей здоровья и здоровьесбережения, а также духовно-нравственных и гуманистических.

Толерантность - волонтеры должны терпимо относиться к социально уязвимым слоям населения¹.

Волонтер рассматривается как активный субъект добровольческой деятельности с различным уровнем включенности в процесс принятия решений. Уровень включенности зависит от ответственности, которую на себя может взять волонтер, или которая будет возложена на него специалистом-куратором.

К видам подросткового участия следует отнести:

Участие в жизни семьи. В семье приобретает первый опыт участия в процессах принятия решений и происходит развитие чувства социальной ответственности.

Участие в жизни учебного заведения. В школах и иных учебных заведениях несовершеннолетние получают опыт демократического участия, который формируется при выработке правил и норм поведения в школьном сообществе, если таковая совместная деятельность учеников и учителя имеет место.

¹ Белановский Ю.С. Корпоративное и социальное волонтерство. –М. 2017.

Участие в жизни местного сообщества, т.е. весь комплекс учреждений и организаций, услугами которых он пользуется, в том числе и улица, двор, микрорайон, как непосредственное место жизнедеятельности человека.

Участие в деятельности общественных организаций. Под общественными организациями подразумеваются добровольные объединения граждан для решения конкретных проблем. Участие в деятельности таких организаций позволяет несовершеннолетним быть причастным к решению разного рода социальных проблем. Деятельность добровольцев курируется специалистом-куратором.

Кураторы и несовершеннолетние совместно определяют результаты, которых необходимо достичь в каждом проекте и виде деятельности. При этом сотрудничестве, проблемы обсуждаются с разных точек зрения, что помогает участникам лучше их понять. Этот процесс способствует приобретению знаний и навыков, а также ощущению достижения результата, которое сохраняется и после окончания совместной работы¹.

Взаимодействие куратора и добровольца основывается на принципах:

- специалисты не "руководят", а помогают молодым людям принимать собственные решения и прогнозировать их результаты;
- все люди имеют право быть услышанными, право самостоятельно формулировать свою проблему и самостоятельно действовать;
- специалист не оценивает несовершеннолетнего, а принимает таким, какой он есть. Понимание этого должно отразиться в практической деятельности;
- соблюдение принципа равноправия в работе независимо от расы, пола, сексуальной ориентации, возраста класса, социальной исключённой и т.д. своего клиента.

Куратор волонтерского формирования согласно этой модели социального действия, способствует установлению процесса, во время которого несовершеннолетние привлекаются к определению проблем, решение которых и становится их целью. Процесс имеет циклический характер и может повторяться по мере развития ситуации.

Иногда складываются ситуации, когда несовершеннолетние не проявляют инициативы и не хотят принимать участие в процессе принятия решений. Основной причиной является нежелание брать на себя ответственность, пугаются трудностей или того, что они не смогут сделать работу своевременно. Это вполне закономерная позиция, и ее тоже следует уважать. Однако возможны и иные причины, например: не хватает уверенности в себе для осуществления деятельности либо возможностей, ресурсов для участия; находятся в слишком тяжелой ситуации, которая не позволяет им принимать на себя ответственность или обязанности; отсутствует мотивация (ключевой момент в волонтерской деятельности); имеют негативный опыт; опасаются, что их не будут воспринимать всерьез.

¹ . Государственная молодежная политика в странах СНГ. –М., 2015. –С.12.

В 2019 году в Узбекистане был принят Закон "О волонтерской деятельности"¹, который обязывает заключать договоры на осуществление волонтерства. Ранее эта деятельность в республике не регулировалась отдельным законом. Сегодня основными направлениями волонтерской деятельности остается поддержка малообеспеченных и социально уязвимых лиц, а также помощь в проведении массовых спортивных, культурных и других общественных мероприятий национального и международного значения. Также волонтерское движение является одной из важных основ государственной молодежной политики в нашей стране.

*А.М.Маннонов**

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕРГОВ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИГА ОИД ФАОЛИЯТИДА ИНСОН ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада фаоллаштиришга доир тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Бундан ташқари, миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари соҳасида узок муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилади².

Барчамизга маълумки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари – бу инсонга бекаму кўст яшаш имконини берувчи, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва

¹ Закон Республики Узбекистан "О волонтерской деятельности" // www.lex.uz

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.06.2020 й., 06/20/6012/0953-сон;

сиёсий соҳаларда ўзининг имконият ва талабларини амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқий мақом ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосидир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишга давлат қафолат беради, яъни Конституцияга мувофиқ, мамлакат ҳудудида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Шунингдек, Конституциянинг II боби 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади” деб таъкидланган.

Шундай экан, Ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни (2014 йил 14 май)да ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар, муассасалар ҳамда уларнинг ваколатлари белгиланиб, “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” ибораси расман қўлланила бошланди.

Мазкур қонунда “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими” эканлиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017йил 14март) ПҚ-2833-сон қарорида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолияти ҳамда уни мувофиқлаштиришнинг янги тартиби ва механизмлари амалиётга жорий этилиб, ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш барча давлат идоралари ва ташкилотларининг устувор вазифаси этиб белгиланди. Шунингдек, қарорда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси қонун бузилиши ҳолатларини фош этиш ва чоралар кўриш эмас, балки мазкур ҳолатларнинг барвақт олди олинishi ва профилактика қилинишини таъминлаш ҳисобланиши, шу сабабли уларнинг фаолиятини ташкил этиш усулларини тубдан ўзгартириш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 10 апрель) ПФ-5005-сон фармони, «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2017 йил 12 апрель) ПҚ-2883-сон қарори, «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 12 апрель) ПҚ-2898-сон қарори ва бошқа бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари қатори ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади.

Кўрииб турибдики, ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги нуқтаи назаридан ёндашиши лозим бўлади.

Шу ўринда эътибор қаратсак, жиноят ишини юритишнинг ягона тартибини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг «Жиноятларнинг олдини олиш чоралари» деб номланган олтинчи бўлими «Жиноятларнинг олдини олиш чоралари» номли битта боб ва 296, 297, 298, 299 ва 300-моддаларда жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги ваколатлари белгилаб қўйилган. Ушбу моддаларда жиноят ишларини юритишда:

суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шарт эканлиги;

суриштирувчи, терговчи ва прокурор ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга тақдимнома киритиб, тақдимноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилиши;

суд эса хусусий ажрим чиқариб, жиноятнинг сабаби ва унга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилиши;

тақдимнома ёки хусусий ажрим юборилган давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахс зарур чораларни кўриши ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ой муддат ичида тегишлича тергов органи ёки судни хабардор қилиши шартлиги;

тақдимнома ёки хусусий ажрим бажарилмаган ёки виждонан бажарилмаган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг айбдор раҳбари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши, шунингдек суриштирувчи, терговчи, прокурор – тақдимнома, суд эса хусусий ажрим чиқариш йўли билан тегишли корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарини ва

жамоасини жиноятнинг олдини олиш ёки уни фош этишда фуқаро юксак онглилик, жасорат кўрсатгани, ижтимоий бурчини намунали бажаргани тўғрисида хабардор қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Мазкур талаблар ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тадбирлари доирасида таъминланади.

Тергов бўлинмаларининг ушбу йўналишдаги фаолиятларини ўрганиш натижаси шуни кўрсатадики, суриштирув ва терговчилар дастлабки терговни тамомлаб, жиноят ишини судга юбориш олдидан шахснинг айбланувчи тариқасида жалб этилганлигини асос қилиб олган ҳолда, жиноятнинг сабаби сифатида ушбу шахснинг қонунларни билмаслиги ёки етарли даражада билмаслиги, жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароит сифатида эса ушбу (гумонланувчи ёки айбланувчи тариқасида жалб этилган) шахс(лар) яшовчи маҳалла фуқаролар йиғини ва (ёки) ишлаётган меҳнат жамоаси томонидан ҳуқуқий тарғибот ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлигини, шу сабабли жиноятнинг ушбу сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларини бартараф қилиш лозимлигини кўрсатган ҳолда тақдимнома киритиш амалиёти “кенг” йўлга қўйилган.

Ушбу амалиёт юзасидан шуни айтиш мумкинки, шахснинг ҳали судда кўриб чиқилмаган жиноят иши бўйича тергов органи томонидан айбланувчи тариқасида жалб қилинганлигини асос қилиб, унинг қилмишини бошқа шахслар орасида муҳокама этилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлимидаги “Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар” деб номланган VII боби, 26-моддасида ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг “Жиноят процесси принциплари” деб номланган 2-боби 23-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган “Айбсизлик презумпцияси”, яъни жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди” деган конституциявий норма ва жиноят-процессуал кодекси принципига зид ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, Тергов бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолиятини амалга оширишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олишлари, бунда шахснинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлигини инобатга олган ҳолда, ҳар қандай жиноят тури бўйича суриштирув ва дастлабки тергов олиб борилаётган жиноят иши бўйича гумонланувчи ёки айбланувчи тариқасида жалб этилган шахснинг дахлсиз ҳуқуқларига дахл қилмасликлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай экан, жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахслар сирасига кирадиган ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ҳамда ундаги суриштирувчи, терговчи ва бошлиқларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагилар **таклиф этилади:**

биринчидан, тергов бўлинмалари томонидан хизмат ҳудудида содир этилаётган жиноят турлари ва уларни содир этишнинг янги усуллари,

сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларини аниқлаб, ишда гумонланувчи ёки айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этилган шахс(лар)нинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият эканлигини инобатга олган ҳолда, ҳар бир турдаги жиноятнинг содир этилиши сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларини бартараф қилиш борасидаги тегишли тавсиялар билан бирга интернет тармоғига мунтазам жойлаштириш йўли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини интернет тармоғи орқали амалга ошириш;

иккинчидан, ҳар қандай жиноят тури бўйича суриштирув ва дастлабки тергов олиб борилаётган жиноят иши бўйича гумонланувчи ёки айбланувчи тариқасида жалб этилган шахс(лар)нинг дахлсиз ҳуқуқларига дахл қилмаган ҳолда жиноятнинг содир этилиши сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларини бартараф қилиш борасида тақдимномалар чиқарилишини йўлга қўйиш таклиф этилади.

*О.С.Субанов**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ КАФОЛАТЛИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТНИНГ ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ФУНКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари кафолатли таъминланадиган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш олий мақсад ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мунтазам такомиллаштирилишини тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев илгари сурган ва тизимли равишда ҳаётга татбиқ этилаётган «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак»лиги тўғрисидаги бош ғоя, бутун ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолиятининг моҳиятини ташкил этади.

Маълумки, ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилиш (ҳуқуқни муҳофаза қилиш) функцияси – давлатнинг ижтимоий муносабатлар барча иштирокчилари томонидан қонунларни аниқ ва тўла бажаришини таъминлашга қаратилган фаолиятдир.

Демократик ҳуқуқий давлатда шахс, жамият, давлат манфаатлари ҳар қандай ноқонуний тажовузлардан муҳофаза қилинади. Давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти марказида, шахс, жамият, давлат манфаатлари туради. Шунинг учун шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш билан бир пайтда давлат ўзи ҳамда бутун жамият манфаатларини муҳофаза қилади.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Ҳуқуқшунослик адабиётларида таъкидланганидек, давлат функциялари – бу давлатнинг моҳиятини ифодаловчи, асосий фаолият йўналишларидир. Давлатнинг моҳияти унинг функцияларида намоён бўлади. Давлат бу – эркин кишиларнинг оммавий ҳокимиятини ифодаловчи, ҳуқуқий, суверен ташкилотидир. Шу маънода, давлат моҳияти ва табиатига мос бўлган фаолиятигина ҳуқуқий ҳисобланади. Давлат, унинг органлари ва мансабдор шахсларнинг унинг моҳияти ва табиатидан ташқарида бўлган ҳаракатлари ҳуқуққа зид характер касб этади. Давлат барча фаолиятининг хусусияти, моҳияти ва мазмуни эркин инсонлар ҳаётининг муайян ҳуқуқий тартиботини ташкил этиш, амалга ошириш ва ҳимоя қилишдан иборат¹.

Тадқиқотчилар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, яъни функцияларини тадқиқ этар эканлар, ўзларининг турли-туман фикрларини билдирадilar. Профессор З.М.Исламов давлат функцияси ва унинг моҳияти ўзаро боғлиқлигини таъкидлаб, шундай ёзади: “давлатнинг умумижтимоий моҳияти ва ижтимоий бурчидан келиб чиқадиган муайян мақсадларга эришиш йўлидаги вазифаларни амалга ошириш бўйича давлат фаолиятининг бош (асосий) йўналишлари (томонлари, кўринишлари) давлат функциялари деб аталади”².

Россиялик олим И.С.Самощенко ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг ҳуқуқ ижодкорлиги ва тезкор-ижро фаолиятини олиб бориш билан бир қаторга қўяди³. Академик Алексеев С.С. ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни ижро этиш ва ҳуқуқни таъминлаш каби ҳуқуқий шакллар қаторига киритади ҳамда ҳуқуқни таъминлаш фаолиятини ҳуқуқий ташкил этиш, назорат қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш каби турларга ажратади⁴. Унинг фикрича, ҳуқуқ ижодкорлиги ваколатли давлат органларининг ёки бевосита халқнинг ҳуқуқий нормаларини ишлаб чиқиш ва ўрнатиш бўлиб, ҳуқуқни шакллантириш (ҳуқуқни яратиш) жараёнини тўлалигича қамраб олмасдан, балки унинг яқунловчи босқичи бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқни шакллантириш мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратишни белгилаб берувчи ва таъминловчи объектив шарт-шароит ва субъектив омилларни ўзаро алоқалари билан белгиланади⁵.

В.М.Горшенев ва И.Б.Шаховлар ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини, ҳуқуқни қўллашни эса ҳуқуқни муҳофаза қилишга ажратади. Ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилишни ҳуқуқни таъминловчи, юрисдикциявий ва ҳуқуқни ижро этувчи фаолиятларга ажратади ҳамда ундан алоҳида муҳофаза, назорат фаолиятини таъкидлайдилар⁶. Ю.М.Козлов ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва юрисдикциявий фаолиятни бир хил фаолият, деб тушунади⁷.

¹ Нерсесянц В.С. Теория права и государства. –М.: -Норма ИНФРА-М, 2013. –С.67.

² Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т., 2007. –Б. 213.

³ Общая теория государства и права. -М., 1966. С.50-52.

⁴ Алексеев С.С.Проблемы теории государства и права. Курс лекций. Свердловск. 1972. Т.1. С.58-59.

⁵ Проблемы теории государства и права: Учебник/ под ред. С.С.Алексеева. –М.: Юрид.лид., 1987. С. 330.

⁶ Горшенев В.М., Шахов И.Б. Контроль как правовая форма деятельности. –М., 1997. С.20-21.

⁷ Административное право: Учебник /Под ред. Ю.М.Козлова, Л.Л.Попова. –М., 1999. С.383.

Рус тадқиқотчиси А.Ю.Гулягиннинг фикрича, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси давлат функциялари тизимида муҳим ўрин тутади. Давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси ички, асосий, доимий, хавфсизликни таъминловчи функциясидир¹. К.С.Бельский эса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини бошқарув ва судлов функциядан келиб чиқадиган, лекин мустақил, бир турдаги ва барқарорлиги билан ажралиб туришини таъкидлайди².

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси деганда, давлатнинг умумижтимоий моҳиятидан келиб чиқадиган, давлат фаолиятининг бошқа ҳуқуқий шакллари билан чамбарчас боғлиқ бўлган, давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқий қоидаларнинг ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари томонидан аниқ бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолият йўналиши тушунилади.

Давлат функцияси масаласи тараққиётнинг ҳар қандай босқичида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, айнан шу функция орқали давлатнинг моҳияти ва ижтимоий аҳамияти намоён бўлади. Замонавий ҳуқуқий давлатнинг бош вазифаси эса, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланганидек, «давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади; «давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» (2-модда); «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади» (13-модда); «давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади» (14-модда). Конституциямизда белгиланган қоидаларни рўёбга чиқариш, жамиятда ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган ва фаолият юритадиган ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар тизими халқ, унинг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоялашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини юксалтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ташкилий тузилиши, моддий-техник базасини яхшилаш, энг муҳими халқпарвар тизим яратиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таркиби, тузилиши, фаолият йўналишлари, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўзаро муносабатлари қонун йўли билан тартибга солинди. Жумладан, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги (1997 й.), «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги (1997 й.), «Прокуратура тўғрисида»ги (2001 й.), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 й.), «Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги (2018 й.), «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги (2021 й.) қонунлар қабул қилинди.

¹ Гулягин А.Ю. Место правоохранительной функции в системе иных функций государства // Юридический мир, 2011. №7. –С.72.

² Бельский К.С. Полицейское право: Лекционный курс. –М., 2004. –С.91.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар таҳлили шундан далолат берадики, мазкур органлар жамият ҳаётининг муҳим ҳисобланган муайян соҳасида қонунларнинг ижросини таъминлаш, жамоат ва ҳуқуқ тартиботини ўрнатиш, ижтимоий муносабатларнинг барча иштирокчилари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя қилинишига хизмат қилади.

Хусусан, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунда божхона органларининг асосий вазифалари бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўз ваколати доирасида унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва бошқалар ҳисобланади (¹

Давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлаш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича таҳлил қилиш ва таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш, шу жумладан макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш, солиқлар йиғилишини ошириш бўйича чораларни амалга ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш, солиқларга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни бажариш, пул маблағларининг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумининг тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши устидан мунтазам назоратни таъминлаш, юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта ҳамда экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш чоғида қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга ошириш кабилар Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифаларини ташкил этади (4-модда)².

Худди шунингдек, «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 51-52-сон, 499-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда; 2000 й., 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; 9-10-сон, 182-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 51-сон, 514-модда; 2005 й., 21-сон, 148-модда; 37-38-сон, 280-модда; 51-сон, 376-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2009 й., 52-сон, 557-модда; 2010 й., 37-сон, 314-модда; 2012 й., 15-сон, 163-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.12.2017 й., 03/18/455/0492-сон; 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 2019 й., 2-сон, 47-модда, 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон

тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат ¹.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ички ишлар органлари муҳим ўрин тутди. «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунга биноан, ифқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборат»² авлат хавфсизлик хизматининг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳамда бошқа давлат манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишдан, қонунийликни мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини таъминлашдан, шунингдек Давлат хавфсизлик хизматининг ваколатига киритилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам беришдан иборат³.

2021 йил 6 июлда «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг фаолиятини тартибга солишдан иборат. Қонунда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг асосий вазифалари, фаолиятининг асосий йўналишлари, принциплари, тизими, ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари давлат органлари ва бошқа ташкилотлари билан ҳамкорлиги, фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланиш, кўриқланадиган шахслар ва объектлар ҳамда бошқа масалалар мустаҳкамлаб қўйилган⁴. Мазкур қонунга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг асосий вазифалари кўриқланадиган шахсларнинг ҳаёти, соғлиги, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишдан, кўриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминлашдан иборат⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим босқичи бўлди. Мазкур фармон билан

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 249-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2008 й., 39-сон, 390-модда; 2008 й., 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 160-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.10.2017 й., 03/17/448/0126-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон) Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон; 30.10.2019 й., 03/19/575/3972-сон; 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон

³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 й., 03/18/471/1022-сон; 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон

⁴ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 03/21/700/0637-сон

⁵ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 03/21/700/0637-сон

тасдиқланган «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси»нинг **2-бўлимида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолиятини янги поғонага кўтарилишига сабаб бўлади.**

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилда 2 мартдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги 5953 - сонли фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш натижасида, **2 та Қонун, 4 та Президент Фармони, 1 та Президент Қарори, 1 та Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.**

Жумладан, 2020 йил 14 май куни «Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Киритилган ўзгартишларга кўра, эндиликда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимоячидан воз кечиш жараёни, шунингдек шахсни ушлаш, шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш процессуал ҳаракатлари ҳам эндиликда видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги белгиланди. Бундан ташқари, шахсга нисбатан қўлланиладиган процессуал мажбурлов чораси ва шахс ушлаб турилган жойи тўғрисида унинг яқинларига дарҳол хабар берилиши шарт². Бу шундан далолат берадики, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти жамият тараққиётига мос равишда мунтазам ўзгариб, тараққий этиш хусусиятига эга. Давлат ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолияти жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳуқуқий ривожланиши эҳтиёжларига мос равишда ўзгаради, янги талабларга жавобан тараққий этади.

*Ж. М. Якубов.**

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХСНИНГ ҲИМОЯЛАНИШ ҲУҚУҚИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ

Шуни таъкидлаш керакки, шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари жиноят процессида ҳимоя чоралари ёрдамида таъминланишини

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2020 й., 03/20/617/0585-сон

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ Юридик фанлари кафедраси ўқитувчиси

нафақат айбланувчи ва гумон қилинувчилар, балки жинойт судловда иштирок этаётган бошқа шахслар ҳам ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Шунини ҳисобга олган ҳолда, бундай ҳуқуқни шахснинг ҳимоя қилиш ҳуқуқи деб таърифлаш мумкин.

Биринчи навбатда, жинойт процессида кўрилатган низо манфаатларига дахлдор бўлган иштирокчилар, хусусан: айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар биринчи навбатда ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Ушбу иштирокчиларга жинойт-процессуал қонун ҳужжатлари билан тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар берилган. Бироқ, ҳатто жараённинг бирон бир иштирокчиси мақомига эга бўлмаган шахслар ҳам ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

Жинойт процесс, жинойт процесси доирасида иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятини ўз ичига олади. Шундай қилиб, жинойт процессини амалга оширувчи органларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сонига ушбу ҳаракатлар ва қарорлар манфаатларига дахлдор бўлган барча шахслар кирилади.

Жинойт-процессуал мажбурлов чораларини таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, ҳимояланиш ҳуқуқига яшаш жойида ёки бошқа қонуний мулкда тинтув, олиб қўйиш, кўздан кечириш ўтказилаётган, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали сўзлашувлари эшитиб турилган гувоҳ ва бошқа шахслар, дастлабки суриштирув жараёнидаги жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар деб топилмаган шахслар ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Таъкидлаш жоизки, жараён иштирокчиси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тан олинishi ҳимояланиш ҳуқуқининг пайдо бўлишини аниқламайди, балки фақат бундай ҳуқуқнинг тан олинishi ҳисобланади. Масалан, жинойт ва мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш қурбонлари учун одил судловнинг асосий тамойиллари Инсон ҳуқуқлари Декларациясининг¹ 1-бандига биноан, "жабрланувчи" атамаси процессуал тартибда зарар етказиш фактини тан олиш каби белгига эга эмас.

Бироқ, жинойтдан жабрланувчини ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун албатта, биринчи навбатда, иш бўйича жабрланувчи мақомига эга бўлиш зарур. Шахснинг ҳимояланиш ҳуқуқи мазмунини аниқламасдан туриб, ҳимоянинг моҳиятини тушуниш мумкин эмас. Ҳуқуқнинг умумий назариясида шахснинг ҳимояланиш ҳуқуқининг процессуал компонентининг мазмуни ишлаб чиқилмаган. Ушбу ҳуқуқнинг мазмунини аниқлашда айбланувчининг ёки гумон қилинувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқидан бошланғич нуқта сифатида олинishi маъқул.

Адабиётда унинг мазмуни турлича тушунилади. Жинойт процессида энг кўп эътироф этилгани нуқтаи назар бўлиб, унга кўра, айбланувчининг ҳимоя қилиш ҳуқуқининг қуйидаги элементлари ажралиб туради:

1) айбланувчининг (гумон қилинувчи, судланувчи, маҳкум) ҳар қандай восита ва усуллардан фойдаланиш ҳуқуқи, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган,

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (ИИИ) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган.

ўзига кўйилган айбловни тўлиқ ёки қисман эътироз билдириш, жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаш;

2) айбланувчининг ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи;

3) суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва суднинг айбланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтириш ва уларни амалга оширишнинг реал имкониятини таъминлаш мажбурияти.

В.М.Корнуков¹ ушбу элементларнинг барчаси жараённинг бошқа иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий нормаларда мавжуд деб ҳисоблайди. Бизнинг фикримизча, судланувчининг ҳимоя қилиш ҳуқуқининг элементлари автоматик равишда шахснинг ҳимоя қилиш ҳуқуқи мазмунига кенгайтирилиши мумкин эмас.

Ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида ҳимоя қилиш ҳуқуқининг мазмунига турлича ёндашилади. Фуқаролик ҳуқуқида, ҳимоя қилиш ҳуқуқи мазмунида камида учта асосий имкониятни белгилаш мумкин:

биринчидан, қонуний вакилнинг бузилган ёки бахсли ҳуқуқини ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун ваколатли шахсга мурожаат қилиш қобилияти, давлат ёки жамоат органига даъво ёки қонунда белгиланган бошқа шаклда;

иккинчидан, ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг ушбу шаклига нисбатан белгиланган ушбу даъвони кўриб чиқиш жараёнида қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва кафолатлардан фойдаланиш имконияти;

учинчидан, ариза берувчига нотўғри кўринган органнинг мазкур ҳолат бўйича қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш, протест билдириш имконияти мавжудлиги.

Шубҳасиз, фуқаролик фани қоидаларини бошқа ҳуқуқ соҳаларига, шу жумладан жиноят-процессуал ҳуқуқига ҳам сўзсиз қўллаш мумкин эмас. Ушбу элементлар асосида жиноят процессида шахснинг ҳимояланиш ҳуқуқи мазмунини кўриш мумкин эмас.

Шу билан бирга, ваколатли органларга мурожаат қилиш имкониятини таъкидлаш керак. Албатта, жиноят ёки жиноят процессини юритувчи органнинг қонунга хилоф ҳаракатларидан жабр кўрган ҳар бир шахсга ўз вақтида тегишли процессуал мақом берилиши шарт. Ушбу процессуал мақомсиз шахс жиноят процессида унинг субъекти сифатида иштирок эта олмайди.

Шу билан бирга, процессуал маънода ҳимоя қилиш ҳуқуқи шахс жиноий процесснинг субъектига айланган айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи ва ҳоказо деб эътироф этилган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Қарор устидан шикоят қилиш имкониятини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Жиноят процессини амалга оширувчи органларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилишнинг самарали тизими жиноят ишида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатидир.

¹ В.М.Корнуков Процессуальные полномочия, профессиональное мастерство и ответственность следователя: взаимосвязь и перспективы совершенствования 2007 г.

Шахснинг ҳимояланиш ҳуқуқининг маълум элементлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконияти туғилади. Шахснинг ҳимоя ҳуқуқига қуйидагилар киради:

а) шахснинг бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун қонунда назарда тутилган барча воситалар ва усуллардан фойдаланиш қобилияти;

б) ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун юридик ёрдам (айбланувчи, гумон қилинувчи учун ҳимоячи ёрдамчини) олиш ҳуқуқи;

в) жиноят процессини юритувчи ваколатли органнинг тегишли мансабдор шахсининг шахсга унинг процессуал ҳуқуқларини тушунтириш ва ушбу ҳуқуқларни амалга оширишнинг реал имкониятини таъминлаш, шунингдек, агар асослар мавжуд бўлса, бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича қонуний талабларни тан олиш мажбурияти;

д) жиноят процессини юритувчи органларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш имконияти.

Асосий адабиётлар:

1. Жиноят процессуал ҳуқуқи умумий қисм дарслик.–Тошкент ТДЮУ.2017 йил,—490 б.
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган.
3. В.М.Корнуков Процессуальные полномочия, профессиональное мастерство и ответственность следователя: взаимосвязь и перспективы совершенствования 2007 г.

*Ж. М. Якубов.**
*Х. Х. Бахрамов.**

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР.

Жиноят процессида, шунингдек, умуман юридик фанда "ҳимоя" деганда нимани тушуниш кераклиги ва ушбу концепция "қўриқлаш" сўзидан қандай фарқ қилиши ҳақида аниқ жавоб йўқ. Уни амалга оширадиган субъектлар доирасидаги "қўриқлаш" ва "ҳимоя" тушунчалари ўртасида фарқ бор деган нуқтаи назар мавжуд, аммо уларнинг шахсий ҳуқуқлари бузилган пайт билан боғлиқлиги ушбу атамаларни ажратиш мезони сифатида кўпроқ тан олинган.

Шундай қилиб, баъзилар "ҳимоя" тушунчасини "қўриқлаш" атамасига тенг деб, кенг тушунишга риоя қилишади.

Ҳимоя қилиш – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳар қандай қоидабузарликлар ва чекловлардан ҳимоя қилиш, ушбу қоидабузарликлар ва чекловларнинг олдини олиш ва инсон ҳуқуқлари, эркинликларига етказилган зарарни қоплаш, агар бузилишларнинг олдини олиш ёки қайтариш имкони бўлмаса, чекловларни бартараф этиш.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ Юридик фанлари кафедраси ўқитувчиси

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ Юридик фанлари кафедраси ўқитувчиси

Қўриқлаш ҳимоянинг ажралмас қисми, қўриқлаш ҳимояни ўз ичига олади. Ҳимоядан ташқари, қўриқлаш профилактика тадбирларини ҳам ўз ичига олади. Бу тергов органлари фаолияти сифатида шахснинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун асосида ва процессуал ҳуқуқӣ муносабатлар доирасида жиноят оқибатидан ҳосил бўлган бахсли ҳуқуқӣ муносабатларни бартараф этишга қаратилган, айбдорларни моддий жавобгарликка тортиш ва улардан зарарни ундириш. Жиноят процесси соҳасидаги мансабдор шахсларнинг ноқонунӣ хатти-ҳаракатлари қурбонлари бўлган айбланувчи ва судланувчининг мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ ушбу субъектларнинг фаолияти ҳамдир.

Жиноят процессида ҳимояни ҳақли равишда икки жиҳатдан кўриб чиқиш мумкин, яъни жиноят томонидан бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатларидан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали кўриб чиқилади.

Субъектив ҳуқуқ – бу давлат томонидан кафолатланган имконият. Анъанага кўра, субъектив ҳуқуқнинг элементи сифатида ҳимоя қилиш имконияти ажратилади, яъни агар ҳуқуқ бузилган бўлса, давлатнинг ваколатли органларига мурожаат қилиш ва мажбурлаш механизмини фаоллаштириш ҳуқуқи. Бироқ, ҳимоя ҳуқуқини мустақил ҳуқуқ сифатида ҳам кўриб чиқиш мумкин. Ҳимоя қилиш ёки ҳимоя қилиш ҳуқуқи ҳар доим ҳар қандай субъектив ҳуқуқ билан бирга келади ва бундай ҳуқуқ бузилганда ёки уни амалга оширишда тўсиқ яратилганда қўлланилади. Ҳимоя қилиш ҳуқуқи ёки ҳимоя қилиш имконияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган инсон эркинликларининг ҳар бири билан ҳам бирга келади.

Икки тушунча "ҳуқуқ" ва "эркинлик" ўртасида ўхшашлик ва фарқлар мавжуд. Эркинлик қонун билан бир хил моҳиятга эга, аммо қонундан фарқли ўлароқ, фуқарога хулқ-атворни кўпроқ танлаш имкониятини беради. Ушбу тенденция шундай ҳолатга олиб келдики, юридик фанда шахс эркинликларини ҳимоя қилиш жараёни тадқиқот предмети сифатида алоҳида ажратилмайди. Ушбу мақолада биз маълум позицияга риоя қиламиз. Шунини таъкидлаш керакки, лексик жиҳатдан "ҳимоя" сўзи "қўриқлаш" сўзидан торроқ, "ҳимоя" сўзининг маъноларидан бири "ҳимоя қилиш", душманлик ҳаракатларидан, хавф-хатардан қўриқлаш"дир.

Бундан ташқари, ҳуқуқнинг умумӣ назариясида индивидуал ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича тадқиқотлар фуқаролик ҳуқуқининг ютуқларига асосланади, бу ҳимоя концепциясида фақат қонунда назарда тутилган фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш ёки тан олиш ва уларнинг бузилиши ёки судларда манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган чораларни ўз ичига олади. Шундай қилиб, ҳимояни бузилган ҳуқуқни тиклаш учун қўлланиладиган чоралар сифатида тан олиш зарур.

Албатта, бундай ҳуқуқбузарлик оқибатларини бартараф этишдан кўра, шахсий ҳуқуқларнинг бузилишига йўл қўймаслик яхшироқдир. Шу билан бирга, юқоридаги тушунчада ҳимоянинг аҳамияти шубҳасиздир. Шахсга берилган, аммо унинг бузилишидан ҳимоя қилишнинг зарур воситалари билан таъминланмаган ҳар қандай субъектив ҳуқуқ фақат "декларатив ҳуқуқ"дир.

Гарчи у қонунда эълон қилинган бўлса-да, лекин давлат чоралари билан таъминланмаган бўлса, уни фақат жамиятнинг рухсатисиз аъзолари томонидан ихтиёрий равишда ҳурмат қилиш бўйича ҳисоблаш мумкин ва шунинг учун жамият аъзолари онги ва давлат ҳокимияти ваколатига асосланган ахлоқий жиҳатдан таъминланган ҳуқуқ характериға эға бўлади.

Кафолатлар тизимидаги оғирлик марказини фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашдан уларни давлат ва бошқалар томонидан бузилишлардан ҳимоя қилишға ўтиш зарурлиги ҳам қайд этилади. Субъектив ҳуқуқни таърифлашда асосий нуқта унинг индивидуализацияси деган позиция билан қўшилиши мумкин. Шундай қилиб, субъектив ҳуқуқ фанининг қоидалари жиноят процесси иштирокчиларига берилган конституциявий ҳуқуқларға нисбатан ҳам амал қилади.

Фуқароларининг барча ҳуқуқлари - улар турли хил ўзига хос ҳуқуқий муносабатларға киришиш орқали қўлга киритадиган ва келиб чиқадиган ҳуқуқларни қатъий тан олиш вақти келди, тўғридан-тўғри ундан, яъни вужудға келиш усули, реализациясидан қатъий назар, улар томонидан ифода этилган манфаатларнинг табиати, умумлаштириш даражаси, ижтимоий аҳамияти, турлари, тоифалари ва бошқа хусусиятлари уларнинг йўналиши, мансублиги, ташувчилар билан алоқаси билан субъективдир.

Фуқароларнинг конституциявий нормалар асосида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, булар декларациялар эмас, балки субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг зарурий шартлари ҳам эмас, аксинча ҳақиқий ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзидир.

Бинобарин, шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳар қандай субъектив ҳуқуқни ҳимоя қилишға ўхшаш бўлиши керак. Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг муҳим кафолати уларнинг ҳуқуқий ҳимоясидир. Инсон ва фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси қонун устуворлиги ва фуқаролик жамиятининг демократик табиатидан далолат беради. Фуқаронинг шикоят қилиш ва барча давлат ва жамоат ташкилотларига ўзларининг ҳар қандай ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилиш конституциявий хусусиятға эға. Умумий ҳуқуқий (конституциявий) мақом соҳавий мақомға, шу жумладан жиноят процессиға асос бўлади.

Жиноят процессида иштирок этган шахс конституциявий ҳуқуқларға, шунингдек ҳимоя қилиш ҳуқуқини ташкил этадиган процессуал ҳуқуқларға эға. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ҳисобға олган ҳолда, биз шахснинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутамиз. Тегишли процессуал ҳуқуқларнинг кафолатлари ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш муаммоси билан белгиланади. Конституцияда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини белгиловчи бир қатор нормалар мавжуд. Конституциянинг 18-моддасиға кўра, давлат фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция, қонунлар ва халқаро ҳужжатлар билан кафолатлайди.

Конституциянинг 2-моддаси: давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият

ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Конституциянинг 60-моддасининг таъминланиши ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан қонунда белгиланган муддатларда ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Конституциянинг 44-моддасига биноан, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Кўриниб турибдики, улар тармоқ қонунчилигида ҳам ишлаб чиқилиши керак.

Бу айниқса, жиноий жараёни тартибга солувчи энг аниқ тартибга солинадиган ҳуқуқ соҳаси учун жуда муҳимдир. Шундай қилиб, жиноят процессида конституциявий тамойилларга асосланган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми бўлиши керак. Жиноят процессида ҳимояни ягона тушуниш ғояси, қоида тариқасида, жиноят процессида индивидуал ҳуқуқларни ҳимоя қилиш мавжудлигини баён қилиш билан чекланган эди – бу жараёнинг ҳар қандай иштирокчисига ва процесснинг барча босқичларида ноқонуний ҳаракатларга қарши турадиган функция ҳисобланади. Ҳимоя вазифаси жараёнинг ҳар бир иштирокчисининг процессда у ёки бу вақтда бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир.

Бизнинг фикримизча, жабрланувчининг суд мажлисида иштирок этишининг асосий мақсади процесснинг ҳар қандай босқичида бузилган ҳуқуқларни эмас, балки жиноят содир этилиши натижасида бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Жиноят процессида индивидуал ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиши жараёнинг барча иштирокчилари томонидан ўз манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларининг ўхшаш ҳуқуқи фуқаронинг, шахснинг жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини биргаликда тавсифлайди.

Ҳар қандай ҳимоя, жиноят процесси - шунингдек, таҳдидни (айбловни) акс этириш, рад этиш, охир-оқибат, ҳар доим бевосита таҳдид қилинаётган ва улар билан боғлиқ бўлган (ижобий, ижодий жиҳат) манфаатларни ҳимоя қилишни англатади. Жиноят процессида иштирок этадиган барча фуқаролар ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканлигига рози бўлиш билан бирга, куйидагиларни кўрсатиши керак, яъни ҳар қандай субъектив ҳуқуқнинг мақсади манфаат эканлиги, ҳуқуқ шу манфаатни ҳимоя қилиш ва қондиришга хизмат қилиши умумэътироф этилади. Бинобарин, бундай таъриф субъектив ҳуқуқни амалга ошириш учун ҳимоя қилади.

Ҳимоя қилиш ҳуқуқи бузилган ҳуқуқнинг тикланишини талаб қилиш учун ваколатли субъектга берилади. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун хавфсизлик чоралари кучайтирилади. Ҳимоя нафақат процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш, балки бузилган субъектив ҳуқуқларни тиклаш механизми. Албатта, ҳимоя айти пайтда ҳуқуқ билан ҳимояланган манфаатни ҳимоя қилишдир.

Бизнинг фикримизча, "шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" тушунчасидан фойдаланиш янада асослидир, чунки ҳимоя механизми субъектив ҳуқуқнинг ўз

моҳиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Ушбу концепциянинг камчиликларини кўрсатиб, унинг муҳим ролини таъкидлаш мумкин эмас. У жиноят жараёнига жалб қилинган барча шахсларнинг жиноят-процессуал фаолиятининг ягона моҳиятига алоҳида эътибор беради. Шу муносабат билан ҳимоянинг умумий тушунчаси айбловдан ҳимоя чегараларини бузади, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш кафолатларини ишлаб чиқишга тўсқинлик қилиши мумкин деган фикрга қўшилиш мумкин эмас.

Жиноят процессида айбланувчининг позицияси алоҳида, унга айблов қўйилган ва шунинг учун ҳимоя ҳуқуқи таъминланиши керак, гувоҳлар ва бошқалар ҳеч нарсада айбланмайди ва шунинг учун улар ўзларини ҳимоя қиладиган ҳеч нарсага эга эмаслар. Айбланувчи ёки жиноят содир этганликда гумон қилинган шахсга берилган ҳимоя ҳуқуқи ҳимоянинг умумий ҳуқуқидан сезиларли даражада фарқ қилиши оқилона эмас.

Конституциянинг 18-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт. Жиноят процессида ҳимоя қилиш жиноят-процессуал функцияси сифатида фанда кенг ўрганилган ва қонунчиликда мустаҳкамланган.

*Ш.Х. Ғаниев**

СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ЖАРАЁНЛАРИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича қонун устуворлигини таъминлаш ва суриштирув, дастлабки тергов соҳаларини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, жиноят қонунчилиги, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш бугунги кунда олиб борилаётган давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгиланди.

* ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси

Албатта, жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ушбу мақола ҳам суриштирув ва дастлабки тергов жараёнларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини такомиллаштириш ва бу борада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида иштирок этиб, ўз нутқида «Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этамиз. Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш доирасида биз одамнинг кадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўймаймиз. Бундай жиноятлар қачон содир этилганидан қатъий назар, улар учун жазо муқаррардир», - деб таъкидлаб ўтди.

Бугунги кунда шиддат билан ривожланиб бораётган мамлакатда замонавийликнинг энг муҳим ғояларидан бири бу ҳар бир шахснинг табиий, туғма ва тегишли инсоний табиат хусусиятлари сифатида ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган барча халқаро ҳужжатларда ҳуқуқий давлат инсоннинг энг юқори қадриятини тан олиш ва тўлиқ қабул қилишга асосланган бўлиши кераклиги таъкидланган ва ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам алоҳида боб (*Х-боб*) сифатида кўрсатиб ўтилган.

Конституциямизнинг 25-моддасида “ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгаллиги, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамокда сақланиши мумкин эмаслиги”, 26-моддасида “жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйикқа дучор этилиши мумкин эмаслиги, 27-моддасида эса “ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эгаллиги, ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошқор қилиши мумкин эмаслиги” каби қоидаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ҳозирги кунга келиб, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг масъулияти анча ошганлигини кузатишимиз мумкин. Мисол учун, фақатгина 2017 йилнинг ўзида судлар томонидан 228 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Ваҳоланки, ундан олдинги йилларда камдан-кам ҳолларда

шахслар оқланган эди. Бир сўз билан айтганда, ўтган 5 йил давомида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини изчил ҳимоя қилиш борасида Ҳаракатлар стратегияси доирасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, мамлакатимизда суд тизими замон талабига мос равишда тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бундан асосий мақсад суд-тергов фаолияти давомида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд ишларини юритишнинг барча босқичларида тарафларнинг тортишув тамойили қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Суриштирув ва дастлабки тергов органларининг самарадорлигини ошириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишнинг процессуал кафолатларини кучайтириш жиноят жараёни соҳасидаги кўплаб олимлар ва амалиётчиларнинг тадқиқотларида муҳим ўрин тутади. Сўнгги йилларда дастлабки тергов соҳасида қонунчиликни тартибга солиш соҳасини кетма-кет кенгайтириш жараёнида объектив тенденция бўлиб ўтди. Бу шуни кўрсатадики, дастлабки тергов соҳасида идоравий процессуал назорат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида сезиларли даражада фаоллашди.

Лекин бугунги кунга келиб, ҳанузгача суриштирув ва дастлабки тергов жараёнларида инсон ҳуқуқларини таъминлашда айрим муаммо ва камчиликларни кўришимиз ва буларга қуйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин:

Биринчидан, жуда кўп ҳолларда суриштирувчи ва терговчилар томонидан чақиртирилган жиноят процесси иштирокчилари айтилган вақтда етиб келишганида ҳам уларни ўз вақтида хизмат хонасига олиб кириб, улар билан боғлиқ суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш ўрнига, кўплаб соатлаб назорат ўтиш жойида куттириб қўйиш ҳолатларини кўришимиз мумкин, бу ҳолат эса фуқароларни вақтини бекорга олиш ҳисобланади, ўз навбатида, бундай ҳолатларни юз бериши фуқаролар томонидан суриштирувчи ва терговчилар устидан шикоят қилишларига асос бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳам келгусида бундай ҳолатларни юз беришини олдини олишнинг албатта инсон омили билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бартараф этилиши сифатида ҳар бир назорат ўтиш жойларига махсус электрон аппаратлар ўрнатилиши ва ушбу аппаратга жиноят процесси иштирокчилари ўзларини айнан қайси вақтда ва кимнинг олдига келганликларини белгилашлари ва шу йўл билан фуқароларни идорага кириб-чиқишларини назоратга олишни йўлга қўйилиши, албатта фуқароларни соат нечада идорага келганлигини ва соат нечада чиқиб кетганлигини ҳамда суриштирувчи ва терговчилар томонидан фуқароларни бесабаб неча соатлаб вақтини бекорга олинганлигини кўрсатиб берувчи ва исботловчи мезон ҳисобланади.

Иккинчидан, ҳозирги кунда жуда кўп терговчилар томонидан тергов қилинган жиноят ишлари таҳлилига кўра, жиноят процесси иштирокчиларидан бири ҳисобланган холис сифатида иштирок этган шахслар

афсуски бошқа жиноят ишларида ҳам бир неча маротаба холис сифатида иштирок этиб келишганлигини кўришимиз мумкин, бу ҳолатларда ўз номи билан эътироф этилган холислик тушунчасига путур етказилмоқда, чунки доимий равишда орган ходимларига таниш бўлган шахслар ишда холис сифатида иштирок этиш учун жалб қилиниши иш юзасидан одилона қарор қабул қилинишига тўғри келмайди, натижада суриштирув ва дастлабки тергов жараёнларида инсон ҳуқуқлари паймол бўлишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари суриштирув ва дастлабки тергов жараёнларида гумон қилинувчиларни ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш мақсадида давлат томонидан бериладиган адвокатларни ишда иштирок этиш учун жалб қилинишида ҳам бир терговчи томонидан доимий равишда битта адвокатни жалб этиб келишини кўришимиз мумкин, бу ҳолатда эса ана шу адвокат ишда иштирок этиш учун номига жалб қилинганлиги ва терговчини ўзига тарафдор эканлигидан далолат беради. Шунинг учун бундай ҳолатларни олдини олиш мақсадида тергов органлари томонидан тергов қилинган жиноят ишларини ягона электрон базасига киритиш жараёнида унда иштирок этган холислар ва адвокатларни ҳам базага тўлиқ анкета маълумотларини киритиш ва келгусида яна шу шахслар бир тергов органи томонидан тергов қилинган жиноят ишларида холис ва адвокат сифатида доимий равишда иштирок этганликлари аниқланган тақдирда, электрон база томонидан қабул қилинмаслиги ва терговчини жиддий огоҳлантиришни жорий этиш лозим.

Учинчидан, тергов органи томонидан айбланувчи тариқасида ишда иштирок этиш учун жалб қилинган шахсларга эҳтиёт чораси сифатида “қамоққа олиш” қўлланилаётганда терговчи томонидан прокурор розилиги билан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақида қарор ва унга илова қилинган ҳужжатлар судга тақдим этилганда, суд томонидан фақатгина илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантирилмаслик масаласи кўриб чиқилади, лекин ана шу қамоққа олинаётган айбланувчи шахсни ҳақиқатдан ҳам айбдор эканлигини тасдиқловчи далиллар бор ёки йўқлиги текширилмайди, шунинг учун ҳам қамоққа олинган шахсларнинг ишлари келгусида суд босқичида кўрилганда айримлари оқлангани ва дастлабки тергов босқичидан то суд босқичига қадар ноҳақ қамоқда ушлаб турилганликлари ва бу билан инсон ҳуқуқлари паймол қилиниб келинаётганлигини кўришимиз мумкин, бундай ҳолатда давлат томонидан ана шу шахслар айбсиз деб топилиб, реабилитация этилиб қамоқда ушлаб турилганлиги оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарлар қоплаб берилишига олиб келинмоқда. Айнан мана шундай ҳолатлар бўйича хориж тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, АҚШда олдин судьяга айбланувчини айбини тасдиқловчи далиллар тақдим этилади, ундан кейин суд томонидан айбланувчига нисбатан қамоққа олиш чораси кўрилади, бу билан шахс ноҳақ қамоққа олинishi олди олинади.

Тўртинчидан, тергов органи бўлимига кирилганда, у ерда аптечка кутиси шу кунгача жорий этилмаганлигини кўришимиз мумкин, нима учун керак деган саволга, мисол учун терговга келган процесс иштирокчиси асабийлашиши оддий ҳолат, ана шу пайтда айрим шахслар қаттиқ асабийлашганида ўзини

йўқотиб, ҳушидан кетган ҳолатлар ҳам юз берган, ана шундай вақтда шахс ҳушидан кетганида унга ёрдам кўрсатиш учун тергов органи бугунги кунда фақат тез тиббий ёрдамни чақириши ва улар келганида тиббий ёрдам кўрсатилиши йўлга қўйилган, лекин тез тиббий ёрдам етиб келгунига қадар тергов органи томонидан ҳеч қандай дори-дармон бериб биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиши йўлга қўйилмаган, бундай ҳолатда ана шу ҳушсиз ҳолатда ётган фуқаро тез тиббий ёрдам етиб келгунига қадар оғир аҳволга тушиб қолиши мумкинлиги ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳар бир суриштирувчи ва терговчиларни мана шундай ҳолатларда шахсга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича малакасини ошириш ва тергов органи бўлимларида аптечка кутилларини жорий этилиши лозим.

Шундай қилиб хулоса сифатида, ушбу мақола жамият демократлашувининг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, барчанинг қонун олдида тенглигини таъминлаш, айниқса, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳаларини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Албатта, ана шундай қонунларнинг қабул қилиниши суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга, уларнинг шаъни ҳамда кадр-қиммати камситилишига йўл қўймасликка, шунингдек, суд ва тергов органларининг масъулиятини янада кучайтиришга, аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва судга бўлган ишончини ошириш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: 2022.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси – Т.: 2022.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси – Т.: 2022.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февраль кунидаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январь кунидаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
6. Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳавфсизлигини таъминлаш. Тулаганова Г.З., Абдуллаев А.С. - 2018.
7. Б.Я.Гаврилов Реализация органами предварительного следствия норм о защите конституционных прав и свобод человека и гражданина. №2. 2001.
8. В.С.Шадрин Обеспечение прав личности при расследовании преступлений. №10. 1997.
9. А.О.Науменко Обеспечение прав личности при производстве дознания. №20. 2014.

Ж.Қ.Хамраев*

* ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси.

КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАС ТЕРГОВ ХАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

2021 йил 12 февраль куни Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган йиғилишдаги маърузасида жиноятчиликка қарши курашиш борасида таъкидлаганидек, “Ҳуқуқ-тартибот идораларига ҳамма шароитларни яратиб, энг замонавий техникаларни олиб бердик. Катта ваколат, куч ва воситалар бор. Лекин натижа кутилганидек эмас. Органлар яқдил бўлиб, вертикал бошқарувни тўғри ташкил эта олмаяпти. Уларнинг ишидан халқимиз норози” бўлмоқда.

Маълум маънода шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ушбу вазифани амалга оширувчи ички ишлар органларининг тергов аппаратлари фаолияти билан боғлиқ. Чунки, жиноят процессида жиноятларни очиш, тергов қилишда гумон қилинувчи, айбланувчиларга нисбатан ўтказиладиган кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказишнинг процессуал ва тактик жиҳатлари муаммолари мавжуд.

Жиноят процессининг асосий принципларидан бўлган, айбсизлик презумпцияси, ҳақиқатни аниқлаш принциплари ўз мазмуни билан қонунийлик принципини ҳам мантиқан давоми ҳисобланади.

Айбсизлик презумпциясига асосан, шахснинг айби судда исботини топмагунига қадар, у айбсиз ҳисобланади ва шахс ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас. Унинг айби давлатнинг терговга қадар текширувни ёки дастлабки терговни амалга оширувчи мансабдор шахслари томонидан исбот этилиши керак. Уларни айбли ёки айбсизлигини фақатгина иш юзасидан олинган мақбул далилларга асосланган ҳолдагина аниқлаш лозим.

Жиноятларни “иссиқ изидан” тез очишда, тўла ва холисона тергов қилишда кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари алоҳида ўрин олган. Шу маънода суриштирувчи, терговчи, терговга қадар текширувни ўтказишга ваколатли мансабдор шахслар томонидан кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари ўтказишдаги процессуал тартиб, тактик жиҳатдан уларни тўғри ташкил этган ҳолатда далилларни тўплаш, расмийлаштириш, жиноятларни тергов қилиш жараёнида кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари, назарияси ҳамда амалиётда криминалистик жиҳатларини ўрганиб чиқиб, тергов ҳаракатини самарали ўтказиш учун;

– суриштирувчи, терговчи, терговга қадар текширувни ўтказишга ваколатли мансабдор шахсларнинг кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш доирасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини қатъий белгилаш;

– кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларининг турлари ва ўтказиш асосларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

– жиноятларни тергов қилишда кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказишнинг кетма-кетлигини режалаштиришни ўрганиш;

– кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказишда далилларни

тўплаш ва уларни процессуал расмийлаштириш бўйича илмий-амалий таҳлил қилиш каби муаммоларни, ушбу муаммолар орқали қонуний қарор қабул қилишга салбий таъсир этадиган омилларни бартараф этиш лозим.

Терговчи, суриштирувчи, терговга қадар текширувни амалга оширишга ваколатли мансабдор шахслар кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали далилларни тўплаш ва уларнинг процессуал расмийлаштиришда муддатини эътиборга олиши, бунинг учун улар ҳар бир юритувидаги жиноят иши ёхуд терговга қадар текширув ҳужжатлари бўйича амалга оширилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлари режаларини тузиб, ушбу режага қатъий амал қилган ҳолда терговни ёки терговга қадар текширувни юритишлари мақсадга мувофиқдир. Аммо, ҳар доим ҳам олдиндан тузилган режада кўрсатилган ҳаракатларни тўлиқ бажарилишига эришишнинг имконияти бўлавермайди ва режадан четга чиқишга ёки унда кўрсатилган айрим бандларни бажарилмай қолишига объектив шароитлар тўсиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолда терговчи, суриштирувчи, терговга қадар текширувни амалга оширишга ваколатли мансабдор шахс режадан четга чиқиш сабабини бартараф этиб, ўз вақтида бажарилмаган ҳаракатларни тезроқ бажариш чораларини кўриши, бу ҳақда режага қайд этиб бориши зарур.

Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказишда далилларни тўплаш ва уларнинг процессуал расмийлаштириш борасида тезкор-қидирув фаолиятидан, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятида олинган далиллар самарали восита сифатида ҳам тан олинishi лозимлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда тезкор-қидирув фаолияти субъектлари томонидан ўзига хос кучлар, воситалар ва услублардан фойдаланиш давлат фаолиятининг мазкур соҳасида уларнинг зиммасига қонун томонидан юкланган вазифаларни бажариш бўйича олиб бориладиган ишларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган мақсаддан ва қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, терговчи, суриштирувчининг ҳуқуқий мажбурияти жиноятни тез ва тўлиқ очишдан ва айбдорларни фош қилишдан иборат.

Содир этилган жиноятларни тергов қилишда кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш терговчи, суриштирувчи ўз вақтида жиноят содир этган шахсни ёхуд шахсларни аниқлаш, уларни ушлаш чорасини кўриш, содир бўлган ҳодисанинг моҳияти, содир бўлиш механизми ва бошқа ҳолатларни аниқлаш, жиноятнинг моддий изларини ва предметларини топиш, қайд қилиш, олиш, жиноят қуроллари, предметларни кўздан кечириш борасида амалиётда учраб турадиган бир қанча муаммо ва қонунчиликда юзага келадиган зиддиятларни бартараф этган ҳолда холислар, мутахассислар, кўпчилик ҳолларда ИИО ходимлари иштирокида кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказишда иштирок этаётганлар билан ўзаро тўғри муносабатларни таъминлаб, тезкор-қидирув ва профилактика ходимлари ҳаракатларига раҳбарлик қилиш ва йўналтириш лозим бўлади.

Шу боис мавзуга доир бир қатор хулосаларга келиш ҳамда улар бўйича асосланган назарий ва амалий масалаларнинг ечимига қаратилган таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқиш, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказишда

техник воситалардан, замонавий техника ютуқларидан ўз вақтида ва оқилона фойдаланиш зарур.

*А.А.Абдибоситов**

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ УШЛАБ ТУРИШ ЖАРАЁНИДА ШАХС ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Жиноят-процессуал мажбурлов чоралари бевосита инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилувчи ушлаб туриш, эҳтиёт чоралари, паспортнинг амал қилинишини тўхтатиб туриш, лавозимдан четлаштириш, мажбурий келтириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш каби чораларни қўллаш билан боғлиқ бўлиб, ушбу чоралар жиноятларни муваффақиятли очиш ва айбдорларнинг жавобгарликка тортилишини таъминлаш учун зарурдир.

Юқорида келтирилган мажбурлов чораларининг ичида ушлаб туриш терговга қадар текширув ва дастлабки тергов даврида гумон қилинаётган шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига энг кўп даражада дахл қилиши боис уларни қўллашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ишни қонуний, ҳар томонлама синчковлик ҳамда холисона кўриб чиқишни талаб қилади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида ҳар кимнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлиб, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Агар бу ҳуқуқлар бузилса, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида белгилаб қўйилган чоралар билан ҳимоя қилинади.¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Жамиятимизда қонун устуворлиги, тартиб-интизом, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашимиз зарур. Барчамизга маълумки, Ислом Абдуғаниевич Каримов «Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди», деб кўп таъкидлар эдилар. Биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатда адолатсизликнинг ҳеч қандай шаклда устун бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур. Бу ҳокимиятнинг барча тармоқлари, энг аввало, давлат бошқаруви органларининг ва айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг биринчи даражали вазифасидир. Биз халқимизнинг, бугунги замоннинг ана шу муҳим талаби сўзсиз бажарилишини таъминлашимиз шарт”.²

Давлатимизнинг асосий Қонунида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг деярли барча принципал қоидалари ўз аксини топган бўлиб, айниқса, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари алоҳида тартибда белгиланиши жамият ҳуқуқий тизимининг етуқлиги ифодаси сифатида намоён бўлади.

* ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.- Тошкент - «Ўзбекистон», - 2017. – Б.11

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 3-моддасида ҳар бир инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Шунингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди” дейилган.¹

Ўзбекистонда ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқлардан бўлиб, инсоннинг туғилиши билан қўлга киритилади, ўз ўрнида ушбу ҳуқуқлар давлат ва унинг ҳокимият тузилмалари томонидан таъминланади.

Юқоридагиларнинг исботи сифатида шахсий эркинлик ва дахлсизлик тўғрисидаги конституциявий меъёрлар жиноят-процессуал қонунчилигида ривожлантирилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Жиноят-процессуал Кодексининг 18-моддаси 2-қисмида: ҳеч ким суд қарорига асосланмай ёки прокурор санкциясиз ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас, деб белгиланган. Ушбу модданинг 3-қисмида эса судья ва прокурор қонунга ҳилоф равишда озодликдан маҳрум этилган ёки қонун ёхуд суд ҳукмида назарда тутилгандан ортиқ муддат ҳибсда ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган ҳар қандай шахснинг дарҳол озод қилиниши шартлиги қатъий белгиланган.²

Шахс эркинлигини таъминлашнинг кафолатларидан яна бири Жиноят Кодекси 234-моддасида кўзда тутилган, қонунга ҳилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш учун жинойий жавобгарликнинг белгиланганлигидир.³ Шунингдек, ҳуқуқий асоссиз, яъни била туриб, қонунга ҳилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш учун ҳам жинойий жазо белгиланган.

Шу билан бирга, Жиноят-процессуал Кодексининг 220-моддасида қонуний ушлаб туришнинг мақсади белгиланган бўлиб, унга кўра ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жинойий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетиши, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида, қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир.⁴

Ушлаб туриш жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳам, иш қўзғатилгандан кейин ҳам фақат жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсга нисбатан амалга оширилади. Бу эса жиноят-процессуал ушлаб туришнинг асосий мақсади ва унинг моҳияти эркинликни чеклашнинг вақтинчалигидир.

Эркинликни қисқа вақтга чеклаш, ушланган шахснинг жиноятга ҳақиқатдан ҳам алоқадорлиги ёки йўқлигини аниқлаб олиш учун амалга оширилади.

Жиноят-процессуал Кодекси 221-моддасида жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаб туриш учун асослар санаб ўтилган.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. — Т., 2012. — Б. 219.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси. — Тошкент: Адолат, 2020. — 9-б.

³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. — Тошкент: Адолат, 2020. — 192-б.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси. — Тошкент: Адолат, 2020. — 133-б.

Жумладан:

1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этгандан сўнг қўлга тушса;

2) жиноят шоҳидлари, шу жумладан, жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;

3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.¹

Ушбу модданинг тўртинчи бандидан шундай хулосага келиш мумкинки қочиб кетишга ҳаракат, доимий яшаш жойининг йўқлиги, шахсининг аниқланмаганлиги жиноят содир этганлик фактини тўғридан тўғри тасдиқламайдиган, шунингдек, шахсни жиноят содир қилишда гумон қилиш учун бошқа асос бўлмаган тақдирдагина ушлаб туриш учун асос бўла олмайди.

Ушлаб туриш асосларининг қатъий тартибда белгилаб қўйилиши ҳозирги замон қонунчилигида устувор бўлиб, шахсининг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларининг яна бир кафолатланиши ҳисобланади. Шунинг учун жиноят-процессуал қонунчилигининг асосий вазифаларидан бири жиноятни тезлик билан ва тўла очиш ҳамда айбдорларни аниқлаш ҳисобланади. Ушбу вазифа ҳеч қачон шахс ҳуқуқлари ва дахлсизлиги бузилишига олиб келмаслиги керак.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш кўп жиҳатдан мамлакатда инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муваффақиятли амалга оширилишига боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида, мамлакат қонунчилигининг қай даражада мустаҳкамланганлигига боғлиқ бўлади. Ушлаб туриш асосларининг қонунда аниқ белгиланиши ягона мақсадни, яъни шахсининг ноқонуний равишда ушланишининг олдини олишни кўзлайди. Инсон эркинлиги ва шахсий дахлсизлигининг бузилиши эса ҳар бир шахсининг судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳамда бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва унинг талабларини қондириш ҳуқуқини келтириб чиқаради.

*А.С.Тошматов**

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси. –Тошкент: Адолат, 2020. – 133-б.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, Жиноятчиликка қарши курашиш кафедраси катта ўқитувчиси. [маил: азизтасхматов6@gmail.com](mailto:азизтасхматов6@gmail.com)

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА КРИМИНАЛИСТИКАДАН АҲАМИЯТЛИ АХБОРОТ МАНБАИ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

Тезкор-қидирув фаолияти ва криминалистика юридик таркибига кўра ҳам назарий, ҳам амалий соҳада бир-бирига анча ўхшашдир. Улар умумий ўрганиш объектларига эга, яъни турли хил жиноий фаолиятлар ва уларни фош этиш ҳамда тергов қилиш фаолиятларига эга. Уларнинг ривожланиш тарихида, тергов ҳаракатларини ўтказиш усуллари ва тактикасида ҳамда тезкор-қидирув тадбирларида бир қанча ўхшашликлар мавжуд. Бу эса тасодифий ҳол эмас, чунки дастлабки назарий позициялар, техникалар ва методларнинг кўпчилиги криминология доирасида шаклланди.

Маълумки, эски Аҳдда бундан тўрт минг йил аввал жосуслик усуллари ҳақида илк бор тилга олинганлиги зикр қилинган. Бугунги кунда доимий равишда кўплаб инсонлар кўнгиллилар сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар ва махсус хизматларга разведка, контрразведка ва қидирув ишларини амалга ошириш учун хизматга жалб қилинмоқдалар.¹

“Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида қуйидаги таърифни беради: “ТҚФ ушбу қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият туридир.”

Агар биз ТҚФни умуман кўриб чиқадиган бўлсак, у ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, жиноий адолат вазифасини бажаради, шунингдек, турли ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган маълумотларни қидириш, қайд этиш ва амалга ошириш функцияларини амалга оширади.

Мазкур тушунча Қонуннинг марказий тушунчаси ҳисобланади. У умуман кўрсатилган фаолиятнинг ҳам, унинг айрим элементлари ва турлари (йўналишлари)нинг ҳам моҳияти ва мазмунини тушуниш учун асос ҳисобланади. Ушбу тушунчанинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўлланиши, унинг мазмунини махсус ваколатли давлат органлари, яъни тезкор-қидирув фаолияти субъектлари фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тушунтириш қонунда белгиланган доирадан чиқмаслиги (кенгайтириб талқин этилмаслиги) лозим, қонунда келтирилган мазкур тушунчанинг элементларинигина фақат батафсиллаштириши мумкин.

«Тезкор-қидирув фаолияти» тушунчасининг қонунда таърифланиши ушбу фаолиятнинг моҳиятини ифодаловчи ва мазмунини ақс эттирувчи қуйидаги ўзига хос жиҳатлари, таркибий элементлари (белгилари)ни ажратишга имкон беради: тезкор-қидирув фаолияти тегишли субъектлар фаолиятнинг тури ҳисобланади, унинг субъектларини қонунда махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмаларигина ташкил этади, тезкор-қидирув фаолиятининг мазмуни тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишидан иборат.

Тезкор-қидирув бўлимлари ўз хизмат фаолиятларини амалга ошириш

¹ Вестник Краснодарского университета МВД России • 2014 • № 4 (26)

давомида тергов органлари учун аҳамиятли бўлган маълумотлар (хабарлар)ни олиши ва амалга ошириши мумкин, буларсиз одатда жиноятларни фош этиш мумкин эмас.

ТҚФ жиноят-процессуал фаолият билан ўзаро боғлиқ, аммо тезкор ҳамда тергов бўлинмаларининг фаолияти ўзаро бир-биридан мустақилдир. Улар ўз фаолиятлари давомида бир-бирларига бўйсунмайдилар. Ҳар бир томон ўз ваколатлари доирасида бир қатор ўзига хос воситалар ва усулларга эга: қизиқтирувчи ҳолатлар ҳақида керакли маълумотларни тўплайди, қайд этади, баҳолайди ва таҳлил қилади, агар керак бўлса бу жараёнга ўзаро таъсир қилувчи томонни жалб қилади.

Жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида терговчи ўзидаги мавжуд маълумотларнинг тўлиқлиги ва мақбуллигига асосланиб, содир бўлган муайян воқеа ҳақида бирон-бир қарор қабул қилади, ушбу маълумотлар дастлабки тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш орқали олинади.

Ўзбекистон Республикасининг “ТҚФ тўғрисида”ги қонунининг 14-моддасида ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилиши рухсат этилган тезкор-қидирув тадбирлари санаб ўтилган. Тезкор-қидирув чора-тадбирларини амалга ошириш деганда қонунда назарда тутилган ҳаракатлар тушунилади, яъни улар доирасида ошкора ва ноошкора кучларнинг ҳаракати, воситалар ва усулларнинг қўлланилиши, кўзланган натижаларга эришиш учун маълумотларни олиш ва уларни амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар тушунилади.

Маълумки, жиноятларни тергов қилиш анча машаққатли, кўп вақт ва ўзига билим талаб қиладиган жараёндир. Деярли ҳар доим жиноят жойида моддий ва аниқ излар қолади, ушбу изларни жами йиғиндисидан ахборот тизими сифатида ифодаланиш мумкин. Шунинг учун ҳам, “криминалистик аҳамиятга эга маълумот” тушунчасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тушунча “... жиноятни фош этиш ва тергов қилишда қўлланиладиган хабарлар, маълумотларни исботловчи (далиллар) ҳамда йўналтирувчи (процессуал бўлмаган манбалардан олинган ёки ҳеч қандай далилий қийматга эга эмас)” сифатида белгиланади.

Криминалистик маълумотларнинг бир неча турлари мавжуд:

Айнан криминалистик аҳамиятга эга маълумотлар - муайян жиноят содир этилишига сабаб бўладиган маълумотлар (жиноятни содир этиш усулини тавсифловчи, содир этган шахслар, жиноят предмети, жиноят қуроли, жиноят ҳолати);

Салоҳияти жиҳатидан жиноий аҳамиятли маълумотлар - маълумотлар манбаи (турли объектларнинг хусусиятларини тавсифлайди: Қоида тариқасида, муайян жиноят содир этилган воқеа билан сабабий боғлиқлик бўлмаган ва терговнинг диагностика ва аниқлаш вазифаларини ҳал қилишга ёрдам берадиган шахс, материаллар, моддалар, маҳсулотлар ва нарсалар).

Биз ўрганаётган мавзуда муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумот манбаларини кўриб чиқиш катта аҳамиятга эга, улардан қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- 1) жиноят излари;

- 2) амалга оширилган тергов ва бошқа процессуал ҳаракат натижалари;
- 3) ҳужжатларни тақдим этиш (адвокат ёки бошқа шахс томонидан);
- 4) криминалистик ҳисоблар (ахборот-қидирув ҳисоблар)
- 5) жиноий-статистик ҳисоблар;
- 6) тезкор-маълумотлар ҳисоблари;
- 7) қидирув ҳисоблари;
- 8) жиноят иши материалларини ўрганиш натижалари.

Криминалистик аҳамиятга эга маълумотларни шакллантиришнинг белгиланган манбалари, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш орқали ҳам амалга оширилади. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш вазифалари-маълумотлар олиш, яширин жиноятларни аниқлаш, жиноий фаолиятнинг ҳар қандай белгилари ва фактларини аниқлаш ҳамда шахсларни қидиришдан иборат.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тезкор қидирув тадбирлари ҳам ошкора, ҳам ноошкора амалга оширилади. Ноошкоралик деганда ўтказилаётган тезкор-қидирув тадбирларининг шахслардан, унда иштирок этувчилардан, ҳаттоки тезкор-қидирув фаолияти органлари ходимларидан, энг аввало тезкор қидирув тадбирлари ўтказиладиган объектлардан сир сақланилиши тушунилади. Ошкоралик деганда тезкор-қидирув тадбирлар ўтказилишининг очиклиги тушунилади, бунда унинг мазмуни, мақсадлари, иштирокчилари тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилаётган объектлардан яширилмайди.

Жиноятчиликка қарши курашда ошкора ва ноошкора усулларнинг зарурлиги бир қатор омиллар билан боғлиқ. Фақат ошкора чоралардан фойдаланиш одил судлов вазифаларини тўла ҳажмда бажаришга имкон бермайди, аксинча, ноошкора чораларнинг ўзи ана шу вазифаларнинг бажарилишини ҳар доим ҳам таъминлай олмайди. Бундан ташқари, айрим чораларнинг бошқаларига қарама-қарши қўйилиши ишни мураккаблаштиради, ўзини оқламайдиган харажатлар қилинишига, баъзан эса жиноятчиликка қарши курашнинг ноошкора куч, восита ва усулларининг фош бўлишига олиб келади.

ТҚФ усуллари деганда тезкор-қидирув тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида тезкор-тактик вазифаларни бажариш учун қўлланиладиган услуб ва йўллар мажмуи тушунилади.

Ноошкора усуллар жиноятлар содир этилишига имкон берувчи шароитлар, ғайриқонуний қилмишларга мойил шахслар ҳақида маълумот олишда энг самарали бўлиб, аввало, фуқароларнинг тезкор ходимлар билан конфиденциал асосда ҳамкорлик қилиши жараёнида фойдаланилади. Ошкора усулларнинг қўлланиши эса фуқаролар шикоятлари, аризаларини ўрганишда, профилактика ўтказиш жараёнида очик ахборот манбаларининг (давлат органларининг ҳужжатлари, оммавий ахборот воситаларининг материаллари, судлар ҳукмлари ва бошқаларни) ўрганишда самарлироқдир.¹

Тезкор-қидирув тадбирлари ошкора ва ноошкора усулларнинг уйғунлиги асосида амалга оширилиши мумкин. Аммо шуни унутмаслигимиз керакки, ТҚФ нафақат жиноятларнинг олдини олиш, очиш ва жиноятчиликка қарши

¹А.А.Хамдамов, Т.Р.Сайтбаев, С.Н.Гордеев, Р.Т.Рашитходжаев. Ўзбекистон Республикасининг «ТҚФ тўғрисида»ги қонунига шарҳ. 2015. 43-б

курашишда, балки баъзи ҳолларда хатти-ҳаракатлари ноқонуний фаолият билан боғлиқ бўлмаган шахсларни ҳам текширишга қаратилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ТҚФ натижалари:

а) жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлади;

б) тергов ва суд ишларини тайёрлаш ва ўтказиш учун фойдаланилади;

в) жиноят ишларини тергов қилишда далил сифатида фойдаланилиши мумкин (агар улар жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ шундай деб эътироф этилган бўлса).

ТҚФ («ТҚФ тўғрисида»ги қонун 4-модда)нинг вазифаларидан келиб шундай хулосага келиш мумкин, яъни тезкор-қидирув тадбирлари фаолиятнинг манбаи, унинг натижалари эса – тезкор маълумотларнинг манбаи ҳисобланади, шунингдек бизнинг фикримизча, дастлабки терговнинг энг муҳим маълумотлар базасидан бири ҳам ҳисобланади.

Тезкор ва далилий маълумотлар ўзаро бир-бирига боғлиқ. Жиноятларни очиш ва тергов қилишда тезкор маълумотларнинг қанчалик аҳамияти муҳимлигига қарамай, уни дастлабки тергов давомида далилий маълумот сифатида амалга ошириш фақат тергов ҳаракатлари натижалари билан тасдиқлангандан сўнг қўлланилади. Моҳиятан уларнинг мазмуни бир хил, лекин акс этириш шакли эса ҳар хил бўлади.

Юқоридагиларга асосланиб, ТҚФ бир қатор хусусиятларга эга деган хулосага келиш мумкин, хусусан:

1) ушбу фаолият тури тезкор-қидирув хусусиятига эга;

2) ошкора ва ноошкора амалга оширилиши мумкин;

3) жиноят-процессуал (тергов) ҳаракатлар билан ўзаро боғлиқ, аммо у тегишли процессуал тартибда тасдиқланмасдан далил сифатида қўлланилиши мумкин эмас (ТҚФ жараёнида олинган маълумотлар - бу процессуал тартибда таъминланганидан кейин далил сифатида ишлатилиши мумкин бўлган фактлар манбалари тўғрисидаги маълумотлар). Кўпинча, аксинча, улар расмий ТҚФ ҳаракатларида амалга оширилиши ва натижаси сифатида тақдим этилиши мумкин бўлган ахборот сифатидагина намоён бўлади. Бу конспирация принципига асосан, ТҚФнинг ноошкора асосларига риоя этиш зарурати билан боғлиқ бўлиши мумкин.

4) ТҚФни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси «ТҚФ тўғрисида» қонун билан чекланади.¹

Ҳозирги кунда илмий тараққиёт таъсири остида ТҚФ шахслар, фактлар, разведка фаолияти учун аҳамиятга эга бўлган, контрразведка ҳамда қидирув ишлари тўғрисидаги ёпиқ маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва сақлаш мақсадида ахборот технологияларидан фаол равишда тобора кўпроқ фойдаланишмоқда. Асрлар давомида синовдан ўтган ТҚФнинг ошкора ва ноошкора усуллари давлат манфаатларига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига қилинган тажовузларга қарши курашнинг энг самарали воситаларидан бири бўлиб қолмоқда.²

¹ Белкин Р.С. Криминалистическая энциклопедия. М., 2000.

² Бурцева Е.В., Рак И.П., Селезнев А.В., Сысоев Э.В. Криминалистика. Ч. 1: Общая теория криминалистики и криминалистическая техника: учеб. пособие. Тамбов, 2006.

Бугунги кунда тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган криминалистик аҳамиятга эга маълумотларни амалга оширишнинг ҳақиқий босқичи жиноят-процессуал қонунчилиги билан тартибга солилмаганлиги муаммолигича қолмоқда. Бу терговнинг тўғридан-тўғри йўналиши деган савол юзага келади, аммо бу бутунлай тўғри эмас. Масалан, тезкор-қидирув тадбирлари давомида олинган барча криминалистик аҳамиятга эга бўлган маълумотлар терговчига тақдим этилмаслиги, кўпчилик ҳолларда маълумотларни олиш манбасининг ёпиқлигини таъминлаш мақсадида тақдим этилмаслиги мумкин. Бундай ҳолда, шу тарзда олинган криминалистик аҳамиятга эга бўлган маълумот кейинчалик амалга оширишда тўсиқларга учрамоқда.

Ушбу вазиятдан чиқиш учун тезкор-қидирув тадбирлари орқали олинган криминалистик аҳамиятга эга бўлган маълумотларнинг турларини аниқлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу маълумотларнинг турларига асосланиб, терговчи учун уларнинг ёпиқлик даражасини белгилаш керак. Бундан ташқари, кейинчалик уни далилий ашё сифатида қўллаш учун ёпиқ феъл (характер)даги криминалистик аҳамиятга эга маълумотларни ноошкоралигини таъминлаш керак.¹ Хужжатларнинг ўзи (билдирги, маълумотнома, далолатнома ва бошқалар) ТҚФ натижалари ҳисобланмайди, чунки улар тезкор-қидирув тадбирлари субъекти томонидан олинган ахборотни акс эттиради ва унинг ҳаракатлари яқунларини қайд этади, холос.

Бинобарин, ТҚФнинг натижалари тезкор хужжатларнинг ўзи эмас, балки уларда акс этган маълумотлардир. Бошқача айтганда, ТҚФнинг натижалари фактик маълумотлар эмас, балки фактлар ҳақидаги маълумотлардир.

Шу боис, жиноят процессида тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари тақдим этилган ва ишлатилганида гап ахборотнинг хужжатлаштирилган манбалари ҳақида эмас, балки кўпроқ уларнинг манбалари ва (ёки) процессуал тарзда тасдиқланиши мумкин бўлган фактлар ҳақида боради. Тезкор-қидирув хужжатлари ахборотни қайд этиш воситаси бўлиб, далилларни тўплаш ва текширишни осонлаштиришга, ижтимоий хавфли қилмиш белгилари ва уни тайёрлаётган, содир этаётган ёки содир этган шахслар ҳақидаги маълумотларни қайд этишга хизмат қилади.

ТҚФнинг амалга оширилиши, ахборот олиш (топиш) билан бир қаторда, ушбу ахборотдан фойдаланишни ҳамда процессуал хусусиятга эга қарорлар қабул қилишни назарда тутаяди. Масалан, назорат остига олиш натижалари процессуал қарорлар қабул қилиш (жиноят иши қўзғатиш) ва (ёки) тергов ҳаракатлари ўтказиш (тинтув, олиб қўйиш, воқеа жойини кўздан кечириш) учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу ерда ТҚФ натижаси, аслида, алоҳида тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш натижаси билан ойдинлаштирилган, ахборотни нопроцессуал йўл билан олиш эса ундан жиноят процесси доирасида кейинчалик фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ТҚФда аниқ вазифани ҳал қилиш, масалан, жиноят белгиларини аниқлаш, битта тезкор-қидирув тадбири ўтказилишида эришиш мумкин. Бунда жиноят

¹ Хижняк Д.С. Источники получения криминалистически значимой информации о совершенных транснациональных преступлениях // Вестн. Саратов. гос. акад. права. 2012. Вып. 4(87).

ҳақидаги аниқ ва ишончли ахборотнинг мавжудлиги натижа бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ушбу ахборот жиноят ишини кўзғатиш, алоҳида тергов ҳаракатлари ёки уларнинг мажмуини ўтказиш учун етарли бўлиши мумкин. Ҳолбуки бундай ахборотдан жиноят-процессуал тартибда фойдаланилиши шарт эмас ёки дарҳол фойданилмайди. Масалан, ТҚФ натижаларига асосланган процессуал қарорларнинг қабул қилиниши ёхуд тергов ҳаракатларининг ўтказилиши фақат бир қатор тезкор-қидирув тадбирлари (уларнинг мажмуи), масалан, кузатув, тезкор киритиш, назорат олиш, телефон сўзлашувларини эшитиш, назорат остида етказиб бериш кабилар ўтказилганидан кейин, ҳатто агар улардан бирортасининг натижаси ўз-ўзидан процессуал қарор ва ҳаракатлар учун асос бўлиши мумкин бўлса ҳам, амалга оширилиши мумкин. Бу ўринда ТҚФ натижаларига текширилган ва баҳоланган тезкор маълумотлар ёхуд фактлар ҳақидаги маълумотлар тизимидир.¹

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланилаётган ёки фойдаланилган кучлар, воситалар, манбалар, усуллар, ТҚФ режалари ва натижалари, ТҚФни амалга оширувчи органларнинг штатдаги ошкор қилинмайдиган ходимлари ҳамда мазкур органларга махфийлик асосида кўмаклашаётган шахслар тўғрисидаги, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тактикаси ҳақидаги маълумотлар давлат сирини ташкил этади ҳамда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда, фақат ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор асосида ошкор этилиши лозим.²

*Ў.Т. Гулматов**

ОИЛАЛАРДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЎРНИ.

*Асосий қонунимиз халқимиз узоқ йиллар
орзу қилган миллий мустақиллигимиз ва
ривожланиш йўлимиз, инсон ҳуқуқ ва эр-
кинликлар кафолатларини белгилаб берди.*

Шавкат Мирзиёев

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг рўйхати ва мазмуни Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, мазкур ҳужжат одатда дунёнинг виждони, инсоният маънавиятининг эталони деб номланади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ирки, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, мол-мулки, табақаси ёки

¹ А.А.Ҳамдамов, Т.Р.Саитбаев, С.Н.Гордеев, Р.Т.Рашитходжаев. Ўзбекистон Республикасининг «ТҚФ тўғрисида»ги қонунига шарҳ. 2015. 133-б

* Ўзбекистон республикаси ИИВ Малака ошириш институти катта ўқитувчиси.

² Ўзбекистон Республикасининг “ТҚФ тўғрисида”ги қонуни. 21-м. 25.12.2012 й. 344-сон

бошқа ҳолатидан қатъий назар ҳар бир инсоннинг эҳтиёжларсиз ва ўз шахсий даҳлсизлиги учун ҳадиксирамай яшаш ҳуқуқи, сўз ва эътиқод эркинлиги, адолатли ва бутун дунёда тинчликка бўлган ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат бу — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эди. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ривожлантириш, ҳимоя этиш ва кафолатлаш бўйича ҳақиқий мақсадларини билдиради.

Инсон ҳаётга бир мартаба келади, бахтли яшашни истайди ва унинг бунга тўла ҳаққи бор. Халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти куриш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларидан кўзланган мақсад ҳам аслида шу.

Оила - мўъжаз Ватан, демак, фарзандларимиз бу муқаддас маконда ўсиб-улгайиши, илм чўққиларини эгаллаши, ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб тарбияланиши лозим. Бундай фарзандлар ҳар қандай вазиятда ҳам аҳд-паймонида қатъий туради, эл-юрт фаровонлиги йўлида садоқат билан меҳнат қилади. Модомики, фарзандларимиз етук инсонлар бўлишини истар эканмиз, улар намунали оилада камол топиши ҳақида қайғуришимиз айни заруратдир.

Оила ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало кўз ўнгимизда она сиймоси шаклланади. Оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил - она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру-муруввати, садоқати ва вафодорлигидир. Ота-оналар муносабатларда намоён бўлувчи ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби олий тоифадаги қадриятлар уларнинг ўзаро муносабатларида уйғунлаша бориб, оилада ўзаро муносабатлар маромини вужудга келтиради. Оиладаги ушбу ижтимоий жараён ёш авлоднинг моддий олам, ижтимоий турмуш ҳақидаги тасаввурлари, нуқтаи назарлари, тушунчалари, дунёқарашлари ва шарқона одоб-ахлоқ қоидалари ва уларга амалиётда риоя этишнинг тўғри йўл- йўриқларини кўрсатади.

Нега айрим оилаларда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик йўқолиб, ўзаро муносабатларга манфаат, таъма қўшилаётир? Негача ўз боласининг тарбиясига лоқайд ота-оналар кўнайиб бораётганига индамай қараб турибмиз?! Ахир, Ватан келажаги - фарзандлар тарбияси, камолига боғлиқ эмасми?

Бизда азалдан ота адолатли фикри, ҳақ сўзи, ибрати билан оиланинг устунлиги, виждони бўлиб келган. Бежиз халқимиз “Ота рози — худо рози” дедилган. Бугун айрим оилаларда оталар ўрни, ҳикмати сезилмаяпти. Оилавий муносабатларда маънавий-ахлоқий мувозанатнинг бузилаётгани, оилавий ажрашишлар, жинойятлар, мулкий можаролар кўнайиб бораётгани ҳаммамизни ташвишлантиради. Маҳаллалар ва оилаларда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, турли иллатларга барҳам бериш, оилавий ажрашишлар ва жинойятчиликнинг олдини олиш ва бошқа долзарб масалаларда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни кучайтиришига йўналтирилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Нотаниш одамлар жанжалидан кўра қариндошлар орасидаги келишмовчиликларда ҳиссиётнинг ўрни кўп бўлгани боис, оқибати ҳам оғир бўлиши мумкин. Эр-хотинлар ўртасидаги низо жиддийлашганда ўзаро ёки қариндош уруғлари ўртасида муштлашувлар натижасида маъмурий

ҳуқуқбузарлик ёки жиноятлар келиб чиқиши ҳолатлари ҳам учраб туради. Бунинг натижасида, айбдор шахслар суднинг ҳукмига асосан маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади. Эр ва хотиннинг арзимаган сабаб туфайли ажрашиши оқибатида фарзандларни етим бўлиб, носоғлом оила муҳитида тарбия топиши, ота ёки онанинг меҳрига тўймасдан улғайишига сабаб бўлади. Келгусида бундай муҳитда улғайган фарзанд жамиятда ҳуқуқбузар ёки жиноятчи бўлиб етишиш эҳтимоли мавжуд. Биргина оилавий низоларнинг ортидан жуда кўп салбий оқибатлар келиб чиқади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда **ички ишлар органлари** ходимларининг фаолияти муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозирги кунда профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда профилактика инспекторларининг роли кенгайиб, улар маъмурий ҳудудда маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари билан биргаликда, ҳар бир кўча, ҳар бир хонадонга бирма-бир кириб, фуқароларнинг ижтимоий аҳволини ўрганиш, таклиф ва тавсияларини бериши муҳим масалалардан бири ҳисобланиши лозим.

Жамиятдаги ҳар қандай иллатга қарши курашни оиладан бошлаш уни илдизи билан қуритиш имконини беради. Ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, инсон ҳуқуқларини паймол қилиш каби иллатларга қарши кураш қанчалик кенг кўлам касб этмасин, натижа мақтанарли эмас. Аслида, ҳар бир инсон оилада уларга қарши иммунитет билан тарбия топса-олам гулистон, ўз-ўзидан барҳам топади.

Кундалик ҳаётда эр билан хотин, қайнона ёки қайнопа, келин, ака-ука, опа-сингиллар ўртасидаги келишмовчилик оқибатида вужудга келадиган низоларга эътибор қаратсак, ундан оилада бир шахснинг иккинчи бир шахсга нисбатан жисмоний куч ишлатиши, шахсга зўрлик билан руҳий таъсир кўрсатиши, оилада ўз ҳукмронлиги ва таъсирини ўтказишга қаратилган хатти-ҳаракатлари, жинсий зўравонлик қилиши, қийнаш орқали руҳий азоб бериши, кўрқитиши ва зулм қилиши каби ҳолатлар мавжуд.

Нима учун оиладаги зўравонлик жабрланувчилари бу ҳақда ички ишлар органларига хабар беришмайди? деган саволга, зўравонлик қурбонларининг аксарияти ўз оиласининг обрўсини сақлаш мақсадида ҳуқуқлари поймол бўлишига жим қараб туришганини айтишади.

Амалиётда кўп ҳолларда, профилактика инспекторлари томонидан жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсни қандай бўлмасин яраштириш учун хатти-ҳаракатлар қилиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Айниқса, маъмурий жавобгарлик назарда тутилган тухмат ва ҳақорат қилиш ҳолати бўйича кўзғатилган маъмурий ишлар судгача етиб бормасдан, ариза берган тарафни ўз аризасини қайтариб олишга ундаш ёки яраштириш билан яқунланиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Афсуски, бундай ҳолатларнинг мавжудлиги оила турмуш доирасидаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг латентлик даражаси ошиб кетиши ҳамда такрорланишига олиб келмоқда. Натижада айрим ҳуқуқбузар шахслар содир этган хатти-ҳаракатлари учун ҳеч қандай жавобгарликка тортилмасдан қолмоқда. Ўз хизматлари юзасидан профилактика

инспекторлари тўғридан-тўғри жабрланувчилар ва ҳуқуқбузарлар билан тўқнашиб, зўравонликнинг гувоҳи бўладилар. Уларнинг малакали ёрдам кўрсатишлари, айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишига жабрланувчининг кейинги тақдири ва ҳаёти бевосита боғлиқдир.

Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар жабрини асосан аёллар кўради. Бу кўплаб аёлларнинг ҳуқуқлари топталишига, турмуш тарзидан қониқмай, ҳатто ўз жонига қасд қилиш даражасигача боришига, вояга етмаган фарзандларнинг она меҳридан эрта мосуво бўлишига сабаб бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаетган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат қабул қилинди.

«Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда тазйиқ ва зўравонлик нималигига аниқлик киритилган, тазйиқ ва зўравонликнинг жинсий, жисмоний, иқтисодий ва руҳий шакллари изоҳланган. Қонунга асосан, аёллар бир қатор ваколатли органлар – Вазирлар Маҳкамаси, жойлардаги маҳаллий давлат органлари, ички ишлар органлари, меҳнат органлари, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ҳамда таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш тизими ва соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан турли шаклда ҳимоя қилиниши кўзда тутилган. Аёллар тазйиқ ёки зўравонликка учрагани ҳақида ўз вақтида мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда, аёлларимиз бундай ҳолларда мурожаат қилишга уялади. Бундай ҳолатларни аниқлашнинг турли хил йўллари бор. Фақат ўзининг, жабрланувчининг мурожаати орқали эмас, ён-атрофдагиларнинг ҳам мурожаат этиши мумкинлиги белгиланди. Масалан, жамоатчилик, иш жойларидаги фаоллар, раҳбарлар, маҳалладаги хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассислар, кўни-кўшнилар ҳам мурожаат этиши мумкин.

Шундай ҳолатлар борки, жабрланувчи ҳам, уни содир этувчи ҳуқуқбузар, яъни тазйиқ-зўравонлик ўтказувчи шахслар ҳам аёллар бўлиб қолиши мумкин. Ўйлантирадиган жиҳати, оила-турмуш муносабатларида содир этилаётган ҳар қандай низоли ҳолатлар авваламбор, кўпроқ аёллар ўртасида келиб чиқади. Бизда зўравонлик дейилганида одатда, тан жароҳати билан боғлиқ ҳолатлар тушунилади. Бундан ташқари, иқтисодий, жинсий зўравонлик ҳам бор. Қонун ҳужжатларида шахснинг эрки, ҳуқуқлари тўлалигича кафолатланган. Шахснинг хоҳиш-иродасига зид бўлган ҳар бир хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган.

Маҳаллаларда ўзига юклатилган хизмат вазифалари доирасида профилактика инспектори, маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан биргаликда ўз хизмат кунини уйма-уй юришидан бошлаб, ўзаро низоси мавжуд шахсларни аниқлаш, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланган тақдирда уларга “ҳимоя ордери”ни расмийлаштириш ва тегишли профилактик тадбирларни ўтказишлари лозим. Ҳимоя ордери амал қилиш даврида профилактика инспекторлари тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шу

жумладан уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриши, хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам асосда профилактика ишларини олиб бориши, ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назорат қилиши ҳамда унинг талабларини бузган зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши зарур.

Бугунги кунда профилактика инспектори зиммасига юклатилган барча функцияларни самарали бажариш ҳар томонлама ҳудудда криминоген вазиятни ўрганишни, таҳлил қилиб боришни талаб қилади. Шундай экан, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда энг аввало, маҳаллада яшовчи, ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахсларнинг турмуш тарзини, мавжуд муаммоларни ўрганиши зарур. Ушбу тоифадаги шахсларнинг муаммоларини ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи тегишли идоралар билан ҳамкорликда бартараф этиш ҳамда ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.

Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлар ҳозирги кунда янги босқичга кўтарилди. Аҳолининг, айниқса хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг тинчлик-осойишталигини таъминлаш бизнинг энг асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.

*Б.Б.Умурзоқов**

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА КАСБИЙ МАДАНИЯТНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарорида “Ички ишлар оргинларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш” Концепцияси қабул қилинди. Унга кўра, ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар **“Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!”** концептуал ғояси асосида ташкил этилади. Мазкур ғоянинг асосий мазмун-моҳияти фуқароларнинг тинчлиги ва мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳар қандай ҳуқуқбузарликка қарши курашишда ўз жонини аямайдиган, ватанпарварлик, фидойилик, садоқат ва ҳалоллик фазилатларига эга ходимларни шакллантиришдан иборат¹.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти катта ўқитувчиси.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сонли “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори // [Электрон манба]. – УРЛ: [хтп://www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Концепциянинг асосий мақсади ИИО ходимларни ҳар қандай шароитда давлат ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган, миллий қадриятларга содиқ, умуминсоний қадриятларга таянадиган, ёт ва бузғунчи ғояларга мурасасиз курашувчи, иймон-эътиқоди ва иродаси мустаҳкам, маънавиятли ва фидойи, аждодларимиз ва мардлик кўрсатиб ҳалок бўлган ходимларни бебаҳо меросига таяниб яшайдиган баркамол шахс сифатида тарбиялаш, улар қалбида давлат ва халқимизнинг хавфсизлигини таъминлашда шахсий дахлдорлик ва юқори масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат. ИИОда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси ушбу соҳадаги ишларнинг устувор йўналишлари ва асосий принциплари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, аввало, ички ишлар органлари тизимида хизмат қиладиган барча ходимлар ва ҳарбий хизматчиларнинг умумий дунёқараши, сиёсий онги, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик, ғурур, ифтихор, касбига нисбатан садоқат ва юқори масъулият ҳисларини ошириш билан боғлиқ вазифаларни белгилаб беради.

Концепция миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, ходимларнинг маънавий салоҳияти ва мафкуравий иммунитетини кучайтириш, уларнинг онгида Ватан тақдири ҳамда келажаги учун дахлдорлик туйғуларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ фаолиятнинг устувор йўналишларини акс эттиради.

Ходимларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириш, фаол ҳаётий позицияси, интеллектуал салоҳиятини, она Ватан тақдирига бўлган масъулиятини мустаҳкамлаш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетини кучайтириш, уларни фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини садоқат ва фидойилик билан виждонан бажаришга йўналтириш бўйича маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ушбу концепциянинг асосий мазмунини ифодалайди.

Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

ходимларни юқори касбий тайёргарликка эга, жисмонан ва маънан етук, билимли, ҳалол, ватанпарвар, мард ва жасур этиб тарбиялаш;

ходимларнинг фаол ҳаётий позициясини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, она Ватан тақдирига бўлган масъулиятини ошириш ҳамда ғоявий ва турли ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш;

ходимларни фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини садоқат ва фидойилик билан виждонан бажаришга йўналтириш.

Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Ички ишлар вазирлигининг норматив ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолиятини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, ходим иш вақтининг 70 фоизи турли масалалар бўйича

бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, ички ишлар органлари бўлимига мурожаат этган жабрланувчи, гувоҳлар, гумон қилинувчилар, фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда бошқалар билан муомала қилишга кетади.

Шунинг учун барча хизматга оид вазиятларда салбий таассурот қолдирмаслик учун, у ахлоқ меъёрларига риоя қилиши, одамлар билан муносабатда хушмуомалалик, одоблилик, инсонийлик ва адолатлиликни намойиш қилиши, касбий одоб қоидаларига амал қилиши лозим¹.

Ички ишлар органлари ходимининг касбий маданияти элементларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

касбий тафаккур;

касбий қизиқишлар;

касбий идеаллар ва касбий қадриятлар.

Касбий маданиятнинг қисми сифатида билиш, баҳолаш ва амалий хатти-ҳаракатларнинг оқилона даражаси ва шаклланиш йўллари билан иборат касбий тафаккур ҳисобланади. Касбий тафаккурга энг аввало, унинг детерминантаси сифатида ишнинг илгари сурилиши ҳосилдир.

Ички ишлар органлари ходимининг касбий тафаккури тўғрисида фикр юритар эканми, у бевосита шахснинг касбий маслағи билан боғлиқдир.

Ички ишлар органлари ходими касбий маданиятнинг элементларидан бири бўлган касбий қизиқиш ҳиссий ва фаолиятга оид таркибий қисмларни бирлаштирувчи шахснинг хусусиятларидан иборат.

Касбий қизиқиш деганда, назарда тутилган ёки эгалланган касбга йўналтирилган танлаш фаоллиги билан боғлиқ кўп даражали психологик хусусиятлар, ҳолатлар ва жараёнлар мажмуи тушунилади.

Қизиқиш танлаш хусусиятига эга бўлиб, билимларни эгаллаш, дунёқарашни кенгайтиришнинг энг муҳим рағбарлантиришнинг бири сифатида юзага чиқади, ишга бўлган ҳақиқий ижодий муносабатнинг муҳим шартини бўлиб хизмат қилади.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий қизиқиши касбий тафаккур билан узвий боғлиқ бўлиб, хизмат фаолиятининг маълум даврида муайян ходим олдида турган аниқ хизмат вазифалари билан белгиланади.

Ички ишлар органлари ходими касбий маданиятнинг касбий идеаллар элементини кўриб чиқаётганда, идеал деганда муайян илк тимсоллар, камолот намунаси, интилиш, орзунинг мақсади тушунилишини эшлаш жоиз. Шунингдек, касбий маданиятнинг ушбу таркибий элементи юқорида баён этилганлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, ички ишлар органлари ходимининг касбий жиҳатдан тўлиқ шаклланишида муҳим ўрин тутади².

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданияти таҳлилидан келиб чиқиб, касбий маданиятга оид асосий элементлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

ахлоқий маданият;

¹Саттаров А. Х. Теоретические и практические проблемы обеспечения и защиты прав человека в деятельности органов внутренних дел: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Т.: НЦПЧ РУз, 2002. – 42 с.

²Тургунов И. Т. Ички ишлар идоралари ходимларида инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш: Юрид. фан. док. дисс. автореф. – Т.: Ўзб. Респ. ИИВ Академияси, 2017. – 78 б.

муомала маданияти;
шахсий меҳнат маданияти;
ақлий меҳнат маданияти;
штаб маданияти;
хукуқий маданият;
педагогик маданият ва ҳоказо.

Ички ишлар органлари ходимининг ахлоқий маданияти нафақат касбий маданиятнинг, балки умуман субъект маданиятининг ҳам кўрсаткичи ҳисобланади. Ички ишлар органларида ахлоқий маданиятга алоҳида эътибор қаратилади, чунки айрим раҳбарларда ахлоқий маданиятнинг етишмаслиги улардаги ижобий сифатларнинг йўққа чиқишига, касбий жиҳатдан бузилишига олиб келади. Тақдим этилаётган таркибий элементни тавсифлаганда, ходимнинг маънавий қиёфаси, унинг ахлоқий эътиқоди ва бошқалар тўғрисида гапириш мумкин, бироқ ҳар доим шуни эсда тутиш лозимки, ходим учун асосий ахлоқий қонун бу ўзи қабул қилган қарор оқибати учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олиш кўникмаси ва лаёқати ҳисобланади.

Ички ишлар органлари ходимлари деярли ҳар куни турли масалалар юзасидан ҳар хил тоифадаги шахслар билан муомала қилишига тўғри келади. Жумладан, турли тезкор хизмат масалалари бўйича ички ишлар тизими ҳудудий бошқарув органлари ҳамда бошқа ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари ва раҳбарларини фуқаролар билан тез-тез мулоқотда бўлишини касби тақозо этади. Шу боис, ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала бўлиши керак. Хушмуомалалик–ички маданиятнинг ташқи кўриниши. Унинг асосини инсонийлик ташкил этади.

Ички ишлар органлари ходимлари касбий фаолияти муайян даражада ақлий меҳнатни талаб қилиши туфайли ходим касбий маданиятининг асосий элементлари таркибига ақлий меҳнат маданияти таркибий компоненти ҳам қўшилган. Ақлий меҳнат маданиятининг психологик асоси шундай ташкил қилишни назарда тутадик, у ҳар қандай ақлий ҳаракатнинг энг кам асаб қувватини сарф этиб, юксак самарадорликка эришишини таъминлайди¹.

Ички ишлар органлари ходимининг шахсий маданияти ва ақлий меҳнат маданияти тўғрисида сўз юритганда, касбий маданиятнинг штаб маданияти элементи ҳақида фикр юритмасликнинг иложи йўқ.

Ушбу атама сўнгги пайтларда кундалик хизмат фаолиятида кўп қўлланилмоқда. Шахсий хизмат фаолиятини ва бутун орган фаолиятини моҳирона режалаштира олиш, хизмат маълумотини таҳлил қилиш ва ундан ўз хизмат фаолиятида ижодий фойдалана олиш қобилияти, хизмат йиғилишлари ва ўзга бошқарув тадбирларини юксак маҳорат билан ўтказа олиш, шунингдек хизматга оид ҳужжатларни техник жиҳатдан тўғри тузиш, хизмат ёзишмаларини олиб бориш қобилиятлари ички ишлар ходими штаб маданиятининг таркибий қисмлари ҳисобланади.

¹Таджиханов У. Т. Научно-теоретические проблемы правовой культуры: Автореф. дисс.... д-ра юрид. наук. – Т.: Академия МВД РУз, 1995. – 48 с.

Ходимнинг касбий фаолияти таркибига ҳуқуқий билимларни қўллаш фаолияти ҳам тааллуқли. Бу эса унинг касбий маданиятида ҳуқуқий маданият таркибий элементи бўлишини тақозо этади.

Унинг функционал жиҳатларини таҳлил қилганда ҳуқуқий ахборотнинг мазмуни ва йўналиши билан фарқланувчи касбий-ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий институтларга нисбатан фаол муносабат даражаси ва бошқаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ички ишлар органлари ходими касбий маданиятининг асосий элементларидан бири бўлган педагогик маданият ҳақида сўз кетганида, унинг касбий фаолиятида тарбиявий вазифанинг мавжудлиги алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар қандай фаолиятнинг касбий маданияти деганда, биринчи навбатда, бу фаолиятнинг сифат ҳолати англашилгани туфайли, ички ишлар органлари ходимининг касбий маданияти, унинг касбий тайёргарлик даражаси ва касбий фаолиятининг пировард натижаси ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд.

Шунингдек, касбий маданиятнинг асосий элементлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

билим, тушунча, тасаввур, қарашлар ва илмий назариялар;

маҳсус билим, тасаввур, қарашлар, назарияларнинг предметлашуви, рўёбга чиқиши;

ўз соҳасини пухта эгаллаш ва доимий равишда малака оширишга эҳтиёж сезиш;

қонун доирасида фаолият олиб бориш лозимлигини чуқур англаш;

ўз хизмат бурчини муқаддас деб билиш ҳамда қонун ва хизматга алоқадор кўрсатмаларни сидқидилдан бажариш кераклигини доимо ёдда тутиш;

вазиятни таҳлил қилиш ва мустақил қарор қабул қилиш укувига эга бўлиш;

жиноятчиларнинг таъсирига берилмаслик;

ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашни ўзининг эътиқоди даражасига кўтариш ва ана шу жараёнда инсон шахсининг шаклланиши ва такомиллашуви.

Касбий маданият элементларининг ҳар бири ўзаро боғлиқ ҳолда инсон шахсининг шаклланиши жараёнида маданиятнинг инсонпарварлик ва тараққийпарварлик моҳиятлари тўлароқ намоён бўлади.

Бу эса ўз навбатида, касбий педагогика ва психология соҳасида муайян даражадаги билимлар даражасига, шунингдек ходимлар ва фуқароларга тарбиявий таъсир кўрсатиш кўникмаларига эга бўлишни назарда тутди.

Ички ишлар органлари ходимининг касбий маданияти тушунчаси мустақил ижтимоий педагогик-психологик ҳодиса сифатида мавжуддир. Бунинг устига, у ўзаро алоқадор, бири иккинчисини тақозо этадиган ижтимоий ҳаёт ҳодисаси ва шахс умумий маданиятининг таркибий элементи сифатидаги икки муҳим асос замирида шаклланади.

Юқоридагилардан хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, ички ишлар органлари ходимининг касбий маданияти шаклланишининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

касбга ўқитиш жараёнида ходимларда касбий маданиятни шакллантириш;

касбий маданиятни хизмат тайёргарлиги жараёнида шакллантириш;

касбий маданиятни ўз устида мустақил ишлаш жараёнида шакллантириш.

*Ш.Н.Юлдашев**

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ.

“Инсон қадрини улуғлаш— юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир¹”.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида БМТ доирасида инсон ҳуқуқлари соҳасида қабул қилинган бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган бўлиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси², Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги³, шунингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги⁴ халқаро пактлар шулар жумласидандир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Қийноқларни олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш доирасида одамнинг кадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган, қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўйилмайди⁵”.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27 сонли «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида⁶»ги фармони тасдиқланди. Бу Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уни ҳимоя қилишнинг миллий механизмларини янада мустаҳкамлаш ва

* Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Жамоат хавфсизлигини таъминлаш кафедраси катта ўқитувчиси.

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Янги 2022 йил муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табригидан.

² [хтtps://сонstitutiон.uz/uz/paгec/хуманригхтс](https://sonstitutiон.uz/uz/paгec/хуманригхтс).

³ [хтtps://lex.uz/досс/2686000](https://lex.uz/досс/2686000)

⁴ [хтtps://lex.uz/досс/2640479](https://lex.uz/досс/2640479)

⁵ Янги Ўзбекистон Стратегияси. “Оъзбекистон” нашриёти.-Тошкент-2021.Б.80.

⁶ [хтtps://www.lex.uz/ru/досс/5749291](https://www.lex.uz/ru/досс/5749291)

ривожлантириш бўйича тизимли, амалий чора-тадбирлар олиб борилаётганлигининг мисолидир. Жамоат хавфсизлиги концепцияси миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжатдир.

Жамоат хавфсизлиги — жамиятда қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналиши - ҳар қандай кўринишдаги қонунга хилоф тажовузлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш, шу жумладан бундай тажовузларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг асосий омилларини аниқлаш ва бартараф этиш бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳисобланади.

Жамоат хавфсизлиги ижтимоий муносабатлардаги мўътадил муҳит, инсонларнинг нормал ишлаши, турли хавф-хатар ва ижтимоий таҳдидларнинг йўқлиги, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизими дир. Жамият хавфсизлигининг моҳияти унинг ўзига хос нисбатан барқарор алоқаларидан иборат бўлиб, ҳуқуқий таркиб билан тавсифланган муносабатлар сифатида тушунилади. Давлатимизда жамоат хавфсизлигининг моҳиятини белгилайдиган асосий ғоялар, қонунийлик, инсонпарварлик, ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя тамойиллари билан узвий боғлиқ.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари жамоат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солади, хавфсизликнинг асосий субъектларининг ваколатларини белгилайди, фуқароларнинг ижтимоий ва шахсий хавфсизлигини таъминлаш, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш, жамият ҳаёти учун хавфсиз шароитлар яратиш шакллари ва усулларини белгилайди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашда инсон ҳуқуқларига риоя этиш муҳим босқичлардан биридир. Ушбу жараёнда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг муайян чекловлари билан муқаррар равишда боғланади.

Тадқиқотчи олимлар жамоат хавфсизлигини таъминлашда инсон ҳуқуқларига риоя этишни мақбуллик доирасини аниқлашни қуйидагича 3 та мезонга ажратади:

- мақсад, яъни бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муносиб тан олиш ва ҳурмат қилишни таъминлаш ҳамда демократик жамиятда ахлоқ, жамоат тартиби, умумий фаровонликнинг адолатли талабларини қондириш;

- чекловларнинг қонунийлиги, яъни чекловларни фақат мавжуд қонунлар асосида белгилаш;

- заруриятдан келиб чиқиб тегишли, қўшимча чекловлар жорий этиш¹.

¹ В.С.Устинов.Основания и критерии ограничения прав и свобод личности в законодательстве и теории.//Сборник научных трудов.Ч.1.-Н.Новгород, 1998.С.100

Инсон ҳуқуқларини чеклаш даражасини аниқлашда умумҳуқуқий тамойиллардан келиб чиқилади сабаби, қонун чиқарувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими албатта, ушбу тамойиллар асосида ҳаракат қилади¹.

Давлат фуқарони, унинг мулкани, турар жой дахлсизлигини ва Конституцияда кўрсатилган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Жамоат хавфсизлигини таъминлашда, фуқароларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб бориши, уларнинг Конституция ва қонунларга риоя этишлари, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиши муҳимдир.

Фуқароларга ҳуқуқий таъсир кўрсатишда, шу жумладан ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ чораларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш олиб борилаётган ислоҳотлар бош омилидир.

Президентимизнинг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигига бўлган ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, шунингдек, замон талабларидан келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Қуролли Кучларнинг кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида қабул қилинди.

Дарҳақиқат, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида аҳолимиз ҳаётини, дунёқарашини ҳамда турмуш тарзини кун сайин ўзгартириб бораётганлигига гувоҳимиз. Давлат раҳбари томонидан белгилаган жамиятимизда “Янги Ўзбекистонни биргаликда барпо этамиз” деган улуғвор мақсад шаклланди. Зеро, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ҳам инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш муҳим йўналиш этиб белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, “инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш давлат ҳокимияти органларининг бош вазифаларидан бири бўлиб қолади.

*Ў.М.Отаев**
*К.С.Бейсенов**

ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР ВАҚТИДА ТИНЧ АҲОЛИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.

¹ В.А.Толстик.Противоречия в понимании и практике ограничения прав и свобод человека и гражданина.//Теория и практика ограничения прав человека по российскому законодательству и международному праву:Сборник научных трудов.Ч.1.-.С.162

* Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли ўқитувчиси.

* Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли ўқитувчиси.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75 йиллик тарихи инсон ҳуқуқлари универсал қадрият эканини яққол исботлади. Бу устувор тамойилсиз ер юзида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэътироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради.

Шавкат Мирзиёев¹.

XX аср давомида иккита жаҳон урушининг ҳалокатли қуролли тўқнашувлари бутун дунё мамлакатларини қамраб олиши натижасида миллионлаб тинч аҳолининг бевақт ҳаётдан кўз юмишига ва ўн миллионлаб одамларнинг абадий бошпанасиз қолишига, тинч аҳоли ўз уйларида қувилиб ҳаётларини сақлаб қолишлари учун озиқ-овқат, дори-дармон ва бошпана олиш каби шароитлардан маҳрум бўлишига, бу эса ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари ва инсонпарварлик ҳуқуқининг асосий халқаро тамойиллари бузилишига олиб келди.

Тинч аҳоли этник ва диний адоват, сиёсий қарама-қаршилик ёки шунчаки аёвсиз иқтисодий манфаатларга интилиш асосидаги ҳужумларнинг асосий нишонига айланди. Ҳозирги ҳавотирли вазият БМТ, Халқаро Қизил Хоч қўмитаси, минтақавий ташкилотлар ва бошқа кўплаб халқаро тузилмаларни қуролли тўқнашувларда тинч аҳолини ҳимоя қилишга эътиборини кучайтиришга олиб келмоқда.

Қуролли тўқнашувлар ва ҳарбий босқинчилик ҳолатларида инсон ҳуқуқларининг бузилиши инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларда ва 1949 йил Женева конвенцияларида ва уларнинг қўшимча протоколларида ўз ифодасини топган². Шунга қарамасдан, қуролли тўқнашувлар (урушлар) оммавий ўлим, кўчирилиш ва азоб-уқубатларга сабаб бўлишда давом этмоқда.

Ҳозирги кунда ҳам дунёда кўплаб қуролли тўқнашувларнинг давом этиши улар орасида урушаётган томонлар бир мамлакат ҳудудида жойлашган халқаро бўлмаган қуролли тўқнашувлар ва икки ёки ундан ортиқ давлат қўшинлари иштирок этадиган халқаро қуролли можаролар мавжуд. Ушбу тўқнашувлар пайтида миллионлаб одамлар турли сабабларга қўра азобланмоқда, тинч аҳоли ўлдирилмоқда, майиб қилиниб зўрланмоқда, уйларида мажбуран ҳайдалиб, бошқа зўравонлик шаклларида дучор бўлиши давом этмоқда. 2020 йил бошига келиб, қуролли тўқнашувлар туфайли дунё бўйлаб 79,5 млн. киши уй-жойидан айрилганлиги ва мажбурий кўчирилиб юборилганлиги, бу юқори кўрсаткичдир³.

Бу борада, БМТ қуролли тўқнашувларда тинч аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида “ҳимоя маданияти”га чақириб келмоқда. Бундай ҳимоя маданияти ҳукуматлардан ўз масъулиятини тўлиқ ҳажмда бажаришни талаб қилади, қуролли гуруҳлар халқаро гуманитар ҳуқуққа бўйсунди, хусусий сектор инкирозли ҳудудларда ўз ҳаракатларининг оқибатларидан хабардор бўлади ва халқаро ташкилотларга аъзо давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг ўзлари

¹ Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 22 февралдаги БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқи.

² Женевская конвенция от 12 августа 1949 года о защите гражданского населения во время войны

³ Департамент общественной информации ООН.

инкирозни ҳал қилиш учун қатъий ва тезкор ҳаракатларни таъминлаш учун зарур бўлган мажбуриятларни кўрсатадилар. 2001 йилда БМТнинг бош котиби бўлган Кофе Анан “инсон сифатида биз бошқаларнинг азоб-укубатларига бепарқ бўлиб қола олмаймиз ёки ҳеч бўлмаганда бунга ҳаққимиз йўқ” деб бир неча бор таъкидлаган. Ҳар биримиз ҳеч нарса қилмаслик анча хавфсизроқ ва қулайроқ бўлса ҳам, ёрдамга муҳтож бўлганларга ёрдам бериш учун ҳамма нарсани қилишимиз керак. Шу асосда гуманитар ёрдам ходимлари, БМТнинг тинчликпарвар кучлари ва бошқа кўплаб одамлар урушдан жабрланганларни ҳимоя қилиш учун ҳар куни курашмоқдалар. Гуманитар ходимлар, хусусан, кўплаб тўкнашувларда бу халқаро саъй-ҳаракатларнинг бошида туришади, кўпинча ҳеч қандай ҳарбий иштироксиз ўз ҳаётларини ҳақиқий хавф остига қўйишади. БМТнинг Гуманитар масалаларни мувофиқлаштириш бошқармаси ва унинг идоралараро доимий кўмитасидаги ҳамкорлари фуқароларнинг, айниқса болалар, аёллар, қариялар ва бошқа заиф гуруҳларнинг эҳтиёжлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилади, унинг умумий мақсади бутун дунёдаги тинч аҳоли ҳар бир инсон муносиб бўлган асосий инсоний кадр-қимматга эга бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Сўнгги ўн йилликда дунёдаги энг йирик можароларнинг ҳал этилиши билан характерланган бўлса-да, бошқа можаролар ёниш ва алангаланишда давом этди ва янги низолар пайдо бўлди. Ҳам эски, ҳам янги можаролар барқарор бўлиб, баъзида можаро иштирокчилари тинч аҳолини ҳимоя қилиш бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармасликлари ва амалга оширишни тубдан бузганликлари сабабли инсоният азобларининг ўта юқори даражаси билан тавсифланади. Жойларда олиб борилаётган ишлар ҳанузгача эълон қилинган баёнотлар ва замонавий халқаро норма, стандартларга мос келмайди.

Ҳимояни янада кучайтириш заруратининг бир қисми сўнгги ўн йил ичида ўзгарган низоларнинг табиатида ётади. Нодавлат қуроли гуруҳлар сонининг кўпайиши ва бўлиниши Афғонистон, Ироқ, Сурия, Ливия ва Украина каби мамлакатлардаги можароларнинг ассиметрик характерга эга бўлишига сезиларли ҳисса қўшди. Бу тинч аҳолига жуда қаттиқ салбий таъсир кўрсатмоқда, чунки қуроли гуруҳлар халқаро ҳуқуқни очикдан-очик бузувчи стратегияларни қўллаш орқали ўзларининг ҳарбий таъсирини кучайтиришга ҳаракат қилишмоқда, мисол тариқасида, тинч аҳолини нишонга олиш ҳамда ўзларининг ҳарбий мақсадларига эришиш учун тинч аҳолидан қалқон сифатида фойдаланиш¹ кабилардир.

Халқаро ҳамжамият давлатлар ва уларнинг ҳукуматларига тинч аҳолини ҳимоя қилиш учун асосий масъулиятни ўз зиммасига олишини ва халқаро саъй-ҳаракатлар фақат ҳукуматнинг бу соҳадаги ҳаракатларини тўлдириши мумкинлигини эслатишда давом этмоқда. Шу мақсадда шахсларга нисбатан қуйидаги ҳаракатлар ҳар доим ва ҳамма жойда тақиқланади:

- а) ҳаётга ва жисмоний дахлсизликка тажовуз қилиш, хусусан, қотиллик, жароҳатлаш, шафқатсиз муомала қилиш ва қийноқлар;
- б) гаровга олиш;

¹ ООН и защита гражданских лиц в вооруженных конфликтах.

в) инсон кадр-қимматига тажовуз қилиш, хусусан, ҳақорат қилувчи ва камситувчи муносабат;

д) цивилизациялашган давлатлар томонидан зарур деб эътироф этилган суд қафолатлари мавжуд бўлганда, тегишли равишда тузилган суд томонидан олдиндан суд қарорисиз ҳукм қилиш ва жазони қўллаш¹.

Халқаро Амнистия қуролли тўқнашувларда улар учун ким жавобгар бўлишидан ва бу бузилишлар қаерда содир бўлганидан қатъий назар, халқаро ҳуқуқ бузилишини қайд этади ва уларга қарши курашади.

Амнистия жабрланувчиларга адолат излашда ёрдам беради ва жинойтчиларни миллий ҳукуматлар, яъни БМТ ҳамда Халқаро жинойт суд каби халқаро ташкилотлар олдида жавобгарликка тортади.

Мураккаб фавқулодда вазиятларда тинч аҳолини ҳимоя қилишни кенгайтириш ва кучайтириш, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, қуролли тўқнашувларда тинч аҳолини ҳимоя қилиш муаммоларини муҳокама қилишдан уларнинг амалий ечимига ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг жинойт қонунчилигида ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларига мутаносиб ЖКнинг 152 ва 153-моддаларида ҳам ҳарбий ҳаракатлар вақтида инсон ҳуқуқларини паймол қилиб, тинч аҳолини ёки ҳарбий асирларни қийнаш, жисмонан қириб юбориш, тинч аҳолини мажбурий ишларга ёки бошқа мақсадларда ҳайдаб кетиш, халқаро ҳуқуқ билан тақиқланган уруш олиб бориш воситаларини қўллаш, шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойларини беҳуда вайрон қилиш, мулкни талон-торож қилиш, шунингдек, бундай ҳаракатларни қилишга буйруқ беришда ифодаланган уруш қонун ва удувларини бузиш, геноцид, яъни миллий, этник, ирқий ёки диний мансублигига қараб, бир гуруҳ шахсинг жисмонан тўла ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини қасдан яратиш, бундай шахсларни жисмонан тўла ёки қисман қириб юбориш, бола туғилишини зўрлик билан камайтириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гуруҳидан олиб, бошқасига топшириш, шунингдек, бундай ҳаракатлар содир этиш тўғрисида буйруқ бериш ҳақида жинойт жавобгарлик масалалари белгиланган².

Хулоса қилиб айтганда, бундай муаммоларни ҳал қилиш бўйича қуйидагича қатъий чоралар кўрилиши лозим, деб ўйлаймиз, яъни:

биринчидан: низолашаётган томонларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш даражасини ошириш; (ҳарбий ҳаракатлар пайтида нодавлат қуролли гуруҳлар томонидан қонунларга риоя қилинишини кучайтириш).

иккинчидан: самаралироқ ва етарли даражада молиялаштириладиган тинчликпарвар кучлар ва тегишли миссиялар орқали ҳимояни кучайтириш;

учинчидан: инсонпарварлик ёрдамини кенгайтириш;

тўртинчидан: қонун устуворлигини бузганлик учун жавобгарлик масалаларини кучайтириш лозим.

¹ Женевская конвенция от 12 августа 1949 года о защите гражданского населения во время войны

² Ўзбекистон Республикасининг Жинойт кодекси 152- 153-моддалар.

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИКНИ САҚЛАШДА КОНСТИТУЦИЯ ВА МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР МУАММОСИ – ИНСОНЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ҲУҚУҚЛАРИ МЕЗОНИ СИФАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқишда чет эл мамлакатлари тажрибасидан фойдаланиш ва миллий урф-одатларимизга мос ва хос тарзда ишлаб чиқиш учун махсус гуруҳ шакллантирилди. Гуруҳ таркибига ҳуқуқшунос олимлар, жамиятшунослар, кўплаб соҳадаги олимлар жалб этилди ва 1992 йилнинг 8 декабрь куни Конституция қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалар, илғор ютуқлари, миллий маънавиятимиз, маданиятимиз, урф-одат ва анъаналаримизни ўзида мужассам этган асосий қонунимиздир. Унда миллий маданиятимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлаб қолиш, улардан жамиятда қонунчилик, ҳуқуқий тарғиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш каби мураккаб вазифаларни ҳал этишда самарали фойдаланиш ўз аксини топган.

Буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

1) ҳар бир давлатда унинг таркибига кирган миллат ва элатларни тили, маданияти, урф-одат ва удумларни сақлаб қолиш учун мавжуд имкониятлардан, шу жумладан қонун кучидан фойдаланиш;

2) ижтимоий барқарорлик, фуқаролар тотувлигини сақлаш, турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги кескинлик ва ўзаро ишончсизликни бартараф этишга кўмаклашиш;

3) фуқароларни миллий маданият, маънавият ва кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш;

4) аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш ва қонунчиликни мустаҳкамлашда урф-одат ҳамда анъаналаримиз кучидан фойдаланиш.

Давлатни миллий маданият, урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолишда манфаатдорлиги унинг таркибига кирган этник бирликларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларни ҳимоя қилиш мажбурияти билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддаси Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одати ва анъаналарини ҳурмат қилишни таъминлайди ҳамда ривожланиши учун шароит яратади.

«Ўзбекистон умумий уйимиз» бу ибора бежизга айтилмаган. Зеро, бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қилади. Бу модданинг киритилиши ҳам бежиз эмас, албатта. Бу модданинг амалдаги ижросини таъминлаш мақсадида ҳар йили ушбу халқларнинг миллий байрамлари ташкиллаштирилади, маросим ва анъаналарини амалга оширишга имконият яратиб берилади.

* Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ихтисослаштирилган ўқув маркази махсус бўлинмаларни тайёрлаш цикли катга ўқитувчиси.

Фуқароларнинг миллий маданиятга бўлган эътибори биринчи навбатда, уларни юксак маънавиятли ва маърифатли бўлишга ундайди. Фақат маънавиятли ва маърифатли инсон миллий маданиятни англаш қобилиятига эга бўлади. Қомусимизда ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланган. Жумладан, ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, юксак малакали мутахассис кадрларни етиштириш ва комил инсонни тарбиялаш ишлари давлат назоратидадир.

Конституциямиздаги алоҳида жиҳатларга эътибор берадиган бўлсак, ҳар бир вояга етган ўғил, қиз ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар. Бу каби модда ҳеч бир давлат конституциясида учрамайди. Ота-оналар эса ўз фарзандларини вояга етгунча тарбиялашга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Конституциясида оила ва маҳалла институтига катта эътибор берилган. Халқаро ҳуқуқда шу вақтга қадар қўлланмаган оила ва маҳаллага бағишланган алоҳида боб ажратилганлиги оила ва маҳалла жамиятнинг бўғини, барқарорликнинг гарови бўлиш билан бирга, миллий маънавиятимизда алоҳида ўринга эгалигидан далолатдир. Юртимизда азалдан киши ҳар бир ишни оила аъзолари ва маҳалла институти билан маслаҳатда бажарган. Кундалик фаолиятида оиласи ҳамда маҳалласи шаънини устувор қўйган. Ёш ва кекса авлод ўртасида мавжуд моддий ва маънавий муаммолар, келишмовчиликлар ва тафовутларни ҳал этиш мажбурият даражасига кўтарилди. Айни вақтда давлат ва жамият бошқарувчисидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасида сақлаб қолиши белгиланган.

Бугунги кундаги асосий мақсад ва вазифаларимиздан бирига айланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини аҳолининг юксак ҳуқуқий маданияти ва қонунга итоаткорлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жамиятда демократик кадриятлар: инсон ҳуқуқларининг қонун йўли билан мустаҳкамланиши, бошқарув органларининг сайланиши, ҳокимиятнинг бўлиниши, қонун устуворлиги минимал шароитларни мавжуд бўлиш муаммосини ҳал этилишига баракали таъсир этади. Бизга маълумки, Ўзбекистон ўтиш даврини бошдан кечирмоқда. Ўзбекистон демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти қуришнинг эволюцион, яъни босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, шиддат билан ривожланиб бораётган бу давр замонга мос ривожланиш ва ўзгаришларни талаб этади. Қабул қилинган бош қомусимизга ҳам замонга мос тарзда бир неча бор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва унда инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари янада мустаҳкамлаб қўйилди.

*М.А. Тураев**

ЭКСТРЕМИЗМНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН ТАҲДИДИ

“Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Махсус – касбий фанлар кафедраси ўқитувчиси

ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз”.

Шавкат Мирзиёев

Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишнинг бугунги босқичида энг муҳим йўналишларидан бири қонун устуворлиги ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишдир.

Ўзбекистон истиқлолнинг тарихан қисқа даврида адолат устуворлигига асосланган эркин, демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда ўзига хос йўлни танлаб олди. Бугун мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида босқичма-босқич, изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг натижалари бутун дунёда эътироф этилмоқда. Аммо, Марказий Осиёда барқарор ривожланиб бораётган Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий юксалишига, хавфсизлиги ва барқарорлигига очикдан-очик таҳдид солаётган дин ниқоби остидаги экстремистик кучлар қўшни давлатларда уя қуриб, дунёнинг турли бурчакларидаги ашаддий террорчи ҳамтовоқларининг моддий ва мафкуравий мададига таянган ҳолда юртимиз сарҳадларини бузиб ўтишга уринмоқдалар.

Маълумки, дин барча даврларда кишиларни яхшилик ва эзгулик ишларига даъват этиб, юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида фуқароларнинг виждон эркинлиги, ҳақиқий диний эътиқод ҳуқуқини қонун йўли билан кафолатлаш борасида кўп ижобий ишлар қилинди.

Ҳозирги тараққиёт босқичида бошқа дунёвий давлатлар сингари Ўзбекистонда диний қарашлар, хоҳ ислом дини, хоҳ бошқа динлардаги ижобий фикрлар аҳолининг маънавиятини юксалтириш ва эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қилишининг эътироф этилаётганлиги бежиз эмас. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг давлатдан ажратилганлиги ҳамда қонун олдида тенглиги таъкидланган. Асосий қонунимизнинг 31-моддасида: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга”– деб мустаҳкамлаб қўйилган. Бу модда виждон эркинлиги ҳуқуқи шахснинг ажралмас ҳуқуқи эканлигини англатади.

Тарихий тараққиёт жараёни муайян кучлар ва шахслар кўп бора динни асос қилиб, жамиятни ўзаро қонли урушларга даъват этганлигини кўрсатади. Бунинг фожиали оқибатларига эса тарих гувоҳ. Афсуски, бундай уринишлар ҳозир ҳам давом этмоқда. «Динни тарқатиш» шиори остида олиб борилган урушлар учун дин эмас, балки шу шиорларни олға сурган инсонлар айбдор. Зеро, дин инсониятни доимо маънавий комилликка тарғиб қилиб келган.

Бу борада, Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг қуйидаги тавсифини келтириб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз. “XX аср ажойиб илмий кашфиётлар асри, инсон коинот сирлари қўйнига кириб бораётган аср, ахборот ва ғоят улкан

техникавий имкониятлар асри бўлди. Шу билан бирга, бу асрнинг охири диний кадрларнинг уйғониш даври, беҳуда уринишлардан холи диний маънавиятга ўзига хос тарзда қайтиш даври бўлди”.

Бугун сиёсий ҳокимиятга интилаётган, диний шиорларни “ниқоб қилиб олган” баъзи гуруҳлар Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир ўтказмоқда. Кузатилаётганидек, XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида диний мутаассиблик, экстремизм, терроризм, миссионерлик, оммавий маданият каби салбий иллатлар давлат ва жамият хавфсизлиги, фуқаролар тинчлигига жиддий хатар, таҳдидлар солмоқда.

Ушбу таҳдидларнинг бошқаларидан фарқи шуки, улар аввало, инсонларнинг онгига таъсир этади, уларнинг онгида узилиш, руҳиятида маънавий бўшлиқ ҳосил бўлишига олиб келади, айниқса, бу таҳдидлар ёшлар, келажак авлодлар учун улкан хавф бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда ёшларни ҳар қандай ёт ғоялардан асраб-авайлаш, экстремистик руҳдаги гуруҳларга адашиб қўшилиб кетишини барвақт олдини олиш бизнинг долзарб вазифамизга айланмоғи лозим, деган фикр ота маконнинг, она Ватаннинг эртанги эгалари ёшлар эканлигига катта ишонч белгисидир. Ушбу ишончнинг исботини таъминлаш учун, ёшлар энг аввало, экстремизм, терроризм нақадар хавфли эканлигини чуқур англаб етмоғи керак.

“Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси "вируси" тарқалишининг олдини олишдир”¹. деб таъкидлаган Президентимиз.

Экстремизм (лотинча – “ақл бовар қилмас даражада”, “ҳаддан ошиш”) жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид бўлган, кескин радикал қарашлар ва ҳаракатларни англатади. Бундай ҳаракатларга диний тус бериш диний экстремизмга олиб келади.

Шу иллатлар ичида энг хавфли тус олгани диний экстремизм ҳисобланади.

Диний экстремизм – жамият учун анъанавий бўлган диний кадрлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиётдир.

Экстремистик қарашларни барча диний таълимотлар доирасида учратиш мумкин. Масалан, эркин фикр юритувчи, ҳукмрон феодал-католик черкови ақидаларини рад этувчи кишилар, яъни папа ҳокимияти душманларини католик черкови томонидан таъқиб қилиш учун XIII асрда тузилган ва минглаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган фаолиятини ҳам мутахассислар экстремизмнинг ўзига хос кўриниши сифатида баҳолайдилар.

Шундай экан, экстремизмни фақат муайян дин билан боғлаш мутлақо асоссиздир. Хусусан, ислом дини, ҳеч қачон экстремистик тузилмаларнинг гўёки, дин ва мусулмон жамоаси равнақи йўлида амалга ошираётган террорчилик хуружларининг асосий сабаби сифатида қараши мумкин эмас.

эҳтиёт чораларини, жиноий жазони ва жиноий-ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини ижро этиш, шунингдек шахсларни қидириш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, маъмурий

¹ [хттпс://lex.uz/doss/3159827](http://lex.uz/doss/3159827)

² [хттпс://lex.uz/uz/doss/111189](http://lex.uz/uz/doss/111189)

жазоларни қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

паспорт тизими талабларининг бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ва унга кириш учун зарур бўлган ҳужжатларни, доимий ва вақтинча яшаш учун рухсатномаларни беришга ҳамда расмийлаштиришга доир ишларни, паспорт тизими ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилишни амалга ошириш;

фуқаровий ва хизмат қуролларининг ҳамда улар ўқ-дориларининг, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларнинг, шунингдек пиротехника буюмларининг, гиёҳвандлик воситаларининг, психотроп моддаларнинг ва улар прекурсорларининг муомалада бўлиши соҳасида назорат қилиш;

ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;

эксперт-криминалистика фаолиятини амалга ошириш;

давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган объектларни ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни кўриқлаш;

лицензиялаш ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш, шунингдек лицензия ва рухсат этишга оид талабларга ҳамда шартларга риоя этилишини назорат қилиш;

ҳарбий сафарбарлик ишларини ва фуқаро муҳофазаси тадбирларини амалга ошириш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этмоқда.

Юқоридаги фаолият йўналишларининг деярли барчасида ички ишлар органлари ходимлари фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари билан тўқнашадилар. Бинобарин, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жамоат жойлари борки, уларнинг барчасида фуқаролар билан бирга фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам мавжуд бўлади. Бундай жойларда тартиб ва хавфсизликни таъминлаш орқали ҳам муайян маънода фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳуқуқлари ҳимояланади. Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини, паспорт тизими талабларининг бажарилишини таъминлаш каби вазифаларни амалга оширишда ҳам фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳуқуқлари ҳимояси фуқаролиги бор билан тенг шароитларда амалга оширилади. Умуман, юқоридаги фаолият йўналишларининг барчасида фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳуқуқлари ҳам инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми сифатида бирдек ҳимоя қилинади;

иккинчидан, ички ишлар органлари ходимлари ўз функционал хизмат вазифаларидан келиб чиқиб, аввало, ҳуқуқбузарликка мойил шахс билан кўпроқ иш олиб борадилар ва ўз ўрнида улар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси билан ҳам шуғулланадилар;

учинчидан, ички ишлар органлари томонидан олиб бориладиган тушунтириш, тарғибот ишлари орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муайян натижаларга эришилади. Масалан, қонунлар моҳиятини тушунтириш орқали аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, шунингдек турли ҳуқуқбузарликларни бартараф этишга ҳамда инсон, жумладан фуқаролар ва

фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга эришилади.

Айниқса, сўнги вақтларда ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши, аҳоли сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини юксалиши ички ишлар органлари томонидан амалга оширилаётган ҳар бир ҳаракатга баҳо берилишига сабаб бўлмоқда. Масалан, биргина формадаги ходимнинг кенг чорраҳадан ногиронлик аравачасидаги шахсни етаклаб, ёрдам бериб, йўлдан ўтказиб қўйиши, ушбу ҳаракат акс этган фотолавҳанинг ижтимоий тармоқларда тарқалиши ички ишлар тизимида кенг жамоатчилик олқишларига сабаб бўлган бўлса, айрим ходимларнинг кўполлиги, ноқонуний ҳаракатлари тизимга нисбатан аҳоли ишончи сўнишига хизмат қилаётгани кузатилмоқда.

Бундай ҳаракатлар ички ишлар органлари ходимлари томонидан инсон ҳуқуқлари ҳимоясида ҳам кузатилмоқда. Шунинг учун ҳар бир ҳаракат кенг жамоатчилик назоратида эканлигини ҳар бир ходим ҳис этиши зарур.

Ҳозирга қадар ички ишлар органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти умумий тамойиллар асосида, яъни барча фуқаролар билан бир қаторда амалга оширилади. Фикримизча, ички ишлар органлари ходимлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясида умумийлик принциpidан индивидуал ёндашувга ўтишимиз лозим.

*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАНГАНЛИГИ.

Бугунги кунда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг тезкорлиги, воқеа ва ҳодисаларнинг шиддатли ривожланишига, инсоният тақдирига бўлган муносабатлар яъни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ бўлган фаолиятдаги ижобий ўзгаришлар билан характерлидир. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш дунёнинг кўплаб ривожланган давлатлари қаторида юртимизда ҳам устувор йўналиш сифатида белгилаб берилган. Сабаби, Ўзбекистон Республикаси истиклолнинг илк йилларида, яъни 1991 йил 30 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг навбатдан ташқари VII-сессиясида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича энг муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”ни ратификация қилган. Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари устунлиги конституциявий асосда таъминланади. Бугунги кунда мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан зиёд халқаро ҳужжатлар, хусусан, БМТ томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича қабул қилинган 10 та мажбурий халқаро шартномаларни ратификация қилиб, ўзининг халқаро мажбуриятларини мунтазам равишда бажариб келмоқда.

*

Бош қомусимизнинг 13-моддасида шундай дейилган, яъни Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади. Иккинчи бўлимида эса *“Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари”* алоҳида белгилаб берилган бўлиб, унга кўра барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт эканлиги, фуқаролар ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ўз навбатида, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари керак.

Бугунги кунда юртимизда мавжуд амалдага барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституциямизга асосланган ҳолда ишлаб чиқарилиши қатъий белгиланган бўлиб, бошқа қонунлар қаторида маъмурий фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам бош қомусимизда белгиланган нормалар негизида ишлаб чиқарилган. Қонунларнинг асосий мақсади маълум бир фаолият билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлигини биламиз албатта, шу муносабатларни инсонлар ўртасида ёки инсон ва давлат ўртасида юзага келадиган турли туман муносабатлар ташкил этади. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни расмийлаштириш ва кўриб чиқиш фаолиятида ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш асосий вазифа сифатида қўлланилиб келинмоқда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий вазифалари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни амалга оширишдан иборатдир. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 3-моддасида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик *қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги* принципларига асосланади деб белгилаб берилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг ҳозирги кунда энг кўп содир этиладиган ва жамоат тартиби учун хавфли бўлган ҳуқуқбузарликларга йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўлларда ҳаракатланиш қоидаларга риоя этмаслиги натижасида юзага келадиган транспорт воситалари иштирокида содир этилган ҳуқуқбузарликлари киради. Ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг хавфлилик даражаси юқорилиги шундаки, бу турдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилиши

натижасида келиб чиққан зарарнинг катта бўлиши ва инсонларнинг соғлиги, ҳаёти учун хавфнинг мавжудлиги билан ифодаланади. Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни расмийлаштириш ва кўриб чиқиш фаолияти ҳам қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”да йўл ҳаракати иштирокчилари (хайдовчи, пиёда ва йўловчи)нинг умумий ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги “Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 975-сонли қарори билан қўшимчалар киритилган ва мустаҳкамланган.

Йўл ҳаракати қатнашчилари йўл-патруль хизмати ходимлари билан ўзаро муносабатларда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ЙПХ ходими томонидан тўхтатиш асосларини, қоидаларнинг қайси банди (бандлари)ни бузганлиги тўғрисида тушунтириш берилишини талаб қилиш;

транспорт воситасини тўхтатган ЙПХ ходимидан ўзини таништиришини, хизмат гувоҳномасини кўрсатишини ва кўкрак нишон белгисини маълум қилишини талаб қилиш;

хизматни мобиль видеокамерасиз олиб бораётган ЙПХ ходимиغا ҳужжатларни тақдим этмаслик;

ЙПХ ходими билан ўзаро муносабатини ўзига тегишли аудио, фото ва видео қурилмага қайд қилиш;

зарур бўлмаганда транспорт воситаси кабинасидан чиқмасдан, ЙПХ ходими билан ўзаро муносабатга киришиш;

содир этган қоидабузарлиги қайд этилган махсус мослама натижалари билан танишиш;

ҳуқуқбузарлик ҳолатини аниқлашда фойдаланилган махсус воситаларнинг қиёслаш сертификатларини кўрсатишни талаб қилиш;

ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан тушунтиришлар бериш;

асоссиз тўхтатиб турилмаслигини талаб қилиш;

ЙПХ ходими томонидан транспорт воситасини ёки ундаги юкни ташқи кўздан кечириш жараёнида иштирок этиш;

ўзи тўхтатилган ҳудудда ЙПХ ходими хизмат олиб бориши мумкинлиги ҳақидаги дислокация кўчирмаси билан шу жойнинг ўзида танишиш ёки махсус тадбирлар ўтказилаётганлиги ҳақида тегишлилигига кўра маълумот олиш;

ҳуқуқбузарлик тўғрисида маъмурий баённома расмийлаштирилганидан сўнг, ЙПХ ходимининг дислокацияси сақланаётган саф бўлими (бўлинмаси) бошлиғидан дислокация ҳақида ёзма маълумот беришни талаб қилиш;

ўзига нисбатан расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатлари билан танишиш, улардан ўз ҳисобидан нусха кўчириш ёки уларни фотосуратга олиш;

ЙПХ ходимининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, расмийлаштирилган ҳуқуқбузарлик тўғрисида маъмурий баённома ҳамда чиқарилган қарор устидан юқори турувчи орган (мансабдор шахс)га ёки судга шикоят қилиш;

Ўзи гувоҳи бўлган ҳодиса ҳақида йўл-патруль хизмати ходимига ҳаққоний маълумотни баён қилиш каби бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Ушбу қарорнинг 20-бандида ЙПХ ходими қоидаларни бузган йўл ҳаракати қатнашчисига нисбатан ҳуқуқбузарлик тўғрисида маъмурий баённома расмийлаштириш чоғида шахсий адовати туфайли шахснинг аҳволини оғирлаштирувчи томонга ўзгартиришга ҳаракат қилишига йўл қўйилмайди, деб қатъий белгиланган. Қоидабузарга нисбатан маъмурий баённома МЖТКнинг 279-280-моддаларига асосан 281-моддада белгиланган тартибда расмийлаштирилади. Маъмурий баённомани расмийлаштириш вақтида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари тўлиқ таъминланиб, қоидабузарнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши учун имконият берилади, агарда қоида бузган шахс ўз ҳуқуқларини тўлиқ ёки қисман билмаган тақдирда ходим томонидан унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади. Масалан: МЖТКнинг 294-моддаси “*Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари*” тўғрисида бўлиб, ушбу моддага кўра, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашишга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақли.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилиши, мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилиниши керак бўлади. Агарда ушбу моддада кўрсатилган ҳуқуқ ва бурчлари билан қоида бузган шахс ходим томонидан тушунтирилмаган ва огоҳлантирилмаган тақдирда, расмийлаштирилмаган баённомани ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади. Ҳозирги кунда ИИОлари ходимлари хизмат фаолиятини қонунийлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида бир қатор соҳавий хизматлар бодикамера билан таъминланган бўлиб, ушбу бодикамера ходим билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тасвирга олиб боради, бу эса фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилишини олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Қонунчилигимизга кўра, шахсга нисбатан содир этган ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий баённома расмийлаштирилиши билан шахсни маъмурий жавобгарликка тортилган деб бўлмайди, сабаби шахсни маъмурий жавобгарликка тортилган деб ҳисоблаш учун, расмийлаштирилган маъмурий баённома ҳаққоний тузилган бўлиши, маъмурий иш ваколатли орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши ва тегишли қарор чиқарилган бўлиши керак.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишдан олдин ишни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс қуйидагиларга аниқлик киритиши лозим:

мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш-кирмаслиги;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлигига;

ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлигига;

зарур қўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганлигига;

маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат қилган илтимослар тўғрисидаги масалаларни ҳал этилганлигини текширади ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради. Агарда маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс ёки жабрланувчининг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланмаган бўлса, бундай вазиятда ишни кўриб чиқиш мумкин эмас. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётганда, содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги тўғрисида ёки МЖТКнинг махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаш учун асослар борлиги ҳақида хулосага келинган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш мумкин.

Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим:

маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлса;

ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаган бўлса;

ҳуқуқбузарликни содир этган шахс ақли норасо бўлса;

ҳуқуқбузарлик зарурий мудофаа ҳолатида ёки охириги зарурат ҳолатида содир этилган бўлса;

шахс ҳаракатни жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш натижасида қилган бўлса;

амнистия актининг чиқиши, агар у маъмурий жазо чорасини қўллашни бекор қилса;

маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса;

ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб, МЖТКнинг

36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса;

маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги ваколатли орган (мансабдор шахс) қарор чиқарган бўлса ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тугатиш тўғрисида чиқарилган қарор бекор қилинмаган бўлса, шунингдек мазкур факт юзасидан жиноят тўғрисидаги иш қўзғатилган бўлса;

шахс иши юритила бошланган пайтда вафот этган бўлса.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали тезкор ва махсус хизмат транспорт воситалари ҳамда улар кузатиб келаётган транспорт воситалари томонидан имтиёздан фойдаланган ҳолда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар қайд этилган ҳолларда ҳайдовчиларнинг кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажарганликларини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда охириги зарурат

ҳолатида содир этилган деб топилади ва маъмурий иш тугатилади. Агарда бундай ҳолатлар бўлмаганда маъмурий иш кўриб чиқилади ва ҳолатлар, тарафлар ўрганилиб, қонунда белгиланган тартибда маъмурий ишни кўриб чиқаётган орган ёки мансабдор шахс қарор қабул қилади. Лекин ваколатли орган ёки мансабдор шахс чиқарган қарор хусусида юқори турувчи орган ёки мансабдор шахсга шикоят бериш ҳуқуқи мавжуд.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ҳуқуқи МЖТКнинг 314-модда белгилаб берилган бўлиб, унга кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор устидан ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари ва адвокат томонидан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган орган томонидан белгиланган тартибда шикоят берилиши мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шу қарорнинг нусхаси олинган кундан эътиборан, **ўн кун ичида** шикоят берилиши мумкин, бундан суд қарори мустасно. Мазкур муддат узрли сабаблар билан ўтказилиб юборилган тақдирда, бу муддат шикоятни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан қайта тикланиши мумкинлиги МЖТКнинг 316-моддасида белгилаб берилган. Транспорт воситалари иштирокида содир этилган ҳуқуқбузарликни расмийлаштириш ва кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2011 йил 31майдаги “**Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида**”ги буйруғида белгилаб берилган. Ушбу буйруқ бўйича транспорт воситалари иштирокида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий баённомани расмийлаштириш ваколати асосан йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади, ушбу маъмурий ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш МЖТКнинг 248-моддасида белгиланган моддалар бўйича маъмурий амалиёт бўлими ходимлари вазифасига киради. Агарда маъмурий иш тегишлилигига кўра, **Ички ишлар органларига тааллуқли бўлмаси, ишни МЖТКнинг 245-соддасига асосан судга юборади.** Қоидаларнинг бузилишига доир ишларни кўриб чиқишнинг вазифалари ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишда, бу ишни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ҳал этишда, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашда, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлашда, келгусида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, т

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли Фармонида ҳам кейинги йилларда “Инсон кадри учун” тамойили асосида ҳалқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш асосий вазифа сифатида белгиланган эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т.: Адолат, 2021.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилда 10 апрелдаги ЎРҚ-348-сонли «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонуни // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. //lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ИИО фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 60-сонли Фармони.//lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3127-сон қарори. //lex.uz.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли қарори. //lex.uz.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 01 декабрдаги Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 975-сонли қарори. //lex.uz.
8. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 20 июндаги “Йўл-патруль хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 168-сонли буйруғи. 2018–7-14 б.
9. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2011 йил 31 майдаги “Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги буйруғи. 2011-5-8 б.

*А.О.Халмуратов**

КИБЕРПРЕСТУПНОСТЬ И ПРАВА ЧЕЛОВЕКА: ОСОБЕННОСТИ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЕ И ИХ ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ

В последние годы распространение Интернета было беспрецедентным. Интернет используется как инструмент для развлечения, образования, сервиса, социальных целей, а также для других целей. Благодаря Интернету люди стали ближе друг к другу виртуально. Это создало взаимосвязь и взаимозависимость в глобальной экономике. Многие вещи можно сделать, не выходя из дома. Несмотря на эти положительные моменты, Интернет создал еще одну среду для преступлений. Киберпреступность представляет опасность не только для Интернет-предприятий, но и для частных лиц и даже правительств. Например, исследование IBM, проведенное в США, показало, что средняя стоимость утечки данных в 2021 году составляет около 4,25 миллионов долларов за инцидент¹. Именно на этом фоне данное исследование дает представление о киберпреступлениях и правах человека. Исследование начинается с раскрытия определения киберпреступления. Это определение взято из доступной литературы. После этого в исследовании рассматривается международное право, связанное с киберпреступлениями. В частности, Конвенция Совета

* Преподаватель Академии МВД Республики Узбекистан Е-маил: бекбаевич@гмаил.ком

¹ Отчет о стоимости утечки данных в 2021 году. – [Электронный ресурс] – Доступен по ссылке. – УРЛ: <https://www.ibm.com/сесурити/дата-бреач> (Дата обращения 15.02.2022).

Европы о киберпреступности (Будапештская конвенция)¹ Здесь проводится краткое обсуждение содержания и назначений данной конвенции. Далее в исследовании освещаются трудности расследования киберпреступлений. Следует отметить, что доказательства при расследовании киберпреступлений, как утверждается, хрупки и легко поддаются порче. Это объясняется тем, что некоторые изоэдренные киберпреступники строят свою деятельность таким образом, что при любой попытке получить доказательства жесткие диски самоуничтожаются. В дополнение к этому, трудно обеспечить сохранность доказательств. Для создания дополнительного контекста в данном исследовании рассматриваются конституционные, процессуальные нарушения и нарушения прав человека в контексте расследования киберпреступлений. Это дает возможность изучить процедурные нарушения, допускаемые сотрудниками следственных органов в отношении конституционно закрепленных прав обвиняемого. По сути, поставленные вопросы заключаются в том, что соблюдена ли надлежащий процессуальный порядок, и в какой степени были нарушены права человека.

Наконец, в исследовании освещаются некоторые меры, принятые рядами стран для решения проблемы киберпреступности. Существует необходимость согласования государственной практики с конституционализмом, правами человека и соответствующими надлежащими процессами. В исследовании сделана попытка выработать рекомендации, призывающие к реформам.

Как и большинство публикаций, посвященных киберпреступности, данная работа также начинается с определения. Стоит отметить, что стандартного определения “киберпреступности” не существует. Однако, согласно известным определениям, киберпреступность включает в себя любую преступную деятельность, которая осуществляется через компьютеры или сети. Интересно отметить, что во многих случаях киберпреступлений меньше, а традиционных элементов больше. По словам британского ученого Давида С. Уолла, многие правонарушения уже существуют в обычной системе уголовного правосудия. В качестве примера можно привести такие правонарушения, как педофилия, мошенничество и порнография². Соответственно, существует дискуссия о том, следует ли разрабатывать категории киберпреступлений или эти преступления следует понимать через призму существующих преступлений. Таким образом, очевидно, что при концептуализации киберпреступлений будет оставаться проблемой, происходят ли эти преступления в виртуальном или реальном мире. Это взаимодействие между виртуальным и реальным миром продолжает вносить путаницу в классификацию киберпреступлений. Д. Уолл классифицирует эти преступления на 3 группы:

1. Преступления против целостности компьютера (преступления против машинных систем),

¹ . Конвенция Совета Европы о киберпреступности (Будапештская конвенция). – [Электронный ресурс] – Доступен по ссылке. – УРЛ: <http://www.coe.int/en/web/cybercrime/txe-будапешт-сонвентион> (Дата обращения 15.02.2022).

² Давид С. Уолл. Сйберсрине: Тхе Трансформатион оф Срине ин тхе Информатион Аге. – Самбридге, УК: Политй Пресс, 2007. ИСБН 9780745627366 – 288 п.

2. Преступления с использованием компьютера (преступления с использованием машинных систем), и

3. Преступления компьютерного содержания (кибер-порнография, кибер-насилие).

В контексте киберпреступлений эти категории должны быть достаточно широкими, чтобы охватить любой вид киберпреступлений. Помимо этого общего понятия, существует также множество различных форм киберпреступлений. В замечательной статье под названием «Трансформационные аспекты киберпреступлений» индийский ученый М.Н. Сирохи описывает эти формы как разновидности киберпреступлений¹. Затем он объясняет основные их разновидности: киберсталкинг, хакерство, фишинг, межсайтовый скриптинг, вишинг и киберсквоттинг. Основным преступлением в контексте киберпреступности является хакерство, которое подразумевает нацеливание на сам компьютер². Обычно это включает в себя взлом компьютера или компьютерной системы, преднамеренное повреждение или нанесение ущерба и несанкционированный перехват компьютерных данных.

При анализе киберпреступлений интересно отметить, что в Интернете трудно установить вопрос о географических границах и серверах. Тем не менее, были приняты законы, направленные на регулирование киберпреступлений. Хотя международной конвенции не существует, хороший законодательный акт можно найти в контексте Европейского Союза. Совет Европы принял Конвенцию о киберпреступности в 2001 году. Она также известна как Будапештская конвенция.

Стоит отметить, что Будапештская конвенция, однако, также открыта для принятия другими сторонами. Основная цель конвенции – дать ответ на вызовы, возникающие в связи с развитием цифровой платформы. Будапештская конвенция считается наиболее значимым международным соглашением по киберпреступности и электронным доказательствам. В преамбуле Будапештской конвенции говорится о международном сотрудничестве в борьбе с киберпреступлениями³.

Это связано с тем, что в некоторых случаях преступники могут проживать не в той стране, в которой они фактически совершили преступление. Одной из проблем, актуальных при расследовании киберпреступлений, является проблема экстрадиции, когда сотрудничество может быть затруднено. Поэтому вполне логично, что Будапештская конвенция считает необходимым международное сотрудничество. В основе Будапештской конвенции лежит понимание необходимости предотвращения неправомерного использования сетей, систем и данных путем установления уголовной ответственности за определенные действия или поведение. Конвенция также осознает

¹ М.Н. Сирохи. Трансформационный Дименсион оф Сйберсрime. – НД, Индия: Алпха Едитионс, 2015. ИСБН 10: 8193142233 ИСБН 13: 9788193142233 – 290 п.

² Энциклопедия «Касперского»/База знаний/Уязвимости и хакеры/Кто такие «хакеры». – [Электронный ресурс] – Доступен по ссылке. – УРЛ: <https://енйслопедиа.касперский.ру/кноуледже/whо-ис-хаскер/> (Дата обращения 17.02.2022).

³ Н.И. Долженко, И.Г. Хмелевская. К вопросу о содержательных аспектах киберпреступности. – Научная статья НОМОТХЕТИКА: Философия, Социология, Право. 2020. Том 45, № 2 (315-322 стр.).

необходимость соблюдения основных прав человека, закрепленных в Конвенции Совета Европы о защите прав человека и основных свобод¹, Международном пакте ООН о гражданских и политических правах 1966 года² и других применимых международных договорах по правам человека. Что касается надлежащих процедур, то Конвенция содержит конкретные требования к членам, присоединившимся к ней. Согласно статье 14, государства-члены обязаны принять законодательные и иные меры, необходимые для проведения уголовных расследований или разбирательств. С точки зрения прав человека, Конвенция также создает обязательство в соответствии со статьей 15 должным образом учитывать права человека при установлении, осуществлении и применении полномочий и процедур. Далее Конвенция предоставляет свободу действий для принятия законодательства в отношении поиска и изъятия хранящихся компьютерных данных и получения данных о содержимом в соответствии со статьями 19 и 21 соответственно.

Появление киберпреступности как одного из самых серьезных преступлений в мире поставило перед правоохранительными органами новые задачи.

Одна из самых больших проблем, стоящих перед правоохранительными органами, связана с созданием законов против киберпреступности, поскольку в некоторых юрисдикциях не существует нормативно-правовых актов, охватывающих данный вопрос. Это связано с тем, что в некоторых юрисдикциях киберпреступность все еще считается новым явлением, особенно в странах третьего мира, где многие люди становятся жертвами киберпреступников. Согласно исследованию австралийского профессора Сюзан В. Бреннер, было установлено, что более 100 стран не имеют уголовного законодательства, достаточного для борьбы с киберпреступностью. Другое её исследование, в котором изучалось уголовное законодательство пятидесяти двух стран, показало, что тридцать три из них еще не обновили свои законы для борьбы с любым видом киберпреступности. Это свидетельствует о том, что в плане законодательства или международных статутах для обуздания этих киберпреступников практически ничего не сделано³.

В результате отсутствия законов о привлечении киберпреступников к ответственности число кибератак продолжает расти ежегодно, в то время как количество судебных процессов по киберпреступлениям, как уголовных, так и гражданских, снижается. В некоторых юрисдикциях существует множество законов о киберпреступлениях, но их исполнение – это уже другой вопрос. Жертвам таких преступлений может быть обидно, когда преступники не

¹ Конвенции Совета Европы о защите прав человека и основных свобод. – [Электронный ресурс] – Доступен по ссылке. – УРЛ: [хттпс://www.coe.int/ru/web/compacc/txe-europeen-convention-on-human-rights-and-its-protocol](http://www.coe.int/ru/web/compacc/txe-europeen-convention-on-human-rights-and-its-protocol) (Дата обращения 17.02.2022).

² Международном пакте ООН о гражданских и политических правах 1966 года. – [Электронный ресурс] – Доступен по ссылке. – УРЛ: [хттпс://www.легислатионлине.орг/ру/документс/ид/14580#:~:text](http://www.легислатионлине.орг/ру/документс/ид/14580#:~:text) (Дата обращения 17.02.2022).

³ Сусан В. Бреннер. Сйберсриме Инвестигатион анд Просесутион: Тхе Роле оф Пенал анд Проседурал Лав. Волуме 8, Нумбер 2 (Жуне 2001). – [Электронный ресурс] – Доступен по ссылке. – УРЛ: [хттп://классис.аустлии.еду.ау/ау/жоурналс/МурУЕЖЛ/2001/8.хтмл](http://классис.аустлии.еду.ау/ау/жоурналс/МурУЕЖЛ/2001/8.хтмл) (Дата обращения 18.02.2022).

привлекаются к ответственности. Это происходит по ряду причин, которые мешают сотрудникам правоохранительных органов выполнять свои обязанности, поскольку киберпреступления отличаются от обычных преступлений, с которыми они привыкли иметь дело. Одна из основных причин, по которой в Соединенных Штатах мало успешных судебных дел, заключается в требованиях, которые необходимы для того, чтобы успешно подать иск о нарушении данных. Для успешного судебного разбирательства жертвам утечки данных необходимо доказать “ущерб на самом деле” или то, что понесенный ими ущерб был конкретным и определенным, фактическим или неизбежным, а не предположительным или гипотетическим. Это часто трудно доказать, поскольку ущерб должен был возникнуть в результате утечки личной информации. Руководитель американских спецслужб по борьбе с киберпреступлениями Мелисса МакДонаф также утверждает, что жертвы киберпреступлений не могут доказать халатность со стороны компании, владеющей их персональной информацией, которая была бы взломана киберпреступниками. Далее МакДонаф отмечает, что это требование закона США о доказательстве “фактического ущерба” не позволяет многим делам даже возникнуть¹. При передаче дела о киберпреступлении в суд правоохранительные органы сталкиваются с различными проблемами. Первая проблема – атрибуция; обычно очень трудно найти реального человека, ответственного за киберпреступление. Это связано с тем, что киберпреступники обычно маскируют место своего происхождения, используя различные инструменты и методы сокрытия, такие как виртуальные частные сети.

Второй проблемой, которая является самым большим препятствием для передачи киберпреступлений в суд, является тот факт, что киберпреступления являются цифровыми и обычно пересекают границы стран. Многие хакеры действуют на международном уровне, что не позволяет сотрудникам правоохранительных органов преследовать этих лиц без экстрадиции. Например, в Республике Узбекистан многие киберпреступления, направленные против граждан и фирм, обычно происходят из таких стран, как Китай, Россия и США. Это определенным образом влияет на то, как сотрудники правоохранительных органов и подразделения МВД Республики Узбекистан по борьбе с киберпреступлениями занимаются киберпреступлениями, поскольку они не имеют юрисдикции в этих странах, а в некоторых случаях между этими странами нет договоров об экстрадиции. В результате поимка киберпреступников становится очень сложной задачей, потому что такие страны, как Япония, являются убежищем для киберпреступников, поскольку у них нет договора об экстрадиции с Узбекистаном. Другим фактором, который также затрудняет вынесение обвинительных приговоров, является вопрос о характере доказательств, доступных для киберпреступлений. Проблема с цифровыми доказательствами заключается в том, что они отличаются от обычных доказательств, поскольку являются хрупкими и могут быть легко

¹ Мелисса МсДонауэ. Тхе Диффисултиес оф Литигатинг Сйбер Сриме. / Чиефс, Сйбер Сриме Инвестигатионс, Емергинг Тхреатс, Легал, Просесуторс. Марч 30, 2016. – [Электронный ресурс] – Доступен по ссылке. – УРЛ: <https://www.иаспсйберсендер.орг/тхе-диффисултиес-оф-литигатинг-сйбер-сриме/> (Дата обращения 18.02.2022).

потеряны или испорчены. Поэтому обеспечение целостности доказательств и поддержание четкой цепочки хранения цифровых доказательств является сложной задачей. Этому не способствует тот факт, что некоторые изоцирненные киберпреступники могут настроить свои компьютеры на автоматическое уничтожение доказательств при доступе к ним кого-либо, кроме них самих. Проблемы, связанные с расследованием киберпреступлений, если их не решать тщательно, могут привести к будущим спорам между правительствами, о чем свидетельствуют недавние заявления для прессы Великобритании и США. Эти две страны обвиняют российское правительство в проведении скоординированной кампании по атаке и компрометации государственных сетей, частных компаний и поставщиков услуг критической инфраструктуры¹.

Интересная перспектива для размышления: какие нарушения происходят в контексте борьбы с киберпреступлениями. В попытке выследить преступников многие государства нарушают основные права в области Интернета. Например, имели место попытки и реальные нарушения права на неприкосновенность частной жизни. Чтобы проиллюстрировать этот факт, можно рассмотреть неспособность государств получить постановлением на проведение обыска при расследовании киберпреступлений. В Соединенных Штатах правительство попыталось принять Закон о борьбе с пиратством в Интернете, который предусматривал массовую слежку. Однако этот закон был отвергнут миллионами американцев на том основании, что во имя борьбы с пиратством будет введена цензура в Интернете. Еще одна проблема, получившая распространение в Соединенных Штатах Америки, — это подстрекательство. В данном случае правительство подстрекает людей, предрасположенных к совершению определенного правонарушения, к его совершению. Хорошим примером является ситуация, когда государство побуждает хакера взломать определенный компьютер в обмен на деньги, а затем арестовывает конкретного человека. Это, по мнению ряда ученых, представляет собой конституционный вопрос. То есть, если бы не вмешательство государства, преступление не было бы совершено. В Пекине предприятия, предоставляющие Интернет-услуги, были обязаны установить государственное шпионское программное обеспечение, иначе их лицензии будут аннулированы. Это подкрепляет аргумент о том, что правительства не обязательно заботятся о правах, пытаясь задержать преступления в Интернете. Помимо этих вопросов существа, проблемы, связанные с преследованием киберпреступлений, затрагивают и процедурные вопросы. Правам лиц, совершивших киберпреступления, не уделяется должного внимания. Например, осужденным за киберпреступления в Китае было отказано в соблюдении процессуальных норм. Кроме того, многие приговоры не соответствуют совершенным преступлениям. Например, Цао Хайбо был приговорен к 8 годам лишения свободы за продвижение демократии

¹ Варвиск Асхфорд. УК анд УС ассусе Руссиа оф таргетинг нетворк инфраструктуре. 16 Апри 2018 19:00. – [Электронный ресурс] – Доступен по ссылке. – УРЛ: [хттпс://www.computerweekley.com/news/252439099/УК-анд-УС-ассусе-Руссиа-оф-таргетинг-сритисал-инфраструктуре](http://www.computerweekley.com/news/252439099/УК-анд-УС-ассусе-Руссиа-оф-таргетинг-сритисал-инфраструктуре) (Дата обращения 19.02.2022).

в Интернете¹. Это дает основание утверждать, что необходимы четкие процедуры расследования киберпреступлений, судебного разбирательства и вынесения приговоров.

Интернет как платформа по-прежнему предоставляет множество возможностей. Несмотря на это, Интернет создает ряд проблем в сфере управления. Самый главный из них – как странам следует поступать с правонарушителями в Интернете? Как уже говорилось, проблема начинается с отсутствия консенсуса относительно того, что является киберпреступлением и какие права должны быть предоставлены в Интернете. Эта неопределенность дает возможность странам нарушать процедуры, а также права пострадавших. Именно на этом фоне в данной работе предлагается разработать международную конвенцию, которая будет подписана и принята всеми странами. На самом деле в международном праве существует вакуум в этом отношении. Хотя Будапештская конвенция Европейского Союза хорошо формулирует ряд киберпроблем, этот документ не имеет веса международного документа из-за присущего ему регионального характера. Создание такой конвенции, среди прочего, способствовало бы пониманию киберпреступлений. Более того, единый подход к киберпреступлениям особенно полезен в том смысле, что в Интернете существует множество вопросов юрисдикции. Во многих случаях правонарушение носит трансграничный характер, поэтому введение различных стандартов разными странами затруднит анализ. Еще одно предложение заключается в том, что все государства должны взять на себя обязательство соблюдать права человека в Интернете. Тот факт, что определенные операции происходят виртуально, не отменяет того факта, что права человека все равно должны соблюдаться. Соответственно, должна быть разработана теория этих Интернет-прав человека. Государства должны опираться на работу, которая была проделана над необязательной резолюцией Совета по правам человека ООН по поощрению, защите и осуществлению прав человека в Интернете. В эту работу также следует включить содержание Будапештских конвенций в части, касающейся киберпреступлений и прав человека. Важно отметить, что государства должны четко определить процедуры, которым необходимо следовать при преследовании киберпреступников. Такая ясность устранил произвол и заставит государства следовать надлежащему процессу при рассмотрении киберпреступлений. Нынешняя туманность в отношении процедуры, которой необходимо следовать, стимулирует государства использовать возможность пренебречь надлежащей правовой процедурой. С этим тесно связана и ясность в вопросе о том, какое наказание следует назначать за киберпреступления. Однако следует помнить, что при наличии предикатных преступлений они также должны приниматься во внимание при вынесении приговора.

¹ Оффисиал вебсите оф тхе Промотинг хуман ригхтс & емповеринг грассроотс активисм ин Чина. (Април 3, 2013) – [Электронный ресурс] – Доступен по ссылке. – УРЛ: <http://www.нчрд.org/2013/04/субмиссион-то-ун-он-сао-хаибо-април-1-2013/> (Дата обращения 19.02.2022).

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИОН-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

Сўнги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Бундан ташқари, миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштириш бўйича амалий чоратадбирлар кўрилмоқда. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида давлатнинг барча органларида амалга оширилаётган ислохотлар каби Ички ишлар органлари фаолиятида ҳам ушбу фаолият юзасидан самарали натижаларга эришилмоқда.

Ҳозирги кунда Ички ишлар органларининг кундалик фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор берилиб келиниши муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 2-моддасига мувофиқ, “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар” дейилиши, шунингдек, Конституциянинг 13-моддасида, “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади” дейилиши ҳамда Конституциянинг 14-моддасида “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади” дея таъкидланиши инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг конституцион ҳуқуқий асосини ташкил қилади. Ушбу фикрни исботлаш учун Конституциянинг 2, 13, 14-моддаларида баён этилган қоидаларни ўзаро боғлаб, таҳлил этиш лозим. Юқоридаги уч модданинг мазмун жиҳатдан бир-бирига боғласак, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг устунлиги принципи келиб чиқади. Эътиборни шу нарсага алоҳида жалб этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

* ИИВ Малака ошириш институти “Жанговар тайёргарлик” цикли ўқитувчиси

муқаддимасининг биринчи бошловчи мавзуси “инсон ҳуқуқлари” ғояси бўлиб, халқимиз ва давлатимиз ана шу масалада ўзининг инсон ҳуқуқларига чексиз содиқлигини эълон қилади. Асосий қонунимизнинг барча қоидалари мажмуи мушоҳада қилиб кўриладиган бўлса, Ўзбекистон давлати – конституциявий давлат ҳисобланади.

2016 йил 16 сентябрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонунига назар ташлайдиган бўлсак, қонунда “инсон ҳуқуқлари” ғояси концептуал аҳамиятга эга. Қонуннинг 2-моддасида Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонуннинг 5-моддасида таъкидланганидек, Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш, очиқлик ва шаффоқликдан иборат эканлиги таъкидланган.

Қонуннинг 8-моддасида “инсон ҳуқуқлари” ғоясининг таъминланиши янада кенгроқ ёритилган бўлиб, Ички ишлар органлари ўз фаолиятини фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш асосида амалга оширилиши, Ички ишлар органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, ҳимоя қилинишини таъминлаши, Ички ишлар органларининг фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чекловчи фаолияти, агар қонуний мақсадга эришилган бўлса ёки ушбу мақсадга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чеклаш орқали эришиб бўлмаслиги ёки эришилмаслиги кераклиги аниқланса, дарҳол тўхтатилиши, қийноқларга солиш, зўравонлик қилиш, бошқа шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситадиган тарзда муомалада бўлиш ички ишлар органи ходимига тақиқланиши, Ички ишлар органи ходими фуқарога қасддан оғриқ, жисмоний ёки маънавий азоб етказиладиган хатти-ҳаракатларга чек қўйиши шартлиги, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ички ишлар органлари фуқаронинг шаъни, қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли бўлган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмаслиги ва агар қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ички ишлар органлари ҳар бир фуқарога ўзларида мавжуд бўлган, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ҳужжатлар ҳамда материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шартлилиги назарда тутилган. Шунингдек, Ички ишлар органи ходими фуқарога мурожаат этганида ўз лавозимини, унвонини, фамилиясини, исмини, отасининг исмини айтиши, фуқаронинг талабига кўра, хизмат гувоҳномасини

кўрсатиши, шундан сўнг мурожаат қилишининг сабаби ва мақсадини маълум қилиши, фуқарога нисбатан унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи чоралар қўлланилган тақдирда, бундай чоралар қўлланилишининг сабабини ҳамда асосларини, шунингдек фуқаронинг шу муносабат билан юзага келадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга тушунтириши шартлиги келтирилган.

Ҳозирги кунда Инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи аҳамият жиҳатдан глобал даражада долзарб масала ҳисобланмоқда. Кўплаб давлатлар инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳисобга олган ҳолда турли соҳадаги муносабатларни тартибга солиш, жазоларни либераллаштириш, фуқаролик жамиятини куриш йўлида туб демократик ислохотларни амалга оширмоқда. Жумладан, 2020 йил 22 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармони инсон ҳуқуқларини таъминлаш тизимида янги ёндашувни жорий этди. Фармонга мувофиқ, инсон ҳуқуқларини барча жабҳаларда таъминлаш соҳасида янги тегишли ташкилот – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий Маркази ташкил этилиб, фаолиятда доимий мониторинг қилиб бориш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида доимий равишда тегишли вазирлик ва идораларга тегишли таклиф ва тавсияларини киритиб бориш, шунингдек, доимий равишда фаолият бўйича статистик таҳлил натижаларини оммага ҳавола этиб бориш ваколатлари белгиланди. Марказ инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда давлат олий таълим муассасалари, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга ихтисослаштирилган муассасалар (университет, институт, марказ, факультет, курслар), шунингдек, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари” ва “Бола ҳуқуқлари” бўйича ўқув курслари (дарсликлари)ни жорий этиш бўйича ўз таклифларини киритиш орқали амалиётда юқори натижаларга эришиши мақсад қилинган.

Мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалдаги ҳолатни ўрганиш натижалари, шунингдек БМТнинг шартномавий органлари, Ўзбекистонга ташриф буюрган БМТнинг махсус маърузачилари, универсал даврий ҳисобот ва бошқа халқаро механизмлар доирасида берилган тавсияларнинг тизимли таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида соҳада демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва изчил давом эттиришни. инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятини таъминлашнинг механизмларини тартибга солишда ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилишдаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш лозимлигини, давлат бошқаруви органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятини ўзаро ҳамкорликда амалга оширишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилиши кераклигини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормаларини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслар ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда шартномавий қўмиталарнинг хабарларини кўриб чиқиш юзасидан қарорларни бажаришнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш кераклигини тақозо этмоқда.

Таҳлилий-статистик маълумотларга таянган ҳолда шуни эътироф этиш мумкинки, Ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш жараёнида қуйидаги ютуқларга эришилди:

- Маъмурий, жиноий, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилиги такомиллаштириб борилмоқда ҳамда инсонпарварлик тамойилига янада мослаштирилмоқда. Афв этиш ва жамоат бирлашмаларининг кафиллиги остида шахсларни жазодан озод қилишнинг мутлақо янги тизими жорий этилди. Қорақалпоғистон Республикасининг Жаслик қўрғонида жойлашган ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясининг ёпилиши муҳим инсонпарвар воқелик бўлди. Қабул қилинаётган чора-тадбирлар натижасида озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳкумларнинг сони 2,5 баравар камайди;

- Мамлакатда узоқ вақтдан бери яшаб келиб, Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган 50 мингга яқин юртдошларимизнинг ана шу муаммоси ҳал этилиб, уларни Ўзбекистон фуқаролари сифатида тан олишнинг қонуний чоралари кўрилди. Прописка қилиш тизимидан хабар бериш хусусиятидаги рўйхатдан ўтказиш тизимига ўтиш ишлари амалга оширилди;

- Ички ишлар органларининг бошқарув тизими тўлиқ мақбуллаштирилиб, 85 % (2017 йилда 54 %) шахсий таркиб бевосита аҳоли учун қулай жойларда хизмат қилиши таъминланди. Бунинг учун ҳар 35-40 минг аҳолига фаолият кўрсатадиган кўшимча 261 та янги (2017 йилда 108 та) ички ишлар бўлимлари (ГОМ), йирик бозорлар, савдо мажмуалари ва аҳоли гавжум жойларда маҳаллий бюджет ҳисобидан 41 та янги ички ишлар бўлинмалари ташкил этилди;

- Ҳар бир раҳбар ва ходимнинг жиноятчиликка қарши курашишга бўлган қараши тубдан ўзгарди. Уларнинг кундалик хизмат фаолияти рақам ва фоизлар орқасидан қувиш эмас, балки фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш биринчи навбатдаги вазифага айланди;

- Жиноятчилик статистикасини юритишда халқаро ҳамжамият умумэътироф этган ижобий тажрибадан келиб чиқиб, 100 минг аҳоли сонига нисбатан ҳисобланиши йўлга қўйилди;

- Маҳаллаларда жиноят оқибатлари билан курашиш эмас, балки, барвақт олдини олишга ўтилди, яъни ҳар бир маҳаллага бир нафардан профилактика инспектори ажратилиб, уларнинг сони 9784 нафаргача (2017 йилда 5867 нафар) етказилди ва ўртача 3,5 минг аҳолига (2017 йилда 5,5 минг) хизмат қилиниши таъминланди;

- 2017 йилга нисбатан жиноятлар содир этилмаган маҳаллалар сони 3855 тадан (жами 9 015 та, 42,7 %) 4559 тага (жами 9 251 та, 49,3 %) кўпайди;

- Ички ишлар органларига келтирилаётган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли таъминлаш учун жами 1123 та алоҳида “Сўровхоналар” ташкил этилди ва барчаси видеокамераларга узлуксиз ёзиб олиниши қатъий белгилаб қўйилди;

- Жазони ижро этиш муассасаларида 3 мингдан зиёд видеокузатув мосламалари ўрнатилди. Маҳкум ва ҳибсга олинганларга адвокатлар ва Омбудсман билан ҳеч қандай қаршиликсиз учрашув қилиш учун имкониятлар яратилди;

- Маҳкумларга сайлаш, пенсия таъминоти ва ижтимоий суғурта олиш, касб эгаллаш, сифатли тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи берилди. Уларни меҳнатга тўлиқ жалб этиш орқали жамиятнинг муносиб вакили сифатида шакллантириш учун 114 та янги цехлар ташкил этилиб, қўшимча 4 896 та янги иш ўринлари яратилди;

- Содир этган жиноятдан чин кўнгилдан пушаймон бўлган 4 973 нафар маҳкумлар афв этилиб, уларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш ишлари йўлга қўйилди;

- Халқаро стандартларга жавоб берадиган ИД-карта, “биометрик” хорижга чиқиш паспорти ва ҳайдовчилик гувоҳномасининг янги намуналари амалиётга жорий этилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи демократик тизимга эга давлатнинг ривожигаги ўзига хос хусусияти ҳисобланиб, ҳуқуқий маданият юқори даражада шаклланган фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатади.

*К.С.Бейсенов**

*Ф.Ахмедов**

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МАЗМУН - МОҲИЯТИ.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдигаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, Республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифаси қўйилганлиги кўрсатилган¹.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2021 й.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ривожланган мамлакатлар ичида ўзининг Конституцияси ва амалга ошираётган ислохотлари билан ўзига хос нуфузга эга. Жумладан, мустақилликнинг ўтган қисқа даври мобайнида суд-ҳуқуқ ислохоти соҳасида амалга оширилган ишлар кўлами бир неча ўн йилликларга тенгки, уни алоҳида ўрганиб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ ва виртуал қабулхоналари, шунингдек, Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхоналари алоҳида ўрин эгалламоқда. Жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш, Конституция устуворлиги, қонун олдида тенглик, инсонпарварлик, адолатлилик, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, суд жараёнида тортишув тамойилларини татбиқ этиш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, «Ҳабеас корпус» институтини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар қабул қилинди.

Инсон ҳуқуқлари инсон ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган бўлиб, инсон ҳуқуқларидан амалда фойдаланиш ҳар бир шахснинг ўз ҳаётини эркин қуриши ва ўз тақдирини ўзи белгилаши, тенглик ва инсон қадр-қимматини ҳурмат қилишга кўмаклашади. Инсон ҳуқуқлари фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, шунингдек, жамоавий ҳуқуқлар мажмуидир.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, низоларни судгача ҳал қилишда ва тарафларни яраштиришда адвокатларнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди.

Судларда ишларни кўриб чиқишда адолатни, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш учун «электрон одил судлов» тизими жорий этилди. Аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизими, шунингдек, Advice.uz ҳуқуқий маълумотлар тизимининг имкониятларини кенгайтириш ҳамда фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар хизматини кўрсатувчи «Мадад» нодавлат нотижорат ташкилотини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари, фикр, сўз ва виждон эркинлигини таъминлашда жамият ва давлат бошқарувидаги кенг қамровли туб ўзгаришлар катта аҳамият касб этмоқда. Парламент ва жамоатчилик назоратининг самарали механизмлари мустаҳкамланди. Вазирлар Маҳкамасининг парламент олдидаги масъулияти сезиларли даражада кучайтирилди. «Электрон парламент» ва «Электрон ҳукумат» тизими ривожлантирилиб, давлат хизматларининг турлари кенгайтирилди.

Олий Мажлис палаталари томонидан инсон ҳуқуқларининг ҳолати тўғрисидаги маърузалар, инсон ҳуқуқларини таъминлашда халқаро ва минтақавий механизмлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича миллий ҳаракат режалари (йўл хариталари)ни тасдиқлаш амалиётининг йўлга қўйилиши ҳам қонун ижодкорлигида янги муҳим қадам бўлди.

Шунингдек, маъмурий, жиноий, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилиги такомиллаштириб, инсонпарварлик тамойилига янада

мослаштирилди. Афв этиш ва жамоат бирлашмаларининг кафиллиги остида шахсларни жазодан озод қилишнинг мутлақо янги тизими жорий этилди. Қорақалпоғистон Республикасининг Жаслик кўрғонида жойлашган ихтисослаштирилган умумий тартибли жазони ижро этиш колониясининг ёпилиши муҳим инсонпарвар воқелик бўлди. Қабул қилинаётган чоратадбирлар натижасида озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳкумларнинг сони қарийб, икки ярим бараварга камайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолияти тубдан такомиллаштирилиб, бола ҳуқуқлари бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил лавозимлари жорий қилиниб, жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида қатъий интизом ва қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, маҳкумларни сақлаш ҳолати устидан назорат олиб боришни таъминлаш мақсадида улар билан яқка, гуруҳ ва оммавий тартибда учрашувлар ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, жазони ижро этиш колонияларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан ариза ва шикоят қутиларининг ташкил этилиши ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Шу билан бир қаторда, фуқароларнинг ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини таъминлашнинг ноёб тизими яратилди. «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Ёшлар — келажагимиз», «Беш ташаббус» каби 20 дан зиёд давлат ижтимоий дастурлари ва концепциялари амалга оширилди. БМТ барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида миллий мақсадларни рўёбга чиқариш, инсон тараққиёти бўйича юқори индексга эга бўлган (интеллектуал салоҳияти, саводхонлиги, инсоннинг ўртача умр кўриш давомийлиги) давлатлар даражасига эришишга, ижтимоий соҳага инновацияларни кенг жорий этишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинди.

Таълим ва тарбия соҳасида ҳам кенг қўламли туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. 2025 йилга бориб, 3-7 ёшдаги болаларнинг 74,5 фоизини мактабгача таълим билан қамраб олишни назарда тутувчи мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепцияси ҳаётга жорий этилди. Натижада, 11 йиллик мактаб таълими тизими қайта тикланиб, бугунги кунда юртимизда давлат, нодавлат ва хорижий олий ўқув юртларининг сони ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Женева шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида иштирок этиб, илк бор нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида мамлакатимизда 2021-2023 йиллар даврида ушбу тузилма аъзоси сифатида устувор йўналишларига эътибор қаратилиб, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан биргаликда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қабул қилинганининг 10 йиллигига бағишланган глобал форумни ўтказиш таклифи ҳам алоҳида ўринга эга.

Кейинги йилларда БМТ Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастурига асосан, «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирлар ижроси бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда¹.

Президентимиз фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбияга алоҳида урғу берилган. Бу борада мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларида, академик лицей ва коллежларда, шунингдек олийгоҳларда «Инсон ҳуқуқлари», «Аёллар ҳуқуқлари», «Бола ҳуқуқлари» ўқув курсларини жорий этиш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази қошида инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасида кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил этилган бўлиб, ушбу курслар БМТнинг бир қатор йирик тузилмалари ҳамда ЕХҲТ лойиҳалари координатори билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Хусусан, 2020 йил декабрь ҳолатига кўра, 500 дан ортиқ раҳбар кадрлар тингловчи сифатида иштирок этиб, ўз малакасини оширди.

Ўзбекистон миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган бир даврда миллий ҳуқуқий тизимни тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва малакали юридик кадрларни тайёрлаш бўйича жиддий ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-6012-сон фармони ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 ноябрь кундаги “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда катта ҳисса қўшган фуқароларни рағбатлантириш тўғрисида”ги 685-сон қарорига асосан, «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун» кўкрак нишони таъсис этилиб, фуқаролик жамияти институтлари, таълим муассасалари, давлат органларининг 12 нафар вакиллари тақдирланди².

Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби комиссия хулосаси асосида марказ директорининг кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи ҳар йили 1 декабрь кунига қадар чиқарилади ва ҳар йили 10 декабрь — Халқаро инсон ҳуқуқлари куни арафасида тантанали тарзда топширилади.

Кўкрак нишони билан тақдирланганларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида пул мукофоти ёки эсдалик совғалари берилади.

Кўкрак нишони билан тақдирланганларнинг рўйхати марказнинг расмий веб-сайтида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб, кўкрак

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Женева шаҳрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-6012-сон фармони.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 ноябрь кундаги “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда катта ҳисса қўшган фуқароларни рағбатлантириш” номли 685-сон қарори

нишони билан тақдирланади. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам бир қатор вазифалар белгилаб олинди. Аҳолининг сифатли тиббий-санитария хизматларидан фойдаланиш имконияти кескин даражада ошди. Энг асосийси, мамлакатдаги ўртача умр кўриш даражаси 1990 йилдаги 67,2 ёшдан 2020 йилга келиб, 74,6 ёшга етди, оналар ўлими бир ярим баравар ҳамда болалар ўлими эса тўрт бараварга камайди.

Кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, меҳнат мигрантлари, болалар, ёшлар, аёллар, катта ёшдагиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Оила институтини мустаҳкамлаш бўйича концепция қабул қилинди. Ушбу концепцияга асосан, оилавий можароларни ҳал этиш механизмлари, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари жорий этилди.

Гендер тенгликни таъминлаш мақсадида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, 2019 йилда қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги, «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидан. Хотин-қизлар учун 197 та зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш, ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича 200 дан ортиқ инновацион мактаблар ташкил этилди. Эркаклар ва аёллар учун никоҳ тузишнинг минимал ёши ўн саккиз ёш этиб белгиланди¹.

Халқаро сайлов стандартларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилиниб, унинг асосида 2019 йил 22 декабрда «Янги Ўзбекистон — янги сайловлар» шиори остида бўлиб ўтган сайловларда илк бор 5 та сиёсий партия иштирок этди. Сайловларнинг очиқ-ойдин халқаро стандартлар асосида ўтказилишини назорат қилиш учун 50 га яқин давлат ҳамда 10 та халқаро ташкилотдан 825 нафар кузатувчи, жумладан, биринчи марта Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси иштирок этди². Мамлакатда узоқ вақтдан бери яшаб келиб, Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган 50 мингга яқин юртдошларимизнинг ана шу муаммоси ҳал этилиб, уларни Ўзбекистон фуқаролари сифатида тан олишнинг қонуний чоралари кўрилди. Прописка қилиш тизимидан хабар бериш хусусиятидаги рўйхатдан ўтказиш тизимига ўтиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Барча иқтисодий ва ижтимоий дастурлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган инвестицион лойиҳалар янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи

¹ www.стратег.уз

² Халқ сўзи.Инфо@[com.уз.

шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилиб, бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун ва моҳиятлари тушунчаларининг мос равишда ишлатилиши улар ўртасида қатъий фарқ борлигини билдирмайди. Инсоннинг шахсий ва сиёсий турмуш соҳасидаги айрим қонуний ҳуқуқлари давлатнинг асоссиз аралашувидан ҳимояланиш мақсадида тарихан эркинлик сифатида шаклланган.

Бир сўз билан айтганда, инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, юртимизда кечаётган улкан ўзгаришлар ва янгиланишлар даврида аввало, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш энг муҳим вазифалардан бири саналади.

*К. С. Бейсенов.**
*Ў. М. Отаев.**

ҚИЙНОҚҚА СОЛИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ АМАЛИЁТИ

“Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш доирасида биз одамнинг кадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўймаймиз. Бундай жиноятлар қачон содир этилганидан қатъий назар, улар учун жазо муқаррардир”.

Шавкат Мирзиёев¹.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтириш, жумладан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо

* Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли ўқитувчиси.

* Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли ўқитувчиси.

¹ Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 22 февралдаги БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқи.

турларини қўллаш ҳолатларига мутлақо йўл қўймаслик мақсадида Ички ишлар органлари фаолиятида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Халқаро ҳуқуқ нормаларида қийноқларни тақиқлаш тарихига назар ташласак, дастлаб уруш даврида содир этилган қийноқлар уруш жинояти ҳисобланган ва 1949 йилда Женева конвенцияси билан тақиқланган. Шунингдек, унга биринчи қўшимча протокол ҳамда халқаро бўлмаган курулли можароларга оид иккинчи қўшимча протоколга дунёнинг барча давлатлари қўшилганлиги учун уруш пайтида қийноқларни тақиқлаш универсал ҳисобланган.

Қийноқларга қарши кураш соҳасидаги асосий халқаро ҳужжат БМТ Бош Ассамблеясининг 1984 йил 10 декабрдаги 39/46-сонли резолюцияси билан қабул қилинган “Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларига қарши Конвенция” ҳисобланади, ушбу Конвенция қийноқлар бўйича универсал юрисдикция деб аталувчи ҳуқуқни ўрнатди. Демак, қийноқлар содир этган шахслар фуқаролигидан ва қилмишни содир этган жойидан қатъий назар, ҳар қандай давлат ҳокимияти органлари томонидан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Халқаро Жиноят Судининг Рим Статутига кўра, қийноқлар ҳар қандай тинч аҳолига қарши кенг миқёсли ёки тизимли ҳужумнинг бир қисми сифатида содир этилган бўлса, инсониятга қарши жиноят ёки у ёки бу шахсларга қарши қаратилган бўлса, уруш жинояти ҳисобланади.

Қийноқларни тақиқлаш нормалари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, 1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда, Уруш қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияларда, шунингдек геноцид, апартеид, қуллик ҳисобланади.

1984 йилги Конвенцияга риоя этилишини назорат қилиш учун унинг 17-моддаси асосида Қийноқларга қарши қўмита тузилиб, у 1988 йил 1 январда иш бошлаган. Қўмита йиғилишлари (йилига икки марта) Женевада ўтказилади. 1997 йилда БМТ Бош Ассамблеяси ҳар йили 26 июнь қийноқлар қурбонларини қўллаб-қувватлаш халқаро куни деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикасида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жавобгарлик бўйича халқаро стандартлар ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилиш амалиётини жорий қилиш мақсадида БМТнинг “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция”сини 1995 йили ратификация қилди.

"Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларига қарши Конвенция"да қийноқ тушунчасига таъриф берилган, қийноқнинг таърифи шундай исталган ҳаракатни англатадики, у билан қандайдир шахсга ундан ёки учинчи шахсдан маълумотлар ёки эътироф олиш, уни у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этишда у гумон қилинадиган ҳаракат учун жазолаш, шунингдек уни ёки учинчи шахсни қўрқитиш ёки зўрлаш мақсадида, ёки бундай оғриқ ёки азоб давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий сифатдаги бошқа шахс ёки уларнинг гижгижлаши билан ёки уларнинг хабардорлигида ёки индамай

розилиги билан ҳар қандай тусдаги камситишга асосланган исталган сабаб бўйича атайлаб кучли оғриқ ва азоб берилади. Бу таърифга қонуний санкциялар натижасида пайдо бўладиган шу санкциялардан ажралмас ёки улардан тасодифан чиққан оғриқ ёки азоблар кирмайди¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахсининг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказиши мумкин эмас.”² деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида “Қийноқларга солиш, зўравонлик қилиш, бошқа шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситадиган тарзда муомалада бўлиш ички ишлар органи ходимига тақиқланади. Ички ишлар органининг ходими фуқарога қасддан оғриқ, жисмоний ёки маънавий азоб етказиладиган хатти-ҳаракатларга чек қўйиши шарт.”³ деб белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, қийноққа солишнинг барвақт олдини олиш ва бартараф этиш, у билан боғлиқ муурожаатларни тезкор равишда ҳолисона кўриб чиқиш, гаупвахта, махсус қабулхона, вақтинча сақлаш ҳибсхонаси, тергов ҳибсхонаси, жазони ижро этиш муассасаси, интизомий қисм, мажбурий даволаш муассасаларида сақланадиган жойларга мониторинг таърифларини мунтазам амалга ошириш бўйича самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш ишлари давом эттирилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 4 апрелда имзоланган “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 470-сон қонунига мувофиқ, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жавобгарлик масалалари кучайтирилди.

Айнан ушбу қонун асосида, Жиноят кодексининг 235-моддасига ўзгартиришлар киритилди. Бунга асосий сабаб, жиноят қонунчилигида ушбу моддага тузатишлар киритилгунга қадар, унда қатор расмий тўсиқлар мавжуд бўлганлигидир, айрим ҳолларда қийноққа солишда шерик бўлган шахсларни айни мазкур модда бўйича жавобгарликка тортиш имконияти мавжуд бўлмаган. Жиноят қонунига киритилган тузатишлар билан эндиликда қонунчиликдаги ушбу бўшлиқлар бартараф этилди.

¹ 1984 йил 10 декабрдаги “Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши Конвенция”нинг 1-моддаси.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2021 йил. 11-бет

³ 2016 йил 16 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддаси.

Бундан ташқари ушбу қонун доирасида:

Биринчидан, жабрланувчи бўлиши мумкин бўлган шахслар доираси кенгайтирилди. Аввал гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига, жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар қийноққа солиш деб эътироф этилган бўлиб, эътибордан четда қолдирилган, маъмурий қамоққа олинган шахслар, маҳкумлар, судланувчилар (ҳақиқатда аниқлик киритилди, сабаби айбланувчи судда судланувчи деб номланади, Жиноят процессуал кодексининг 45-моддасига қаранг), шунингдек уларнинг яқин қариндошлари Жиноят кодексининг 235-моддасида эҳтимолий жабрланувчи бўлиши кўрсатиб ўтилди.

Иккинчидан, ушбу модда бўйича жавобгарликка тортиладиган шахслар доираси кенгайтирилди. Шу пайтгача унга: суриштирувчилар, терговчилар, прокурорлар ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёхуд жазони ижро этиш муассасаларининг бошқа ходимлари кирар эди. Тергов ҳибсхоналари, ҳарбий тузилмалар “тушиб қолган эди”. Эндиликда, Жиноят кодексининг 235-моддаси бўйича нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки исталган бошқа давлат органининг ходимлари ҳам жавобгарликка тортилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, жиноят қонунчилигидаги айрим низоли жиҳатларга барҳам берилди, яъни кўпчилик бевосита давлат органининг ходими томонидан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, жисмоний ёки руҳий азоб бериш йўли билан ёки қонунга хилоф содир этилган бошқа ҳаракатларни қийноққа солиш деб ҳисоблар эди. Эндиликда аниқ белгиланишича, шахснинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан бундай қилмишнинг содир этилиши ҳам Жиноят кодексининг 235-моддаси бўйича қийноққа солиш деб баҳоланадиган бўлди. Ҳақиқатда бу қийноққа солиш факти ҳақида билган, бироқ тегишли чораларни кўрмаган (ҳеч бўлмаганда мазкур жиноят ҳақида хабар бермаган) барча давлат органларининг ходимлари жиноятчи деб ҳисобланишини англатади.

Жиноят процессининг асосий принципларидан бири — ҳақиқатни аниқлашни тартибга солувчи Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасига янги тартиб киритилди: далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа экспертиза ўтказилган ҳолда мажбурий текширилиши лозимлиги қатъий белгилаб қўйилди.

Учинчидан, жиноят даражасини белгиловчи янги аломатлар (оғирлаштирадиган ҳолатлар) киритилди, икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан, ҳаётга ва соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган ашёлар қўлланилиб, далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) мақсадида қийноққа солиш каби тушунчалар киритилди.

Тўртинчидан, ушбу модданинг санкцияси кучайтирилди. Жиноят кодексининг 235-моддаси биринчи қисми (жиноят даражасини белгиловчи аломатларсиз) бўйича уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд

озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазо белгиланди. Илгари юқори жазо уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш бўлган.

Жиноят кодексининг 235-моддаси иккинчи қисмида (жиноят даражасини белгилловчи аломатларсиз) эндиликда беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутиладиган бўлди.

Агар ушбу ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатиб ўтилди¹.

Бу борада миллий қонунчилигимизнинг халқаро ҳуқуқ нормалари стандартларига мослаштирилиши, қийноққа солиш борасида содир этиладиган жиноятларнинг шунингдек, шикоят ва эътирозларнинг сезиларли даражада камайишига олиб келади.

*М. Х. Ачилов.**

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИ МУАММОЛАРИНИ АНИҚЛАШДА “МАҲАЛЛАБАЙ” ҲАМДА “ФУҚАРОБАЙ” ИШЛАШ ТИЗИМИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ЎРНИ.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадда ҳудудларни секторларга бўлиб, ишни ташкил этиш тизимининг жорий этилганлиги халқ билан манзилли мулоқотнинг йўлга қўйилишига имкон яратди.

«Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир», «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», «Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак». Президент Шавкат Мирзиёевнинг эл-юртимиз қалби ва онгидан чуқур жой олган бу сўзлари бугун мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислоҳотларни ҳаракатлантирувчи қудратли кучга, таъбир жоиз бўлса, уларнинг ғоявий ўзагига айланди. Халқимизнинг ҳаётий талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, одамларимизни рози қилиш йўлидаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 4 апрелда имзоланган “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 470-сон қонуни.

* Малака ошириш институти Махсус касбий-фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

залворли ишлар айнан ана шундай эзгу ва ҳаётбахш ғоялар асосида олиб борилиб, тобора янги маъно ва мазмун билан бойиб бормоқда. Бундай тарихий ўзгаришлар силсиласида халқ билан мулоқот қилиш, мурожаатлар билан ишлаш бўйича тамомила янги тизимга асос солингани, халқаро миқёсда ноёб тузилма сифатида кенг эътироф этилаётган Президент виртуал қабулхонаси ва халқ қабулхоналари институти яратилгани шубҳасиз марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳозирги пайтда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинганда бир қатор камчиликлар мавжуд экани маълум бўлди. Ана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда Президент фармонида мувофиқ, 2019 йил 1 февралдан бошлаб, халқ қабулхоналарининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалдаги тизими билан бир қаторда, халқ қабулхоналарининг муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишини, давлат органларининг аҳоли билан бевосита ишлашини назарда тутувчи янги тизим жорий қилинди.

Мазкур янги тизимнинг **биринчи** ўзига хос томони шундаки, бундан буён халқ қабулхоналари ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлайди ҳамда ҳал қилинишини таъминлайди, яъни энди халқ қабулхоналари мурожаат келиб тушишини кутиб ўтирмайди, ўзи масъул бўлган ҳудудда мавжуд бўлган муаммоларни уйма-уй, объектма-объект юрган ҳолда аниқлайди.

Мазкур янги тизим жорий этилишининг асосий сабаби мурожаатлар билан ишлашнинг амалдаги тизими аҳолининг мавжуд муаммоларини тўлиқ қамраб олиш ва тезкорлик билан ҳал қилиш имконини бермаётгани билан боғлиқ. Чунки, барча давлат органлари каби халқ қабулхоналари ҳам ўз фаолиятида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш амалиётидан фойдаланиб келмоқда. Бу эса фақат мурожаат туфайли юзага қалқиб чиққан муаммоларнигина рўйхатга олиш ҳамда у ёки бу тарзда муносабат билдириш имконини беради, холос. Нега деганда, одам ариза ёки шикоят билан мурожаат қилмаса, бу унда умуман муаммо йўқ, дегани эмас. Айниқса, сабр-қаноат ва шукроналикни ҳаёт мазмуни, орияту ғурурни улуғ қадрият даражасида эъзозлайдиган халқимиз ўртасида дарду-ташвиш қийнаб турган бўлса-да, бу ҳақда маҳалла-кўй, мутасадди идора ва ташкилотларга мурожаат қилишни ўзига эп кўрмайдиган, истиҳола қиладиганлар кўп. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси билан мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш, мурожаатлар билан ишлаш ва аҳоли муаммоларни ҳал этиш соҳасида янги даврга қадам кўйилмоқда.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бундан буён давлат органлари халқ қабулхоналари бошчилигида ўзлари масъул бўлган ҳудудларда маҳаллама-маҳалла, кўчама-кўча, уйма-уй юриб, ҳар бир хонадон, ҳар бир оила муаммоларини ўрганиб, уларни ҳал қилиш чораларини кўради. “Қасални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал” деганларидек, муаммо ҳақида кимдир мурожаат келиб келишини кутиб ўтирмасдан, халқ ичига, одамлар

орасига чуқур кириб бориб, улар дуч келаётган муаммоларни эрта аниқлаб, ҳал қилиш янги тизимдан кўзланган бош мақсад ҳисобланади.

Бинобарин, бевосита мулоқот, юзма-юз учрашувларнинг таъсир кучи янада кўпроқ бўлиб, бундай жонли суҳбатлар жараёнида қоғозларга сиғмай қолган тафсилотлар ойдинлашади, ортиқча оворагарчиликларсиз у ёки бу масалага дахлдор янги ва қўшимча маълумотларни аниқлаштириб олиш имконияти катта бўлади.

Яна ҳам муҳим бир жиҳат борки, бу ҳақда алоҳида айтиб ўтиш айтиш айтиш муддаодир. У ҳам бўлса, бундай иш тизими наинки одамларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилишда, балки уларнинг юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, давлатимиз ва жамиятимизни ҳар томонлама ривожлантиришга доир таклиф ва тавсияларини жамлашда ҳам таъсирчан воситага айланади.

Мазкур тадбирнинг мантиқий давоми сифатида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлимлари фаолияти ҳамда улар кўрсатадиган хизматларга оид тартиб-қоидалар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, мобиль иловалар, веб-сайтлар, электрон тўлов воситалари орқали аҳолига тўлиқ ва тезкор етказилишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши фуқароларимизнинг ҳам вақтини, ҳам маблағини тежашга хизмат қилади.

Шу билан бир қаторда, 2019 йилнинг 1 июлига қадар, барча давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг вилоят бўлинмалари веб-сайтларини, 2020 йилнинг 1 январига қадар туман ва шаҳар бўлинмалари веб-сайтларини ташкил қилиш вазифаси қўйилгани фуқароларнинг давлат органларининг ҳудудий бўлинмаларига бевосита электрон тарзда мурожаат қилиш имкониятини яратди.

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”. Президентимиз томонидан илгари сурилган ва бугун ҳаётимиздан тобора чуқурроқ ўрин олаётган ушбу тамойил юртдошларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига замин яратмоқда. Бугун пойтахт Тошкент шаҳридан то мамлакатимизнинг энг узоқ ҳудудида яшаётган юртдошимизга қадар ислохотларнинг реал натижасини ўз ҳаётида кўра бошлагани, бу янгиланишлар минглаб оилалар ҳаёти, миллионлаб инсонларнинг онги, қалби ва дунёқараши ўзгаришига ҳам туртки бўлаётгани бунинг яққол исботидир. Президентимизнинг “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони халқ қабулхоналари фаолиятини янги босқичга кўтариши баробарида ислохотларнинг таъсирчанлигини янада оширишга, халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиши учун янада кенг имконият ва шарт-шароитлар яратишга хизмат қилиши шубҳасиз.

2019 йил 1 февралдан бошлаб, муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишни янги тизимига асосан халқ қабулхоналари, секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар вакилларида иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, Республика ҳудудларидаги барча туман ва шаҳарлар секторларида ўрганишлар ўтказилди. Аҳоли муаммоларнинг ўрганилиши ҳамда

уларнинг ўз вақтида ечими топилиши бевосита Президент Администрацияси томонидан назоратга олиниб борилди.

Уйма-уй юриш ва аҳоли билан учрашиш жараёнида 2 та асосий вазифа бажарилади:

биринчидан, мамлакатимизда бугунги кунда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсади ва моҳияти тушунтирилади;

иккинчидан, хонадонда, оилада мавжуд муаммолар аниқланади ҳамда уларни иложи борича жойларда ҳал қилиш чоралари кўрилади.



Ўтган йилнинг апрель оyi ҳолатига кўра, Республика бўйича жами 2,6 млн. дан ортиқ хонадонлар ўрганилиб, муаммоси мавжуд бўлган 261,2 минг та хонадонда яшовчи фуқаролар билан яқка тартибдаги ўтказилган суҳбатлар натижасида 273,4 минг та турли йўналишдаги масалалар аниқланган.

Аниқланган муаммоларнинг энг кўпи бандлик (19,9%), суюлтирилган газ (газ баллон) етказиб бериш (16,4%), соғлиқни сақлаш (9,9%), уй-жой (9,8%), банк кредити (5,8%), моддий ёрдам (5,7%), кадастр (4,1%), ичимлик суви (2,9%), электр энергия таъминоти (1,9%), табиий газ (1,6%), паспорт (1,3%), мактабгача таълим (1,6%) билан боғлиқ масалаларга тўғри келади.

Ҳозирги вақтда жойларда уйма-уй юриш натижасида аниқланган ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни сектор раҳбарлари, халқ қабулхоналари ва бошқа ташкилотлар ходимлари биргаликда ҳал этиш чораларини кўрмоқда.

Мисол тарзида Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида олиб борилган ҳайрли ишларни келтирсак бўлади. Хусусан, 21 та маҳалладаги ички йўлларда 1,8 км. асфальт ётқизилди, 3100 метр ички йўллар таъмирланди. Умумий

фойдаланувдаги автомобиль йўлларининг 450 кв. метри таъмирдан чиқарилди. Мазкур мақсадлар учун 1,7 млрд. сўмлик ишлар амалга оширилган.

Аҳолининг саломатлигини тиклаш ва муҳофаза қилиш ишлари ҳам диққат-эътиборда. 14 241 нафар фуқаро тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилган. Касаллик аниқланган 3 346 нафар фуқаро амбулатор, 122 нафари шифохонага даволанишга ётқизилди, 23 нафари вилоят ва 3 нафари Республиканинг ихтисослаштирилган шифохоналарига жўнатилди. Шу билан бирга, 59 нафар фуқарога нафақа тайинлаш бўйича тегишли идораларнинг қарорлари қабул қилинишига эришилган. Албатта, уйма-уй юриш орқали муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишга қаратилган ушбу тизим давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг халққа яқин кўмакчи бўлишига, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтиришга, фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, секторлар доирасида ишларни ташкил этиш сифатини оширишга кенг имкониятлар яратади.

Сектор штаблари томонидан бириктирилган ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, кунига 40 тадан кам бўлмаган, лекин сифат даражасини таъминлаш мақсадида 50 тадан ошмаган хонадонларда ўрганишлар ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлишлиги Президентимизнинг ушбу йўналишдаги қарорлари билан белгилаб қўйилган.

Аниқланган муаммоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартиби куйидагича амалга оширилади:

1. Ўрганиш натижасида аниқланган муаммоларни имкон даражасида жойида ёки маълум муддатда ҳал этиш юзасидан барча чоралари кўрилади;

2. Туман (шаҳар) миқёсида ҳал қилиб бўлмайдиган, бироқ зудлик билан чора кўриш талаб этиладиган муаммолар (масалан, онкологик касаллик, жигар циррози ва ҳ.к) аниқланган тақдирда, сектор раҳбари вертикал бошқарув тамойилига мувофиқ, вилоят сектор штабига мурожаат қилади ва унинг кўмагида масалани оператив ҳал қилиш чорасини кўради;

3. Сектор штаби аъзолари ўзларига бириктирилган йўналишлар бўйича аниқланган муаммоларни ҳал қилишга масъул ҳисобланади;

4. Аниқланган муаммолар ягона электрон ахборот тизимига киритилиб, секторлар томонидан таҳлил қилинади ҳамда йўналиши ва масаласига қараб муаммолар туман (шаҳар) – вилоят – республика даражасида ҳал қилиш учун ажратиб олинади;

5. Туман (шаҳар) даражасида кўриб чиқилиб, ҳал этиладиган муаммолар сектор раҳбари томонидан туман (шаҳар) давлат органлари ва бошқа ташкилотларга бартараф этиш учун юборилади ва ижроси бўйича котиб томонидан назорат қилиб борилади;

6. Вилоят ва Республика даражасида кўриб чиқилиб, ҳал этиладиган муаммолар туман (шаҳар) сектор раҳбари томонидан вертикал бошқарув тизими бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри секторларига юборилади.

Мазкур ҳаракатларни амалга оширилиши аҳоли муаммоларини аниқлаб, ўз вақтида уларга амалий ечимлар излаб фуқароларни турли давлат ташкилотларига сарсон-саргардон бўлишларини олдини олади. Бу эса ўз

навбатида, фуқароларнинг давлатимиз олиб бораётган сиёсатни ва Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни тўғри тушуниб, бугунги кундан рози бўлиб яшаш кайфиятини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чоратadbирлар тўғрисида”ги қарори худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир қабул қилинаётган ҳужжатлар ва дастурларнинг, айниқса, қуйи поғонада сўзсиз амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган. Мазкур ҳужжат ижроия ва вакиллик ҳоқимияти органларининг аҳоли дуч келаётган мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларга ўз вақтида барҳам бериш ҳамда худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳолатини доимий ва манзилли ўрганиш борасида ҳамкорликда олиб бориладиган тизимли фаолиятини ташкил этишни назарда тутди.

Жойларда ишни ташкил этишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар худудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларга бўлишни назарда тутадиган мутлақо янги тизим жорий этилади.

Мамлакатимиздаги 14 та худуднинг ҳар бирига Бош вазир ва унинг ўринбосарлари бириктирилади. Бунда улар томонидан ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан орқада қолаётган 69 та туман ва шаҳарларнинг жадал ривожланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳоқимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати худудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладилар. Улар жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган тизимли ишларни бажармоқдалар.

Барчамизга маълумки, давлатнинг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш ва уни янада кўтариш аввало, фуқароларнинг ишбилармонлигини оширишдан, уларда ўрта ва кичик бизнесга нисбатан қизиқишини оширишни ҳамда юритишларини қўллаб - қувватлашдан бошланади.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кейинги йилларда қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган бир қанча қонунлар ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинган. Уларнинг натижасида 2020 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 66.9 %ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2007 йилда 45.7 % эди. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ўзига хос хусусиятларига эга. Жумладан, янги иш ўринларини очиш эвазига бандлик масаласини ҳал қилади, иш билан таъминлаш эвазига ходимларнинг фаровонлигини оширади, янги ўрта мулкдорлар қатламини шакллантириш эвазига ижтимоий барқарорликни таъминлаш имконини

яратади, одамларда мулкдорлик ҳиссини уйғотади, боқимандалик руҳиятидан воз кечилиб, ташаббускорлик руҳияти шаклланади. Шу туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни мамлакат миқёсида ва унинг ҳар бир ҳудудида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларига қуйидаги масалаларни киритиш мумкин бўлади:

– биринчидан, катта маблағ ва кўп вақт талаб қилмасдан фаолиятни юритиш имкониятининг мавжудлиги;

– иккинчидан, асосан хусусий мулкка асосланган ҳолда ривожланиши;

– учинчидан, оилавий тадбиркорлик ва оилавий корхона мақомида фаолият кўрсатиши;

– тўртинчидан, мазкур соҳанинг асосан хизмат кўрсатишга қаратилганлиги;

– бешинчидан, иш ўрнининг арзонлиги;

– олтинчидан, талаб ва таклифнинг ўзгариши билан унинг фаолиятини ҳам тез ўзгартириш имкониятининг мавжудлиги;

– еттинчидан, бозор ҳолатига мослашувчанлиги.

Бозор муносабатлари шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг асосий ҳал қилувчи бўғини сифатида майдонга чиқади. Чунки, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодиёти айнан ушбу соҳани ривожлантирилганлик даражаси билан белгиланади. Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар ва улар асосида ишлаб чиқилган дастурлар ва уларни амалга оширилиши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва ҳудудий ички маҳсулот(ҲИМ)да улуши сезиларли даражада оширилишига эришилди.

*Г. К. Ўразбоева. **

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг негизини фуқароларнинг яхши яшаши учун шароит яратиб бериш, уларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш ташкил қилади. Мустақилликка эришилган дастлабки йилларданок, инсон ҳуқуқлари масаласи юқори даражага кўтарилган. Бунда асосий эътибор шахсларнинг ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қилишда фақат давлат органлари эмас, балки жамоат ташкилотлари масаласига қаратилган.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти ўқув – услубий бўлим ўқитувчиси-методисти

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” деган муҳим тамойилни амалга оширишда биз аввало, ана шу ижтимоий институтларнинг куч ва имкониятларига таянамиз. Шу муносабат билан халқ ҳокимиятининг энг муҳим пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»¹ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа ҳужжатларда муҳрлаб қўйилган талабларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз»¹ деб таъкидлаганлар.

Мамлакатнинг барқарор ривожланишида жамият ва шахснинг муносабатларини тартибга солувчи асосий механизмлардан бири бўлган давлат назорати муҳим роль ўйнайди. Айтиш пайтда, жамият, ундаги фуқаролик институтлари ва барча фуқаролар жамоатчилик назорати орқали давлат ва бошқарув, шу жумладан ички ишлар органлари субъектлари фаолиятини мавжуд ижтимоий меъёрлар, кадриятлар, ҳуқуқий андозалар ёрдамида назорат қилади. Айтиш пайтда, фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назорати ёрдамида ички ишлар органлари фаолиятига халақит бермаган ҳолда уни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга, коррупцияга қарши салоҳиятини оширишга, жиноятчиликка қарши кураш ва профилактикасини ташкил этиш сифатини яхшилашга катта ёрдам кўрсатади.

Шуни қайд этиш жоизки, жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳуқуқий меъёрлар пойдевор вазифасини бажаради. Ҳуқуқий меъёрларнинг асосий вазифасини бажариши жамоатчилик назоратининг ҳар бир қадами мавжуд ҳужжатлар асосида қўйилишини тақозо этади. Хусусан, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати:

Ўзбекистон Республикасининг Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун талаблари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги «Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3837-сон қарори;

2020 йил 16 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5980-сон Фармони ҳамда Ички ишлар вазирининг бир қатор буйруқлари ва бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Мадомики, ички ишлар органлари ўзининг функцияларини амалга оширишда жамоатчилик назорати субъектларидан келиб тушадиган ахборотдан фойдаланиши муҳим ҳисобланади, жамоатчилик назорати эса ўзининг функцияларини кўпинча тегишли давлат органларига муурожаат қилиш орқали амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига биноан: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига

¹Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т: Ўзбекистон НМИУ. 2016, – Б.13.

эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади. Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади» деб мустақамланган¹. Шу муносабат билан жамоатчилик назоратини ташкил этишда айрим олимларнинг фикрлари ўрганилди.

Жумладан:

Жамиятшунос олим Р.Оуэн биринчи бўлиб меҳнат муносабатларида жамоатчилик назоратини қўллаш масаласини илгари сурган². Е.А.Огневанинг таърифига кўра, «жамоат назорати бу – ривожланган фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлатнинг бир белгиси, муҳим хусусияти бўлиб, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳодиса сифатида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган жараён ҳисобланади», деб таъриф беради³.

Н.Н.Кулешова эса, жамоат назорати деганда нодавлат ташкилотлар, жамоат бирлашмалар ва алоҳида шахслар томонидан давлат ҳокимияти, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан умумий назорат тизимини ташкил этиш тизими тушунилишини ёзган⁴.

Давлатимиз раҳбари Конституциямизнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: «жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир»⁵ дея таъкидлаганлар.

Бинобарин, ХХ аср охирига келиб бир қатор муаммоларни ҳал қилишда, хусусан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокини таъминлаш ҳуқуқий жараённинг узвий таркибий қисмига айланди. Аммо, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрель кундаги «Жамоатчилик назорати тўғрисида»⁶ги ЎРҚ-474-сонли Қонунида давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари жамоатчилик эшитувларини ўтказишлари мумкинлиги белгиланган бўлса-да, бу норманинг амалиётда ишлатилиши ниҳоятда суст кечмоқда. Жамоатчилик фикрини ўрганиш институтидан эса, фақатгина санокли нодавлат, нотижорат ташкилотлар фойдаланишмоқда, холос.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // [хтпс://lex.uz/doss/20596](http://lex.uz/doss/20596)

² Лушников А.М., Лушникова М.В. Курс трудового права: Учебник Том 2 – М.: Статут, 2009. –Б.477.

³ Огнева Е.А. Общественной контроль в системе защита прав и свобод человека и гражданина в Российской Федерации. Диссертация.-Москва, 2015. –С.33

⁴ Кулешова Н.Н. О современном состоянии общественного контроля в России/Юридическая наука.–2011.– №2.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // [хтпс://lex.uz/doss/3679092](http://lex.uz/doss/3679092)

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрель кундаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-474-сонли Қонуни // [хтпс://lex.uz/doss/3679092](http://lex.uz/doss/3679092)

Ҳеч шубҳасиз, таъкидланганлар ички ишлар органларининг фаолиятига ҳам бевосита тааллуқли ҳисобланиб, тизим фаолияти устидан жаоматчилик назоратини ўрнатишга амалда самарали қўллаш лозимлигини тақозо этади. Ваҳоланки, Ички ишлар вазирлиги тизими кенг қамровли, ўзида бир қатор соҳаларни мужассамлаштирган мураккаб тузилмадир. Шу сабабли, мазкур тизимда амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг объектини тўғри аниқлаш ва уни тўғри йўналтира олиш ички ишлар органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шундай экан, бу ерда ҳақли савол туғилади, яъни, ички ишлар органларининг қайси тузилмалари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилиши мақсадга мувофиқ ва ушбу назорат тизимнинг қайси соҳаларига йўналтирилса, қўзланган мақсадга эришилади ва самараси юқори бўлади? Бу эса, таъкидланганидек, жамоатчилик назоратининг вазифалари ва объектини тўғри аниқлашни тақозо этади. Ҳолбуки, бу соҳадаги жамоатчилик назорати ички ишлар органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шахснинг ҳаёти ва соғлигини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жинойятчиликка қарши курашиш фаолиятининг қонунийлиги ва жамоат манфаатларига мувофиқлигини таъминлаш, тайёрланаётган ва қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг қонунчилик ва жамоат манфаатларига мувофиқлигини ўрганиш, кадрлар, молиявий ва бошқа ресусларни оқилона тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш, тизимда коррупциянинг олдини олиш, кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини ошириш, тўлиқлиги ва улардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали фаолиятни баҳолаш ва ички ишлар органлари тўғрисида ижобий жамоатчилик фикрини ва унга бўлган ишончни шакллантириш каби вазифаларни амалга оширишга қаратилади.

Айни пайтда, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддаси¹да «Давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида:

жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга;

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлашга;

ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга;

давлат хизматларини кўрсатишга;

ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объекти сифатида белгиланиши мумкин»лиги кўрсатилган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунида ички ишлар органларининг

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон.

жамоатчилик назорати объектларига аниқлик киритилмаган, гарчи, ушбу Қонуннинг 9-моддаси (очиклик ва шаффофлик принципи) жисмоний ва юридик шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилиши қонун билан чекланган ахборотлардан ташқари ички ишлар органларининг фаолияти ҳақида, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ҳаққоний ахборотни олиш ҳуқуқини беради.

Шу нуқтаи назардан, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ (13-модда), «Ички ишлар органлари тизимида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармалари (бўлимлари), жазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органларининг ўта муҳим ва тоифаланган объектлардаги бўлинмалари, шаҳар ички ишлар бўлинмалари ва ички ишлар органларининг таянч пунктлари, шунингдек таълим ва тиббиёт муассасалари, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа бўлинма ва ташкилотлар, шунингдек, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқлар ва имтиёزلардан фойдаланадиган қоровул кўшинлари ҳамда халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича кўшинлар киритилган.

Кўриб турганимиздек, бундай ёндашув, албатта, кенг кўринишга эга, аммо самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш олдида турган вазифалар мажмуи, бундай объектлар тизимида муайян соҳанинг барча тузилмаларини максимал даражада киритилишини тақозо этади. Демак, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, унинг соҳавий ва ҳудудий тузилмалари, шунингдек ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этилган бошқа бўлинма ва ташкилотларни киритишимиз мумкин.

«Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланади. Шу жиҳатдан, Ички ишлар вазирлиги давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва аҳолини мамлакатдаги криминоген вазият, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек Вазирлик ва ички ишлар органлари зиммасига юклатилган бошқа вазифаларнинг амалга оширилиши тўғрисида тизимли равишда хабардор қилиб боради. Шунинг учун, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш муаммоси ички ишлар органларига фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, ҳуқуқ ва эркинликлари, мулк ва жамият манфаатларини жиноий ва бошқа қонунга хилоф тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган вазифалар ижросини самарали ҳал қилиш билан бевосита боғлиқдир. Бирок, ички ишлар

органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосий объектларидан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси юклатилмаган унинг таркибий тузилмаларидан иборат бўлган қўшимча объектларини ҳам ажратиш талаб этилади. Айти пайтда, бундай тузилмалар Ички ишлар вазирлигининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларининг фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган фаолиятни олиб боради. Масалан, Ички ишлар вазирлигининг Кадрлар бош бошқармаси, Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси, Тиббиёт бошқармаси, Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармаси, Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари ва бошқа шу кабилар бунга мисол бўла олади. Шу сабабли, жамоатчилик назорати нафақат ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки унинг мазкур йўналиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳаларига ҳам қаратилиши лозимдир.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб:

Ички ишлар органлари фаолияти устидан ўрнатиладиган жамоатчилик назоратининг объекти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, унинг таркибий, соҳавий ва ҳудудий тузилмалари, шунингдек ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этилган бошқа бўлинма ва ташкилотлар бўлиши мумкин. Бунда ички ишлар органларининг очиқ ва ошқора фаолият олиб борувчи тузилмалари устидан жамоатчилик назорати олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, Жамоатчилик палатасининг ва ҳудудий жамоатчилик палаталари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат, ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари, шунингдек ички ишлар органи ҳузурида тузилган жамоатчилик кенгашлари ва комиссиялари ички ишлар органлари фаолияти устидан ўрнатиладиган жамоатчилик назоратининг субъектлари ҳисобланади.

Жамоатчилик назорати субъектлари томонидан ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатишнинг амалдаги тартиби ташкилот ихтиёри ва унинг розилик бериш тамойилиги асосланган. Шу сабабли қонунчилик доирасида жамоатчилик назорати субъектларини ички ишлар органлари фаолияти устидан тўғридан-тўғри назорат ўрнатиш мумкин бўлган тартиб ва уни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилиши лозим.

Ички ишлар органлари устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун, ички ишлар органларининг фуқаролар ва жамоатчилик бирлашмалари билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш механизмларини такомиллаштириш тақозо этилади. Бунинг учун бу вазифани ички ишлар органи бошлиғининг ўринбосаридан бири зиммасига юклаш ва унинг функциясига киритилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/20596>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрь кунидаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-407-сонли Қонуни // <https://lex.uz/docs/3027843>
3. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрель кунидаги «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ЎРҚ-474-сонли Қонуни // <https://lex.uz/docs/3679092>
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т: Ўзбекистон НМИУ. 2016, – Б.13.
5. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // <https://president.uz/uz/lists/view/3119>
6. Кулешова Н.Н. О современном состоянии общественного контроля в России И Юридическая наука. 2011.№2. -С.21.
7. Лушников А.М., Лушникова М.В. Курс трудового права: Учебник Том 2 – М.: Статут, 2009. –Б.477

*М.Э.Болтаева**

ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИҚДАН ЖАБРЛАНГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда гендер сиёсати масалалари борасида ижтимоий-сиёсий ҳаётда ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттирилмаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Охирги йилларда мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш масаласига катта эътибор қаратила бошланди. Ҳақиқатдан ҳам, Олий Мажлисга бўлиб ўтган охирги сайловлар натижасида биринчи мартаба Ўзбекистон парламентида аёллар сони бўйича БМТ тавсиялари (камда 30 фоиз) тўлиқ бажарилди. Қонунчилик палатасига 32 фоиз, яъни 48 нафар аёл депутатлар сайлангани, сенат аъзоларининг қарийб 25 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши натижасида дунёдаги 190 парламента ичида Ўзбекистон парламентининг 37-ўринга кўтарилишини таъминлади.

2019 йил сентябрь ойида 2 та муҳим қонун – “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларни таъминлаш ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. 2020 йилда 950 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар ўқишга қабул қилинди, 2021 йил май ойида бўлиб ўтган Сенатнинг XV ялпи йиғилишида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди.

Маҳалла вазирлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси билан ҳамкорликда хотин-қизларни муаммоларини тизимли равишда ўрганиш жараёнида 433 мингга яқин хотин-қизлар “Аёллар дафтари”га киритилди ва бугунги кунда улардан 80 минг 175 нафарини муаммолари ўрнатилган тартибда ҳал этилди. 30 ёшдан юқори бўлган 11 минг нафар хотин-қизга тижорат банклари томонидан 1 трлн. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилишида

кўмаклашилди. 1 минг 246 нафар хотин-қизларга уй-жой сотиб олиш учун 21 млрд 746 млн. сўм миқдорда бошланғич бадаллар тўлаб берилди.

Жиноят содир этган ва ҳуқуқбузарликка қўл урган 42 нафар хотин-қиз кафилликка олинди ва муддатидан олдин жазодан озод этилди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь кунидаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармонида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида алоҳида банд (69-мақсад) ажратилганлигини ўзиёқ мамлакатимизда хотин-қизларимизга нечоғлик даражада эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

2022 йил 1 март куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар юзасидан видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқида, 2021 йилда аёллар тадбиркорлиги дастурлари доирасида 200 мингдан зиёд лойиҳаларга 2 триллион сўм кредит ва субсидиялар ажратилиб, 320 минг хотин-қизлар доимий иш ўринларига эга бўлганлиги, 190 минг нафар аёллар касб-ҳунарга ўқитилганлиги, “Аёллар дафтари” тизими доирасида 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак берилганлиги, 4 мингдан зиёд хотин-қизларга уй-жой тўловининг бошланғич бадалига маблағ ажратилганлиги, 2 минг нафар қиз алоҳида грант асосида олийгоҳларга қабул қилинганлиги, яна 1 минг 800 нафарига контрактлари тўлаб берилганлиги, натижада 2021 йилда олийгоҳларга кирган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этганлиги (2016 йилда бу кўрсаткич 38 фоиз бўлган), 1 минг 153 нафар аёлга юқори технологик тиббий операциялар бепул ўтказилганлиги қайд этиб ўтилган.

Шунингдек, Президентимиз 2022 йилда хотин-қизларга жуда катта имтиёзлар берилганлиги, жумладан, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган 23 минг нафар қизларнинг контракт пули тўлиқ бюджетдан қоплаб берилиши, бунинг учун бюджетдан 200 млрд. сўм ажратилиши, 2022 йил 1 сентябрдан хусусий секторда расмий ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик нафақасини давлат томонидан кафолатли тўлаб берилиши, эҳтиёжманд ёлғиз аёллар фарзандлари учун давлат боғчалари тўловлари бюджетдан қоплаб берилиши, шунингдек, айна пайтда аёлларимиз улуши паст бўлган аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишидаги ОТМларда хотин-қиз талабалар улуши ҳозирги 24 фоиздан 40 фоизгача етказилиши, бунинг учун ҳар йили хотин-қизларнинг талаба бўлишига

* МОИ Юридик фанлар кафедраси кабинет бошлиғи, подполковник.

1. Г.Маъруфова. Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – ислохотларнинг бош мезони. //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари журнали, 2-сон. –Т., 2021 й., 18-19 б.

квотанинг камида 50 фоизи аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишлари учун мақсадли ажратилиши ва бошқа имтиёзлар таъкидлаб ўтилди¹. Аммо, юқорида таъкидлаб ўтилган ижобий ишлар қанчалик кўп амалга оширилмасин, жамиятда хотин-қизларга нисбатан гендер ҳуқуқини бузилиши, айниқса тазйиқ ва зўравонликларни содир этилишига тўлалигича барҳам беришни имкони бўлмапти.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар, хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017– 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² нотинч оилалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг ота-оналари масъулиятини ошириш, кашандалик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикаси“ каби долзарб вазифалар назарда тутилган. Бу эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига илғор иш усулларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш бўйича фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик ташкил этишни тақозо этади.

Дунёдаги барча давлатларнинг миллий қонунчилигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, хусусан шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қимматини турли жинойт тажовузлардан ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида “инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос кадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлиги”³ эътироф этилган. Зўравонликдан эркалар ҳам жабрланиши мумкин, лекин хотин-қизларнинг зўравонликдан жабрланиш эҳтимоли юқорилиги, зўравонлик турлари, оғирлик даражаси ва келиб чиқадиган оқибатлар кескин фарқланишини инобатга олган ҳолда, сўнгги ислохотлар айнан уларни ҳимоя қилишга қаратилган.

Мазкур муаммо (латентлиги)нинг юқорилиги шундаки, жабрланувчилар ўзларига етказилган зарарни нормал ҳаёт деб тушуниши, оиласининг сири овоза бўлиб кетмаслиги ёки оила бузилиб кетмаслиги, ота-онаси ёхуд турмуш ўртоғининг обрўсини тўкмаслик учун ҳеч қаерга мурожаат қилмайдилар. Зўравонликнинг кўринишлари турлича бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида зўравонлик мазмуни ва унинг тўрт асосий тури белгиланган:

Жисмоний зўравонлик – оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга

¹ <https://review.uz/oz/post/shavkat-mirziyoyev-raislighida-xotin-qizlarni-qollab-quvvatlashga-bagishlangan-yigilishda-ayollar-uchun-qanday-yangiliklar-kiritildi>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., № 6., 70-модда.

³ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси БМТ Бош Ассамблеяси// <http://constitution.uz/uz/pages/human-rights>

ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш. Унинг турлари: а) шапалоқ тортиш, тешиш, турткилаш, мушт билан уриш; б) зарб билан итариб юбориш; в) турли ўткир буюм ва нарсаларни отиш; г) қурол билан хавф солиш ёки яралаш; д) уйдан чиқишга жисмонан йўл қўймаслик; е) кечаси ухлашга қўймаслик...

Рухий зўравонлик – хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, репродуктив соҳада назорат қилиш, ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки рухий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик). Унинг турлари: а) ҳиссиёт ва ҳис-туйғуларни тан олмаслик; б) унинг фикрлари устидан кулиш; в) жазо чораси сифатида жабрланувчининг ҳиссиётларига эътибор бермаслик; г) ёлғон сўзлар айтиб, ундан ўз манфаати йўлида фойдаланиш; д) унинг дўстлари ва қариндошларига хавф етказаман деб кўрқитиш ва улар билан алоқа қилишга йўл қўймаслик; е) жабрланувчи билан оммавий жойларга чиқишдан бош тортиш; ж) қариндош-уруғлар орасида шарманда қилиш; з) уйдан кетишини айтиб кўрқитиш; и) касал ёки ҳомиладор бўлганда унга ёрдам беришдан бош тортиш, тиббий ёрдам олишига қаршилик кўрсатиш; к) доимий равишда танқид қилиш, хафа қилиш, ғазабга келтириш, яъни (сен жуда семизсан ёки озгинсан, ахлоқсан, энг бўлмағур онасан, тўшақда бўлмағур шериксан) ва ҳоказо.

Жинсий зўравонлик – хотин-қизларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш. Унинг турлари: а) эркакнинг аёли билан фақат жинсий объект сингари муомала қилиши; б) жинсий алоқадан бош тортиш ёхуд аёлга мулоимлик қилмаслик; в) жинсий алоқа қилишда мажбурий хатти-ҳаракатлар қилдириш; г) жинсий алоқани ўта шафқатсизлик билан амалга ошириш; д) зўрлаш йўли билан жинсий алоқа қилишга киришиш; е) аввал калтаклаб, кейин жинсий алоқа қилиш; ж) порнографик кўринишдаги бузук хатти-ҳаракатларни кўришга ёки такрорлашга мажбурлаш; з) доимий равишда ҳаммага рашк қилиш ва кимлар биландир зинокорликда айблаш ва ҳоказо.

Иқтисодий зўравонлик – хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озик-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик). Унинг турлари; а) бирламчи эҳтиёжлари (озик-овқат, кийим-кечак, дори) учун асосиз пул бермаслик; б) уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш; в) таълим олиш ва меҳнат қилишга рухсат бермаслик; г) қанча пул сарфлашини назорат қилиш; д) ўзи топган пулни тасарруф этишга йўл қўймаслик; е) оила бюджетидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва ҳ.к. ҳаракат (ҳаракатсизлик)да намоён бўлади.

Бугунги кунда ҳудудларда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни

аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, жиноятларнинг содир этилиши сабаблари, шахсда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва хусусиятларнинг шаклланишига ҳамда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига, қонунга ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиладиган омиллар оиладаги муҳит таъсирида юзага келади.

Зеро, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишида оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит муҳим роль ўйнайди. Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва салбий иллатларнинг томири оилада шаклланади. Оила шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзини тутиш каби инсоний хусусиятларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг 40 фоизи, ҳар тўртта қотилликнинг биттаси, қасддан баданга шикаст етказишларнинг ҳар бештадан биттаси, ҳақорат қилиш ва тухматнинг саккизтадан биттаси айнан оила-турмуш соҳасида содир этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг: “Оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда”¹ деган фикрлари мавзунинг қанчалик долзарб эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Ички ишлар органлари ходимлари тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишда биринчи бўғинлардан бири бўлиб, ходимларнинг малакаси ва зўравонлик содир этилган ҳолларда амалга оширилган дастлабки ҳаракатлари катта аҳамиятга эгадир. Зўравонликдан жабрланган аёлнинг профилактика инспектори давлат ҳимоясини таъминлай беришига бўлган ишончига келгуси ҳаракатлари боғлиқ.

Зўравонликнинг олдини олишда қуйидаги виктимологик чора-тадбирлари амалга оширилиши лозим:

1) виктимологик профилактиканинг умумий чора-тадбирлари: а) ушбу турдаги жиноятдан жабрланишнинг сабаб ва унга имкон берган шарт-шароитларини ўрганиш, уларни таҳлил қилиш, бу борада юзага келган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; б) зўравонликнинг профилактикаси ҳамда уни содир этувчи шахслар билан ишларни ташкил этиш; в) қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятларидан жабрланиш ва зиддиятли вазиятни келтириб чиқарадиган хатти-ҳаракатлардан сақланиш тўғрисида аҳолига тушунтириш ишларини олиш бориш; г) қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятларининг ўчоғи бўлган ҳудудларни аниқлаш ва ушбу жойларда мунтазам равишда умумий профилактик чора-тадбирларни ўтказиш; д) ўзига нисбатан тажовуз юзага келганида зарурий мудофаа ва охириги зарурат сифатида амалга оширилиши

¹ Мирзиёев Ш. М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. // Халқ сўзи. — Т., 2017 йил. 16 июнь. 7 Сўз боши

лозим бўлган ҳаракатлар юзасидан кенг тарғибот қилиш кабилар тавсия этилади¹.

2. Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган виктимологик профилактиканинг якка тартибдаги чора-тадбирлари:

а) жиноятдан жабрланишга мойил бўлган ёки жабрланган шахсларни аниқлаш, уларнинг рўйхатини шакллантириб бориш ва улар билан доимий равишда профилактик суҳбатлар ўтказиб бориш; б) виктимлик даражаси юқори бўлган шахслар билан суҳбатлар давомида уларга қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятларининг содир этилиш усуллари, келиб чиқадиган (моддий, маънавий, жисмоний) зарарлар тўғрисидаги маълумотлар асосида уларни огоҳликка чақиришга қаратилган чора-тадбирларни ўтказиш; в) жабрланишга мойил бўлган ёки жабрланган шахсларга ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш борасида якка тартибда профилактик чора-тадбирларни ўтказиш.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, тазйиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш бўйича саъй-ҳаракатларни доимий равишда изчил амалга ошириш содир этилаётган зўравонликнинг камайишига олиб келиши аниқ.

¹ “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида“ Қонуни

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| <i>Ахмедов О.Т.</i> Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш – энг олий қадрият..... | 3 |
| <i>Тультеев И.Т.</i> Некоторые вопросы обеспечения прав человека органами внутренних дел в условиях чрезвычайного положения..... | 8 |
| <i>Азизов Н.П.</i> Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашда “Хабеас корпус акт” институтининг ўрни ва аҳамияти | 12 |
| <i>Матчанов А.А.</i> Камситмаслик, айбсизлик презумпцияси, қамоққа олиш, хабар беришга оид халқаро стандартлар ва Ўзбекистон Республикаси жиноий-ҳуқуқий тизимда мазкур стандартларнинг қўлланилиши..... | 15 |
| <i>Тошқулов Ж.</i> Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкilotлар тўғрисида”ги янги қабул қилинган қонуни бўйича виждон эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлари..... | 22 |
| <i>Суванкулов М.И.</i> Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – демократик ислоҳотларнинг бош мезони..... | 28 |
| <i>Хатамов Ф.Ф.</i> Анализ международных стандартов и обязательств Республики Узбекистан в области противодействия торговле людьми..... | 37 |
| <i>Имамов А.Э.,Расулев У.Э.</i> О концепции прав и свобод личности в новом Узбекистане..... | 41 |
| <i>Тураббаев Х. А.</i> Соблюдение прав человека в экспертнокриминалистической деятельности..... | 45 |
| <i>Мухторов Ж.С.</i> Жиноий жазони ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масалалари..... | 49 |
| <i>Ибрагимова Н.М.</i> Хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси..... | 54 |
| <i>Квитков Я. М.</i> Особенности защиты прав человека в административно- государственной службе Республики Узбекистан | 58 |
| <i>Салиева Ш.У.</i> | |

| | |
|--|-----|
| Рақамли инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари..... | 62 |
| <i>Кадилова Б. Т.</i> | |
| Қийноққа қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати вазифаларининг ҳуқуқий асослари..... | 66 |
| <i>Таджиметов Ш.А.</i> | |
| Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари конституциямиз ҳимоясида..... | 75 |
| <i>Гафуров Ф.Р.</i> | |
| Валюта қимматликларини божхона чегараси орқали ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилишига қарши курашда инсон ҳуқуқларини таъминлаш – долзарб вазифа..... | 78 |
| <i>Муродов А.Ш.</i> | |
| Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш масалалари..... | 82 |
| <i>Муродов А.Ш., Насиров И.</i> | |
| Оила-турмуш доирасидаги жиноятларнинг шахс ва жамият учун салбий таъсири..... | 87 |
| <i>Абдуллаев Н.С.</i> | |
| Ўзбекистон Республикаси ИИБ ва Миллий гвардия ҳарбий хизматчи ва ходимларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш давомида фуқаролар билан муомала қилиш маданияти..... | 92 |
| <i>Юлдашев И.Р.</i> | |
| Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлашга оид халқаро стандартларнинг аҳамияти..... | 97 |
| <i>Бабаев Т.А.</i> | |
| Ижтимоий-сиёсий фанларда фуқаролик жамияти тўғрисидаги замонавий концепциялар..... | 102 |
| <i>Маматов З.М.</i> | |
| Специфика работы с волонтерами..... | 105 |
| <i>Маннонов А.М.</i> | |
| Ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари..... | 108 |
| <i>Субанов О.С.</i> | |
| Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини кафолатли таъминлашда давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини такомиллаштириш..... | 112 |
| <i>Якубов Ж. М.</i> | |
| Жиноят процессида шахснинг ҳимояланиш ҳуқуқи ва унинг мазмуни..... | 118 |
| <i>Якубов Ж. М., Бахрамов Х. Х.</i> | |
| Жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тушунчасига оид мулоҳазалар..... | 120 |
| <i>Ғаниев Ш.Х.</i> | |
| Суриштирув ва дастлабки тергов жараёнларида инсон ҳуқуқларини | |

| | |
|---|-----|
| таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари..... | 124 |
| <i>Хамраев Ж.Қ.</i> | |
| Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказишда айбсизлик презумпциясининг аҳамияти..... | 129 |
| <i>Абдибоситов А.А.</i> | |
| Жиноят-процессуал ушлаб туриш жараёнида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг норматив-ҳуқуқий кафолатлари..... | 131 |
| <i>Тошматов А.С.</i> | |
| Тезкор-қидирув фаолиятида криминалистикадан аҳамиятли ахборот манбаи сифатида фойдаланиш..... | 134 |
| <i>Гулматов Ў.Т.</i> | |
| Оилаларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда зўравонликни олдини олишда профилактика инспекторларининг ўрни..... | 139 |
| <i>Умурзоқов Б.Б.</i> | |
| Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда касбий маданиятининг аҳамияти..... | 143 |
| <i>Юлдашев Ш.Н.</i> | |
| Жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши..... | 148 |
| <i>Отаев Ў.М., Бейсенов К.С.</i> | |
| Ҳарбий ҳаракатлар вақтида тинч аҳоли ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш..... | 151 |
| <i>Рустамов М.М.</i> | |
| Жамоат хавфсизлигини сақлашда конституция ва миллий урф-одатлар муаммоси..... | 154 |
| <i>Тураев М.А.</i> | |
| Экстремизмнинг – инсон ҳуқуқларини хавфсизлиги учун таҳдиди..... | 156 |
| <i>Нуфтуллаев С.Г.</i> | |
| Зарубежный опыт, а также проблемные характеристики в сфере обеспечения телефонных переговоров в местах лишения свободы осужденным - с ограниченными возможностями здоровья..... | 159 |
| <i>Аҳмедов Ф.С., Рахимов Ш.К.</i> | |
| Озодликдан маҳрум этиш жойларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш..... | 166 |
| <i>Нурбоев У.Ш.</i> | |
| Ички ишлар органлари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари..... | 172 |
| Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари иштирокидаги ҳуқуқбузарликларни расмийлаштириш ва кўриб чиқиш фаолиятида инсон ҳуқуқларининг кафолатланганлиги..... | 177 |
| <i>Халмуратов А.О.</i> | |
| Киберпреступность и права человека: особенности правового регулирования и их взаимодействие..... | 183 |
| <i>Комилов Л.З.</i> | |
| Ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг | |

| | |
|--|-----|
| конституцион-ҳуқуқий асослари..... | 189 |
| <i>Бейсенов К.С., Ахмедов Ф.</i> | |
| Инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун ва моҳиятлари..... | 194 |
| <i>Бейсенов К.С., Отаев Ў.М.</i> | |
| Қийноққа солиш жинояти учун жавобгарлик бўйича халқаро стандартлар ва уларнинг ўзбекистон республикаси қонунчилигига имплементация қилиш амалиёти..... | 199 |
| <i>Ачилов М. Х.</i> | |
| Халқ билан мулоқот қилиш ва уларни муаммоларини аниқлашда “маҳаллабай” ҳамда “фуқаробай” ишлаш тизимининг бугунги кундаги ўрни..... | 203 |
| <i>Ўразбоева Г. К.</i> | |
| Ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари..... | 209 |
| <i>Болтаева М.Э.</i> | |
| Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш ва зўравонликнинг олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари..... | 215 |

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ИНСОН
ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференция тўплами

Босишга рухсат этилди. _____ 20__ й. Ҳажми 000 б.т.
Адади ___ нусха. Буюртма № _____.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,

100197, Тошкент, Интизор кўчаси, 68

«АКАДЕМИЯ НОШИРЛИК МАРКАЗИ»
Давлат унитар корхонасида чоп этилди.